

821.
A-50.



ALISHER
NAVOIY

ҒАРОЙИБ
УС-СИҒАР

1 жилд

821.
A-50.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ

Алишер Навоий

3378 -
—

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

Ўн жилдлик

1 ЖИЛД

Монография

ТОШКЕНТ
“О‘ZKITOBSAVDO” нашриёти
2020



УЎК: 821.512.133-14
КБК: 84(5Ў)1
А 50

Масбул муҳаррир:
Тўхлиев Б. – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
Жабборов Н. – Алишер Навоий номидаги Тошдўтау профессори,
филология фанлари доктори
Омонов К. – ТДШУ профессори, филология фанлари доктори

А 50

Комилов Н., Тўхлиев Б., Салоҳий Д., Давлатов О., Мамадалиева З.;
Алишер Навоий. “Фаройиб ус-сиғар”. Газалларнинг шарҳ ва изоҳлари. Ўн-
жиддик. 1-жилд. – Тошкент: “O’ZKITOBSAVDO”, 2020. – 220 б.

Таҳрир ҳайъати:
Давлатов О., Имомназаров М., Маннонов А.М., Маҳмудов Н.М.,
Муҳиддинов М., Омонов К., Раҳмонов Н., Рихсиева Г.Ш., Содиков К.,
Сирожиддинов Ш.С., Тўхлиев Б., Куронбеков А., Ҳаққулов И.Ч.

Монография Алишер Навоийнинг “Фаройиб ус-сиғар” девонидаги газал-
лар шарҳига бағишиланган. Шарҳлар адид газалларининг матни, уларнинг
вазн кўрсаткичлари, лугат ва насрый баён билан таъминланган.

Девонидаги газалларнинг яхлит ва изчил илмий шарҳи биринчи марта
амалга оширилмоқда.

Китоб илмий тадқиқотчилар, таълимнинг турли босқичларида фаоли-
ят юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар, талаба ва ўқувчилар, шунингдек,
Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига қизиқувчи барча китобхонларга мўл-
жалланган.

Монография ПЗ-20170930393 “Алишер Навоийнинг “Фаройиб ус-сиғар”
девонидаги газалларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги илмий изоҳ ва
шарҳларини яратиш” грант лойиҳаси асосида яратилган ҳамда Тошкент дав-
лат шарқшунослик университети Илмий кенгашининг 2020 йил 26 ноябрда-
ги 4-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6858-8-8

© ТДШУ, 2020
© “O’ZKITOBSAVDO”, 2020

ШАРҲЛАР АЛИШЕР НАВОИЙ ГАЗАЛЛАРИНИ ТАРФИБ ЭТИШНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 май-
даги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб
килиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирла-
ри тўғрисида”ти ПҚ-2995-сонли қарорида қайд этилганидай:
“Мустақиллик йилларида ҳалқимизнинг қадимий тарихи ва
бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз-авлиё-
ларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томон-
лама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, муқаддас қадамжолари-
ни обод қилиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида
тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди ва изчил да-
вом этирилмоқда.

Айни вақтда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар са-
марасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат
жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу борада
ишафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ғоят ноёб хи-
собланган, ЮНЕСКОнинг Бутунжаон маданий мероси рўйха-
тига киритилган қўлёзмалар фондига эга бўлган Ўзбекистон
Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти, шунингдек, қадимий
ёзма манбалар фондига эга бўлган муассасалар фаолиятини
такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади”¹.

Ўзбекистон қадимги манбаларнинг сақланиши, жаҳоний
титирофларга сазовор бўлган алломаларга, тарихий шахслар-
га бойлигига кўра мислсиз мамлакатдир. Уларнинг ўрганили-
ши жиҳатида ҳам юртимизнинг обрў ва эътибори кам эмас.
Лайинка, қадимги обидалар, хусусан, Ўрхун ва Энасой тош-
битиглари, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону лутот ит-турк”,
Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг”, Ахмад Юғнакийнинг

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 25 май, 103 (6797)-сони.

“Хибат ул-ҳақойик”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”и, “Кодекс куманикус” сингари асарларни ўрганишда ўзбек олимларининг тадқиқотлари алоҳида эътиборда эканини ҳам қайд этиш жоиз.

Алишер Навоий каби буюк мутафаукир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда бутун жаҳон олимларининг саъии ҳаракатлари тобора кенгайиб бормоқда. Бу борада ҳам ўзбек олимларининг байроқдор экаги кўнгилларда фахру ифтихор туйғуларини уйғотади. Биргина сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг йигирма жилдан иборат “Мукаммал асарлар тўплами” ҳамда ўн жилдан ташкил топган “Тўла асарлар тўплами”нинг нашр этилгани, икки жилдан иборат “Алишер Навоий. Қомусий сўзлик”нинг яратилгани фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Буларнинг ёнида “Хамса” достонлари конкорданси”нинг тузилиши ва китобхонлар қўлига етиб бориши адабий-маънавий ҳаётимиздаги улкан воқеалар сирасига киради.

Меросимизнинг қадимиyllиги ва бойлиги уларнинг ўрганилишини ҳам янгича даражаларга олиб чиқишни тақазо этмоқда. Бунда хорижий мутахассислар эътиборини жалб этиш ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Қўлёзмаларнинг қўплиги уларнинг ўрганилишини пайсалга солиш учун асос бўла олмайди. Албатта, ҳозиргача ҳам жуда катта миқёслардаги илмий-маърифий ишларнинг амалга оширилганини, манбашунослик ва матншунослик борасида улкан ютуқлар қўлга киритилганини тан олиш жоиз. Шунга қарамай, қилинган ишларнинг қилиниши лозим бўлганлари олдида жуда кичик эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Қилинаётган ишларнинг, амалга оширилаётган қўплаб илмий-тадқиқот натижаларининг жуда тор доираларда қолиб кетаёғани яхши маълум. Турли молиявий, моддий имкониятлар сабаби билан чоп этилаётган китоб ва мақолалар аддининг жуда чегараланган даражада қолаётгани таассуфлидир.

Назаримизда, мамлакатимиз китоб фонdlарида, турли олий ўқув юртлари, музей ва архивларда сақланаётган қўлёзма

ва тошбосма китобларнинг факсимел нашрларини, шунингдек, факсимел нашрларнинг электрон вариантларини босқич-ма-босқич, изчил тарзда мутахассислар эътиборига етказадиган сайтларга жойлаштириш вақти келди. Бунинг учун мана шундай ноёб асарлар жамланган муассасаларнинг тегишли техник ва бошқа моддий базаларини мустаҳкамлашни, уларни тегишли равишдаги замонавий билимларга эга бўлган мутахассислар билан таъминлашни кўзда тутиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Олий таълимнинг шарқшунослик, филология, тарих, ислом цивилизацияси тарихини ўрганувчи йўналишларидаги талабалар, шу соҳаларнинг магистрантлари тегишли фан асосларини бевосита қўлёзмалар устидаги машғулотлар асосида ўзлаштиришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда “кадрлар таркибини янгилаб бориш, қўлёзмалар билан ишлаш кўнижмасига эга бўлган ёш кадрлар захирасини шакллантириш” натифасини бажаришда узлуксизлик юзага келади, унинг бажарилишидаги узилишларга барҳам берилади.

Алоҳида тарихий, маърифий, илмий, умумфилологик ҳамда тарбиявий аҳамиятга молик бўлган қўлёзма асарлар ҳақидаги маълумотларни бошқаларга, хусусан, хорижий тадқиқотчилар эътиборига етказишини ўйлаб кўриш зарур бўлмоқда. Буни, албатта, соҳанинг қилини қирқ ёрадиган мутахассисларигина қила олади. Бунда илк илмий тавсиф намуналаридан бошлаб, ишчим аннотациялар, соҳавий ёки мавзувий тадқиқотлар тўпламларининг электрон шаклларига ургу бериш манфаатли бўлади. Асл манбаларни тезроқ илмий муомалага киритишнинг барча шакл ва усусларидан унумли фойдаланиш лозимлигини замонамиз шиддатининг ўзи тақазо этиб турибди.

Диссертациялар ва уларнинг натижалари ҳақидаги маълумотларни ҳам оммалаштириш йўлларини излаш керакка Ҳозиргача амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг энг муҳим натижарини кўпчиликка етказиша анчагина орқада қолишлар кўзга ташланади. Шу ўринда, айрим ҳолларда турли муассаса ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқот режаларидаги парал-

леллик ёки тақориийликнинг бош сабаби ҳам ахборотларнинг ўз вақтида тарқатилмаслиги ёки улардан бехабарлик билан боғлиқ эканлигини эътироф этишга тўғри келади. Бизнингча, уларни фақат ОАҚ сайтидагина эмас, балки иш бажарилган муассаса сайтида ҳам кенг тарғиб қилиш ўринли қўринади. Бунда асосий натижаларнинг аннотация шаклини фақат ўзбек ва рус тилларида эмас, балки инглиз, немис, француз, хитой, араб, форс, шунингдек, манба ва тадқиқот талаб этадиган бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши бу борада сезиларли ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Қарорда “араб ёзувидаги турли мавзуларга оид ёзма ёдгорликлар ва эпиграфика намуналарини тадқиқ қилиш, уларни асл ҳолида ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда илмий изоҳлар, таржималар билан нашр этиш, илмий муомалага киритиш” вазифаси алоҳида бандда кўрсатиб ўтилган.

Ҳар бир ўқув ва илмий муассасалар қошида электрон журнал ва тўпламлар миқдорини кўпайтириш ҳам бу борадаги муаммоларнинг тезроқ ечилишига ёрдам беришига шубҳа йўқ.

Шунга, кўра, уларни ўрганишнинг замонавий шакл ва усулларига тезроқ ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Назаримизда, юқорида кўрсатиб ўтилган қарордаги энг муҳим йўналишлардан бири “тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чукур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодимизни ҳалқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш” билан алоқадор.

Биргина Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди жаҳон илм-фанига, хусусан, адабиётшунолик ва тилшунослик илмига, жаҳон адабиёти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини кўрсатиб бериш жаҳоний миқёсларга кўтарилиши керак. Бунинг учун эса уларнинг ижодий мероси жаҳон ҳалқининг қўлига етиб бориши лозим. Кейинги пайтларда Туркия ҳамда Афғонистон олимла-

рининг бу борадаги сай-ҳарактларини олқишлиш лозим. Ағуски, бу силсилани давом эттиришда ҳали жуда катта оқсоқликлар сезилиб қолмоқда. Энг ачинарли жиҳатларидан бири шундаки, мутафаккир адаб ижодининг асосий қисми нисбатан кўпроқ таржима қилинган рус тилида ҳам тўла-тўкис амалга оширилган эмас. Мутахассислар, таникли шарқшунос олима Ия Васильевна Стеблеванинг заҳматли меҳнати туфайли юзага келган “Семантика газелей Бабура” номли монография туфайли Бобур лирикасига шайдоларнинг кўпайганини қайд этишади. Маълум бўлишича, ўзбек мумтоз адабиёти намуналари орасида инглиз тилига қилинган таржималар Заҳиридин Муҳаммад Бобур асрлари, хусусан, “Бобурнома” туфайлигина салмоқ касб этиб турибди, холос.

Бундай ҳолатар жаҳон навоийшуносларининг эътиборини айни мана шу муаммоларнинг бартараф этилишига жалб этиш зарурлигини кўрсатиб турибди. Демак, биз бу борадаги изланиш ва тадқиқотларга куч беришимиз зарур.

Тўғри, Алишер Навоий лирикасини, хусусан, унинг ғазалларини “ўқиб ва уқиб ўтмак” анчайин машақкатли юмуш. Бу юмушни ҳамма ҳам ўз зиласига ола билмаслиги ҳақиқат. Бунинг учун жуда катта маърифий, илмий-назарий тайёргарлик талаб этилади. Аммо уни уддалайдиган мутахассисларимиз ҳам оз эмас. Ҳамма гап бу вазифани бажариш учун сафарбарлигда қолмоқда, холос.

Юқеақ маърифий аҳамиятга молик бўлган асрларни таҳлил қилишдаги академизм, тилнинг ҳаддан ташқари оғир ва мужмалиги, услубдаги оғирлик ҳам китобхонлар эътиборининг сусайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бадиий асрларни, хусусан, мумтоз адабиёт намуналарини таҳлил қилишдаги табиий ва самимий жиддият, сўз қўллашда енгил ҳамда қулай шакл ва усулларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ қўриниади. Биз учун Азиз Қаюмов, Алибек Рустамов, Нажмиддин Комилов, Абдуқодир Ҳайитметов, Ёқубжон Исҳоқов, Иброҳим Ҳадқулов сингари кўплаб устозларнинг намуналари етарлича тарбия мактаби вазифасини адо эта олади.

Эндиликда айни фазилат ва хислатлар ёнида ўз тадқиқотларини, олинган асосий натижа ва хулюсаларни бир неча тилларда ифодалай олиш имкони ҳам заруриятга айланиб бормоқда. Демак, ёш татқиқотчиларимизнинг бир неча хорижий тилларни ўрганишлари учун даъват ҳам, рағбат ҳам зарур бўлади.

Алишер Навоий ўзбек адабиётида ғазал жанрини олий дарражага кўтарган буюк шоирдир. Унинг тўрт девондан иборат “Хазойин ул-маъоний” деб номланган йирик асарлари тўпламида тўрт девон бўлиб, Уларнинг ҳар бирида 650 тадан ғазал мавжуд. Уларнинг умумий сони 2600 тани ташкил этади.

Бу ғазаллар фақат сонига кўра эмас, балки ўзида мужассамлаштирган мазмуни, композицияси, юксак бадиияти билан ҳам беқиёсdir. Уларни мавзу қамровига кўра ишқий, тасаввуйий, табиат тасвирига бағишлиланган, ҳажвий ва бошқа туркумларга ажратиш мумкин.

Муҳими, уларда XV асрдаги адабий тилнинг барча имкониятларидан ниҳоятда санъаткорона фойдаланилган. Шунинг учун уларда тилимизнинг ўша давридаги ҳолати, кучи, қудрати, латофати, жозибаси тўла мужассамлашган дейиш мумкин. Бугина эмас, улар Алишер Навоийгагина хос бўлган шеърий иқтидорнинг, ғазалдагина намоён бўладиган нодир санъаткорликнинг ўзига хос ойинаси ҳамdir.

Бу ғазаллар мазмун-моҳиятини ҳозирги китобхоннинг, ўқувчининг тушуниши осон эмас. Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд. Уларнинг айримларини эсга олиш мумкин:

1. Бу ғазалларнинг ўша давр адабий тилида ёзилгани. Бу орадаги масофанинг салмоғи 500 йилдан кўпроқ дегани. Ўша давр тилига хос бўлган кўплаб сўзлар бугунги адабий тилимизда истеъмолдан чиқиб кетган.

2. Навоий қўллаган поэтик тил бадиий санъатларга шу қадар бойки, уларнинг барчасини илғаш, англаш ва тушунтириш ҳам бугунга келиб анча мушкиллашиб қолган.

3. Навоий лирикаси рамз – символларга жуда бой. Уларнинг ҳар бирини англаш эса қўшимча қийинчиликларни юзага келтиради.

4. Навоий ғазалларининг катта қисми тасаввуйий гоя ва мотивлар билан боғлиқ. Улардаги ҳар бир символ эса ўrniga қараб кўплаб маъно нозикликларига эга бўлиши мумкин.

Шунга қарамай кейинги пайтларда ғазалларни ўқиш, англаш ва бошқаларга тушунтириш борасидаги қизиқишилар кенгайиб бормоқда. Ушбу китоб шу йўналишдаги илк қадамлардан биридир. Ғазалларни шарҳлашда кўплаб олимларимиз иштирок этишган. Уларнинг ораларида ўзбекистон Фанлар Академиясининг академикларидан тортиб, мутлақо ёш тадқиқотчиларгача бор. Ҳар бир жилдда иштирок этувчи муаллифлар алоҳида кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир таҳлил – мақола сўнггида эса уларнинг номлари алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Алишер Навоий асарларини, хусусан, ғазалларини тушуниш анчайин мушкул вазифалардан бири бўлиб турибди. Агар “Хазойин ул-маъоний” таркибидағи тўртта девоннинг ҳар бирида 650 тадан, жами 2600 та ғазалнинг мавжудлигини эътиборда тутсак, бу борадаги ишларнинг нақадар қийин ва машаққатли эканини тасаввур қилиш осонлашади. Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори, филология фанлари доктори Б.Тўхлиев раҳбарлигидаги бир гурӯҳ олимлар мана шундай улуғвор ишга астойдил бел боғлашган. Ҳозиргача бу борада “Навоийни ўрганамиз”, “Навоий ғазаллари. Насрий баён, изоҳ ва шарҳлар”, “Навоий ғазаллари. Насрий баён, изоҳ ва шарҳлар”, “Навоий ғазаллари. Насрий баён, изоҳ ва шарҳлар” сингари бир неча китоблар чоп этилди. Мазкур китоб мана шу силсиланинг давоми сифатида юзага келган.

Навоий асарларини шарҳлашда ҳозиргача академиклар, А.П.Киумов, А.Рустамов, профессорлар Н.Маллаев А.Хайитмөтев, А.Лабдуғафуров, С.Фаниева, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Б.Тўхлиев, Н.Жумаев, Д.Салоҳий, филология фанлари номзодлари, доцентлар В.Рахмонов, Ё.Исҳоқов, К.Муллаҳўжаева, Д.Юсупова, З.Мамадалиева, адаблар Э.Воҳидов, Мухаммад Али, Жамол Камол, Матназар Абдулҳаким, Мирзабек Кенжа, ва бошқалар баракали меҳнат қилишган.

Китобнинг яратилишида бир қатор ўзига хосликлар мавжуд. Хусусан:

1. Дастрлаб ғазал матни берилади, сўнг унинг вазни кўрсатилиди, тегишли луғатлар илова қилинади.

2. Ҳар бир байтнинг насрй баёни келтирилади.

3. Шундан сўнг сўз, мисра, байтларнинг маърифий ва ирфоний маънолари изчил шарҳланади.

Шарҳларда Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазалидаги ўзига хосиклар, айниқса, уларнинг мавзуси, маъно қамрови, сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари, адебнинг ифода тарзи ва поэтик маҳоратига алоҳида ургу берилади. Бунда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

1. Куръон ояллари ва уларга қилинган ишоралар: “Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор ул-худо”, тубо, дуо, айн ул-яқин ва бошқалар.

2. Алоҳида сўз ва иборалар: “оби ҳаёт”, “Хизр чашмаси”, “Оинаи Искандарий” ва бошқалар.

3. Шахс номлари:

3.1. Қуръонда қайд этилган пайғамбарларнинг номлари: Одам, Исо, Мусо, Нуҳ, Сулаймон, Хизр, Юсуф, Яъқуб, Ҳорут ва б.

3.2. Тарихий ва афсонавий шахслар номи: Айюб, Баҳром, Жамшид, Искандар, Намруд, Султон Ҳусайн, Яъжуҷ...

3.3. Айрим асар қаҳрамонлари: Вомик, Лайли, Мажнун, Фарҳод,

3.4. Географик номлар: Адан, Ажам, Араб, Дажла, Жом, Исфаҳон, Канъон, Кашмир, Мусалло, Табриз, Хитой, Ҳутан, Ҳири...

3.5. Илми нужумга оид атамалар: ахтар, даври қамар, Зуҳал, Зухра, Муштариј, Сурайё,

4. Этник номлар: араб, арман, барлос, лўли, тотор, турк, туркман, ўзбек,

5. Куйларнинг номи ва мусиқий атамалар: Ҳижоз, Наво,

6. Тасаввуфий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: вайронা, жом, жоми Жам, зарра, зулф, кўз, май, майхона, мурид, муршид, ой, оҳ, пир, ринд, соқий, соғар, ҳаробот, хол, чашми фаттон, қуёш,


7. Айрим шеърий санъатларни тушуниш учун изоҳлар. Бунга нисбатан мураккаброқ истиора, ташбех, талмех, лаффу

нашр, таърих ва китобат санъати ва б. билан боғлик тушунтиришлар киради.

8. Ўрни-ўрни билан Навоий ғазалларидағи айрим байт, мисра ёки тушунчалар изоҳида адебнинг ўз ижодига мурожаат қилинган бўлса, айрим ҳолларда бу вазифани бошқа ижодкорларнинг асарлари ёки адабиёт, жумладан, тасаввуф адабиёти тарихидаги бошқа факт ва ҳодисаларга мурожаатлар адо этган.

Буларнинг барчаси ҳазрат Алишер Навоий ғазаллари матни остида яшириниб турган гўзал ва бетакрор “маъни аруслари”нинг янгидан юз очишига кенг имконлар яратади. Улар бугунги замондошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг мутафаккир адеб ижодий ҳазинасидаги нодир дурдоналарни яқиндан, бевосита мушоҳада қилишлари учун ўзига хос ижтимоий-маънавий муҳитни ҳосил қиласди.

Боқижон Тўхлиев



“Ғаройиб үс-сиңар”

“Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо...”

Ашрақат мин каси шамсил-каъси анворул-худо,
Ёр аксин майда күр, деб жомдин чиқди садо.

Ғайр нақшидин күнгүл жомида бүлса занги гам,
Йүқтүр, эй соқый, майи вахдат масаллик ғамзудо.

Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,
Жом ўлур гетинамо, Жамшид – ани ичган гадо.

Жому май гар бүйладур, ул жом учун қилмоқ бүлур
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Дайр аро хуш ахли расво бүлғали, эй муғбача,
Жоми май тутсанг мени девонадан қил ибтидо.

Токи ул майдин күнгүл жомида бүлғач жилвагар
Чеҳраи мақсуди маҳв ўлғой ҳамул дам моадо.

Ваҳдате бүлғай мұяссар май била жом ичраким,
Жому май лағзин деган бир исм ила қылғай адо.

Сен гумон қылғандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона ахлин, зоҳидо.

Ташналаб ўлма, Навоий, чун, азал соқийсидин
“Ишрабу, ё айюҳал-атшон” келур ҳар дам нидо.

-V-- -V-- -V-- -V--
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо – Қуёш ко-
сасининг аксидан ҳидоят (йўл кўрсатувчи, раҳнамолик қилувчи)
нурлари порлаб чиқди.

Ёр – дўст, севгили. Аммо бу ўринда Худованд маъносига кел-
тирилган.

Акс – илоҳий нурнинг тажаллийси, жилоланиб, порлаб кўри-
ниши.

Май – ичимлик. Орифона маънода илоҳий тажаллийдан
сархушлик, муҳаббат завқининг тўлиб-тошиши.

Жом – май ичиладиган идиш, коса. Бу ерда: 1) ориф инсон қал-
би; 2) илоҳий тажаллий акс этган моддий дунё, борлиқ маънолари-
да келган.

Файр – Аллоҳдан бошқа нарсалар, яъни дунё. Файр нақши –
дунё ташвишлари.

Соқий – 1) яқин дўст; 2) маъшуқа; 3) пири комил; 4) парварди-
гор. Бу байтда пири комил маъносига келтирилган.

Майи ваҳдат – бирлик, ягоналик майи. Орифона маънода
Худо дийдорига ошиқ инсоннинг қалбига илоҳий нур порлаб, руҳи
Мутлақ руҳ билан қўшилиши ва шу туфайли олий маънавий лаззат
топиши. Айни пайтда илоҳийлик ва моддийликнинг бирлашуви,
жамуљам бўлишини ҳам англатади.

Масаллик – каби, ўхшаган, бамисоли

Ғамзудо – ғамни, дунё ташвишини кетказадиган

Зарф – идиш

Синган соғол – сопол коса парчаси, кўчма маънода синиқ
кўнгил, ҳоккорлик

Гетинамо – оламни кўрсатувчи

Жамшид – қадимги Эрон подшоларидан

Нисор – бағишлаш, тухфа қилиш

Дайр – зардустийлар ибодатхонаси, бутхона, насроний ро-
ҳиблар йиғиладиган жой, шунингдек, дунё маъносига ишлатила-
ди. Тасаввуфда ориф инсонлар мажлиси, пири комил хузури. Чу-
нончи, дайр пири шу маънодадир.

Мугбача – зардустий оташпастлар ибодатхонаси (дайр)нинг
хизматкори. Тасаввуфий маънода пирнинг сўзи ва насиҳатлари,
файзу тароватини муридларга етказувчи киши

Девона – илоҳий жазба теккан ошиқ инсон

Ибтидо – бошлаш, аввал, бошланадиган жой

Чехрайи мақсад – мақсад юзи. Аллоҳ нурининг порлаб намо-
ён бўлиши, илоҳий ҳақиқатнинг аёналашуви

Маҳв бўлмоқ – йўқолиш, кўринмай қолиш, эриб, қоришиб ке-
тишиш

Маодо – Аллоҳдан ўзга нарсалар, яъни моддий дунё

Ваҳдат – бирлашиш

Лафз – сўз, ибора

Нафй – танқид, инкор

Майхона – комил инсон мажлиси, орифлар сұхбат қиласиган
жой

Зоҳид – умрини тақво ва тоат билан ўтказадиган парҳезкор
одам

Азал соқийси – Аллоҳ таоло

“Ишрабу ё айюҳал-атшон” – ичингиз, эй ташналар (Куръон,
Бақара сураси, 60-оят).

Нидо – овоз, садо

Насрий баён

Эрталаб чиқсан қуёш косасининг аксидан ҳидоят нурлари пор-
лаб кўринди ва Худонинг жамолини унинг тажаллийсида кўр, деб
оламдан садо чиқди.

Эй соқий, агар Худодан ўзга ташвишлар, моддий дунё ғаму андухи
кўнгил ойнасини кир қиласа бўлса, бу кир – зангни факат илоҳий та-
жаллий нури, шу нур завқи билан ювиш мумкин.

Бу нур, бу май шундай ажойибки, унга бир синган сопол коса бўлаги – фақир киши кўнгли ҳам идиш бўлиши мумкин, ўшанда жом – бутун оламни кўрсатадиган бўлади ва бу жомдан май ичган, яъни тажаллий нуридан баҳра топган одам, гадо бўлса-да, ўзини подшодай ҳис этади.

Агар жом билан май шунака бўлса, бу жом учун юз жаҳонни бағишласа, бу май учун минг жонни фидо қиласа арзиди.

Эй пир сўзини келтирувчи, пир мажлисида хушёrlар хушини йўқотиб, бехуду расво бўлиш учун йиғилган экан, агар пир муждаси, сўзини етказмоқчи бўлсанг, буни мен девонадин бошлагин.

Шунда бу илоҳий нур – майдан кўнгил жоми ёришиб кетиб, чехрайи мақсад – Аллоҳ жамоли намоён бўлади ва ўша заҳоти Аллоҳдин бошқа нарсалар йўқолади.

Шундай ҳолатда май билан жом, яъни илоҳий тажаллий билан дунё ёки кўнгил орасида бир яқинлик, бирлашиш юз берадики, “жом” ва “май” сўзларини талаффуз қилган одам ҳар иккисини бир ном (сўз) билан ифодалаши мумкин.

Эй зоҳид, сен ўйлаётган жому майни айтиётганим йўқ, чунки бу сен назарда тутган жому май эмас, билмасдан дарвешларни маломат қилма.

Эй Навоий, азалий зот – Парвардигори олам тажаллийси нуридан бебаҳра бўлма, чунки Унинг ўзи ўз қаломида “Ичинг, эй ташналар!” деб қўйибди.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг тўрт девондан иборат “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) номли лирик шеърлар тўплами ушбу ғазал билан бошланади. Анъанага мувофиқ ғазал матлаи (биринчи байти)нинг биринчи мисраси араб тилида битилган. Худди шу арабча жумла мазмуни кейинги байтларда давом эттирилади ва шоир назарда тутган маънолар бирин-кетин равшанлашиб, турли ташбех-тимсоллар, истилоҳлар билан ўқувчига етказилади.

Бугина эмас, ушбу ғазал ўзидан кейин келадиган ғазаллар учун маълум маънода дастурий хусусиятга эга. Яъни унда улуғ шоир дунёқарашининг асосий йўналиши акс этган ва у кейинги ғазалларда давом эттирилган. Шу маънода мазкур ғазал маъноларини

тўғри тушунган одам Навоий девонларидағи бошқа ғазалларни ҳам англаб етишга калит топади ва шоир идеаллари оламига кириб боради.

Ғазалда оламнинг илоҳий моҳияти ва буни англаган инсон завқу шавқи, қалб сурори ифодаланган. Ҳудудсиз бу олам Яккаю ягона Аллоҳнинг тажаллий нури билан барҳаёт, мунаввар ва жозибали. Шукур, шу қудрат барча жисмларни бир-бири билан вобаста этади, улуғ мунтазамлиқда сақлайди, барқарор ва пойдор этади. Ушбу нурнинг Қуёш кўринишида бекиёс неъмат бўлиб, ҳар саҳар порлаши, барча жонзотлар, жумладан, Инсон қалбини шодликка лиммо-лим этиши аён ҳақиқат. Аммо Қуёш ҳам бир тимсол, бир ташбех, холос. Илоҳий ҳақиқат, тажаллий бундан-да улкан, у жами борликни, жумладан, қўёшни ҳам қамраб олади. Бу Ҳақиқат ва бенитиҳо Қудратни ориф инсон, пири комил англаб етади. Буни англаган ориф, вали зотлар ҳам қалблари порлаб, шу маърифат нурини бошқа талабгорларга етказадилар. Ёр акси билан ошно этадилар.

Дикқат қилсангиз, ғазалда жом ва май истилоҳлари бошидан охиригача бир-бири билан боғлиқ, аммо хилма-хил талқинларда давом этган. Жом моддий дунё, май эса Ёрнинг тажаллийсини акс эттирувчи ва унга боғланган кўнгил ишқи түғёнини англатувчи тимсоллар экан, бунда уч маъно бир-бири билан боғлиқ ҳолда зухур этади: 1) илоҳий нур жилоси; 2) дунё; 3) инсон қалби.

Инсон агар факат дунё ташвишлари (занги) билан боғланса, у Илоҳий нурдан бебаҳра қолади. Холбуки, инсоннинг олий мақсади – ўз аслиятини идрок этиш ва унга қайтишдир. Шу боис у кўнгил кирларини ювиб, уни Аллоҳ нури акс этган жомга айлантириши лозим, чунки ана шу даражага етган одам дунёнинг ўзи Аллоҳ жамоли акс этган мазҳар ва жом эканини англаб етади. Шунда инсон ўзини қудратли, мукаммал ҳис этади ва факир, хоксор бўлса ҳам бу муҳаббат оташида пишиб, подшо Жамшиддан кучлироқ сезади. Бунда қўйидаги ривоятга ишора ҳам бор: дейдиларки, шоҳ Жамшид майни ихтиро қилгандан кейин, донишмандлар кўмагида шундай бир жом ясатган эканки, агар унга май тўлдирсалар, бутун олам ва унинг воқеа-ҳодисалари акс этаркан. Жамшид, бутун оламни шу жомда кўриб турар экан (Искандар ясаттирган кўзгу ҳам шундай хусусиятга эга бўлган, дейишади).

Алишер Навоий шу ривоятларга ишора қилиб, биринчидан, ориф инсон қалби ҳам оламни ва илоҳий тажаллийни кўрсатадиган кўзгудир, чунки у Ишқ, илоҳий сирлар, ҳикматларга тўла деган ғояни ифодаласа, иккинчидан, дарвешнинг синиқ кўнгли (“синғон сафол”) Жамшид каби шоҳлар қадаҳидан ҳам эътиборлироқ, қимматлироқ бўлиб, айни шу “синиқ кўнгиллар” Илоҳ нурини акс эттириб, дунёни кўрсата олади, деган фикрни билдиради.

Ушбу “синиқ кўнгиллар” садоқати, муҳаббати уларни пири комилларга яқинлаштиради ва улар тажаллийёт майини биринчи бўлиб ичадилар. Ҳол мартабасига кўтариладилар ва бундай вақтда улар учун жом ва май, яъни дунё ва илоҳ, кўшилиб кетади. Парвардигор кудрати, жамолини бутун моҳияти билан ҳис этиб, сархуш бўлишади.

Навоий бу ўринда Илоҳий тажаллий билан моддий олам инсонда бирлашган деган ваҳдат ул-вужуд таълимоти ғоясини олга суради: май билан жом орасида шундай бир ягоналик ҳосил бўладики, қайси дунё, қайси илоҳ, эканлигини ажратиш мумкин бўлмай қолади.

Шундан кейин шоир дарвешлар тилга оладиган “май”, “майхона” сўзларини тушунмай, уларни мазаммат этадиган зоҳирбин, маънолар сиридан бехабар зоҳидни танқид қиласди ва Куръон оятига ишора этади. Бу оятда Мусо пайғамбар ўз қавмини Мисрдан олиб чиқиб кетаётганда, қавм Мусога чанқоқликдан нолиб мурожаат қиласдилар. Шунда Мусога “Ҳасссангизни қояга уринг” деган ваҳий келади. Парвардигорнинг бу мұждасини эшитган Мусо ҳасасини қояга урганда, булоқ пайдо бўлиб, шарқираб сув оқади...

Яъни, Аллоҳ кудратининг чек-чегараси йўқ, олам Унинг нури билан тўлиқ экан, буни англаш, бунга етишиш ва моддий ҳаёт билан маънавий ҳаётни файзли, мазмунли қилишга интилиш лозим, деган ғоя Навоий ғазалининг мағзини ташкил этади. Шоир айни шу фикрни қатор асарларида ифодалаб, ҳаёт ва инсонийлик маъноларини руҳий юксалиш билан боғлаб талқин этади. Кейинги газаллар шарҳи бунга мисол бўлади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Зиҳи ҳуснунг зухуридин тушуб ҳар кимга бир савдо...”

Зиҳи ҳуснунг зухуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо.

Сени топмоқ басе мушкилдуур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолинг пинҳон, vale пинҳонлигинг пайдо.

Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.

Не ишта бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,
Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайлло.

Қуёшға гаҳ қизармок, гаҳ сарғармок, эрур андин,
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомик,
Юзунгдин гар узори боғида гул очмади Узро.

Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,
Недин, бас, ляъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро.

Жамолинг партавидин шам ўти гар гулситон эрмас,
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо?

Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни
Ки мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.

Қаноатнинг далилин инзуво қилдинг, яна бир ҳам
Далил ушбуки қониъ ҳарфидин халқ айладинг анқо.

Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қылсун,
Тикан жаннат гули васфин қылурда гүнг эрүр гүё.

V --- V --- V --- V ---
мафоййлун мафоййлун мафоййлун мафоййлун
хазажи мусаммани солим

Лугат

Зиҳи – офарин, қойил, ажойиб

Зуҳур – кўринмоқ, намоён бўлмоқ, ошкор бўлмоқ

Савдо – хойу ҳавас, девоналик, ташвиш, орзулар, ури-
ниш-интилишлар

Кавнайн – икки дунё

Бозор – кўчма маънода: ташвиш-талашишлар, муомала-муно-
сабат, дунёвий ҳаёт

Пинҳон – яширин, кўринмас

Пайдо – равшан, очиқ, кўринадиган

Оташгоҳ – олов қўраси, ўчоқ, оловли жой. “Чаман оташгоҳи” –
гулзор, очилган қизил гуллар

Самандар – афсонага кўра оловда туғилиб, олов ичида яшай-
диган жонивор

Шайдо – ошиқ, ошуфта, маству девона

Сунъ – санъаткорлик, яратиш, ижод қилиш

Узор – юз, чехра

Музмар – яширин, беркитилган, нарсанинг замирида яширин-
ганлик

Хоро – қаттиқ, тарашланмаган тош

Партав – нур, шуъла, чақин, сафо

Гулситон – гулистон

Халилосо – Халил каби. Халил – Иброҳим пайғамбарнинг ла-
қаби, Худонинг дўсти дегани. Қуръонда келтирилишича, у подшо
Намруд томонидан гулханга ташланган, аммо ёнмаган

Малоҳат – мулоҳимлик, жозибадорлик, дилкашлик

Сарвқад – тик ва гўзал қомат

Инзиво – узлат, гушанишинлик, одамлардан ўзини четга олиш

Қонеъ – қаноатли одам

Анқо – афсонавий қуш, топилмас, кўринмас қуш, Симурғ.

Алиф – араб ёзувининг биринчи ҳарфи. Тикка бўлган учун гу-
зал қоматлар унга ўхшатилган

Насрий баён

Эй Тангри, ажойибки, Сенинг ҳуснингнинг намоён бўлиши –
порлашидан ҳар кимда бир талпиниши ҳосил бўлибди. Бу ташвиш,
орзу-ҳаваслардан икки дунёда юз хил фавғолар юз бериби.

Сени топмоқ жуда қийин, балки топмаслик осонроқ, чунки
кўринишинг яширин, аммо яширинганинг кўринишингдир.

Гулзорлар, боғларга оловранг гуллардан ўт-аланга солдинг,
ошиқ шайдо булбул бу гулзор – оловга ўзини самандардек отиб,
кулга айланди.

Агар Лайлининг юзи кўзгусида аксинг кўринмаса эди, Мажнун
бунча беором бўлмаган бўларди.

Қуёшнинг баъзан қизариши (шафак), гоҳида сарғайиши (кун-
дузи) Сендандир, зеро, санъатинг бояғида юз минг раъно гуллар си-
ғити мавжуд.

Узро юзининг гули яшнаб очилмаганда Вомиқ булбул каби
бунчалик ишқ ўтида ёниб куйламаган бўларди.

Сўзингни Ширин лабида яширмаганингда, Фарҳоднинг конли
ёшидан қаттиқ тош лаълга айланармиди?

Сенинг жамолинг порлашидан агар шамнинг шуъласи гулис-
тондай бўлиб кўринмаганида, парвона Иброҳим пайғамбардай
ўзини оловга ташлармиди?

Сарвқомат гўзал инсонлар қоматини дилкаш, жозибали қилиб
яратдинг, яъни гўё ул алифни чиройли қилиб безатдинг.

Қаноатнинг далилини узлат деб белгиладинг, яна шуки “қо-
неъ” сўзидан “Анқо” сўзини келтириб чиқардинг.

Навоий қайси тил билан Сени мақтасин, ахир тикан жаннат гу-
лининг васфин қилишда соқовдир.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал девондаги биринчи ғазалнинг бевосита мантиқий давомидир. Биринчи ғазалда ифодаланган моддийлик ва илохийликнинг бирлиги (ваҳдати) ҳақидаги фикр иккинчи ғазалда айтиш мумкинки, мисоллар билан тушунтирилган. Яъни Аллоҳ тажаллийси борлиқни қамраб олгани, ҳаракатга келтириб туриши, жумладан, инсон зоти, уни ўраб олган муҳит, ҳаётнинг балқиб, яшнаб туриши, товланишлар, интилиш ва талпинишлар, яратиш ва бузилишлар, муҳаббатнинг узилмас торлари-ю азоб нашидаси – ҳаммаси шу тажаллиёт зухуридан эканлиги тасвирланади. Аммо буни ҳамма ҳам идрок этмайди, ваҳдат ул-вужуднинг бу сирини англаған одам, ҳаёт маъноси, инсонийлик-маъносини чуқурроқ англаб етади, – дейди шоир.

Аллоҳ зотини ҳеч ким кўра олган эмас, лекин унинг сифатлари, нури бутун борлиқда мавжуд. Шу боиским, булбул гулга талпинади, гулзор ҳусну жамоли уни мафтун этади, у ўт ичиди пайдо бўлган самандардай, ўзини гулзор олови ичига отади. Худди шу каби парвона ҳам айни шу илохий қудрат туфайли шам шуъласига талпинади ва оловга қўшилиб ёнади. Шу қудрат, шу куч Вомиқни Узрого, Мажнунни Лайлига, Фарҳодни Ширинга ошиқ қилиб қўйган. Чунки Узро, Лайли, Ширин жамоли – ҳар бири бир мазҳар. Яъни тажаллийёт нури акс этган нуқта, марказ. Вомик, Мажнун, Фарҳод бу нуқталарда Илоҳнинг нурини кўриб, унга беҳуд ва бекарор бўлиб талпинадилар, шу мазҳарга етишиш билан Аллоҳнинг ўзига ошиқликларини исботлайдилар, яъни сифатдан Зотга қараб борадилар. Лекин бунга покланиш ва қаноат йўли олиб боради, дейди Навоий. Зеро, қаноатнинг далили парҳез, сабру тоқатдир. Бунда сўз ўйини ҳам бор, яъни араб ёзувида “қаноат”, “қонеъ”, “анқо” сўзларининг ўзаги бир.

Бундан ташқари “қонеъ” – тўйинган, рози деган маъноларни англатса, “Анқо” – ҳеч қачон кўзга кўринмайдиган, аммо бор бўлган афсонавий қуш номи. Ана шундай рамзларни яратган ҳам Худонинг ўзи, – дейди Навоий.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Эй сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо...”

Эй сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикрингга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки бор, ҳамдинга гўё.

Машшотайи сунъунгдурур улким, нафас ичра
Кун кўзгусин ақшом кулидин қилди мужалло.

Кун шакли юзунг саждасидин бўлди мушаккал,
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.

Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъби,
Ким меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо.

Гўёки куяр оғзи ул ўт ҳирқатидинким,
Лижумдин ўлур обилалар гирдида пайдо.

Муҳтоқ Сенинг даргажинга хусраву дарвеш,
Парварда Сенинг незматинга жоҳилу доно.

Гул юзида булбул сенинг асроринга нотик,
Шам ўтида парвона Сенинг ҳуснунгга шайдо.

Ушиноқ аро, ё Рабки, Навоийға мақоме,
Бергилки, Сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё.

— V V—V V—V V —
мағъувлу мағоийлу мағоийлу фаувлун
ҳалаки мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Лугат

Сафҳа – саҳифа

Рұхсөр – юз

Азал – бошланиши йўқ замон, азалий, ибтидосиз қадимийлик

Дебоча – кириш, муқаддима, бошланиш

Абад – чексизлик, чексиз давомийлик, тутанмас замон

Ушшоқ – ошиқлар

Заррот – зарралар

Зикр – номини тилга олиш, эслаш, зокир – Аллоҳ исмини тилга олиб юргувчи одам

Амтор – ёмғир томчилари, ёғин

Ҳамд – мақтөв

Машшота – пардозчи, юзни, сочни безайдиган одам

Мужалло – сайқал берилган, жилоланган

Мушаккал – шаклта кирган, шаклланган

Турра – зулф, соч

Мутарро – тароватли, тоза

Субҳ – тонг

Мушаъбид – найрангбоз

Ифшо – фош қыммоқ, ошкора этмоқ

Хирқат – аланга, ҳарорат, иссиқлик

Анжум – юлдузлар

Обилалар – қавариқлар, пуфакчалар

Гирд – атроф, айлана

Парварда – тарбияланган, парвариш қилинган

Асрор – сирлар

Тұғро – подшоҳ фармонининг ифода белгиси, шоҳона унвон

Насрий баён

Сенинг юзинг саҳифасида азалийлик хати битилган, ҳуснинг китоби аввалида абадийлик мухри – унвони мавжуд.

Борликдаги жами зарралар исмларингни зикр этади, ёмғирнинг ҳар қатраси ҳамдингни айтади.

Сенинг құдрату санъатинг безакчиси бир нафасда кундузниң күзгусини тун кули билан тозалаб жило берди (бунда занглаған күзгүни кул билан тозалаш назарда тутилмокда).

Қуёшнинг шакли Сенга сажда қилиш ҳолатидан ҳосил бўлган. Түннинг сочи қаҳринг шамолидан тозаланди.

Санъатинг тонгни шундай хийлагар қилибдирики, у қуёш тафтини ҳар дамда оғзидан намоён қилиб туради.

Ул олов ҳароратидан гўё оғзи куйгандай атрофида юлдузлардан сув пуфакчалари – қавариқлар пайдо бўлади.

Сенинг ҳузурингта подшо ҳам, гадо ҳам муҳтож бўлиб, интилади. Нодон ҳам, доно ҳам Сенинг неъматинг билан парвариш тонади.

Гул юзига шайдо булбул Сенинг сирингни сўзлайди, парвона ҳам шам шуъласига Сени деб талпинади.

■ Раббим, Навоийга шундай мақом бергилки, Сенинг мақтотинита тили гўё бўлсин.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ҳам Навоийнинг ҳамд ғазалларидан. Бироқ ҳамд ғазаллар ичиди муножот оҳангига йўғрилган ва Қуръон оятлари мазмуни ўзига хос тамсил ва ташбеҳларда бўртиб ифодаланганлари ҳам бор. Келтирилган ғазал шундай ҳусусиятга эга. Чунончи, матлада Аллоҳ таюлонини замон ва макондан ташқари, балки замон ва маконни қамраб олувиchi, уни яратувчи азалий ва абадий Зотлиги, бу Лотининг ҳусну жамоли, қудрати ва яратувчилиги (сонеъ – сунъ эгаси ҳанни) таъкидланади. Шундан кейин бутун олам Аллоҳга зикр айтиши, шукроналар қилиши, кеча ва кундуз, тонг ва шом, оламу одам унга тобелиги тараним этилади.

Улугшоир Худо құдратини тоза, қалбга таъсир этадиган ташбеҳ – тамсиллар воситасида таъриф этади. Чунончи, машшота (юзни пардозловчи) санъаткорлиги кундуз күзгусини кечап кули билан тозалаб, жилолантириди, дейиш билан кечап (тун)ни кундузсиз, кунни тунсиз тасаввур қилиш қийин, зеро, Парвардигор ўзаро зиддикини бир-бирига боғлиқ қилиб яратган. Бу – илоҳий ҳикмат: тунсиз кун, кундузсиз тун чиройли эмас ва бутун бўлмайди. Кундуз (қуёш)

нинг мунааввар шаклини Худонинг меҳрига, тунни Унинг қаҳрига ўхшатганда ҳам, шу ҳикмат назарда тутилган.

Тонгда икки хил хислат бор: биринчидан, у қуёшнинг чиқиши, кундузнинг бошланишидан дарак берса, иккинчидан, тонг алдамчи ҳамдир, яъни баъзан кун ёришгандай бўлиб туюлса-да, аслида хали тун тутамаган бўлади. Буни “ёлғон тонг” ҳам деганлар: “субҳи козиб”, “субҳи содиқ” (ёлғон тонг, чин тонг). Навоий шунга ишора қилиб тонгни найрангбоз деб айтади ва тонгни ҳар лаҳзада оғзидан олов чиқариб, одамларни алдайдиган ва айни пайтда ҳайратлантирадиган масхарабозга ўхшатади. Яъни тонг ҳар лаҳзада Күёш чиқишидан нишона бериб турари, демоқчи. Аммо ташбеҳ бағоят гўзал ва тоза.

Навбатдаги байтда ушбу ташбеҳ яна давом эттирилган: тонгнинг отишидан олдин юлдузлар осмонда ёрқинрок кўринади, бу гўё ўт ҳароратидан масхарабознинг оғзи куйиб, лаблари гардишида қабариқлар пайдо бўлган кабидир. Кейинги уч байтда Тангри таолонинг ризқ берувчилик, одиллик сифатлари таърифланади ва бутун мавжудот Ундан баҳра олиб, Унга интилиши айтилади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Эй, сафҳайи рухсоринг азал ҳаттидин иншо...”

Эй, сафҳайи рухсоринг азал ҳаттидин иншо,
Дебочайи хуснунгда абад нуқтаси туғро.

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки, бор, ҳамдинга гўё.

Машшотайи сунъунгдуур улким, нафас ичра
Кун кўзгусин ақшом кулидин қилди мужалло.

Кун шакли юзинг саждасидин бўлди мушаккал,
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.

Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушъбиҳид,
Ким меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо.

Гўёки куяр оғзи ул ўт ҳирқатидинким,
Анжумдин ўлур обилалар гирдида пайдо.

Муҳтоҷ сенинг даргахинга хусраву дарвеш,
Парварда сенинг неъматинга жоҳилу доно.

Гул юзида булбул сенинг асроринга нотик,
Шамъ ўтида парвона сенинг хуснунгта шайдо.

Ушшоқ аро, ё рабки, Навоийға мақоме
Бергилки, сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё.

-- V V--V V--V V --
мағъувлу мағоийлу мағоийлу фаувлун
ҳизажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Лугат

Сафҳад – саҳифа

Рухсор – юз, чехра

Азал – бошланиши йўқ замон, ибтидосиз қадимийлик

Дебоча – муқаддисма, кириш, ибтидо

Абад – чексизлик, ниҳоясиз давомийлик, туганмас замон.

Туғро – подиҳоҳ фармонининг ифода белгиси, шоҳона унвон

Ушшоқ – ошиқлар

Заррот – зарралар

Зикр – номини тилга олиш, эслаш

Зокир – Аллоҳ исмини зикр этиб юрувчи

Амтор – ёмғир томчилари, ёғин

Ҳамд – Аллоҳни алқаш, мақтов

Машшота – пардозчи, одамнинг қиёфасини безатувчи

Мужалло – жилоланган, сайқал берилган
Мушаккал – шаклга кирган, шаклланган
Турра – бурама соч
Мутарро – бурама, тароватли
Субх – тонг
Мушаъбид – найрангбоз, кўзбўямачи
Ифшо – фош бўлмоқ, ошкор этмоқ
Хирқат – аланга, ҳарорат, иссиқлик
Анжум – юлдузлар
Обила – қабариқ, пуфакча
Гирд – атроф, айлана
Хусрав – бу ерда шоҳу султон маъносида келган
Парварда – тарбияланган, парвариш қилинган
Асрор – сирлар

Насрий баён

Сенинг юзинг саҳифасида азалийлик хати битилган, ҳуснинг китоби муқаддимасида абадийлик муҳри – унвони мавжуд.

Борлиқнинг ҳар бир зарраси сенинг гўзал исмларингни зикр этади, ёмғирнинг ҳар бир томчиси сенга ҳамдинг айтади.

Сенинг яратувчанлик ва құдратинг безакчи бўлиб, бир нафасда кундузнинг кўзгусини тун кули билан сайқал бериб жилолантириди.

Қўёш ҳар куни сенга сажда қилиш учун ботади. Туннинг сочи сенинг қаҳринг шамолидан тароватли бўлди.

Сенинг яратувчилик санъатинг тонгни шундай кўзбўямачи найрангбозга айлантирганки, у Қуёш тафтини ҳар дамда оғзидан ошкор этиб туради.

Субхнинг ўша олов ҳароратидан гўё оғзи куйгандек, атрофида юлдузлардан сув пуфакчалари – қабариқлар пайдо бўлади.

Сенинг олий даргоҳингта шоҳ-у гадо муҳтож. Нодон ҳам, доно ҳам сенинг неъматинг билан ризқланади.

Булбул гул юзида сенинг сирларингни кўриб, нола чекади, парвона ҳам шамъ шуъласида Сенинг ҳуснингни кўриб талпинади.

Ё Раб, ошиқларинг сафидаги Навоийга шундай бир мақом бергинки, булбулдай бийрон тил билан сенга ҳамду санолар айтсин.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ҳамд мавзусидаги навбатдаги ғазал Аллоҳнинг азалий ва абад-лигини васф этувчи сатрлар билан бошланган. Биламизки, азалийлик – ибтидоси йўқ чексиз замонни, абадийлик – интиҳоси йўқ мангуликни билдиради ҳамда ёлғиз Аллоҳга хос бўлган сифатлар ҳисобланади. Дунёдаги жамийки воқеа, ҳодиса, нарса ва ашёларнинг ибтидо ва интиҳоси бор. Фақат Аллоҳнинг “сафҳайи рухсори” – Аллоҳнинг Зоти ҳамда “дебочайи ҳусни” – Аллоҳнинг сифатлари азалийлик ва абадийлик хоссалари билан музайян:

Эй сафҳайи рухсоринг азал хаттидин инишо,
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.

Аллоҳнинг құдрати билан яратилган жамийки борлиқ унинг Биру Борлигини зикр этиб, ўз тилемда ҳамдини бажо келтиради.

“Ҳаж” сурасининг 18-оятида қайд этилган:

“(Эй Муҳаммад), осмонлардаги ва Ердаги бор жонзот, қўёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дараҳтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўп инсонлар (ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми?”

“Ал-Исро” сурасининг 44-ояти ҳам шу мазмунда:

“Етти осмон, Ер ва ундаги бор жонзот Унга тасбих айтур. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамд билан Унга тасбех айтур. Лекин сиз уларнинг тасбехларини англамайсизлар...”

Бу ҳолни, яъни бутун Борлиқ ўзининг Парвардигорига саждали, ҳаминча унинг ҳамди ва тасбихи билан банд эканини мушоҳада этиши учун қалб қўзи очиқ бўлиши керак. Навоий басират қўзи билан табиатта назар солиб, ундаги муайян бир манзара воситасида Иисоннинг руҳий кечинмалари ўртасидаги уйғунлик, мутаносиблик, үхшашликий кўради ва юқоридаги табиий манзара тасвири орқали чуқур фалсафий-ирфоний маъноларни баён этади:

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки, бор, ҳамдинга гўё.

Кейинги икки байтда ҳам иқтибос келтирилган оятларнинг мазмунини бошқача назмий ифода ва услублар орқали ифода

этишга киришаркан, Аллоҳ таолонинг меҳри ва қаҳри, жалолий ва жамолий сифатларини таърифлаш учун қуёш ва оқшом, кун ва тун тазодларидан фойдаланади. Куръони каримнинг бир неча оятларида Аллоҳ таоло кечака ва кундузнинг яратувчиси экани таъкидланган. Навоий шу мазмундаги оятларни бадиий талқинини бераркан, кундузни – Аллоҳ таолонинг меҳрибонлиги ва раҳмлигини, кечани – унинг қудрати ва қаҳрининг нишонаси сифатида тасвирлайди. Нур ва зулмат, кундуз ва кечака, осойишталик ва ма-шаққат, меҳр ва қаҳр – барча-барчаси Унинг қудратидан нишона:

Кун шакли юзинг саждасидин бўлди мушаккал,
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди муттарро.

Бешинчи ва олтинчи байтларда тонг образининг янги бадиий ифодасига гувоҳ бўламиз. Тонг ҳақида икки байт ёзишда хикмат бор. Чунки табиатда ҳам икки тонг – ёлғончи тонг (субҳи қозиб) ҳамда ҳақиқий тонг (субҳи содик) мавжуд. Дастроб, ёлғончи тонг отган пайтида табиат бирданига ёришиб, кун бошланишидан дарак бергандек бўлади. Лекин кўп ўтмай, атроф-мухитни яна зулмат қоплайди. Биринчи тонгнинг ёлғончилигини шоир оғзидан ўт пуркайдиган найрангбоз кўзбўямачи қилиfiga ўхшатади:

Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбиб,
Ким меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо.

Лекин қоронги бўлиб, осмонни яна юлдуз қоплаши – олов пуркагич кўзбўямачи (тонг) олов тафтидан оғзи куйиб, қабариқлар ҳосил бўлишига ўхшатилади. Шоирона ва айни пайтда жуда тоза ўхшатишлар замирида яна бир катта ҳаётий-фалсафий ҳақиқат бор: оламдаги ёлғон ва алдовлар, мунофиқлик ва риёлар ҳам Аллоҳнинг изни-иродасидан ташқарида содир бўлмайди. Аммо бу ёлғонларнинг умри ёлғончи тонгдек қисқа бўлиб, Аллоҳ таоло бирор амални жавобсиз қолдирмайди. Ҳатто ўзининг иродаси билан содир бўладиган ёлғончи тонг ҳам ёлғондан хабар бергани учун жазоланиб, оғзида юлдузлардан обилалар – қавариқлар пайдо бўлади:

Гўёки куяр оғзи ул ўт ҳирқатидинким,
Анжумдин ўлур обилалар гирдида пайдо.

Аллоҳ ҳеч кимга муҳтоҷ эмас. Аммо дунёдаги жамийки инсонлар – шоҳлар ва сultonлар, ошиқ ва орифлар, мискинлар ва бенаволар, гўзаллар ва беморлар... ҳамма унинг даргоҳига муҳтоҷ. Жон ҳам, имон ҳам, дард ҳам, дармон ҳам, умр ҳам, ажал ҳам, илм ҳам, амал ҳам... барча-барчаси У туфайлидир. Унинг меҳрибонлиги шу дараражадаки, ҳатто унга исён қилиб, борлигини тан олмайдиганларга ҳам ризқ беради, солиҳ бандалари қатори осийларни ҳам ўз неъматлари билан сийлади:

Муҳтоҷ сенинг даргахинга хусраву дарвеш.
Парварда сенинг неъматинга жоҳилу доно.

Кейинги байтда булбулнинг гулга, парвонанинг шамга ошиқлигининг сабаби сифатида Аллоҳ муҳаббатининг нури сабаб қилиб курслатилади. Ана шундай ошиқлар сафидаги Навоий ҳам Парваридигордан унинг ҳамдини баён этиш учун гўё забон тилайди. Мутифаккир шоирнинг дуоси мустажоб бўлди – унинг ғазаллари беш асрдан бери Ҳақ ошиқлари тилидан тушмай келаётir:

Ушпоқ аро, ё рабки, Навоийға мақоме
Бергилки, сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга...”

Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга,
Андоқки, қурб тақвову тоат билан санга.

Топмоқ ажыб фикру тахайюл¹ била сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат билан санга.

Чун койинот зубдаси ожиз күруб ўзин,
Ҳамд айта олмас онча балогат билан санга.

Изҳори ажз биздин адаб таркидур, басе
Юз минг қусуру нұқсу касофат билан санга.

Ҳар тийра рұзгорки, васлингға йүл топиб
Сендин етиб chargi ҳидоят билан санга.

Лутфунг рафиқим ўлмаса не ҳадки, еткамен
Боштин аёf гуноху залолат билан санга.

Лутф айлагилки, мумкин эмас құлмасанғ қабул,
Етмак тамоми умр ибодат билан санга.

Чун сендин ўзга йўқ панаҳим, қочмайин нетай,
Журму гунахдин оху надомат билан санга.

Исёни кўп Навоийнингу, йўқ ўётиким,
Истар етишса мунча хижолат билан санга.

-- V -- V-V V--V -- V --
мағъувлу фоилоту мафоийлу фоилун
музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

¹ Бу сўз ҳам МАТда “тахайюл” шаклида берилган. Бундай шаклда сўз маъно билдирилмайди, “тахайюл” дейилса тўғри бўлади, “хаёл” сўзидан ясалган.

Лугат

Ҳамд – мақтов, мадҳ; шукр, ташаккур, раҳмат; мадҳу сано, мақташ ва сано айтиш

Маҳол – қийин, оғир; вақт, замон

Фасоҳат – сўзнинг очик, равшан, чиройли ва қоидага мувофиқ бўлиши

Курб – яқинлик, яқин бўлиш; қобилият; лойиқлик

Тахайюл – хаёл суриси, ўйлаш, тасаввур

Балогат – етуклик, баркамоллик, бенуқсонлик; нотиқлик

Ажз – ожизлик, заифлик, кучсизлик, нотавонлик; иқтидорсизлик; хасталик; ожизликни, хоксорликни тан олиш

Касофат – дағаллик, қўполлик, ғализлик; ифлослик, ёмонлик; хирадлик, тутилиш (куёш)

Ҳидоят – тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўл топиш, тўғри йўлга кириш

Залолат – хорлик, пастлик, ҳақирилик, тубанлик; гумроҳлик, йўлдан озганлик

Надомат – пушаймон, афсусланиш, таассуф

Хижолат – уялиш; шарманда бўлмоқ

Насрий баён

Матлаъ: Эй парвардигор, Сени ниҳоятда чиройли ва мазмунли сўзлар билан мақташ мушкул;

Сидқу ихлос, тоат-ибодат билан Сенга яқинлик ҳосил қилиш ҳам мушкул бўлгани каби.

Фикру мушоҳада, хаёлларга берилиш билан ҳам Сени топиб бўлмайди.

Ақлу фаросатни ишга солиб ҳам Сенга етмоқ мушкул.

Коинотдаги бор мавжудот Сенинг құдратинг олдида ожиз.

Барча мавжудот ҳар қанча бенуқсон бўлмасин, Сенинг мақтавингни келтира олмайди.

Биз одобни тарқ этган - одобсизлар Сенинг қошингда ўз ожизлигимизни изҳор этамиз.

Бизнинг юз минг қусуримиз, нуқсонларимиз ва ёмонликларимиз бор.

Дунё ҳәётида қоронгилиқда қолғанлар Сенинг васлингта йўл топсалар.

Бу Сенинг ўзингдан етган ҳидоят нури туфайлидир.

Менга ҳам Сенинг марҳаматинг ёр бўлмаса, етмоққа ҳаддим борми?

Умримнинг бошидан охирига қадар гуноҳга ботиб, адашган бўлсам?

Ўзинг мендан марҳаматингни дариғ тутма, қабул этмасанг имкони йўқки.

Умрим давомида ибодат қиласам ҳам Сенга етолмайман.

Сендан бошқа паноҳим йўқ, Сенинг даргоҳингта қараб қочмасам қандоқ қиласман.

Гуноҳларим кўплигидан ўзимни ўзим айблашдан бошқа ишим йўқ.

Навоий Сенга кўп нотўғри сўзларни айтиб исён қилади, аммо бундан уялмайди ҳам.

У қаттиқ хижолат билан бўлса ҳам Сенинг даргоҳингта етишишини истайди.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал “ҳамд” аталиб, Холики Мутлак, яъни биз билган ва билмаган коинотдаги ҳамда ундан ташқаридаги барча мавжудотни яратган, ягона, мисли йўқ, азалий ва абадий бор Зот – Ҳақ таоло мадҳига бағишлиланган. Шоир ғазал матлаиданоқ Буюк, Ягона, Беҳамто Зотга ҳамд айтиш масъулияти нақадар оғир эканлигини баён этади. Худди тақво (кучли иймон) ва тоат (ибодат) билан Яратганга қурбат (яқинлик) ҳосил қилиш қанчалик оғир бўлса, фасоҳатли тил, яъни чиройли ва қоидага муқофиқ сўз билан уни мақташ ҳам шунчалик мушкулдир. Иккинчи байтдаги “топмоқ” сўзи “танимок” маъносини беради: Ҳақ таолони на фикр, на хаёл ва тасаввур билан, на ақлий (дунёвий) илм ва фаҳм-фаросат билан танимок, англамоқ мумкин.

Бағоят етуклиқ, бетакрорлик, баркамоллик, бенуқсонлик билан Ҳақнинг ўзи томонидан яратилган коинотдаги бор мавжудот ҳам Унинг мақтovини муносиб тарзда айта олмайди, кучи-кудрати етмайди.

Шу боис беҳисоб камчиликлари, хатолари, ёмонликлари бўла туриб, “Яратганга ҳамд айтаман”, дея беадаблик қилган жамики мавжудот, шу қаторда инсон ҳам ўз ожизлигини, нотавонлигини, иқтидорсизлигини тан олишга мажбур. Шу маънода навоийшунос олим И. Ҳаққулов шундай ёзадилар: “Навоий назмий ва насрый асарларидаги мурожаатларида, айниқса, “Муножот” асарида Тангрининг комил сифатларини таърифлаш баробарида ўзининг ожизлигини, унга бўлган эҳтиёжларини изҳор қиласи. Шарқ шеъриятида айнан мана шу “ожизлик изҳори” анъанавий баён усулларидан бўлиб, комил инсонга хос бўлмиш фазилатлардан саналган”².

Ҳаётда адашган, турмуши қоронгилиқда қолган ҳар инсонга ўзинг ҳидоят (тўғри йўл) чироғини марҳамат айласанг, у ушбу чироғ билан ҳақиқий тўғри йўлни – Сенинг висолингта элтадиган маърифат йўлини топиб олади, демоқда шоир.

“Мен ҳам бошдан оёғим гуноҳу, гумроҳман, тўғри йўлдан озганман, менга лутфинг-марҳаматинг ёр бўлмаса, даргоҳингта етолмайман.” Бу байтда шоир ўзи мансуб бўлган нақшбандия тариқатининг бир шахобчаси бўлмиш маломатия нуқтай назаридан ўзини ўзи маломат қилмоқда. Ўзини ҳар нарсадан паст ва хор кўриш, бирор кичик гуноҳидан ҳам қаттиқ уялиш, пушаймонлик, ўзини Ҳақ яратган мукаммаллик ичida номуносиб ҳис этиш маломатийларнинг тафаккур тарзи эди. Навоийнинг пири ва энг яқин дўсти Абдураҳмон Жомийнинг тариқатдаги йўналиши нақшбандияи-маломатия бўлган.

Энди шоир Яратганга сидқ билан муножот қилмоқда: ўзинг менга лутф қилғилки (мехр билан қарагил ва эҳсон қилғилки), ўзим бир умрлик тоат-ибодат билан ҳам сенга етолмайман (розилигингни тополмайман). Бу ерда шоир Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қуттадғу билик” асарида келтирилган ва кейинчалик халқ мақолига айланиб кетган “Тангрини тоат била топмас қули” сўzlари мазмунига ишора этмоқда.

² Иброҳим Ҳаққулов. Навоийга қайтиш. – Т.: “ТАФАККUR”, 20-6.

Шоир ўзини маломат этишда муболаға қиласверади, ўзини бенуқсон Олий даргохга муносиб күрмайды. Аммо шунча нокомиллик билан ҳам ўзи интиладиган бошқа даргох, йўқлигини билади, шу даргохга қочади, шу даргоҳдан паноҳ тилайди. Бу фикрларни баён этар экан, Навоий бевосита Куръони каримнинг очувчи “Фотиха” сураси 4-5 ояти карималари (маъноси): “Сенгагина ибодат қиласиз, Сендангина мадад кутамиз” мазмунига ва 114- “Ан-Нос” сураи каримаси 1-3 ояти карималари: “Айтинг: паноҳига қочаман инсонлар Раббининг, инсонлар Подшоҳининг, инсонлар Илоҳининг” маъно-мазмунига ишора қиласиди.

Мақтаъда ақли, салоҳияти, иймони ва ички маданияти бағоят юксак инсоннинг Тангри таоло олдидаги хижолати энг баланд нуқтага кўтарилади. Зоро, хижолат хисси, тушунчаси, ҳолати фақат ички дунёси бой, маърифатли инсонларда ривожланган бўлади. Хижолат туйғуси ҳам Яратганинг ўзи танлаган инсонларга инъом этадиган катта эҳсони. Бу хисни ҳаёти давомида бирор марта туймаган инсонлар ҳам бор, жуда кўп. Навоий – хижолатда, оддий бир инсон сифатида хатоси кўп. Аммо унинг ўзи топиб олган ва интилувчи даргоҳи битта – шу даргохга етиш унинг ҳаётий истаги!

Ғазал матнидаги баъзи номукаммалликлар шоир девонини кўчириған хаттотлар эътиборсизлиги натижасида юз берган бўлиши мумкин. Шундай экан, ёш навоийшунослар олдида Алишер Навоий шеърияти илмий-танқидий матнини яратиш вазифаси долзарб бўлиб қолаверади.

Дилором Салоҳий

“Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга...”

Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга,
Андоқки, қурб тақвову тоат билан санга.

Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат билан санга.

Чун койинот зудбаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд айта олмас онча балоғат билан санга.

Изҳори ажз биздин адаб таркидур, басе
Юз минг қусуру нуқсу касофат билан санга.

Ҳар тийра рўзгорки, васлингта йўл топиб
Сендин, етиб ҷароғи ҳидоят билан санга.

Лутфунг рафиқим ўлмаса не ҳадки еткамен
Бошдин аёф гуноҳу залолат билан санга.

Лутф айлагилки мумкин эмас қилмасанг қабул,
Етмак тамоми умр ибодат билан санга.

Чун сендин ўзга йўқ панаҳим қочмайин нетай
Журму гунаҳдин оҳу надомат билан санга.

Исёни кўп Навоийнингу йўқ ўётиким,
Истар етишса мунча хижолат билан санга.

— — V — V—V V—V — V —
мағъувлуву фоилоту мафоийлу фоилун
музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Лугат

Фасоҳат – аниқ ва чиройли сўзлаш

Курб – яқинлик

Коинот зудбаси – Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.)

Ажз – ожизлик

Қусур – нуқсон, камчилик

Касофат – нопоклик, айброрлик

Залолат – адашиш
Журм – хато, гуноҳ

Насрий баён

Эй Тангрим, энг чиройли ва пурмаъно сўзлар билан ҳам ҳамдинги айтиш маҳол. Шунингдек, тақво ва тоат-ибодат билангина сенга қурбат – яқинлик топиш имконсиз.

Тафаккур ва хаёл кучи билан Сени топмоқ мумкинмас, ақл ва фаросат билан сенга етмак амримаҳол.

Мұхаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам шунча етук билим ва сўз соҳиби бўлгани билан Сенинг ҳамдингни айта олмаган.

Шундай экан, юз минг нуқсон, айб ва гуноҳларимиз билан Сенга ҳамд айтиш тутул, ҳатто узр сўраш ҳам одобсизлик ҳисобланади.

Ҳидоят чирогинг шарофати билан ожиз бандаларинг Сенинг васлингга йўл топган.

Агар лутфу марҳамат билан мадад қилмасанг, бошдан-оёқ гуноҳу хатолар билан сенга етишмоққа не ҳаддим бор?!

Эй Аллоҳим, бутун умр Сенга ибодат қилсан ҳам лутфинг билан қабул этмасанг, барчаси бехуда.

Сендан ўзга паноҳим йўқ, шунинг учун хато ва гуноҳларимдан надомат ва тавбалар қилиб Сенга томон қочмасдан нетай?!

Навоий кўп осийлик қилган, яна бу андишасиз бунча хижолатли ишлари билан Сенга етишмакни истар.

Шарҳ ва изоҳлар

Муножот – Ҳаққа илтижо ва ёлвориш оҳангига битилган ушбу ғазалнинг дастлабки тўрт байти – Аллоҳ таолонинг ҳамдини бажо келтириш имконизлиги ҳақида. Ҳадисда келтирилишича, Аллоҳ таоло ҳузурида бандасининг Үнга ҳамд айтишдан маҳбуроқ иш йўқдир. Шу боис, ҳар бир ракъят намозда “Алҳамд” (“Фотиҳа”) сураси албатта, ўқилади. Лекин бу ҳамд айтишлар, тоат-ибодатлар яккаю ягона, барчадан ҳожатсиз бўлган Ҳақ таолонинг буюклиги ва улуғворлигининг даражасида эмас. Аллоҳ таоло шундай буюзотки, Унинг васфини айтиш ва таърифини келтиришда дунёдаги

жамийки сўзларнинг энг буюк ва залворлиси ҳам арзимас бўлиб қолади. Унинг висолига эришиш ва раҳматига сазовор бўлиш учун минг йиллик ибодат ҳам етарли эмас. Фақат Ўзининг бепоён дарёдек жўш уриб турган фазли ва марҳаматигина имон аҳлининг қалбига умид чироғини ёқади:

Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга,
Андоқки, қурб тақвову тоат билан санга.

Инсоннинг ақлу тафаккури, хаёл ва фаросати тавҳид оламининг сирру синоатини билиш учун ожизлик қиласи. Дунёдаги энг кичик ва арзимас зарра соҳиятини англашга ожиз инсоний ақл ўн саккиз минг оламни биргина “Бўл!” амри билан яратган Олий Қудратни қандай билиши мумкин? Бинобарин, ҳақиқий идрок – идрок қила олмасликни англаш, дейилади илоҳий маърифат ҳақида ёзилган китобларда.

Ҳаттоки, Сўз мўъжизаси соҳиби охирзамон Пайғамбари (с.а.в.) шунча балоғат ва фасоҳати билан дуоларида “Илоҳий, биз Сени маърифат этишимиз лозим бўлган даражада танимадик ва бажаришимиз лозим бўлган даражада ибодатингни бажо келтирмадик”, деб айтар эканлар. Сарвари коинот шундай деб турганларида, минглаб гуноҳ ва хатолар қилиб юрган бандалар ҳатто ҳамд айтишнига ожиз эканимизни эътироф этиб, узроҳлик қилишимиз Аллоҳ таолога нисбатан одобсизлик бўлади, дейди шоир:

Илҳори ажз биздин адаб таркидур басе,
Юз минг қусуру нуқсу касофат билан санга.

Инсон ўзига нисбатан қандай фикрда бўлишидан қатъий назар, Худонинг марҳаматига сазовор бўлмагунча тийрарўзгор, яъни баҳтиқародир. Кўхна тарих саҳифаларини варақлаганда бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Миср аҳли Худо деб эътироф этган Фиръавн ҳам, бутун оламдаги хазиналарнинг соҳиби Қорун ҳам, ер юзида якка ҳукмдор бўлган Намруд ҳам сиртдан қараганды жуда омадли ва қудратли қўрингани билан, аслида ҳаётлари жуда аянчли якун топган. Аксинча, бир жазба туфайли илоҳий марҳаматга сазовор бўлган оққўнгил ва мискин бандалар дунё ва охиратдаги

энг бахтли инсонлар ҳисобланади. Шунинг баробарида қайд этиш муҳимки, Парвардигорнинг марҳамати ва фазли туфайлигина банда ҳидоят топади:

Ҳар тийрарўзгорки, васлингта йўл топиб
Сендин етиб чароғи ҳидоят билан санга.

Ҳидоят йўлига киришнинг бирламчи шарти – инсон билиб-бilmай қилган гуноҳларидан тавба қилиб, Аллоҳнинг лутфу марҳаматидан умидвор бўлиш. Инсон боласи хато қилувчиdir. Ўзини айбу нуқсонлардан холи, деб билиш – жаҳолатнинг ўзгинаси. Ўзгалирнинг айбини эмас, фақат ўзининг айбини кўриш ва бу нуқсонларни тузатишга ҳаракат қилиш инсонни орифлик мақомига етказади. Ҳадиси шарифда: “Кимки ўзини таниса, Раббини таниби”, дейилади. Ўзининг барча гуноҳу хатоларини таниб, тан олган ҳолда илтижо қилган бандагина Ҳақ таолонинг лутфу марҳаматидан умидвор бўлиши мумкин:

Чун сендин ўзга йўқ панаҳим қочмайин нетай
Журму гунаҳдин оҳу надомат билан санга.

Мақтаъда Алишер Навоий жуда кўп марта осийлик қилганини эътироф этиб, Ҳақ таолодан минг хижолат билан гуноҳларини ке-чиришини сўрайди. Шундай фариштасифат инсон ўзини “исёни кўп” деб биларкан, биз – Навоийни қўл етмас маънавий чўққи деб билгандарнинг ҳоли нима кечаркин?!

Исёни кўп Навоийнингу йўқ уётиким,
Истар етишса мунча хижолат билан санга.

Олимжон Давлатов

“Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга...”

Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга,
Андоқки, қурб тақвову тоат билан санга.

Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат билан санга.

Чун койинот зудбаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд айта олмас онча балоғат билан санга.

Изҳори ажз биздин адаб таркидур, басе
Юз минг қусуру нуқсу касофат билан, санга.

Ҳар тийра рўзгорки, васлингта йўл топиб
Сендин, етиб чароғи ҳидоят билан санга.

Лутфунг рафиқим ўлмаса не ҳадки еткамен
Бошдин аёғ гуноҳу залолат билан санга.

Лутф айлагилки мумкин эмас қилмасанг қабул,
Етмак тамоми умр ибодат билан санга.

Чун сендин ўзга йўқ панаҳим қочмайин нетай
Журму гунаҳдин оҳу надомат билан санга.

Исёни кўп Навоийнингу йўқ уётиким,
Истар етишса мунча хижолат билан санга.

– – V – V–V V–V – V –
мағъувлу фоилоту мағоийлу фоилун
музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Лугат

Маҳол – қийин, оғир вақт, замон

Қурб – яқинлик, яқин бўлиш; қобилият; лойиқлик

Таҳайюл – ҳайратда қолиш, ҳайратланиш; ҳайронлик, шошиб қолиш

Фасоҳат – сўзнинг очик, равshan, чиройли ва қоидага мувофиқ бўлиши

Зубда – гурух, ахл

Балогат – етуклиқ, баркамоллик, бенуқсонлик

Аж – ожизлик, заифлик, кучсизлик, иқтидорсизлик; хасталик; ожизликни, ҳокисорликни тан олиш

Кусур – айб, камчлик, аҳамиятсизлик, сустлик

Нуқс – камчилик, етишмовчилик

Касофат – ёмонлик

Тийра – қора, қоронғи; ғам-ғуссали, қайғули; хира, нурсиз

Рўзгор – турмуш, ҳаёт, шароит; тақдир, қисмат, толе, баҳт

Залолат – хорлик, пастлик, ҳақирлик, тубанлик; гумроҳлик, йўлдан озганлик

Журм – гуноҳ, айб

Надомат – пушаймон, афсусланиш

Насрий баён

Эй, гўзал сўзлар билан сени мақташ ва тақводорлик ҳамда тоат билан яқинлашиш маҳол бўлган (Улуғ Зот)! Сени фикр ва хаёл билан топиш ғалати ва ақлу фаросат билан Сенга етиш эса маҳол, (яъни қийин)дир.

Коинот ҳам ўзини ожиз кўриб, шунчалик етуклиги, баркамоллиги ва бенуқсонлиги билан Сенга ҳамд – мақтов айта олишни ўзига лойиқ кўрмайди.

Юз минг камчилик, ожизлик ва ёмонлик билан (биз учун) ўз ожизлигини тан олиш ҳам адабсизликдир, асли.

Агар сендан ҳидоят чироғи етса, ҳар қандай нурсиз қисмат (эгаси бўлган бечора) ҳам васлингга йўл топиши мумкин!

Агар лутф(у марҳамат)инг дўстим бўлмаса бошдан оёқ гуноҳ ва хорлик, пастлик ҳамда йўлдан озганлик билан Сенга етишга (ва шотто буни орзу этишга) қандай ҳаддим бор?!

Лутфу марҳамат эт, агар қабул қиласанг, умрбод қилинган тоат-ибодат билан (ҳам) сенга етиш мумкин эмас.

Сендан ўзга паноҳим бўлмагандан кейин айб ва гуноҳларимдан оҳ ва надомат чеккан ҳолда Сенга қочмасдан нима қилайн?!

Навоийнинг исён (гуноҳ ва айб)лари кўп, шу аҳволда ҳам (минг бир хижолат ичидা) Сенга етишиш учун имкон излаётганига ҳайроиман!

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳлил қилаётган ушбу ғазал орифона – ҳамд мазмунидаги бўлиб, шаклан якпора ғазал ҳисобланади. Девонда жойлашган “¹” ҳарфи билан якунланадиган ғазаллар орасида ушбу ҳамд газалининг фарқи унда Аллоҳнинг беҳад лутфи ва қудрати ҳамда унга қарама-қарши тарзда банданинг гуноҳкор ва ожизлиги, шу билан биргаликда Яратганга боғлиқлиги, Унга томон интилиши қаламга олинади.

Эй, гўзал сўзлар билан сени мақташ ва тақводорлик ҳамда тоат билан яқинлашиш маҳол бўлган (Улуғ Зот)!

Ислом динидаги барча мақтов ва ҳамду санолар яккаю ёлғиз Аллоҳга багишланади. Бироқ ҳамд айтиш учун ҳам маънавий ҳақ ва ҳуқуқ, керак деб ҳисоблаган Навоий гўзал сўзлар билан Унга ҳамд – мақтоти айтиш ҳам маҳол – мушкул ва гумон деб ҳисоблади. Ҳудди шундай умрбод қилинган тақводорлик ва тоат-ибодат билан ҳам Яратган висолига етиш мушкул. Унда нима билан етиш мумкин экан? Мумкин эканми ўзи? Бу саволга жавоб беришга ҳали зарт. Ҳозирча шоир матлаъдаги фикрини давом эттиради.

Байтда тақво ва тоат сўзлари ёрдамида таносиб санъатига му-рожжат этилган.

Сени фикр ва хаёл билан топиш ғалати ва ақлу фаросат билан Сенга етиш эса маҳол, (яъни қийин)дир.

Фикр, тафаккур ва тахаюл (хаёл суриш) бу дунё илмига эришиш учун ёнг керакли воситалардир. Фикру тафаккур (мантикий фикр-

лаш) ва хаёл суриш орқали энг буюк дунёвий кашфиётлар амалга оширилган. Шунинг учун энг буюк олимларни, даҳоларни бироз хардамхаёл, девонавор дейишган. Бироқ бу воситалар билан Яратганга етиб бўлмайди. Чунки Унинг висоли дунё неъмати эмас. Унда нима билан етиб бўлади?! Бу саволга жавоб эса ҳали-ҳамон йўқ.

Байтда фикру тафаккур ва ақлу фаросат сўзлари ёрдамида бир йўла икки марта таносиб ва айни пайтда таъдид санъатларига мурожаат этилган.

Коинот ҳам ўзини ожиз кўриб, шунчалик етуклиги, баркамоллиги ва бенуқсонлиги билан Сенга ҳамд – мақтов айта олишини ўзига лойиқ кўрмайди.

Навоийнинг тасаввуридаги коинот ёки коинот зудбаси нима эканлигини билиш учун улуг шоирнинг ижод намуналарига назар ташлаш керак.

Навоийнинг “Хамса”си ва “Лисон ут-тайр”даги меъроjномаларда, “Сабъай сайёр” достонида, бундан ташқари баъзи ғазалларида унинг коинот ҳақидаги тасаввuri аён бўлади. Унга биноан етти сайёра ва турғун юлдузларнинг макони бўлган поёну ҳад-худудсиз саккиз осмон Ерни ўртага олган ҳолда ўз фазосида чарх уриб сузуб юрадилар.

Энг юксак саккизинчи осмонда Ҳамал, Сарв, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Даљв, Хут каби ўн икки буржни ўзида жамул-жам этган турғун юлдузлар нур сочиб туришади.

Еттинчи осмонда маъшуқанинг қора холига қиёс қилинадиган само ҳиндуси ҳисобланган Зухал нур сочиб юради.

Олтинчи фалакда саъди акбар – саодат келтирувчи катта сайёра ва само қозиси ҳисобланган Муштарий сандалиранг нур ва ифорга ўралиб, ўзининг сирли-сехрли олами аро муаллиқ чайқалиб, парвоз этади.

Бешинчи осмонда само жангчиси, қаҳри қаттиқ Баҳром қон рангига буялиб, навбатдаги қурбонини кутмоқда.

Тўртингчи фалакда эса барчага сахийлик билан ўз нурига сочувчи меҳри мунир – Күёш олтин аробасида сайр қилмоқда.

Учинчи фалакда ойдин нурларига ўралганча ошиқлар ва чалғучилар ҳомийси, саъди асғар, яъни баҳт келтирувчи тонг юлдузи – Зухра альфа чалганча ўз куйига ўзи маҳлиё бўлиб сузуб юрибди.

Иккинчи фалакда котиблар ва шоирлар ҳомийси Аторуд мөшийранг нурлар таратганча қитирлатиб нималарнидир ёзмоқда.

Биринчи осмонда яса яшил нурларга чулғанган, гўзалларнинг қамар сиймосига монанд Ой ям-ашил фазода паричехралар ва уларнинг ошиқларини кузатиб турибди.

Мана шундай улуғвор муҳташамлик, гўзал ва муқаммал улуғворлик Навоийнинг ўз сўзлари билан айтганча онча балогат билан ҳамд – мақтов айтишга ўзини лойиқ кўрмаслиги Яратганнинг кудрати ва азимати олдида ўзини ҳокисор ва хор тутиши бизга Яратганнинг улуғворлигини янада яққолроқ намоён этиш учун бадиий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Газалнинг шу ўринидан тазод санъатига мурожат этиш бошлиниди. Байтдаги ожиз ва балогат сўзлари орқали ушбу санъатга мурожат этилган.

Юз минг камчилик, айб ва ёмонлик билан (биз учун) ўз ожизлигини тан олиш ҳам адабсизликдир, асли.

Бундай буюклик ва азимат олдида ўз ожизлигини изҳор этиш ҳам одобсизликдир, деган Навоий назаримизда ўз эътиқодидан инсонни улуғлашдан воз кечгандай туюлади. Бироқ навбатдаги байтдаёт қадашганимизни билиб оламиз.

Нуқс, қусур, қасофат сўзлари орқали таносиб ва санаш оҳанги борлиги учун таъдид санъатларига мурожаат этилган.

Агар сендан ҳидоят чироги етса, ҳар қандай нурсиз қисмат (ғаси бўлған бечора) ҳам васлингта йўл топиши мумкин!

Баҳт нима асли?! Жамиятда ўз ўрнимизни топиши. Фарзандлар кунинчи ва қамолини кўриш. Яқинлармиизга доим керакли бўлиш. Лекин улугларнинг баҳт тўғрисида ўз қарашлари бўлган ва бу қарашлар бизнинг кичиккина қаричимизга сифмаслиги табоидир. Шунинг учун кўпчилик даҳолар бизнинг наздимизда баҳтсиз бўлишган. Оила, фарзанд, яқинлар эътиборидан маҳрум бўлиб, оғлизликини ихтиёр этишган. Илм улар учун мансаб ва мартаба учун пиллапоя эмас, умр матлаби бўлган. Навоий ушбу байтда мана шундай тийра рўзгор – “баҳти қоралар” ҳақида сўз юритади. Йанин улуг мутафаккир назарида Яратганнинг висолидан бошқа нарсаларни воз кечгани бундай “баҳти қора”ларгина Яратганнинг висолига мушарраф бўлиши мумкин. Улар ҳам Яратгандан ҳидоят чироги насиб қиласигина бундай баҳтга эришишлари мумкин. Ҳи-

доят эса фақат Аллоҳнинг ихтиёрида бўлган ва хоҳлаган бандасига насиб этадиган муқаддас неъматидир.

Тийра рўзгор ва ҷароғи ҳидоят бирикмалари орқали тазод санъатидан фойдаланилган.

Навбатдаги байтда мана шу ҳидоят чироғи – лутф ҳақида сўз кетади:

Агар лутф(у марҳамат)инг дўстим бўлмаса бошдан оёқ гуноҳ ва хорлик, пастлик ҳамда йўлдан озганлик билан Сенга етишга (ва ҳатто буни орзу этишга) қандай ҳаддим бор?!

Байтда Навоийтга хос тақдирни мутлақ деб билиш ва унда инсон иродасининг аҳамиятсизлигини ифода этиш оҳанглари бор. Газал мазмуни ҳамд – Аллоҳни мадҳ этувчи эканлиги учун ҳам бу ҳол, яъни Аллоҳни беҳад қарам ва мурувват эгаси, унинг бандаси бўлмиш одамзоднинг эса беҳад гуноҳкор ва адашувчи эканини таъкидлаш табиийдир.

Байтда гуноҳ ва залолат сўzlари орқали таносиб, лутф ҳамда гуноҳу залолат сўzlари орқали эса тазод сўzlariга мурожат этилган.

Лутфу марҳамат эт, агар қабул қилмасанг, умрбод қилинган тоат-ибодат билан (ҳам) Сенга етиш мумкин эмас.

Навбатдаги байтнинг мантиқий давоми ҳисобланган ушбу байтда Яратганинг лутфига умид қилган ва ўз ибодатларини аҳамиятсиз ҳисоблаган банда илтижоси бор. Зоро, Навоийнинг ўзи “Муножот”да айтганидек “Илоҳи, йиллар ибодат қилғонни рад қилсанг, ҳеч яхшилик ким даҳл қила олмас ва қарилар исён қилғанни қабул қилсанг, ҳикматин ҳеч киши била олмас” ёки: “Илоҳи, мен тавба қилдим дегандин не суд, сен тавба бергилки, ҳам Таввобсену ҳам Маъбуд”. Зоро, мана шундай ҳокисор ибодат ва илтижоларгина Яратганинг висолига етказгувчи улуғворликка олиб боради. Мақсад эса мана шу Илоҳий Висолдир.

Байтда Тангри илтифоти маъносидаги лутф ва инсон иродаси маъносидаги ибодат сўzlари орқали маънавий тазод санъати ҳосил этилган.

Сендан ўзга паноҳим бўлмагандан кейин айб ва гуноҳларимдан оҳ ва надомат чеккан ҳолда Сенга қочмасдан нима қилайн?!

Навбатдаги байтда Яратганинг яна бир сифати – бандаларига меҳрибонлиги ва барчанинг паноҳи эканлиги улуғланади. “Муножот”да ҳам Яратганинг айни шу сифатлари мадҳ этилади:

“Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсан, рад қилса, санга таъажуж эткаймен ва агар сен рад қилсанг, неткаймен ва кимга кеткаймен?”

Инсоннинг мана шундай кимсасизлик ва ҳокисорлик билан ибодат этиши ҳақиқий бандалик бурчи деб билган Навоийнинг птиқоди ушбу ғазалда янада яққол намоён бўлган.

Байтда журму гунаҳ ва оҳу надомат сўzlari воситасида маънавий тазодга мурожаат этилган.

Навоийнинг исён (гуноҳ ва айблари) кўп, шу аҳволда ҳам (минг бир хижолат ичидан) Сенга етишиш учун имкон излаётганига ҳайронман!

Мақтаъда ўзининг ҳокисорлик аро олий мақсади аёнлаштирмоқда. Яъни, унинг бу дунёдаги асосий мақсадни, риёсиз ибодатлари, тавба-тазаррулари, ҳокисор қуллик ва бекаслик изҳори Яратганинга бўлган чексиз ва доимий эҳтиёжи – Аллоҳнинг висолидир.

Байтда исён ва ўёт сўzlari орқали маънавий тазод санъатидан фойдаланинган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ғазал Яратганинг тенгтирилган улуғлиги ва ўзининг ҳокдан паст ҳокисорлигини лаҳза сайин тириоф этадиган ва шу билан бирга Ўша муҳташам ва мукаммал Улуғворликка томон тўхтовсиз ҳаракат билан интиладиган безовтаги қўнгил изтиробларининг акс-садосидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро,
Санга очуг ниҳону ошкоро.

Сабур исми била қилсанг тажаллий,
Килиб Намрудға юз минг мудоро.
Қачонким зохир этсанг “танзиъ-ул-мулк”,
Скандарнинг бўлуб мағлуби Доро.

Йўлинг муҳлик тоши ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра гарди мушки соро.

Суҳо бўлса шабистонингда толиъ,
Бўлуб нури қуёшдек оламоро.

Навоий нафс зулмотига қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ чиқмоқ не, ёро?!

Қиёматда гуноҳин авф этарға,
Расулингни шафиъ эт, кирдигоро.

V – – – V – – – V – –
мафойлун мафойлун фаувлун
ҳазажи мусаддаси маҳзуф

Лутат

Кирдигоро – яратувчи, худо, тангри таоло
Сабур – сабрли, тоқатли, чидамли, бардошли

Тажаллий – кўриниш, жилваланиш

Намруд – ривоятларга кўра, пайғамбар Иброҳим алайҳис саломни ўтда кўйдирмоқчи бўлган подшоҳ

Мудоро – муроса қилиш, чиқишиш, келишиш, илтифот, лутф;
сулҳ тузмоқ, ярашмоқ

Муҳлик – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи; ҳалокатли.

Аҳмар – қизил

Суҳо – ҳулкар тўпламидағи юлдузларнинг энг хираси; жуда кичик, арзимас

Шафиъ – ҳимоячи, воситачи

Насрий баён

Матлаъ: Ё Аллоҳ, Ё барча Ўзинг томонингдан мавжуд этилган мулк, борлиқ салтанатининг подшоҳи, Ё Яратгучим!

Барча яширин ва ошкор мавжудлик ва ҳолатлар фақат Ўзингтагина аён.

“Сабрли” деган исминг билан борлиқда акс этган пайтинг;

Намруд исмли душман билан ҳам юз минг бор муроса ва мадор қиласан.

Қачонки Қуръони каримингда марҳамат қилганингдек, бирордан мулкин тортиб олмоқчи бўлсанг;

Дородек шукуҳли подшоҳ ҳам Искандардек ёш йигит олдида мағлуб бўлади.

Сенга элтадиган йўл ҳалокатли, тошлари қизил ёқутдан;

Эшигинг хушбўй мушк гардларидан қорайиб кетган.

Шўъласи жуда кучсиз бўлган Суҳайл юлдузи қоронги тунингда нур сочса;

Кудратингдан қуёшдек бутун оламни ёритади.

Навоий нафс юки остида қоронғиликда қолди;

Бу қоронғиликдан Ўзинг унга йўлдош бўлсангина чиқа олади.

Қиёмат куни Навоийнинг гуноҳларини авф этиш учун

Расулингни унинг гуноҳларини сўраб олгувчи қилгин, эй Яратгучи Тангри таоло!

Ғазалнинг умумий мазмуни

Бу – муножот типидаги ғазал бўлиб, Алишер Навоийнинг ёшлиқ Йилларида ижод этилган. “Илк девон”нинг очувчи ғазалидир. Ғазал Буюк Яратгучининг сифатлари тавсифи билан бошланади: У ўзи иратган маҳлукотини Ўзи мукаммал билади, Ундан ҳеч нарса ниҳон қолмайди.

Ҳак, таоло исмлари ва сифатлари билан дунёда жилваланиб туради. Амир У Сабур (сабрли, тоқат қилувчи) исми билан шуъла сочса, ҳаттоқи, Ўзининг севимли дўсти, пайғамбари Иброҳим алайҳисаломни ўтда кўйдирмоқчи бўлган подшоҳ Намруд алайҳил-баттишинг ҳам истагини бажаради. Ривоятларда, хусусан, Бурҳо-

ниддин Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё” асарида келтирилишича, Иброҳим алайҳиссалом инсон қўли билан ясалган бутларга эмас, ягона ва мисли йўқ Тангри таолога ибодат қилишга даъват этгандарни учун, бутпарастлар ибодатхоналарида бутларни синдириб ташлаганлари учун қавмнинг ғазабига учрайдилар ва Намруд ул зотни ўтда куйдирмоқчи бўлади. Пайғамбар сабр қиласидар ва тангридан мадад бўлиб, ўт балосидан кутуладилар. Шунда Намруд “Мен Иброҳимнинг худосини отиб ўлдираман”, деб ният қиласидар. Бир сават ясатиб, унинг тўрт четига тўртта қушни боғлаб, уларни ўқталиб туради. Шунда буюк ва бехамто Тангри таоло дўстининг душмани бўлмиш кимсанинг ҳам кўнглига қараб, фалакда бир балиқ тимсолини намоён қиласидар. Нодон Намруд: “ана Иброҳимнинг худосини кўрдим”, дейди ва ўқ узади. Ҳақ таоло балиқдан қон оққандек манзарани унга кўрсатади. Намруд: “отган ўқим худога тегди”, дея хаёл қиласидар ва ерга тушади. Ҳазрат Навоий Намруд алайҳиллаъна Ҳақ таолонинг Сабур, яъни моҳият эътибори билан “сабр қилувчи” исми дунё юзида жилваланиб турган бир пайтда ниятини амалга ошироқчи бўлганини ва Ҳақ таоло у билан мутроса-мудоро қилиб, жаҳолатга ўз ҳикмати билан сабр қилиб, истагини берганини поэтик ифода этмоқдалар. Аммо шундан сўнг ўз адолатини намоён этароқ, Ҳақ таоло уни ожиз бир пашша зулмига дучор этиб, ҳалок қиласидар; у “абадий ўзимники”, деб ўйлаган мулкини ҳам ташлаб кетади. Байтда шоир Тангри таолонинг Сабур сифатини тафсир қилиб, Одил сифатига ишора этмоқда.

Кейинги байтда шоир Ҳақ таолонинг яна бир сифатини мадҳ этиш учун Куръони каримнинг “Оли-Имрон” сураси 26-ояти камриласидан иқтиbos олиб, Мутлақ мулк ва давлат эгаси бўлган Тангри таолонинг истаган кишисига мулк ато этмоғи ва истаган кишисидан бу мулкни тортиб олмоғи, истаганини азиз ва истаганини хор қилмоғи, бор яхшилик унинг қўлида эканлиги ва албатта Унинг Ўзигина барча нарсага қодир зот эканлигини ўқувчига эслатади. Шайх Абдулазиз Мансурнинг “Тафсир”ида (Тошкент: “Маънавият”, 2002) келтирилишича, “танзиз ул-мулк” – “истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан”, деган маънони англатади. Ҳазрат аввалги байтдаги Намруд тақдирига ишора этар эканлар, агар ҳар нарсага қодир парвардигор истаса, Дородек шавкатли ва

улуг бир шоҳдан “мулкни (тожу тахт, мамлакатни) тортиб олиб”, уни Искандардек ёш йигитнинг олдида мағлуб қиласидар, деган фикрни баён этадилар. Бу байтда шоир ояти карима ниҳоясидаги “иннака ѡала кулли шайъин қадийр” калималари мазмунига кўра, Ҳақ таолонинг Қодир сифатини васф этадилар.

Кейинги байт мажозий тасвир, ташбеҳу муболағалар билан иратилган юксак бадиий маҳорат намунаси бўлиб, унда ҳам чуқур маърифий мазмун ўз ифодасини топган. Маърифат – Ҳақ таоло даргоҳига интилувчиларнинг йўли. Шоир байтда ана шу йўлни назарда тутмоқда. Аммо бу йўлни босиб ўтиш ниҳоятда қийин, у тошлок. Бу йўлдаги тошларнинг ҳар бири қип-қизил ёкут каби қимматбаҳо. Бунинг сири шундаки, бу йўлда юрган Ҳақ ошиқларининг муҳаббат шавқидан бағирлари эриб, кўзларидан окқан қон ёшлари туфайли оёқлари остидаги оддий тошлар бебаҳо лаъл, ёкутларга айланган! Муҳлиқ, яъни инсонни вужудан ҳалок этувчи, унинг дунёвий нафсини ҳам ўлдирувчи бу йўлнинг ниҳоясида Олий даргоҳ эшиги мавжуд. Бу эшик Ҳаққа бўлган муҳаббатдан куйиб, танлари тупроқ каби тўкилган, борликларидан поклик ва сидқу вафо ифори, хиддларигина қолган, тоза мушкка айланганларнинг гарди, губоридан қорайиб кетган.

Сухо ёки Суҳайл – энг кучсиз нур таратувчи юлдуз. Аммо шоир назарда шу юлдузча Ҳақнинг тунги осмонига лойиқ кўрилса, нури Кўши нури сингари кучли бўлмоғи шубҳасиз.

Навоий мақтаъда ўзининг дунёвий эҳтиёжлар юки остида қолганини, орзу-истакларнинг қоронғи йўлида қолаётгани, аммо нијати маърифат эканини баён этади. Шубҳасиз, ушбу йўлда шоирнинг ягона Дўсти, ягона Ёри – Ҳақ таолонинг ўзи ҳамроҳ бўлмоғи дозим. Агар шундай бўлмаса, йўлга чиқмоқдан маъно йўқ. Байтда Ҳазрат Навоий Куръони Каримда келган Мусо алайҳиссалом ва Хизр алайҳирраҳма қиссасига ишора этмоқдалар.

Навоий ғазаллари ичидан биргина шу муножот ғазалда мақтаъдан кейин яна бир байт келтирилади. Бу байт билан шоир Ҳақ таоло ибодатида бардавом, сидқу вафоси чегарасиз, интилиши тўхтамас эканлигини ифода этмоқчи бўлгандир. Ғазални якунлар экан, шоир ислом шариати одобига риоя қиласидар, яъни Ҳақ таолога ҳамд айтилган чоғда унинг севимли пайғамбари, ҳабиби Расули акрам (с.а.в.)ни тилга олмасликнинг иложи йўқлигини билади, мўъмин-

ликнинг биринчи талаби - калимаи шаҳодатни назарда тутади. Шоир дунёвий ҳаёт ниҳоясидаги ҳисоб-китоб кунида маҳшаргоҳда Ҳақнинг севимли дўсти ҳимоясида ҳозир бўлишини сўраб, муножот қилидади.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони – шоирнинг ўзи. Ғазалнинг шоир ёшлик йилларида, Хиротдан Самарқандга кетишидан олдин яратилганини назарда тутсак, унинг Ҳақ таоло хулқи билан хулқла-нишни истаб, ўзига сабр тилаганини, Дорони енгтан Искандар, куч-сизгина Сухо юлдузи тимсолларида ўзини тасаввур эттанини му-шоҳада қилишимиз мумкин. Аммо бизнинг бу кучсиз мушоҳадамиз “шоир шундай демоқда”, мазмунидаги фикрни англатмайди.

Дилором САЛОХИЙ

“Илоҳо, Подшоҳо, Кирдигоро...”

Илоҳо, Подшоҳо, Кирдигоро,
Санга очуғ ниҳону ошкоро.

Сабур исми била қилсанг тажаллий,
Килиб Намрудға юз минг мудоро.

Қачонким зоҳир этсанг “танзаъ-ул-мулк”,
Сикандарнинг бўлуб мағлуби Доро.

Йўлунг муҳлиқ тоши ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра гарди мушки соро.

Сухо бўлса шабистонингда толиъ,
Бўлуб нури қуёшдек оламоро.

Навоий нафс зулмотиға қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ чиқмоқ не, ёро?!

Қиёматда гуноҳин афв этарга
Расулингни шафии эт, Кирдигоро.

V — — V — — V — —
мафойилун мафойилун фаувлун
ҳазажи мусаддаси маҳзуф

Лугат

Кирдигор – Аллоҳ таоло, Парвардигор
Ниҳон – яширин, пинҳон
Тажаллий – нурнинг акс топиши
Намруд – худолик даъвосини қўлган золим подшоҳнинг исми
Мудоро – муроса
Танзаъ-ул-мулк – Қуръони каримдаги “танзаъул-мулк мим-
ман ташоу”, (“подшоликини хоҳлаган одамингдан тортиб оласан”)
оятга ишора

Муҳлиқ – ҳалокатли
Аҳмар – қизил
Сухо – Чўлпон юлдузи ёнидаги хира юлдуз
Оламоро – оламни ёритувчи
Ёро – журъат; бардош
Шафии – шафоат қилувчи

Насрий баён

Эй Яратувчи Зот, Оламлар Подшоҳи ва Мураббийси! Пинҳон ва
ишкор барча нарсалар Сенга маълумдир.

Оламга “ас-Сабур” (ута сабрли) исмингнинг нури билан тажал-
лий эттанингда, Сенинг борлиғингни инкор этиб, худолик даъво-
сида бўлган Намруддек зотлар билан ҳам муросайи мадора қилиб,
унарга ҳам ризқ-рўз, умр ва давлат бергувчи меҳрибонсан.

Сен агар хоҳласанг, “танзаъ ул-мулк” ояtingнинг ҳукми билан
Дородек шавкатли подшоҳлар ҳам Искандарга мағлуб бўлишиади.

Йўлнингдаги ҳар бир ҳалокатли тош аслида қизил ёқут, эши-
гингдаги губор ва чанг энг сара мушқидир.

Сен агар истасанг, қоронғи кечада Сүхөдек хира юлдуз ҳам оламни қүёшдек ёрита олади.

Навоий нафс зулматида қолди. Сен агар унга Хизрдек йўл кўрсатмасанг, бу зулматдан чиқишида унга журъат ва бардош қайдай!

Эй Парвардигор, қиёмат куни Навоийнинг гуноҳини афв этмоққа Расулуллоҳни шафоатчи айла!

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида ҳамд мавзусидаги асарларни ўз моҳиятига кўра, икки тур – тавҳид ва муножотга ажратиб, муножот мавзусидаги асарларга шундай таъриф беради:

“Агар Тенгри ҳазратинда тазарруй қилсалар, муножот ўкурлар”. Таҳлил қилаёттанимиз ушбу ғазал муножот мавзусида битилган бўлиб, Саъдий Шерозийнинг “Хавотим” девонидаги мазкур ғазали билан ҳамоҳанг:

Илоҳо, Кодиро, Парвардигоро,
Каримо, Мунъимо, Омурзого.

Чи бошад, Подшоҳи подшоҳон
Агар раҳмат куни муште гадоро³.

(Мазмуни: Илоҳо, эй Қодир Парвардигор! Эй Ҳақиқий Карам ва Бойлик Эгаси, Кечирувчи Зот! Эй подшоҳлар Шоҳи, камтарин гадойингта раҳм қилсанг, қандай гўзал иш бўларди!)

Ўзбек адабиётида Навоийтагча даврда ҳамд ва наът лириканинг етакчи мавзуларидан ҳисобланмасди. Асосан мажозий муҳаббат тараннумидан иборат бўлган туркий ғазалнавислик Навоий туфайли мавзу доираси ҳам кенгайиб, диний, тасаввуфий, фалсафий, ахлоқий мотивлар ҳам лириканинг ушбу жанрига мослаштирилди, форс-тожик адабиётининг ютуқлари ижодий ўзлаштирилиб, туркий адабиётда жорий этишга эришилди. Албатта, Навоий форсий адабиётга шаклий издошлиқдан буткул воз кечиб, анъана-

вий мавзуларни туркий тилда янги шаклларда ифода эта оларди. Аммо туркий тилнинг кенг имкониятларини амалда намоён этиш мақсадида Навоий форс салафлари яратган ғазал “қолип”лари – муайян мавзу учун танланган вазн ва қофия тизимини сақлаган ҳолда янги маънолар ва ифода воситалари қўлланилган мутлақо янги асар яратишга эришган. Жумладан, татаббуъ қилинган Саъдийнинг ғазали ўн тўрт байтдан иборат бўлиб, бунда талаб ва дуо оҳангидан етакчилик қиласи – шоир Аллоҳ таолонинг бандасига бергани имон гавҳари, ҳадсиз-хисобсиз неъматлари, анбиё ва авлиёлар ҳақиқи ҳурмати гуноҳларини афв этиб, хатоларидан кўз юмишини илтижо қиласи ҳамда Расулуллоҳ, шафоатидан умидворлигини изҳор этиб, гуноҳ ва маъсиятдан нажот тилайди.

Навоий эса татаббуъ ғазали ҳажмини тенг ярмига қисқартиради. Дастребки байтда Аллоҳнинг уч сифати – ибодатга лойиқ ягона ют (Илоҳ), бутун оламнинг ҳақиқий эгаси (Подшоҳ – ал-Малик) ва яратувчиси (Кирдигор – Рабб) эканлигини билдирувчи сифатларини келтиргандан сўнг Унинг ниҳоятсиз Илми олдида оламдаги жамийки маҳфий ва ошкор нарсалар маълум эканлигини ҳамд этади. Кейинги байтда асмоуллоҳдан Сабур (ўта сабрли) исмени келтириб, талмех санъати ёрдамида бу исмнинг моҳиятини очиб беради. Яъни Намруд каби худолик даъвосини қиладиганлар аслида Аллоҳ таолонинг Сабур исменинг тажаллийси туфайли вақтинчалик қудрат ва шаматта эга бўлиб, Худонинг амридан бўйин товлашлари нисбий тушунча касб этиши, осийлик ҳам ўз моҳиятига кўра Аллоҳнинг иродаси ва ихтиёри туфайли содир бўлиши, энг гўзал сабр эгаси ҳам Аллоҳ таоло бўлиб, инсон бу исмдан имкони борича насибадор бўлиши лозимлигини уқтиради.

Учинчи байтда эса, талмех иқтиbos санъати билан қоришиқ ҳолатда қўлланилган. “Танзаш ул-мулк” ибораси “Оли Имрон” сурасининг 26-оятидан олинган бўлиб, мазкур оятнинг тўлиқ таржимаси қуидагича: Айтинг: “Эй Мулк (подшоҳлик) эгаси – Аллоҳ! Сен хоҳлаган кишининг ҳукмдорлик ато этурсан ва хоҳлаган кишинингдан ҳукмдорликни тортиб олурсан, хоҳлаган кишинингни анил қиулурсан ва хоҳлаган кишининг хор этурсан. Эзгулик Сенинг қўлинига дадур. Албатта, Сен ҳамма нарсага қодир зотдирсан⁴.

³ Куллиёти Саъдий. Тасҳех, муқаддима, таълиқот ва фаҳорис ба кўшиши Баҳоуддин Ҳуррамшоҳий. Интишороти Ноҳид, 1375. – Б.721 (форс тилида).

⁴ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири/ таржима ва тафсири муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2012. – Б.53.

Иккинчи мисрада Искандар ва Доро ўртасидаги жанг ҳамда Искандарнинг оз қўшин билан Доро устидан ғалаба қозониши ҳақида ишора бор. Биринчи мисрада иқтибос қилинган оят Искандар ва Доронинг ўртасидаги жанг муносабати билан нозил бўлмаган. Аммо дунёдаги жамийки ҳодисалар – хоҳ у Қуръон нозил бўлишидан олдинги ўтмишда содир бўлган бўлса, хоҳ вахий эшиклири ёпилгандан кейин амалга ошса, бундан қатъи назар Қуръондаги илоҳий ҳукмлар асосида воқеаликка айланishi, Қуръонда зикр этилган воқеалар мушриклар айтгани каби “асотири аввалин” (ўтмишдаги ривоятлар) йигиндиси эмас, балки ибрат ва тирикликининг доимий дастуруламали эканлигига Навоий ҳар қандай шубҳа ва гумондан холи эътиқод билан қараган ва буни ўз асарларида турили йўсинда изҳор этган.

Тўртинчи байтда ийҳом санъатининг гўзал намунасига дуч келамиз:

Йўлунг мұхлиқ тоши ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра гарди мушки соро.

Бу байтни икки хил талқин қилиш мумкин: 1) йўлингда учрайдиган ҳалокат тошлари қизил ёқут каби бебаҳо, эшигингдаги губорлар сара мушк каби ифорли ва қимматли; 2) сенинг йўлингда қизил ёқут ҳалокатга элтувчи тош, мушки соро эшигингнинг губоридан-да бекадр, яъни дунё ва унинг зийнатлари Сенинг йўлингдан чалғитувчи нарсалардир.


Кейинги байтда Илоҳнинг мўъжизакор қудрати олдида ҳали инсониятнинг қўли етиб бормаган осмону фалаклар ҳам ожиз эканлиги ҳамд этилган. Навоийнинг талқинига кўра, Парвардигор иродаси Ҳулкар туркумидаги энг хира юлдуз – Суҳони ҳам қуёшдек оламоро қилиши мумкин бўлгани каби, одамларнинг энг тубани ҳам илоҳий иноят шарофатидан энг яхши инсон бўлиши мумкин. Шу сабабли, ўз нуқсани исбот айлаган ориф шоир тахаллус байтида раҳнамоликни Худонинг ўзидан ёлвориб, илтижо қиласиди:

Навоий нафс зулмотга қолмиш,
Сен ўлмай Хизри рах, чиқмоқ не ёро?!

Охирги байтда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шафоатидан умидворлигини, бу шафоат Аллоҳнинг изни ва ихтиёри туфайли содир бўлиши (“Юнус” сураси, 10-оят)ни айтиб, ғазалга якун ясайди.

Таҳлилларни умумлаштириб, шундай холосага келиш мумкини, Навоийнинг Саъдий Шерозийдан таъсирланиши ғазал қолипини танлашда намоён бўлади. Аммо Қуръон оятлари матни ва мазмуни ҳамда бадиий санъатлар имкониятларидан фойдаланиш, оятлар мазмунидан холоса чиқариш ҳамда бу холосаларни янги поэтик воситалар орқали ифодалашда Навоий ўз тафаккур дахоси ва истеъоди кучига таянган. Саъдий ғазалида, асосан, ишора санъати имкониятларидан фойдаланилган бўлса, Навоий ўз ғазалида Қуръон оятлари матни ва мазмунидан фойдаланиш учун турли бадиий санъатлар – ишора, талмех, ийҳом, иқтибос санъатларидан маҳорат билан фойдаланган. Бу эса, Навоий ғазалининг дилтортарлиги ҳамда сўзнинг санъат даражасига кўтарилишига муҳим омил бўлиб хизмат қиласиган.

Олимжон ДАВЛАТОВ



Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро,
Санга очут ниҳону ошкоро.

Сабур исми била қилсанг тажаллий,
Қилиб Намрудга юз минг мудоро.

Қачонким зоҳир этсанг “танзиъ-ул-мулк”,
Сикандарнинг бўлуб мағлуби Доро.

Йўлунг мұхлиқ тоши ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра гарди мушки соро.

Сухо бўлса шабистонингда толиъ,
Бўлуб нури қўёшдек оламоро.

Навоий нафс зулмотига қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ чиқмоқ не, ёро?!

Қиёматда гуноҳин афв этарга
Расулингни шафиъ эт, кирдгора.

V — V — V —
мағойилун мағойилун фаувлун
ҳазажи мусаддаси маҳзуф

Лугат

Илоҳ – Аллоҳ, Худо, Тангри (ибодат этиладиган)

Кирдигор – Яраттувчи (Тангри сифати)

Сабур – сабрли, тоқатли (Аллоҳ сифатларидан бири)

Тажаллий – кўриниши, жилваланиш, аксланиш

Намруд – афсонавий золим шоҳ. Унинг фармони билан Иброҳим пайғамбар ўтга ташланган дейишади

Мудоро – муроса қилиш; илтифот, лутф

Танзизъ-ул-мулк – Қуръони каримдаги (“Танзаъул-мулка мимман ташоу”) – “Подшоҳликни хоҳлаган одамингдан тортиб оласан” оятига ишора

Муҳлиқ – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи, ҳалокатли

Ёқути аҳмар – қизил ёқут

Тийра – қора, қоронғи; ғам-ғуссали, қайғули; хира, нурсиз.

Сухо – хулкар юлдузи тўпламидаги юлдузлар; жуда кичик, арзимас

Шабистон – кеча қоронғилиги, қоронғи тун

Шафиъ – ҳимоячи, воситачи

Насрий баён

Эй, Тангри (яъни сиғинишга муносиб зот), (азалий ва абадий қукмдор яъни энг улуғ ва ҳақиқий) Подшо ва эй (икки дунё, ўн сак-киз минг олам ва ундаги барча мавжудотларни) Яратувчи – (ижод тутувчи), Сенга ҳар қандай ошкор ва пинҳон нарсалар - (фиксирлар, туйгулар, қалблар) очиқдир.

Агар сабр қилувчи сифатинг билан тажаллий этсанг – акслансанг, (Иброҳим пайғамбар билан бирга) Намрудга юз минг (марта) муроса (билан мурожаат) қилгувчи бўласан.

Агар Куръони Каримдаги (“Танзаъул-мулка мимман ташоу”) – “Подшоҳликни хоҳлаган одамдан тортиб оласан” оятини зоҳир тадиган бўлсанг, Доро Искандарнинг мағлуби бўлиб қолади.

Йўлингнинг ҳалок қилувчи тошлари қизил ёқут(га teng) бўлса, даргоҳингнинг хира гарди сара мушқидир.

Коронғу кечангда иқбол арзимас, кичик юлдуздек бўлса, (караминг ва ҳимматингдан) оламни ёритувчи қўёшдек (юксак ва порлок) нур сочувчи бўлади.

Навоий нафс зулматида қолди, эй Ёр, агар сен Хизр каби йўлбошливи бўлмасанг, ундан чиқмоғи гумондир.

Эй Яраттувчи, қиёматда (Навоийнинг) афв этиш учун элчинг (бўлган Муҳаммад пайғамбарни) воситачи ва ҳимоячи этгин.

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳлил қилаётган ушбу ғазал шаклан мусалсал ва мазмунин орифона бўлиб, васф ва муножот байтларни ўзида мужассам-шунтирган ҳамд ғазаллар сирасига киради. Матлаъдан бешинчи байттacha куйланган Яратган васфи, олтинчи ва еттинчи байтлардаги муножот оҳангти ғазалдаги ўзига хос үйғунликни таъминлаган.

Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро,
Санга очуғ ниҳону ошкоро.

Эй, Тангри (яъни сиғинишга муносиб зот), (азалий ва абадий қукмдор яъни энг улуғ ва ҳақиқий) Подшоҳ ва эй (икки дунё, ўн сак-

киз минг олам ва ундаги барча мавжудотларни) Яратувчи – (ижод этувчи), Сенга ҳар қандай ошкор ва пинҳон нарсалар - (фикрлар, түйгүлар, қалблар) очиқдир.

Газал матлаъси Аллоҳнинг сажда этишга, яъни сигинишга муносиб зот эканлиги, икки оламнинг ягона ва ҳақиқий подшосилиги ва ниҳоят асосий сифатларидан бири – Яратувчи эканлиги ҳамда ошкор ва пинҳонни билувчилигини таърифлаш – мадҳ этиш билан бошланади. Бу сифатлар Аллоҳнинг минг бир сифати қаторида ҳисобланади.

Байтда илоҳо, подшоҳо, кирдигоро сўзлари орқали таъдид, ниҳону ошкоро сўзлари орқали тазод санъатларига мурожаат этилган.

Сабур исми била қилсанг тажаллий,
Килиб Намрудга юз минг мудоро.

Агар сабр қилувчилик сифатинг билан тажаллий этсанг – акслансанг, (Иброҳим пайғамбар билан бирга) Намрудга юз минг (марта) муроса (билан мурожаат) қилгувчи бўласан.

“Қуръони Карим”даги пайғамбарлар қиссаларида Иброҳим пайғамбар билан Бобил подшоси Намруд, Мусо пайғамбар билан Миср фиръавни ўртасидаги мунозалар акс этган. Уларда ҳар икки пайғамбарнинг коғир подшоларни имонга даъват этганлиги, Аллоҳнинг ягона илоҳ ва ўзларини Унинг пайғамбари эканликларини ҳужжат ва мұжизалар билан исбот қилишганлиги акс эттирилади. Ҳар икки пайғамбар ҳам коғир подшоҳларга майин гаплар ва мулойим муюмила билан мурожаат этишганлари ҳақида оятларда хабар берилган. Навоий мана шу ҳолатни Ягона ва ҳақиқий подшоҳнинг сабур исми билан тажаллий этганлиги – коғирларга ҳам муроса қилганлиги сифатида баҳолайди.⁵

Байтда Намрудни эслаш орқали талмех санъатига мурожаат этилмоқда.

Қачонким зоҳир этсанг “танзизъ-ул-мулк”,
Сикандарнинг бўлуб мағлуби Доро.

⁵ Бу образларнинг келиб чиқиши қаранг: Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Тошкент: Фан, 2016. Б. 63

Агар Қуръони Каримдаги (“Танзаъул-мулка мимман ташоу”) – “Подшоҳликни хоҳлаган одамдан тортиб оласан” оятини зоҳир этадиган бўлсанг, Доро Искандарнинг мағлуби бўлиб қолади.

Ушбу байтда юқоридаги фикрнинг мантикий давоми акс эттирилади. Яъни агар Аллоҳнинг қаҳри келса, ҳар қандай салтанат, тоҷу таҳт ва бошқа нарсалар ер билан яксон бўлади. Буни Навоий Доронинг ўзи бола деб ўйлаб писанд қилмаган Искандардан енгилганилиги мисолида кўрсатиб бермоқда.

Газалнинг иккинчи ва учинчи байтлари орасида тазод санъати шукудга келтирилган. Навбатдаги байтда эса тазод ҳар бир байтда намоён бўлади. Байтда Искандар ва Доро сўзлари ёрдамида талмех, танзизъ-ул-мулк бирикмаси ёрдамида иқтиbos санъатига мурожаат этилган.

Йулунг муҳлиқ тоши ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра гарди мушки соро.

Йулингнинг ҳалок қилувчи тошлари қизил ёқут(га тенг) бўлса, даргоҳингнинг хира гарди сара мушқидир.

Навбатдаги икки байтда Аллоҳ даргоҳи ва унга ошиқ муносабати акс эттирилади. Улуғ Даргоҳнинг ҳалок этгувчи, яъни ошиқнинг бошига ёғилувчи тошлари асли қизил, яъни асл ёқут, ундаги гарди эса сара мушқка тенгдир. Бу ўҳшатишлар билан Навоий мураккаб ва ҳалокатли туюлган илоҳий ишқнинг аслида инсонни тоблаб, камолотта стиштириши ҳақида сўз юритмоқда.

Байтда муҳлиқ тоши ва ёқути аҳмар, тийра дард ва мушки соро бирикмалари орасида тазод санъати ҳосил бўлмоқда.

Сухо бўлса шабистонингда толиъ,
Бўлуб нури қуёшдек оламоро.

Қоронғу кечангда иқбол арзимас, кичик юлдузdek бўлса, (караминг ва ҳимматингдан) оламни ёритувчи қуёшдек (юксак ва порлок) нур сочувчи бўлади.

Яъни, агар энг хира юлдуз ҳам сенинг кундузинг ҳам эмас, қорорғу туннингга дучор бўлса ҳам, ўша туннинг шарофатидан қуёш-

дек нурафшон нур сочувчи бўлади. Байтда Аллоҳнинг хоҳлаган бандасини иззат ва ҳикмат билан улуғлаши назарда тутилган.

Байтда сухо ва қуёш сўzlари ёрдамида маънавий тазодга мурожаат этилган.

Навоий нафс зулмотига қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ чиқмоқ не, ёро?!

Навоий нафс зулматида қолди, эй Ёр, агар сен Хизр каби йўлбошловчи бўлмасанг, ундан чиқмоғи гумондир.

Навбатдаги байтда Навоий ўз тахаллусини қўллаган ҳолда бевосита ўзи учун ёрдам сўраб, Яратганга илтижо қиласди. Ўзини нафс зулматида қолган нотавон санааб, бу зулматдан чиқиш учун Аллоҳдан Хизр каби йўлбошловчи бўлишни сўрайди. Зоро, ўзини ҳамиша ожиз ва ҳокисор санаш, ҳар доим Аллоҳнинг бекиёс меҳри ва қарамига умид қилиш ҳақиқий банданинг вазифасидир.

Байтда нафс зулмоти ва Хизри раҳ бирималари ёрдамида маънавий тазод, Хизрга мурожаат этиш орқали эса талмеҳ санъатлари вужудга келтирилган.

Қиёматда гуноҳин афв этарга
Расулингни шафиъ эт, кирдгоро.

Эй Яратгувчи, қиёматда (Навоийнинг) афв этиш учун элчинг (бўлган Муҳаммад пайғамбарни) воситачи ва ҳимоячи этгин.

Ислом дини эътиқодига кўра, машҳар, яъни қиёмат куни барча пайғамбарлар, авлиёлар ва сиддиқларга ўзига тегишли одамларга шафоат қилиш, яъни гуноҳларини кечириш учун воситачи бўлиш ҳукуки берилади. Бу ҳукуқнинг энг олий даражадаги мартабаси, яъни барча осий умматларни гуноҳини сўраш ҳукуки эса пайғамбаримиз Муҳаммад алайхиссаломга ваъда қилинган. Навоий мана шу шафоатга умид қилиб, Яратганга илтижо этмоқда. Умуман, ғазалда Аллоҳнинг беҳад буюклиги ва банданинг Унга бўлган доимий эҳтиёжи тараннум этилган.

Мақтаъда Навоий пайғамбар воситачилигида афв сўрашига ўзига хос яна бир сабаб мавжуд. Ушбу ғазал девондаги сўнгти ҳамд

буниб, ундан кейин наът ғазаллар бошлананади. Шу сабабли ушбу наътларига ўтиш учун ўзига хос кўпrik вазифасини ўтамоқда.

Байтда илтифот ва талмеҳ санъатларига мурожаат этилган.

Газал ҳамд-ғазаллар орасида содда ва равон ифодаси, юксак нағоси билан ажralиб туради.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ой, нубувват хайлиға хотам баний Одам аро...”

Ой, нубувват хайлиға хотам баний Одам аро,
Тар олар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Юл шигинг туфроғига сурта олғайменму деб,
Чорк қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.

Люкум ичра оразинг меъроj шоми ўйлаким,
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.

Не учун қиёмини қдро ҳарён солиб жайбиға чок,
Фуроғатнинг Кальба гар қолмайдурур мотам аро.

Соф ғүйнинда ютунг меҳрини гүё асрамиши,
Тун юнг қар кун қуёш акси эмас Зам-зам аро.

Майъало бўлмиш малак илгидага равзанг бошиға,
Си чароги началар бу нилгун торам аро.

Кум эмас йатходаким, меҳри жамолинг ҳажридин,
Тарро зарра юнсми бир бирдин тўкулди ғам аро.

Нур эмас, Йеридда йиртибдур юзин тирноғ ила,
Моғамити тоғимади ул водийи хуррам аро.

Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумраи маҳрам аро.

- V - - - V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лутат

Нубувват – набийлик, пайғамбарлар гуруҳи, Ҳақ таоло инсо-
ниятга юборган элчилар гуруҳи

Хотам – муҳр

Жайб – чўнтақ, кисса; ёқа, кийимнинг ёқаси; ён, яқинлик

Каъба – макка шаҳридаги зиёратгоҳ, муқаддас сайилгоҳ, му-
сулмонлар қибласи; кўнгил

Зам-зам – қўшиш, жамлаш; маккаи мұкаррамадаги муқаддас
кудуқ

Батҳо – Маккаи мұкаррама атрофидаги Батҳо водийси

Ясриб – Мадина шаҳрининг қадимги номи

Нилгун торам – кўк рангли осмон гумбази

Насрий баён

Эй Одам болалари ичидан танланган набийлар тўпига босил-
ган муҳр;

Агар улар муҳр бўлсалар, сен ўша муҳр ўртасида ўйиб ёзилган
отсан.

Сенинг эшигинг тупроғига юзини суртиш умидида;
Қасрга ўҳшаш фалаклардан Қуёш ҳар кун оламга, дунёга тушади.
Меъроjга кўтарилигинингда Сенинг юзинг гўёки юлдузлар ичида;
Шабнам орасидаги кечани ёритувчи дур каби эди.

Нега ёқаларини чок этиб, эгнига қора киймасин;

Каъбаки, Сенинг фурқатингда мотамда қолди-ку!

Гўёки покиза кўнглида Сенинг юзингта бўлган муҳаббатини
асрагандек;

Замзам кудуғи суви юзида акс этган нур асло қўёш нури эмас.

Кабринг бошида фаришталар кўтариб турган машъала;
Кечалари кўм-кўк осмонда нур сочиб турган Ойдир.
Батҳо водийсидаги қумлар албатта кум эмас, балки жамолинг
мөхрини соғиниб;

Ғаміға ботиб, зарра-зарра бўлиб тўқилиб кетган жисмлардир.
Ясриб шаҳри томон чўзилган йўллар ҳам йўл эмас, балки юзла-
рини тирноқлари билан йиртиб;

Сенинг муборак қадамингни орзулаб турган шоду хуррам бир
водийдир.

Эшигингдаги итларинг Сенинг хусусий мулкинг, шу сабабдан
ҳам Навоий ҳазин, ғамда қолгандирики;

Қанийди у ҳам шундай баҳтдан маҳрум бўлмай, Сенинг хона-
донинг мулки бўлса эди!

Шарҳ ва изоҳлар

Буюк шоир ҳамдларида ҳам, наътларида ҳам дунё, башарият
қаси, инсон шахси асосий мавзу қамрамларини ташкил этади.
Ушбу ғазал наът бўлиб, унда Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом ҳақла-
рида фикр юритилади. Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом фаришта
эмас, башар фарзанди бўлганлар. Шоир башарнинг ана шу покиза
фарзандини улуғлаш орқали Одам Ато авлодларини, демакки, оддий
инсонни кўкларга кўтаради.

Матлаъ оддий тупроқдан яратилган, аммо олий даражалар
соҳиби бўлган инсонга юзланиш ва унинг инсоният тарихидаги
олий ўрнини васф этиш билан бошланади. Муқаддас қаломуллоҳда
келтирилишича, залолатта кетаётган инсониятни Ҳақ йўлига ҳи-
доят қилиш учун инсонларнинг ўзларидан танланган 124 минг
(яна аниқроғини Ҳақ таолонинг ўзи билади) пайғамбар, йўл кўрса-
твчи Ер юзига юборилган. Шоир Муҳаммад алайҳиссаломни ана
шу Одам Ато фарзандларидан бўлмиш пайғамбарларнинг охирги-
си, муҳри, ҳужжати, деб атайди. Байтда муҳр воситасида шундай
байдий лавҳа чизилмоқдаки, яъни бирор хат ёки ҳужжат сўнгидা
шу ҳужжат соҳиби ёки муаллиф ўз муҳрини босади. Муҳр -қабул
қилинган қарор ёки охирги ҳукмни тасдиқловчи восита, далил.
Кейинги мисрада шоир занжирли ўхшатиш – ташбеҳи мусалсални

давом эттиради: агар ҳар бир пайғамбар ўз қавми учун шоҳидлик берувчи бир муҳр бўлса, Муҳаммад алайҳиссалом шу муҳр ичидан ёзилган (дарж этилган) сўз, исм, дейди. Маълумки, муҳрнинг ўтрасида муҳр эгасининг исми ёзилган бўлади. Демак, Муҳаммад алайҳиссалом ўзларигача ўтган барча пайғамбарларнинг ҳақиқатини акс эттирадилар, ул зоти олийгача ўтган пайғамбарларда эса Расули акрамнинг (с.а.в.) бирор сифатлари ёки бир неча сифатлари ўз ифодасини топган. Шу боис ул зоти бобракотга “хотам ул-анбиё” даражаси берилган.

Пайғамбарлар элининг хотами Муҳаммад алайҳиссалом комил инсон эдилар. Фалакнинг буюк чароғи Қуёш ҳам “башарнинг етук фарзанди эшиги тупроғига юзимни суртай, уни тавоф килай”, деб ҳар кун Чархдан Ерга тушади. Бу гўзал бадиий лавҳа билан Навоий “комил инсон атрофида бутун коинот айланади”, мазмунидаги сўфиёна гояни талқин этишга киришади. Сўфиёна фоя талқини кейинги байтда давом этади.

Бу байтда фавқулодда гўзал бадиий лавҳа яратилган. Шоир пайғамбар алайҳиссаломнинг буюк мўъжизалари бўлмиш меърож воқеасини тасаввурида жонлантиради. Меърож кечасида пайғамбар алайҳиссаломнинг нур сочувчи юzlари юлдузлар (анжум) орасида (биринчи мисра); худди гул баргидаги шабнамлар орасига кечани ёритиб юборувчи қимматбаҳо дур – гавҳар тушиб қолгандек (иккинчи мисра) манзарани намоён этади. Байтда осмон – яшил гул баргига, юлдузлар – тунги шабнамларга, пайғамбар алайҳиссаломнинг ёруғ юzlари – дур, гавҳарга қиёсланмоқда.

Кейинги байтда Каъбанинг қора рангли либос (каъбапўш)да эканлигини пайғамбар алайҳиссалом ундан бир мuddат бўлса ҳам узоқлашганлари учун мотам либосига ўралган, деб; эшиклар ўринидаги ёриқларни эса пайғамбар ҳажридаги мотамзаданинг йиртилган ёқалари, деб бадиий тасвир яратилади.

Маккай мукаррамадаги Замзам қудуғи сувида ҳам ана шу инсони комил юзининг шуъласи мавжуд. Пайғамбар алайҳиссалом, маълумки, кўп марта Замзам қудуғи бошига келганлар, сувидан ичганлар. Ул зоти мукаррамнинг кўзлари ва юzlаридаги нур тушчиғида сув юзида ўйнаб, мавжланиб турган. Бинобарин, Замзам қудуғи суви юзидаги нур қуёш нури эмас, балки набийнинг чехра-

си ва кўзларидан тараалган нурдир. Яна бу байтда Замзам қудуғи юзининг покиза қалбида пайғамбарнинг меҳрини асрраган, деган маънодаги яширин ўхшатиш (ташбеҳи пўшида) ҳам бор.

Шоир пайғамбар алайҳиссалом пок сиймолари васфини тобора мок даражага кўтара боради. Кейинги байтда пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак қабрлари “нилгун торам” – кўк рангли осмон гумбазига қиёс этилади. Фаришталар эса ҳар кеча Ойни машъаладек бу қабр бошида кўтариб турадилар.

Навбатдаги байтда Маккай Мукаррама яқинидаги Батҳо водийси ҳақида фикр борадики, пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳижратларини (Маккадан чиқиб кетишларини) сезиб, Батҳо водийсидаги қумлар энди кум эмас, балки набий ҳажрида зарра-зарра бўлиб тўкилган жисмлардир.

Ясриб – Мадинаи Мунавваранинг қадимги номи. Тарихдан маълумки, пайғамбар алайҳиссалом 50 ёшларида Маккай мукаррамадан чиқиб, ул зоти олийни ниҳоятда севган мадиналиклар – ансорлар ҳузурига йўл оладилар ва муборак умрларининг охирига қадар (ўн уч йил) шу ерда қоладилар. Мадиналиклар Ҳазрати Муҳаммад ҳабибулоҳ (а.)ни бетоқатлик билан кутадилар, ул зоти покка этишгач, юксак эҳтиром кўрсатадилар. Байтда Мадинага олиб борувчи йўллар йўл эмас, Ер ўз юzlарини пайғамбар қадамларини орзулаб пора-пора қилгандан қолтан тирноқ изларидир, дейилмоқда. Ер – ташхис санъати билан жонлантирилмоқда, “ер юзи” ибораси ташбеҳи пўшида воситасида яширин ийҳом қилинмоқда.

НИҲОЯТ, лирик қаҳрамон ғазалнинг мақтаъида пайғамбар алайҳиссалом эшигидаги итларга ҳавас билан қараганлигини изхор этади. Чунки, итлар шарафли даргоҳ учун хос бўлиб, лирик қаҳрамон эса бу шарафдан маҳрумдир.

Дилором САЛОХИЙ

“Эй, нубувват хайлиға хотам баний Одам аро...”

Эй, нубувват хайлиға хотам баний Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Юз эшигинг туфроғига сурта олғайменму деб,
Чарх қасридин күёш ҳар кун тушар олам аро.

Анжум ичра оразинг меърож шоми уйлаким,
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.

Не учун киймиш қаро ҳарён солиб жайбиға чок,
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро?!

Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асрамиш,
Туш чоғи ҳар кун күёш акси эмас Замзам аро.

Машъале бўлмиш малак илгида равзанг бошиға,
Ой чароғи кечалар бу нилгун торам аро.

Қум эмас Батҳодаким, меҳри жамолинг ҳажридин
Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди ғам аро.

Йўл эмас, Ясирида йиртибдур юзин тирноғ ила
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Итларинг маҳсусу маҳзундур Навоий, кошки
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Нубувват – пайғамбарлик
Хайл – гурух, тоифа, қавм
Хотам – салтанат мухри нақшланган узук
Чарх – осмон, фалак
Лижум – юлдузлар
Ораз – юз, чеҳра
Дурри шабчароғ – кечаларни ёритувчи дурдона
Жайб – чўнтак; ёқа
Фурқат – айрилиқ
Малак – фаришта
Илик – қўл
Равза – боғ; бу ерда: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муборак қабрлари
Нилгун торам – кўк осмон
Батҳо – Маккаи мукаррама
Ясириб – Мадинаи мунаввара
Махсус – хослар тоифаси
Зумра – тоифа, қавм

Насрий баён

1. Эй, башарият наслидан чиққан пайғамбарларнинг энг сўнг-гиси! Агар бошқа пайғамбарлар хотам – Оламлар Подшоҳи салтанатининг узуги бўлсалар, сен бу узукда салтанат мухри ӯлароқ нақшланган.

2. Фалак қасридан Қўёш ҳар куни эшигинг тупроғига юзини суртмоққа, яъни тавоб қилгани тушади.

3. Кечаларни ёритувчи дурдона шудринглар орасига тушгандек меърож кечасида сенинг юзинг юлдузлар орасида алоҳида ажрабиб порлади.

4. Каъба фироқингда мотам тутиб, эгнига қора кийиб олгандек.

5. Замзам қудуғининг устига туш пайти тушган қўёш акси – аслида сенинг офтобдай чеҳрангни бағрида асраганидан нишонадир.

6. Кечалар муборак равзанг бошида ойнинг балқиб туриши фаришталар бошинг устида машъял кўтариб турганига менгзайди.

7. Батҳо чўллари күёшдек жамолинг ҳажридан адо бўлиб, жони зарра-зарра бўлиниб, қумдек тўқилиб кетди.

8. Мадина йўллари сенинг муборак қадаминг фироқида тирналган юздек тарам-тарам бўлиб қолган.

9. Сенинг даргоҳингда итларинг хослар даврасида, мискин Навоий маҳзун бўлиб қолган. Кошкийди бу маҳрум умматинг ҳам маҳрамларинг тоифасига қўшилса.

Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазал охирзамон пайғамбари, сарвари коинот Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) наътидаги биринчи ғазал. Шу сабабли, матлаъда шоир бу зотнинг нубувват хайли – пайғамбарлар сафида тутган юксак мақомини васф этади. Исломий ақидага кўра, расууллоҳ (с.а.в.) инсоният тарихидаги сўнгти пайғамбар ва айни пайтда Аллоҳ элчилари орасида энг улуғи ҳисобланади. Ҳазрат Навоий подшоҳларнинг узуги ҳамда энг сўнгги, охирги маъноларини билдиручи “хотам” сўзини қўллаш орқали ажойиб шоирона ӯҳшатиш яратиб, ўз муҳаббати ва эътиқодини қўйидагича баён этган:

Эй, нубувват хайлига хотам баний Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Фақат инсоният олдида эмас, балки барча яратиклар олдида Расули акрамнинг мақоми ниҳоятда улуғ. Тириклик чогида бошида булат ҳамиша соябон бўлган, йўлдаги тошлар унга салом берган, гайб оламидаги жин ва парилар унинг қули билан имон келтирган, мушриклар талаби билан Ойни иккига бўлиш мўъжизасини кўрсатган пайғамбарнинг эшиги тупроғига юзини суртмоқ ниятида ҳар куни Қуёш ер юзини мунаvvар этиб, муборак қадамжоларини зиёрат қиласи. Меъроҳ кечаси осмонларга кўтарилган бу зотнинг мунаvvар юзи олдида нур сочувчи юлдузлар кечалари ўзидан нур таратиб, рўшнолик берадиган дурдона олдида шудринг томчилариdek нурсиз бўлиб қолганга ӯшаган. Негаки, меъроҳ кечасида

Расууллоҳ (с.а.в.) Аллоҳ таоло ҳузурида бўлиб, бевосита мулоқот қилиш ва дийдорлашиш саодатига эришган ягона зотdir:

Анжум ичра оразинг меъроҳ шоми уйлаким,
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.

Жоҳилият замонида бутхонага айланган Каъба ҳақ дин келгандан кейин яна имон ва ислом аҳлиниң қибласига айланди. Узоқ асрлар давомида мушрикларнинг ботил ақидаси дастидан хор бўлган бу муқаддас макон яна ягона Аллоҳга топинувчилар учун зиёратго бўлди. Бу иззатни унга қайтариб берган Каъба ҳар йили ҳаж мавсумида қора матодан кисва – каъбапўш билан ёпиниб, ҳаж амаллари тугагандан кейин кисванинг ечиб олиниши қайсиdir маънода Каъбанинг унга азизлик мақомини қайтариб берган пайғамбаримизнинг фироқида аза тутганига ҳам йўйиши мумкин:

Не учун киймиш қора ҳарён солиб жайбиға чок,
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро.

Ҳаж мавсумида етти иқлимдан келган ҳожилар чанқоғини қондирувчи Замзам қудуғига пешин пайтида қуёш аксини тушиби – бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган пайғамбар офтоби чехрасининг ёдидир.

Пайғамбаримизнинг муборак равзалари устида нур сочиб турган ой қўлида машъял тутиб, моддий дунёдан боқий оламига риҳлат қилган энг азиз банданинг марқадини ёритиб турган фаришталарга менгзайди. Маккаи мукаррама атрофида ястанган Батҳо дашти – бу муборак шаҳарда туғилиб вояга етган, инсониятнинг йўлини ёритувчи мунаvvар қуёш бўлган зотнинг ҳажрида обу адо бўлиб, жисми қум заррасидек тўқилиб кетган соғинч тимсоли гўё. Мадина мунаvvаранинг йўллари – хижрат сабабли келиб бу шаҳарни мунаvvар ва муқаддас айлаган шариф инсоннинг хайрли мақдамининг фироқида фифон чекиб, юзидаги тириклиарнинг изидек... Алишер Навоий бу каби шоирона ӯҳшатиш ва тасвиrlар орқали ӯқувчиларига катта бир ҳикматни уқтироқчи бўлади: Каъба ҳам, Макка ва Мадинанинг шарафли бўлиши, имон аҳлиниң қибласига айланиши – расууллоҳ (с.а.в.)нинг муборак вужу-

ди шарофати туфайли. Аллоҳ ўз ҳабибининг шарофати билан қумзорлар ичида қад ростлаган икки шаҳар ҳамда у ердаги қора тош ва қудуқни шунчалик азиз ва мукаррам қилган экан, бу зотнинг қавалу феълига муносиб яшаши ихтиёр этган инсон албатта юксак мақом ва мартабаларга эришажак. Шу сабабли, Навоий ислом пайғамбариға муносиб уммат бўлиш – унинг энг улуғ орзуси эканини қайд қилиб, ғазалга шундай яқун ясайди:

Итларинг маҳсусу маҳзундур Навоий, кошки
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Зихи жавлангаҳинг афлок уза майдони “ав адно...”

Зихи жавлангаҳинг афлок уза майдони “ав адно”,
Буроқингға тўкуз гунбад бу тўккуз гунбади хазро.

Қилиб чун хай гулоби майли наълайнинг, бўлиб андин
Малак раъноларининг жабҳасиға чарх сандалсо.

Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулинг сори,
Бўлуб руҳонилар жайби лаболаб анбари соро.

Фалак қолиб буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.

Юзунгдин анжум, анжумдин қүёш нур иктисоб айлаб,
Анингдекким, қўёшдин ою, ойдин қийргун ғабро.

Фалак водийлари қатъиға азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкиға ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.

Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудҳуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипехросо.

Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли кўйида манзил,
Тилаб саргашта ушишоқиға ҳам раҳмат уйин маъво.

Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,
Анга дўзах аро ўтдектурур дунёву мо фиҳо.

V – – V – – V – – V – –
мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун
хазажи мусаммани солим

Лутат

Зихи – гўзал, ёқимли, кўнгилга матлуб; яхши, қандай яхши;
оғарин; худди ўзи, жуда, энг

Ав-адно – пастроқ, яқинроқ

Буроқ – Мухаммад алайҳиссаломни меърож кечаси кўкка олиб
чиққан от суратидаги фаришта

Хазро – кўк, яшил; осмон

Хай – тер томчиси

Наълайн – этик, жуфт кавуш, пойафзал

Жабҳа – пешона, манглай; юз, ой юзли

Анбар – хушбўй модда, ёқимли ҳид

Иктисоб – ўрганиш, касб қилиш, қўлга киритиш, қозониш

Қийргун – қорамой рангли, қоп-қора, тим қора

Ғабро – ер, ер юзи, ер шари

Пайқ – хабарчи, жарчи; элчи

Сипехросо – осмон, фалак каби; баланд, юксак

Мо фиҳо – унданаги, унинг ичидаги

Насрий баён

Матлаъ: Сенинг бағоят чиройли жавлон урувчи майдонинг фалаклар узрадир, фалаклар ундан пастроқдир;

Кўм-кўк тўққиз қаватли осмон Сен минган Буроқ исмли от учун гўё тўққиз гумбаз кабидир.

Гул сувидек хушбўй теринг ковушларинг сари оқаркан, ундан қолган издан андоза олиб;

Чиройли бўйли фаришталарнинг пешоналарига айланувчи (чарх) сандал дараҳти янглиф тикқадликни тақдир қилгандир.

Ҳар нафас сунбул каби кокилларинг томонга раҳмат шамоли эсиб турадики;

Бундан руҳлар ёқалари анбар каби хушбўй ҳид билан лаболаб тўладилар.

Айланувчи осмонлар тезлиқда Сенинг Буроқингта етолмадилар, шу боисдан энди тез айланувчи, тез учувчиларни “фалакларга ўхшайди”, деб мақтаб бўлмайди;

Худди шунингдек Ой ёругликни Сенинг жамолингдан олибдики, энди Сени васф этганда “ойюзли” деб мақташ ҳам ножоиздир.

Юзингдан юлдузлар, юлдузлардан ой нур сочишни ўрганиб олишибди;

Бу гўёки қуёш нуридан ой шуъла олиб, ой нури эса қоп-қора ерни ёритгани кабидир.

Осмон водийларини бир-бир босиб ўтиш учун от сурибсан;

Ақл элчиси буни аввал тушунмай, ранжиб қолди.

Сенинг Дўстинг Сулаймон пайғамбар ёнида учиб юрган Худҳуд кабидир;

Буроқ отинг эса юлдузлар шоҳи – Ой устида осмон кабидир.

Бу сайдан мақсадинг севгили Дўстинг кўчасига бориш эди;

Унинг саргардорон кезган ошиқлари учун ҳам раҳмат уйини тилаш эди.

Навоий бу оламни фақат Сенинг отингни тинмай қайтаришдан баҳра топгани, лаззат туйгани учунгина хуш кўради;

Акс ҳолда бу йўқ бўлиб кетувчи дунё унинг учун дўзах ичидаги олов кабидир.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал ҳам наът бўлиб, бошидан охирига қадар Муҳаммад алайҳиссаломнинг Меъроҷ кечасидаги мўъжизалари висфига ба-

ғишлиланган. Матлаъда пайғамбар алайҳиссалом айланадиган, жавлон урадиган гўзал майдон фалаклар узра бўлиб, тўққиз қават осмон ҳам унинг афсонавий оти – фаришта Буроқ парвозидан пастроқда қолади, дейилмоқда.

Гул суви янглиф теринг томчиси пойафзалинг сари оқар экан, чарх гўзалқадли фаришталарнинг пешонасига ундан андоза олиб “сандалсо” – сандал дараҳти каби хушқоматлик, зеболик, хушбичимлиликни тақдир қилди.

Дам-бадам шамолда тебранган соchlаринг сари раҳмат насими (шамоли) эсиб, тарқалар экан, йўлингда, осмонларда учраган пайғамбарлар руҳларининг ёқалари анбарин хушбўй ҳиддан лаболаб тўлиб боради.

Фалаклар Буроқинг парвозидан пастда қолдилар, энди юксакликни висф этиш учун улар нолойиқ. Ой Сенинг жамолинг шульласидан нурланиб, ёруғ бўлди, энди у Сенинг жамолинг висфига ташбех бўлишга ярамайди.

Пайғамбар юзини кўриб юлдузлар, юлдузлардан қуёш нур тараптишни касб қилишгани каби қуёшдан ой, ойдан эса қоп-қора ер нурга чулғанади.

Меъроҷ туни фалаклар оша парвоз қилиш учун от сурганингда, ақл элчиси буни тушунмай, ранжиди.

Меъроҷ туни сайрида Сенинг рафиқинг – Ҳазрати Жаброил алайҳиссалом худди Сулаймон алайҳиссалом ёнидаги Худҳуд каби эди. Буроқинг парвози эса юлдузлар шоҳи – Ойдан ҳам юксалиб, осмонлардан ошиб кетди.

Пайғамбар алайҳиссалом бу сайр ичидаги ўзлари севган Зот даргоҳида бўлиб, совғалар олдилар, ўзларини нур ичидаги кўрдилар. Аммо тилаклари – барча Ҳақ ошиқларига, маърифатталаб солиҳ инсонларга раҳмат уйидан, раҳмат назаридан насиба тилаш эди.

Мақтъада Навоий севимли раҳнамомиз Расули акрам (с.а.в.) номларини тилида такрор этиш билангина бу оламни хуш кўришини баён этади. Чунки, у бу олий зотни шу оламда таниди, қаттиқ меҳр кўйди, эргашди. Агар шундай бўлмагандан, бу дунё ва унинг ичидаги бор мавжудот шоир кўзига дўзах ичидаги ўтдек даҳшатли, ноҳуш бўлиб кўринар эди.

Дилором САЛОХИЙ

“Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони “ав адно...”

Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони “ав адно”,
Буроқингга тӯқуз гунбад бу тӯқкуз гунбади хазро.

Қилиб чун хай гулоби майли наълайнинг, бўлуб андин
Малак раъноларининг жабҳасига чарх сандалсо.

Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.

Фалак қолиб Буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.

Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб
Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун ғабро.

Фалак водийлари қатъига азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.

Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудҳуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипехросо.

Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли кўйида манзил,
Тилаб саргашта ушшоқига ҳам раҳмат уйин маъво.

Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву моғиҳо.

V --- V --- V --- V ---
мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун
ҳазажи мусаммани солим

Лутат

Зиҳи – офарин, қандай яхши, салламно
Афлок – фалаклар, етти осмон
“Ав адно” – “Нажм” сурасининг 9-оятидан иқтибос
Буроқ – Мухаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг Меърож кечасидаги
улови

Хазро – яшил
Хай – тер, арақ
Наълайн – жуфт кавуш
Малак – фаришта
Жабҳа – пешана
Анбари соро – сара анбар
Фалаксуръат – осмондек тез ҳаракат қилувчи
Қамар – ой
Наът – васф
Анжум – юлдузлар
Иктисоб – ўзлаштирмоқ, касб этмоқ
Қийргун ғабро – қора ер
Пайк – элчи
Тойир – қуш, парвоз этувчи
Сойир – сайр этувчи
Саргашта – овора
Ушшоқ – ошиқлар
Маъво – макон, маскан
Дунёву моғиҳо – дунё ва ундаги нарсалар

Насрий баён

1. Ё Расулуллоҳ, салламно, сенинг жавлон қилган маконинг осмонлар узра, “қоба қавсайни ав адно” – икки ёй орасидаги масофа ё ундан ҳам яқин бўлган майдонда, Аллоҳ таоло ҳузуридадир. Буроқинг учун бу тӯққиз яшил осмонни забт этиш тӯққиз қадамдек осон иш бўлиб қолган.

2. Сенинг гулобдек оққан терларинг кавушингта тӯкилгани саббли осмондаги фаришталар сенинг босган оёқ изларингта пешоналарини суртганлар.

3. Сунбул каби хушбүй сочинг сари раҳмат насими эсганидан руҳоният оламидаги фаришталарнинг қўнжи сара анбарга тўлиб қолди.

4. Фалак Буроқингдан ортда қолди, шу сабабли уни фалаксуръат, яъни фалакни учкур деб бўлмайди. Ой сенинг жамолингдан ёришиди, шунинг учун сенинг васфинг қамарсиймоликдан ҳам баланд даражада.

5. Сенинг юзингдан ёғилган нурдан юлдузлар, юлдузлардан Қуёш, Қуёшдан Ой, Ойдан Ер мунаввар бўлди.

6. Фалакларни кезиш учун от қўйганингда биринчи қадамданоқ ақл бу фавқулодда воқеани англай олмади.

7. Сенинг мақоминг шундай юксакки, Меъроҳ кечаси сенга ҳамроҳлик қилган Жабраил алайҳиссалом – Сулаймон пайғамбар олдидаги худҳуддек, яъни попишақдек оддий хабарчи мақомида. Буроқ отинг эса юлдузлар шоҳи – Зухалнинг устида қўл етмас осмон бўлиб турибди.

8. Ушбу сайдарда маъшуқ кўйи – Аллоҳ таоло хузурида манзил қилдинг. Ундан жонфидо ошиқлар – имон аҳли учун раҳмат ва мағфират сўрадинг.

9. Навоий оламни сенинг муборак исминг зикри учун яхши кўради, йўқса, унинг учун дунё ва ундаги нарсалар дўзах олови каби балою оғатдан ўзга нарса эмасдир.

Шарҳ ва изоҳлар

Мўъжиза – пайғамбарларнинг, ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг барҳақ элчиси эканлигига исбот сифатида юз берадиган гайриоддий ҳодиса, демакдир. Сулаймон (а.)нинг шамол устидаги таҳти, Довуд (а.)нинг темирга қўлда шакл бера олиши, Мусо (а.)нинг яди байзо – порлоқ қўли, Исо (а.)нинг ўлликка жон баҳш этиши каби мўъжизалари Аллоҳ таолонинг севикли бандалари, ҳақиқий эътиқод соҳиби бўлган башар фарзандлари аслида кўп ишларга қодирлигидан далолат амаллардир.

Абдураҳмон Жомий “Шавоҳид ун-нубувват”асарининг дебочасида ёзади:

“Маълумдирки, ислом дини арконининг биринчи рукни шаҳодат калимасига иқрор бўлмоқ ва имоннинг ҳақиқати шаҳодат қалимасининг мазмунини тасдиқ этмоқдир. Бу икки амрни қамраб олади: биринчиси – Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг ваҳдонияти – яккаю ягона эканлигига иқрор бўлмоқ ва имон келтирмоқ; иккинчиси, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбар ва расул эканлигига иқрор бўлмоқ ва имон келтирмоқ. Биринчи амр нубувват мушкоти (пайғамбарлик чироғи)дан зиё олган ҳолатдагина эътиборга олинади. Агар файласуфлар каби фақат ақлий далиллар билан кифояланилса, нажот боиси бўлмас. Демак, барча баҳту давлатларнинг ибтидоси ва барча саодатларнинг сармояси Муҳаммад (с.а.в.)нинг нубувватига иқрор бўлмоқ ва тасдиқ этмоқдир”.

Жомийнинг талқини бўйича, пайғамбарлик масаласидаги муносабатга қараб одамларнинг имон келтириши ҳам турлича бўлади. Саҳобалардан кимдир ортиқча исбот талаб қилмасдан, шак-шубҳадан холи имонга эришган бўлса (масалан, Абдуллоҳ бин Саломнинг имон келтириши), баъзилар пайғамбарга ҳусни таважжухлари юксак бўлгани билан мўъжиза ва кароматини кўргандан кейингина имон давлатининг саодатига мушарраф бўлганлар. Худди шу каби, пайғамбар вафотидан кейин ҳам далил-исбот талаб қилмаган ҳолда имонга келганлар ҳамда пайғамбарнинг мўъжиза ва кароматларини эшитгандан кейин имони мустаҳкам бўлган кишилар бор.

Меъроҳ ҳодисаси содир бўлгандан кейин имон аҳли ва куфр ахлиниң ўртасида аниқ чегара пайдо бўлди. Бу мўъжизавий ҳодисадан кейин исломни очик-ойдин тарғиб этиш ва одамларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилиш ошкора тус олди. Шунинг учун, мумтоз адабиётда меъроҳ мавзусининг жуда кўп қаламга олинишини имон ва эътиқод изҳори сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

“Гаройиб ус-сигар”даги еттинчи ғазал – Алишер Навоий лирик меъроҳномаларининг биринчиси. Шу сабабли матлаъда “Нажм” сурасининг “Ва кона қоба қавсайни ав адно” (Бас, (Муҳаммадга) икки камон оралиғидек ёки (ундан ҳам) яқинрок бўлди, 9-оят) оятидан охирги қисми айнан иқтиbos келтирилган. Ояти каримадан иқтиbos сураси билан шеърга нур ва зиё бағишлиш баробарида, расулуллоҳ (с.а.в.)нинг меъроҳ кечаси Аллоҳ таоло билан жуда яқин масофада сўзлашгани таъкидланади ва сарвари

коинотнинг Ҳақ таоло хузуридаги мақоми нақадар юксак эканига ҳам урғу берилади:

Зихи жавлонгахинг афлок уза майдони “ав адно”,
Буроқингта тўқуз гунбад бу тўқуз гунбади хазро.

Кейинги байтларда расулуллоҳ (с.а.в.)нинг меъроj воқеаси содир бўлгандан кейин ерга қайтиш ҳолатлари тасвиirlанган. Шу ўринда ўзбекча “Меъроjнома”дан бир мисол келтироқчимиз.

“Меъроjнома”да тасвиirlанишича, Муҳаммад Мустафо Буроқи бодпойга миниб, нур нарвонидан Арши аълога кутарилар экан, ёр – Худо дийдорига мушарраф бўлиш иштиёқи, муҳаббат зўридан терга гарқ бўлади:

Ҳар арақким, мисли маржону гұхар,
Айлади пайдо тани хайрулбашар,

Андин оқ гулни дарахти бош чекиб,
Яшнади бир соат ўтмай очилиб.

Бу нур ва маржону гавҳардек оқаётган терни кўриб, баракотидан баҳраманд бўлиш учун фаришталар сарвари коинотнинг таъзими ва эҳтиромида саф тортишларини Навоий зўр эҳтирос ва илҳом билан қўйидагича тасвиirlайди:

Қилиб чун хай гулоби майли наълайнинг, бўлуб андин
Малак раъноларининг жабҳасига чарх сандалсо.

Учинчи байтда расулуллоҳнинг бошқа бир сифати қаламга олинади. Бу сифатлар ва таърифларнинг барчаси ояти шарифалар ва ҳадиси шарифларда ўз исботини топган. Жумладан, “Анбиё” сурасининг 118-оятига кўра, охирзамон пайғамбари барча оламдагиларга раҳмат қилиб юборилгани, ушбу раҳматдан фақат ислом уммати эмас, балки руҳоният оламидаги фаришталар ҳам баҳраманд экани қайд этилган:

Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.

Тўртингчи байтда тажнис санъати ёрдамида расулуллоҳ (с.а.в.) нинг икки мўъжизасига ишора қилинган. Агар иккинчи мисрадаги “ёруб” феълини “оидинлашмоқ, равshan бўлмоқ” маъносида қўлласак, пайғамбаримизнинг илоҳий нур мазҳарига айланган чехраси ойдан-да гўзал эканлиги васф этилгани аён бўлади. “Ёруб” феълининг иккинчи маъноси “ёрилмоқ, иккига бўлинмок” маъносини ҳам англатиши эътиборга олинса, пайғамбаримизнинг бошқа бир мўъжизаси – Ойни қўли билан иккига бўлгани ҳақидаги ҳодисага ишора эканини пайқаш мумкин:

Фалак қолиб Буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.

Ҳадиси шарифга кўра, Аллоҳ таолонинг илк яратган нарсаси – “нури Муҳаммадий” ҳисобланади. Оламдаги жамийки ёруғлик ва зиё, гўзаллик ва жамолнинг асл негизи ана шу муборак нурга бориб тақалади. Байтда ана шу ҳадис мазмунига ишора қилинган бўлса, ажаб эмас:

Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб
Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун ғабро.

Кейинги уч байтда Буроқ оти ҳамда Жибрил алайҳиссаломнинг таърифи, бу мўъжиза акт чегарасидан хорижда амалга ошгани, меъроjкага имон келтириш – эътиқод ва имон аҳлининг иши экани таъкидланади. Ғазал расулуллоҳ (с.а.в.)га муҳаббат ва садоқат изҳори билан тугалланади. Зеро, пайғамбарга муҳаббат – Аллоҳга муҳаббатдан нишона.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Зихи жавлонгаҳинг афлок уза майдони “ав адно...”

Зихи жавлонгаҳинг афлок уза майдони “ав адно”,
Буроқингға тұқуз гунбад бу тұққуз гунбади хазро.

Қилиб чун хай гулоби майл наълайнинг, бұлуб андин
Малак раъноларининг жабхасиға чарх сандалосо.

Эсіб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сари,
Бұлуб рухонийлар жайби лаболаб анбари соро.

Фалак қолиб буроқингдин, эмас васфи фалаксуръят,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.

Юзунгдин анжум, анжумдин қүёш нур иктисоб айлаб
Аннингдекким, қүёшдин ою ойдин қийргун ғабро.

Фалак водийлари қатыға азминг чун суруб марқаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ұлуб пайдо.

Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудхуд,
Буроқинг сойир анжум шохи устинда сипехросо.

Килиб бу сайр аро маъшуқ васли күйида манзил,
Тилаб саргашта ушишоқиға ҳам раҳмат уйин маъво.

Навоий хуш күрар оламни отинг зикридин, йұқса,
Анга дұзах аро үтдекдурур дунёву мо фиҳо.

V — V — V — V —
мағойлун мағойлун мағойлун мағойлун
хазажи мусаммани солим

Лугат

Зихе – гүзәл, ёқимли, күнгилга матлуб; яхши, қандай яхши, оғарын; худди үзи, жуда, эңг

Жавлонгаҳ – юрадиган жой, макон

Афлок – фалаклар, ислом мифологиясыга күра ер етти, саккиз әки тұққиз қават фалак билан үралған

Ав адно – ёки яқинроқ

Буроқ – пайғамбаримиз меъреж кечаси миниб чиққан афсо-
шавий от

Гунбад – осмон, фалак; саїёра, планета; иморат, бино; табақа.

Хазро – күк, яшил

Хай – тер томчиси

Гулоб – гул барғидай тайёрланадиган шарбат

Майл – 1) хоҳиш, истак; завқ, ҳавас; күтарилемоқ; хоҳламоқ,
қасд құлмоқ; қайрилмоқ, бурилмоқ

Наълайн – этик, жуфт ковуш, пайабзал

Малак – фалак

Жабха – пешона, манглай; юз, ой юзли

Сандалсо – сандал дараҳти каби

Раҳмат насими – марҳамат, мұруват шабадаси

Сунбул – бу үринде соч маъносида

Рухоний – рұхға мансуб

Жайб – ёқа, кийимнинг ёқаси

Анбари соро – сара, аъло навдаги анбар

Васф – таъриф, тавсифлаш, мақташ, сифатлаш

Фалаксуръят – тезлик, чаққонлик

Қамар – ой

Ёруб – ёришиб

Наът – сифатлаш, мақтөв, мадх

Иктисоб – үрганиш, касб қилиш, құлға киритиш, қозониш

Қийргун – қорамой рангли; қоп-қора, тим қора

Ғабро – ер

Азм – ният, мақсад, майл, қатый қарор, жазм; ирода; қасд; бо-
риш, жұнаш, отланиш

Қатыи – (муайян масофани) босиб үтиш

Хирад пайки – ақл, фикр, идрок, тушунча әлчиси; тушунча әлчиси

Ранж – машаққат, қийинчилик; меңнат, захмат; азоб, алам, озор; дард, оғриқ

Тойир – күш

Сойир – юрувчи, кезувчи, сайр қылувчи

Сипехросо – осмон, фалак каби, баланд, юксак

Маъво – бошпана, макон; мақом, манзил

Саргашта – сарсон, овора, саргардон, паришон

Дунёву мо фиҳо – дунё бизга ихтилофдадир

Насрий баён

Қандай яхшики, от билан жавлон қиласынан майдонинг – жавлонгоҳинг фалаклар устида “ёки яқинроқ” ояты билан яқинлик касб этган. Буроқинг қаршисида тұққиз осмон табақаси тұққизта мовийранг гумбаз кабидир.

Тер гул сувидай ковушларингтacha етгандан сұнг, ундан сандалхидли бу тер томчилари дилкаш фаришталар пешонасига қүйилди.

(Яратғаннинг дагохидан эсган) марҳамат ва муруват шабадаси дамодам сочинингни (силаб) эсгани сари руҳоний фаришталар ёқаси (сочинидан тараған) аъло навли анбар хидларига тұлды.

Фалак сенинг отинг – Буроқнинг ортида қолгани учун тез ва қаққонлиги билан мақтана олмади. Ой ҳам сенинг жамолингдан ёришганлиги учун мақтовга лойиқ эмас.

Юзиндан юлдузлар, юлдузлардан қуёш, қуёшдан эса ой нур олади. Ойдан (эса үз навбатида) қора ер (бу ёруғликни) қабул қилиб олгувчидир.

Фалак водийларини босиб үтиш ҳаракати билан Буроқни сурар экансан, ақл әлчисига қадам босищда машаққат пайдо бўлди (яъни ақл бу сафарни босиб үта олмади).

(Сафардош дўстинг, яъни Жабройил) Сулаймоннинг ёнидаги (сухбатдоши бўлган) Ҳудҳуд каби (мавқеи баланд) қущдир. Буроқинг эса юлдузлар шоҳи (яъни қуёш) устида юксак сайр қылувчи – сипехросо (мартабасида)дир.

Бундай сайр аро маъшук күчасини манзил қилдинг, сарсон-сарсоннан юрган (бечора) ошиқларга ҳам муруваттава марҳамат уйи-ни макон қилишини (ҳам сўрадинг).

(И расул), Навоий сенинг зикринг сабабли оламни ҳуш кўради, ўса ҳолда (унга дунё) худди дўзах үти каби ёки “дунё бизга ихтилофдадир” сўзлари каби (узоқ ва бегонадир).

Шарҳ ва изоҳлар

Унбу ғазал шаклан мусалсал ва мазмунан орифона – мөржигина наътлардан ҳисобланади. Унда пайғамбаримиз фаолияти ва таълимогидаги энг муҳим ҳодисалардан бири – мөржож воқеаси ўша муборак кечадаги Пайғамбаримизнинг ҳолати юксак пафос билан кўйланган.

Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони “ав адно”,
Буроқингга тұқуз гунбад бу тұқуз гунбади хазро.

Қандай яхшики, от билан жавлон қиласынан майдонинг – жавлонгоҳинг фалаклар устида “ёки яқинроқ” ояты билан яқинлик касб этган. Буроқинг қаршисида тұққиз осмон табақаси тұққизта мовийранг гумбаз кабидир.

Ҳадислардан айтилишича, Пайғамбаримиз Буроқ деб аталган ағсанавий отда Жабройил фаришта ҳамроҳлигига мөржога қутарилған. Шоир мана шу ҳолатга диққатини қаратиб, ўша улуғ тунда сен шу даражага етгандингки, Буроқинг қаршисида Ерни ўраб турған тұққиз фалак тұққизта кўк гумбаздек арзимас бўлиб қолганди. От билан жавлон қиласынан майдонинг фалак бўлибгина қолмай, илоҳиётга “икки қош орасидай ёки яқинроқ” оятида айтилғандай яқинлик касб этгандинг, демокда.

Байтда иқтиbos, такрир санъатларига мурожаат этилган.

Қилиб чун хай гулоби майл наълайнинг, бўлуб андин
Малак раъноларининг жабҳасига чарх сандалосо.

Тер гул сувидай ковушларингтacha етгандан сұнг ундан сандалхидли бу тер томчилари дилкаш фаришталар пешонасига қўйилди.

(Меърор кечаси илохий қурбият – яқинлик мақоми таъсиридан) тер бутун вужудингни ювиб, ковушингтча қуйилди. Кейин эса бу сандал ҳидли тер томчилари фаришталарнинг пешонасига сачради. Байтда Пайғамбаримиз мисолида инсон зотининг фаришталардан ҳам улуғвор мақомга эришганлиги тасвирланмоқда.

Байтда хай гулоби, малак раънолари бирикмалари ва сандалосо сўзлари иштирокида истиора санъати ҳосил қилинган.

Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сари,
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.

(Яратганинг дагоҳидан эсган) марҳамат ва муруват шабадаси дамодам сочингни (силаб) эсгани сари руҳоний фаришталар ёқаси (сочингдан таралган) аъло навли анбар ҳидларига тўлди.

Ушбу байтда ҳам юқоридаги фикрнинг давоми акс этмоқда. Фаришталар Пайғамбарнинг ортида тургани учун ҳам илохий раҳмат шабадаси аввал Расулиллоҳга, кейин эса (балки унинг шарофатидан) фаришталарга насиб этмоқда. Бу байтларда ҳам Навоий нафақат Пайғамбарни, балки унинг тимсолида инсон зотини улуғлаганини ҳам қўрамиз.

Байтда раҳмат насими бирикмаси, сунбулинг ва руҳонийлар сўзлари орқали истиора санъатига мурожаат этилмоқда.

Фалак қолиб буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.

Фалак сенинг отинг – Буроқнинг ортида қолгани учун тез ва чаққонлиги билан мақтана олмади. Ой ҳам сенинг жамолингдан ёришганлиги учун мақтовга лойиқ эмас.

Меърор ҳақидаги ҳадисларда Пайғамбаримиз тўққиз осмондан ўтгач, унга фаришта Жабройил ҳам ҳамроҳлик қила олмай йўлда қолганлиги ва Расулиллоҳнинг ёлғиз ўзи Раф-раф деган яна бир афсонавий тулпорга миниб, йўлни давом эттиргани айтилади. Навоий мана шу ҳолатга эътибор қаратиб, фалак ҳам Буроқингдан ортда қолгани учун уни фалаксуръат – тез ҳаракат қилувчи дейишишга, ой эса (илохий яқинлик нури билан ёришган) юзингдан нур

тобе ёринигани учун сенинг мақтовингда “қамарсиймо” деган сўз саватилишига ножойиз, демоқда.

Байтда мувозана санъатига мурожаат этилмоқда.

Юзингдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб
Линингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун ғабро.

Юзингдан юлдузлар, юлдузлардан қуёш, қуёшдан эса ой нур олади. Ойдан (эса ўз навбатида) қора ер (бу ёруғликни) қабул қишиб олгувчидир.

Навоий давридаги астрономия тушунчаларига кўра етти осмон етти сайёрага маскан вазифасини ўтайди. Сакказинчи фалак ёси осмон деб аталиб, унда турғун юлдузлар жойлашган. Демак, илохийёт нури аввал юлдузларга (яқинлик даражаси бўйича), удан кейин Қуёшга ўтади. Ой эса Қуёшдан нур олади ва ўз навбатида Ерни ёритиш учун нур узатади. Ушбу байтдаги тасвирга кўра Пайғамбар бу кеча илохий яқинликдан шу даражада шарафга эришиди, натижада, илохий нурни биринчи бўлиб қабул қилиб олди. Унинг чароғон бўлган жамолидан юлдузлар нурафшон бўлди. Бу нур ўз навбатида Қуёшга, ундан Ойга ва ундан кейин Ерга етиб келди.

Фалак водийлари қатъига азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.

Фалак водийларини босиб ўтиш ҳаракати билан Буроқни сурар эксансан, ақл элчисига қадам босишида машаққат пайдо бўлди (яъни ақл бу сафарни босиб ўта олмади).

Фалак водийлари узра шундай тезлик ва аниқлик билан от сурдингки, сенга эргашмоқчи бўлган ақл элчиси биринчи қадамдаёқ ранж ичиди қолди, дейди Навоий навбатдаги байтда.

Маълумки, меърор ҳодисаси пайғамбар ҳаётидаги ақл бовар қилмайдиган энг мураккаб ҳодиса. Замон ва макон енгиди ўтилган бу мъужизани инкор этиб, ҳатто баъзилар ҳам муртад бўлиш – диндан чиқиши даражасига етишган экан. Навоий мана шу ҳолатни назарда тутиб хирад пайки – ақл элчисига бу йўлнинг биринчи қадамидаёқ ранж – машаққат пайдо бўлди, демоқда.

Байтда фалак водийлари, хирад пайки бирикмалари орқали истиора санъатига мурожаат этилган.

Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудҳуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипехросо.

(Сафардош дўстинг, яъни Жабройил) Сулаймоннинг ёнидаги (сүхбатдоши бўлган) Ҳудҳуд каби (мавқеи баланд) қушдир. Буроқинг эса юлдузлар шоҳи (яъни қуёш) устидаги юксак сайр қилувчи – сипехросо (марта басида)дир.

Бу байтда Пайғамбар воситасида унинг ҳамроҳлари – Буроқ ва Жабройил ҳам юксак мартабага эришганликлари тасвирланади.

Байтда Сулаймон ва Ҳудҳудни эслаш орқали талмех, анжум шоҳи бирикмаси орқали эса истиора санъатига мурожаат этилмоқда.

Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли кўйида манзил,
Тилаб саргашта ушшоқиға ҳам раҳмат уйин маъво.

Бундай сайр аро маъшуқ кўчасини манзил қилдинг, сарсон-саргардон юрган (бечора) ошиқларга ҳам мурувват ва марҳамат уйини макон қилишини (ҳам сурадинг).

Навбатдаги байтда меърождан оддий умматларга етадиган баҳра ҳақида сўз юритилмоқда. Ҳадислардан маълумки, меъроҷ кечаси Пайғамбаримиз барча умматларининг гуноҳларини кечиришни Яратгандан сўради ва унинг бу илтижоси Илоҳий даргоҳда қабул бўлди. Мана шу ҳадисларга асосланиб, Навоий Илоҳий Маъшуқ васли йўлида манзил тутган Расулиллоҳ умматларига ҳам илоҳий илтифот уйини манзил қилишга эришиди, демоқда. Бу байт айни пайтда, ушбу ғазалдан келиб чиқадиган хulosани таъминлайди. Яъни Пайғамбар бир ўзи илоҳий яқинликдан баҳраманд бўлиб қайтмади, балки умматларига улкан маънавий фойда етиштириди – раҳмат эшигини очди.

Байт яхлитлигича истиора санъатига қурилган. Бундан ташқари васл кўйи, раҳмат уйи бирикмалари орқали ҳам истиора санъати ҳосил қилинмоқда.

Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,
Лига дўзах аро ўтдекдурур дунёву мо фиҳо.

(Эй расул), Навоий сенинг зикринг сабабли оламни хуш кўради, акс олди (унга дунё) ҳудди дўзах ўти каби ёки “дунё бизга ихтилофдадир” ўтиари каби (узоқ ва бегонадир).

Сенинг фаолиятинг билан танишиш, ундан ибрат олиш, таълимотингни ўрганиш ва уни ривожлантириш учунгина бу оламни, ундиғи умримни қадрлайман, дейди Навоий улуғ Расулиллоҳга мурожаат этиб, йўқса бу дунё, унинг аҳли менга бегона.

Ушбу байт, яъни мақтаси Навоийнинг Пайғамбарга шахсий мусносабатини билдиримоқда ва ҳам фикран, ҳам қурилиш нуқтаи наъридан ғазал якунини ташкил этмоқда.

Байтда иқтибос санъатидан фойдаланилмоқда.

Умуман, ғазал меъроҷнома мисолида Пайғамбарни васф этиган ва санъаткорлиги жихатидан юксак бадиият асосида битилган наътларнинг юксак намунасиdir.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга...”

Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хильъат анга.

Ким фано туфроғига ётиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас музахҳаб муттако ҳожат анга.

Шаҳ юриб олам очар, дарвеш оламдин қочар,
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анга.

Ҳар не шаҳ мақсадидур, дарвешнинг мардуидур,
Қўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга.

Фақр күйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир,
Мулк күрким, teng эмас туфроғ ила қиймат анга.

Шаҳ сипаҳ чекса, фақир аҳволиға етмас футур,
Бу vale чеккач нафас, барбод ўлур ҳашмат анга.

Шаҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.

Шаҳға сидқ ахли дамидин машъали давлат ёрур,
Меҳрдекким, субҳ анфоси очар талъат анга.

Шоҳға шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлғай мудом,
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.

Мумкин эрмас шаҳлар ичра буйла ниятиғ магар
Шоҳ Ғозийким, мұяссар бўлди бу давлат анга.

Шоҳлар дарвеши-ю, дарвешлар шоҳики бор
Шоҳлиғ суврат анга, дарвешлик сийрат анга.

То шаҳу дарвеш бўлғай айлагил, ё раб, аён,
Шоҳдин хидмат бунга, дарвешдин ҳиммат анга.

Гар Навоий сўз факрдин эрмас деманг,
Бўлмағунча фикр шаҳдин қайда бу журъат анга.

— V — — V — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Гадо – гадой, тиламчи

Бўрё – бўйра, бордон

Фақр – 1) камбағаллик, йўқсиллик; 2) дунёдан кечиш

Кисват – кийим, уст-бош

Зарбафт – зардан тўқилган мато (кийимлик); зарбоф, зарва-
риқ, кимхоб

Хилъат – ҳашаматли кийим; сарпо, умуман кийим

Музахҳаб – зарҳал қилинган, тилла суви берилган

Муттако – суюнчик, тая-ниладиган нарса, мададкор

Мардуд – ҳайдалган, қувилган, рад этилган, номақбул

Ҳашмат – улуғлик, дабдаба, буюк эътибор, хурмат

Мехр – күёш, офтоб; севги, муҳаббат, ишқ

Субҳ – тонг пайти

Анфос – нафаслар, дамлар

Мусаллам – инкор ёки қаршилик қилинмай маъқул-ланган;
таслим бўлиш, топширилиш

Насрий баён

Фақирлик бўриёсини ўзига тўшак қилиб олган гадо учун салтанатнинг зардан тикилган шоҳона либосига эҳтиёж йўқ; фано (йўқлик) тупроғи узра ётиб, тошни ёстиқ қилиб олган одамга олтин суви юргизилган таҳт устига суюниб ўтириши керак эмас. Шоҳ қўшини билан юриш қилиб, оламни эгалласа, дарвеш оламдан қочади, яъни дунё молидан безор бўлиб, узлатга чекинади. Энди ўзинг инсоф юзасидан айт: уларни бир-бирига қиёслаш мумкинми?! Нимаики шоҳнинг мақсади бўлса, у дарвешнинг нафратини келтиради; дарвешнинг ҳимматини кўргин-у, шоҳнинг аҳволига боқ! Фақир одам дарвешлик кўчасининг тупроғини шоҳ ҳазинасига алиштирмайди; ахир кўряпсан-ку, уларнинг мулки teng эмас – шоҳнинг бутун бойлиги дарвеш назарида тупроқ билан баробар. Агар шоҳ лашкар тортса, гадонинг аҳволига путур етмайди, лекин гадо оҳурса, шоҳнинг тахту тожи, ҳашаматли саройи барбод бўлади. Шоҳ дўзах азоби ваҳимасидан бир нафас осойишта яшолмайди; аммо дарвешга оғарин, чунки у жаннату дўзах ғамидан фориғ! Шоҳлар давлатининг чироғи ростгўй дарвешлар нафасидан ёнади, бу нафас гўё тонг юзини очган күёш кабидир. Агар шоҳда ҳар вақт шоҳликдан воз кечиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга муносиб ва барқарордир. Бундай ният шоҳларда мавжуд эмас, фақат

шоҳи Фозий – Ҳусайн Бойқаро бу олий давлатта мушарраф бўлган. У шоҳларнинг дарвеши-ю дарвешларнинг шоҳидир, чунки ташқи кўриниши шоҳ бўлгани билан ички оламига кўра дарвешдир. Эй Тангрим, токи шоҳу дарвеш бор экан, шоҳдан дарвешга хизмат ва дарвешдан шоҳга ҳимматни аён айлагин. Агар Навоий фақр ҳақида сўзни чўзган бўлса, бу шоҳнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) ҳукмидандир, бўлмаса унда бундай журъат қаерда эди.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал шоҳ ва дарвеш муносабати ҳақидаги яхлит баённома – дастур! Навоийнинг фикрлари салафлари: Саъдий, Ҳофиз, Жомийга нисбатан ва, ҳатто, ўзининг форсий ғазалида ифодалаган ғояларига қараганда кескинроқ, қиёслари дадил ва журъатли. Ўзбек шоирининг дарвешга рағбат-майли, бугина эмас, эътиқод-сигиниши шундайгина кўриниб турибди. Бунга ажабланмаслик керак, чунки Навоий учун дарвеш идеал, маҳбуб ва маъшуқдир. Шу боис шоир шоҳ ва дарвеш орасидаги тубсиз жарлиқдай кўринган тафовутни бир-бирини рад этувчи далил-мисоллар билан ажойиб тарзда ҳаяжон, шавқ билан қиёслаб кўрсатар экан, тасаввуфнинг жасоратбахш ғояларидан бири – дарвеш шоҳдан афзал ва улуғ, шунинг учун дарвеш шоҳга эмас, шоҳ дарвешга муҳтож, демак, шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши керак, деган фикрни, эҳтиросини яшимай қизғин маъқуллайди. Бу концепция Навоийдан олдинги шоирлар ижодида ҳам асосий йўналишлардан бири эканини кўриб ўтдик, Навоий мазкур анъанани давом эттирган. Аммо ғазалнинг биринчи қисми бўйича фикр юритганимизда шундай хulosага келиш мумкин, ғазалнинг тўққизинчى байтидан кейинги иккинчи қисмiga ўтганда эса, шоирнинг позицияси ўзгаради – у салафлар фикрига зид ўлароқ шоҳу дарвеш хусусияти бир шахсада мужассамлашиши мумкин, деган ғояни олға суради ва Ҳусайн Бойқаро сиймосида бунинг конкрет ҳаётий мисолини ҳам кўрсатиб беради.

Нима бу ўз султонига билдирилган ҳурмат-мадҳиями ёки ҳақиқатдан ҳам шоирнинг кузатишлари, ишонч-эътиқодидан келиб чиқадиган хulosами? Афтидан, бу ўринда ҳар икки мақсад

ким кўзда тутилган. Негаки, гарчи дарвешларни улуглаш аввалдан дивом этиб келаётган анъана бўлса-да, бироқ саройда хизмат қиласеттан Навоий учун бундай изҳорот, унинг ўзи таъкидлаганидай, куда қалтис журъат эди. Бу гап сарой аъёнлари, қалтафаҳм авом кишилар наздида султон обрўйини пасайтириб, мавқейини тушириши мумкин эди. Бироқ зукко шоир Ҳусайн Бойқаро табиатида кеч бир шоҳда кўринмаган дарвешлик хислати мавжуд, дейиш билан аксинча, сultonнинг обрў-эътиборини янада баландроқ кутариб юборади ва, айни вақтда, шоҳ ва дарвеш ҳақидаги ўзининг янги қарашини изҳор этади. Бу қараш Шарқ ҳалқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида янги босқич, адабиётда эса янги ижодий концепциянинг кун тартибига қўйилиши эди (Навоийдан олдинги шоирларда аҳён-аҳён донишманд дарвешнинг таҳтга ўтиргани ёхуд ҳукмдорнинг дарвештабиат бўлиши ҳақида орзу-истаклар мавжуд. Аммо бу Навоийда бўлганидай мунтазамлик касб этиб, конкрет тарихий шахс мисолида кўринган эмас. Масалан, Ҳофиз Шерозий вазирга нисбатан дарвешлик рутбасинираво кўради, шунда ҳам бу фикр орзу тариқасида баён этилган: “Мен шундай доно вазирнинг қулидирманки, унинг сурати хожа бўлса ҳам, лекин сийрати дарвешона бўлсин”). Алишер Навоий ўзининг бу қарашини турли асарларида ҳар хил образ ва воқеалар талқини орқали қайта-қайта таъкидлаб, Ҳусайн Бойқарога хос бу фазилатнинг янги-янги қирраларини очишига эришади. Баъзан ўз фикрига шубҳа билан қарайди, баъзан эса уни астойдил ҳимоя қилади, лекин ҳар гал шу масала қўзғалганда, ё бўлмасаadolатли шоҳ ҳақида гап кетганда, албатта, Ҳусайн Бойқарони тилга олиб, унинг “шоҳлар дарвеши-ю, дарвешлар шоҳи” эканини таъкидлашни лозим, деб билади.

1469 йилда Ҳусайн Бойқаронинг таҳтга ўтириши муносабати билан ёзилган “Ҳилолия” қасидасидан:

Шоҳликда ояте дарвешликдин кўрмайин
Бўриёйи фақрча заркаш сарири рифъатин.

Шоҳлар дарвеши-ю, дарвешлар шоҳики Ҳақ
Шоҳ қилди суратин, дарвеш қилди сийратин.

Бу байтларда ифодаланган фикрни олдин “Буриёйи факт...” деб бошланувчи газалда учратган эдик. Лекин бу ерда “шоҳ юксак таҳтини факт бўриёсича кўрмайди, у шоҳлиқда дарвешликдан нишона тополмади”, деган фикр ҳам мавжуд. Холбуки, бу – табрик сўзи, Навоий дўстини шоҳлик билан муборакбод этмоқчи. Аммо шундай пайтда ҳам шоир шоҳ учун дарвешлик зарурлигини айтишдан ўзини тиёлмаган.

Дарвешликнинг белгиларидан бири Ҳақни таниш, илмга ташналиқ ҳамда хоккорлик, ўзни фақиру ҳақиқи ҳисоблашдир. “Хазоин ул-маоний” дебочасида Ҳусайн Бойқаронинг шу сифатлари таърифланади:

Ҳақ кўнглин анинг биликка маҳзан айлаб,
Ҳар фан ариғ зотини якфан айлаб,
Жоҳию таҳтин чархи мусамман айлаб,
Туфроқдек ул ўзин фурутан айлаб.

Яъни: Худо унинг кўнглини билим қонига айлантирган, ҳар бир фаннинг нозик жиҳатларини тезда ўзлаштириб олади, таҳту баҳти чархи фалак билан teng. Аммо шундай бўлишига қарамай ўзини камтарин, афтодалар каби тутади.

Дарвешликнинг яна бир муҳим белгиси – ошиқлик, Илоҳ ёдида дардманд, огоҳдил бўлиш. Турфа буким, бу хислатлар ҳам сulton-да бор экан:

Ҳам қиблайи иқбол ҳарими жоҳи,
Ҳам каъбайи омол бийик даргоҳи,
Шоҳларнинг дардмандию огоҳи,
Бу турфаки дардманларнинг шоҳи.

Яъни: унинг таҳтининг атрофи – иқбол қибласи, унинг буюк даргоҳи – орзу-армонлар каъбаси, ўзи шоҳларнинг огоҳдил дарвеши, ажибки, шоҳларнинг дардмандигина эмас, дарманларнинг шоҳи ҳам.

Ва, ниҳоят, “Лайли ва Мажнун” достонининг багишловидан:

Шоҳлар аро ўрни тоқи афлок,
Дарвешлар оллида овуч хок.

Дарвеш десам улус ўза шоҳ,
Шоҳ-дарвеш, боракаллоҳ...

“Лайли ва Мажнун”даги ушбу багишловда Навоий Ҳусайн Бойқаронинг таҳтда ўтириб, тариқат русуми билан ошно бўлгани, ўзини пир (Жомий) ихтиёрига топширгани, вақти-вақти билан қадамжолар, хонақоҳларни зиёрат этгани, Ҳиротдаги дарвеш-орифлар, шайхлар ахволидан хабар олиб туриши, ваҳдат ул-вужуд таълимотини ўзлаштиришга интилгани ва, ҳатто, сўфийларни йигиб, бу мавзуда сухбатлар қургани, баъзан голиб келгани, шоҳ бўлса-да, таҳту тождан нафрлатланиб юришини, қалбан дарвешлигини маҳсус қайд этиб ўтади. Хуллас, Алишер Навоий фикрича, таҳтга ўтириб, таҳтдан нафрлатланиш, тож кийиб салтанатта маҳлиё бўлмаслик, шоҳлик рутбасида дарвешдай ҳалол ва ҳалим, ҳаким ва карим бўлиш, дарвеш маслагини қабул қилиб, адолат ҳукми билан юртни бошқариш мумкин. Бу ҳукмдан дунё обод бўлади-ю, аммо ҳукмдорнинг дунё билан иши йўқ. Мазкур хислатлар сulton Ҳусайн Бойқарода қанчалик мужассамлангани бизга коронги. Албатта, у ўз даврининг феодал шоҳларидан бўлган, “феодал тартиботлар талаби ва ўша даврнинг адолатли идора усули” асосида подшолик қилган. Унинг ҳамма тадбирлари ҳам Навоий ва Жомийга маъқул бўлмагани, Навоий ҳар бир қуляй фурсатдан фойдаланиб, сultonни адолатли ҳукмлар чиқаришга чорлагани тариҳдан маълум. Бироқ шуниси ҳам аниқки, Ҳусайн Бойқаронинг шахсий хусусияти, риндана табиатидаги ўзига хос кайфиятлар, илм-маърифатга мойиллик Навоий идеалидаги шоҳ дарвешликнинг бир қанча сифатларини зоҳир эттириб, некбин шоирнинг умид ғунчаларини яшнатишга сабаб бўлар, унинг эзгу ғоялари амалга ошгандай эди.

Шу ўринда дикқатингизни яна бир фактга қаратмоқчимиз. Ҳусайн Бойқаро бир газалида “салтанатдан унча фахрланмайман, мени ёр кўйининг гадолари хайлидан ҳисобласалар дуруст бўларди”, деган фикрни баён этади. Навоий бўлса, сultonнинг шу газалига мусаддас боғлаб, маслакдошлиқ изҳор этган:

Чун Навоий жонини май орзуси куйдурур,
Йўқ, гадолиққа ажаб майхоналарда кар юрур,

Журъаे дайр аҳли бергунча замоне телмурур,
Шоҳ, агар мундок гадони салтанатқа еткуур,

Эй Ҳусайнин, салтанатдин онча фахрим йўқтуур,
Ким дегайлар кўйининг хайли гадосидин мени.

Аслини олганда, Навоийда шоҳу дарвешни бирлаштириш ғоясининг пайдо бўлишига боис фақат сultonнинг “дарвеш” табиати эмас. Ҳусайн Бойқаро бу ерда бир восита, мисол, холос. Шоирнинг бундай хulosага келишига, бизнингча, иккита асосий сабаб бор. Биринчиси – Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ҳётда фаол иштирок этиб, олиб борган амалий курашлари бўлса, иккинчиси – нақшбандия таълимотининг назарий принципларидир. Биз яхши биламизки, Алишер Навоий ҳам давлат арбоби, ҳам қалби ёниқ ижодкор шахс сифатида жамият ишларида фаол иштирок этиб турган (диққат қилинг: Атоуллоҳ Ҳусайнин Навоийни “Худованди корий”, яъни иш, фаолият эгаси, яратувчи деб таърифлайди), шу билан бирга у Шарқ фалсафасини, айниқса, тасаввуфни чуқур ўзлаштирган, даврининг энг зўр донишманди ва орифи кошифи Абдураҳмон Жомий ҳузурида тариқат сулукининг одоб ва ахлоқидан дарс тинглаган.

Бошқача айтганда, Навоий шахсининг ўзида ижодкорлик, олимлик, давлат арбоби (сиёсатдонлик) ва дарвешлик хусусиятлари уйғунлашиб кўзга ташланар, шунинг учун ҳам у тасаввуф таълимотидан амалий мақсадларда фойдаланишга, бу таълимотнинг талаб ва тамойилларини яхши инсоний ахлоқни тарбиялаш, эзгу-хайр ишларни амалга оширишга хизмат қўлдирмоқчи бўлганди. Шоир шу боис тайинли касбу кори бўлмаган одамларни ёқтирган. Жумладан, у кўча-кўйда санғиб юрувчи қаландарлар, сохта шайх-сўфийларни, бадмаст ринларни “Хайрат ул-аброр” ва “Махбуб ул-қулуб” асарларида қаттиқ танқид қилгани ҳолда, “Мажолис ун-нафоис” асарида дарвештабиат олим-шоирлар, хунармандларни яхши ахлоқли кишилар сифатида алоҳида ажратиб кўрсатади.

Чунончи: “Амир Давлатшоҳ (Давлатшоҳ Самарқандий) хуштабъ ва дарвешваш ва кўп салоҳиятлик йигиттур. Гўшае ихтиёр қилиб, факр ва даҳқанат (дехқончилик) била қаноат қилди ва фозил

иа камолот иктисоби (касби) била умр ўтказди”. Ёки Амир Маҳмуд Барлос ҳақида Навоий бундай дейди: “...дарвешваш ва фоний-машраб (фано бўлишга мойил) ва бетакалтуф кишиидур, табъи солим (бутун) ва хулқи карими бор”. Бу сифат, шоирнинг ёзишича, Ҳожа Маҳмуд, Мавлоно Масъуд, Мавлоно Ҳожи, Мир Ҳусайн Али Жалойир; шаҳзодалардан Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммадларнинг табиатида мавжуд экан. Султон Муҳаммадни Навоий табъи дарвешу ўзи шоҳнишон..., қаноат қўнимининг ҳокнишини, олиму зако аҳлиниң ягонаси, факру фано хайлиниң бенишонаси”, деб таъриф этади. Демак, дарвешлик инсоннинг яхши хулқ-атворини белгилайдиган, камтарин, шафқатли-мехрибон бўлиш, мўмин-мусулмонлик фазилати сифатида улуғланган.

Навоий, Жомий каби XV аср мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари шундай эди. Алишер Навоий ўзининг таниш-билиши, дўстлари, шогирдларидан ҳам шу фазилатларга эга бўлишни талаб қилган. Масалан, “Мажолис ун-нафоис”да у атоқли адабиётшунос олим, ўзининг устозларидан бири Мир Атоуллоҳ Ҳусайнин хусусида бундай дейди: “Факир густоҳлик юзиди (беодоблик қилиб) Мирга дерменким, фазоил ва камолотингизга кўра дарвешлигиниз ҳам бўлса эрди – хуб эрди”. Илм эгаллаб, олиму оқил бўлиш яхши, аммо ҳоксор, қаноатли, хушахлоқ киши бўлиш учун дарвешлар сулукини сайр этиш керак.

Инсон маънавий камолотининг тўғри йули ана шу, деб тушунарди Навоий. Билим, заковат кишини ақлий жиҳатдан юксалтиради, бироқ ният, эътиқод тўғри бўлмаса, ақл фаолиятидан эзгулик йўлида фойдаланиш қийин. Ақлу дониш дарвешона қалб билан қўшилса, одамийлик моҳияти солимлашиб, ахлоқи мукаррам бўлиши мумкин. Чунки дарвешлик дардманларга ҳамроҳ, малҳам бўлиш, эзилган, жабр кўрганларни ҳимоя қилмоқ демак. Шу маънода дарвешлик зоҳидлик тариқатини ҳам инкор этади, чунки зоҳидлар ижтимоий ҳаётга аралашишни батамом рад этар эдилар. Зоҳидлар бирор касб билан шуғулланиш, меҳнат қилишни ҳаром деб ҳисоблардилар. Навоий тарғиб этган дарвешлик эса, кўриб ўтганимиздек, касбу корни инкор этмайди.

“Насойим ул-муҳаббат” асарининг муқаддимасида улуг адиб буни алоҳида таъкидлайди: “Хар оина “ал-косибу ҳабибуллоҳ” (“касб этаси Аллоҳнинг суйган бандасидур”) мазмуни била кибор

машойих баъзи санъат (хунар)ларга иштиғол қилибтурлар (шуғулланнибдилар). Шайх ул-машойих Абу Саид Ҳарроҳ эрдиким... алар ўтук тикарга мансубдурлар. Ва шайх Мұхаммад Саккокким ўз замони машойихининг ягонаси эрмиш, пичоқчиликка мансубдурлар. Ва шайх Абу Ҳафс Ҳаддод темурчилик қилибдур. Ва шайх Абу Бакр Ҳаббоз ўтмакчи (новвой)ликка мансубдир. Ва шайх Абул Аббос Омулийким, ўз замонининг қутби ва ғавси эрмиш ва султони тариқат шайх Абу Саид Абул Ҳайрнинг хирқа пири эрмиш, қассоблик қилибдур". Бу ҳақда юқорида тұхтаб ўтдик.

Демак, меңнат қилиш – ҳалол яшашнинг гарови, ҳалол еб, ҳалол яшамаган одам эса дарвеш бүлолмайди. Наинки оддий дарвеш сұғийлар, балқи улуғ шайхлар ҳам фойдалы хунар билан шуғулланғанлар, бирорнинг күлиға қарам бўлишдан сакланғанларким, бу гоят ибратли аъмол эди (бу аъмол ҳозир бизга ҳам ибрат бўлишга арзирли) ва буюк Навоийнинг ҳусни рағбатига сазовор бўлганди.

Дарвоқе, нақшбандия сулукининг асосий шиорларидан бири ҳам "Дил ба Ёру даст ба кор", яъни "Кўнгил Ёрда-ю қўл ишда" эканини биламиз. Баҳоуддин Мұхаммад Нақшбанд кашта тикишдан (у кишининг лақаблари шундан келиб чиққан) ташқари тижорат билан ҳам шуғулланғанлар, Навоий буни "Ҳайрат ул-аброр" да таъкидлаб ўтади. Бовужуд, алар зоҳиран фоний машраб – ички дунёси Илоҳ ёди или ғарқ, огоҳи шахс бўлган. Алар ўзларини жамиятдан хориж этмаганлар ("Ўзни қилмай яшурун, ошкор"), жамоа ичра юриб, қалб хилватини ташкил этароқ Мутлақ рух висолига эришиш йўлини таълим берганлар. Алар зоҳирий расм-русум, худнамолик, такаббурликни қатъяян қоралаганлар. Алар шайх Юсуф Хусайнининг: "Ал-Ҳайру куллуху фи байтин ва мифтоҳу ат-тавозу'у ва аш-шарру куллуху фи байтин ва мифтоҳу ат-такаббу'р" ("Яхшиликнинг жами бир уйдадирки, унинг қалити тавозедир ва ёмонликнинг жами бир уйдадирки, қалити такаббурликдир").

Маълумки, бир тоифа шайхлар амир-амалдорлар, шоҳу султонларни ўз даргоҳларига йўлатмаганлар, мол-мулк эгаларининг дарвешликка алоқаси йўқ, деб айтганлар. Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд эса тасаввуфни "демократлаштириб", уни ҳаммага баробар таълимот, деб эълон қилди. Натижада темурий шаҳзодалар, ҳоким синф вакиллари орасидан чиққан айрим кишилар ўзларини фақру фанога дахлдор ҳисоблаб, дарвешлар сулукига киргандар. Айрим

гаджиқотчилар буни тасаввуфнинг ҳалқчилликдан чекиниши, ҳоким синфлар манфаатини ҳимоя қилишга ўтиб олиши, деб баҳодийдилар.

Бизнингча, бу бир томонлама қарашдир. Тўғри, тасаввуф ҳокимиятга ва ҳоким синфларга мухолифатда пайдо бўлиб, хунар аҳли, бенаволар манфаати ва қарашларини ифодалаб келган эди. Аммо Ҳожа Баҳоуддин тариқатда шоҳу гадо тенг, дейиш билан камбағаллар манфаатидан юз ўтирган эмас, аксинча, шоҳ-амирларни дарвешликка тортиб, уларни ҳам тарбиялаш, шоҳларни дарвешлар діражасига кўтариш ақидасини илгари сурган.

Бу ўзига хос синфий келишув, муроса булиб туюлиши мумкин (Ҳилолийнинг "Шоҳу гадо" достонида гадо ва шоҳ бир-бирига ошиқ бўлгани, бир-бирининг висолига интилганини эсланг), лекин аслида моҳиятан олиб қараганды тасаввуф кучини кўрсатиш, шоҳларнинг дарвешларга итоатини амалий йўсинда қонунлаштириш эди. Шунинг учун бу таълимот Жомий ва Навоий каби гуманист мутафаккирларга маъқул бўлди, айниқса, Навоийнинг шоҳу гадо ўйғунлигини таъминлаш ҳақидаги орзусига мувофиқ эди.

Хуллас, Алишер Навоий эътиқодига кўра дарвешлик фавқулодда қобилиятили, танланган шахслар, маҳсус руҳий-психологик синовлардан ўтган (чилла ўтириш, зикр, важд ва ҳоказо) одамларнингтина насибаси эмас. Ҳар бир пок тийнат, пок ниятли инсон яхши ҳулқи билан дарвеш рутбасига мушарраф бўла олади. Жумладан, шоҳлар ҳам. Энди шу нуқтаи назардан "Фаройиб ус-сиғар" девонидан олиб таҳлил қилганимиз ғазалга яна мурожаат қилалими. Унинг мана бу байтига:

Шоҳга шоҳлик мусалламдур, агар бўлгай мудом
Шоҳлиқ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.

Биз "ният" сўзини алоҳида олиб, таъкидлаб тушунтирмоқчимиз. Чунки агар шу сўз бўлмагандан, мазкур байт мазмунидан Иброҳим Адҳам каби шоҳликни тарқ этиб, дарвеш бўлган шоҳ – ҳақиқий шоҳ, яъни у дарвешлар шоҳи (дарвешлар ўз ораларидан пешво-шоҳ сайлаганлар ва унга шоҳ дарвеш, шоҳ машраб деган унвонлар берганлар), ўз нафсининг ҳокими бўла олади, деган анъанавий фоя келиб чиққан бўларди. Ният сўзининг киритилиши

билинг байтнинг мазмуни бутунлай ўзгарган: агар шоҳда ҳар доим шоҳликни тарк этиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга ярашади, муносибдир, дейди Навоий.

Бошқача изоҳласак, шоҳга дарвеш бўлиш учун тожу таҳтни тарк этиш шарт эмас, балки кўнглида ана шу нияти бўлса етарли. Бу ният таҳту тожнинг бебақолиги, бани одамнинг Ҳақ олдида тенг-баробарлиги, шоҳ ҳоким, эзувчи эмас, раҳбар, посбон эканини ҳамиша ёдига солиб туради. Боз устига ана шундай ният билан таҳтга ўтирган шоҳнинг иши ривожда, салтанати барқарор. Зоро, дарвеш хислатлик шоҳ одил ва инсонпарвар бўлиши, улус ғамини ейиши аниқ. Мазкур ғоя Навоий-Фонийнинг машҳур форсий қасидаси “Тұхфат ул-афкор”да янада ёрқинроқ ифодаланган:

Шоҳ, ки ёд аз марг н-орад, з-уст вайронии мулк,
Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст.

(Шоҳ агар ўлимни эсга олмаса, у мамлакатнинг вайроналигига сабаб бўлади, чунки оқибатни – охиратини ўйламаган подшо юртнинг зиёнидир).

Бу байтда қизиқ сўз ўйини ҳам бор: араб ёзувида “хусрав” сўзининг охирги ҳарфи тушириб қолдирилса, “хуср” – касофат қолади. Яна шу қасидадан:

Подшоҳе, к-аш гадойи факт гаштан орзуст,
Чун гадое бошад он, к-аш подшоҳи дар бар аст.

(Факир дарвеш бўлишни орзу қилган подшо подшоликни эгаллаган гадо кабидир). Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам орзу-ниятнинг аҳамияти алоҳида таъкидланган. “Тұхфат ул-афкор” қасидасида шоҳ ва гадо қадриятини қиёслаш кенг суратда давом этади; шоир шоҳни банддаги шер (нафс домига илинган одам), шоҳликнинг ўзини эса қуруқ бош оғриқдан бошқа нарса эмас, деб айтади. Зотан, қасиданинг матласиданок, шоҳ ва дарвеш масаласи тоза ташбеҳлар қўлланилган ҳолда кескин қилиб қўйилган:

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

(Подшоҳлар тожини безаган оловдай ёниб турувчи лаъл, яъни пошдаги хом хаёлларни пишириш учун чўғдир). Бу байтни илмий падабиётларда кўп марта учратгансиз. Олимларимиз ҳазрат Навоийнинг шоҳларга муносабатини аниқлаш учун келтирадилар ва пиксар у Навоий умуман шоҳу султонларга салбий муносабатда бўлгани, шунинг учун уларни мана шундай танқид қилган, деган фикрни тасдиқлашга хизмат қиласди.

Аслида эса, Алишер Навоий шоҳга эмас, балки шоҳликнинг ўзига салбий муносабат билдиради бу ерда. Байтдаги “хом хаёл” иборасига эътибор беринг. Нима бу “хом хаёл”? Бу – нафс, дунёга, унинг бойликларига ҳирсдир. Навоий тожни ҳам шу арзимас “хом хаёл” ичига қўшади. Шоҳ бўлиб керилиш, салтанат завқи – хом хаёл. Уни эса дарвешлик чўғи билан пишириш керак, ўшанда шоҳлик ҳақиқий шоҳлик бўлиши мумкин. Навоийнинг бу шоҳ байти ана шундай чукур маънога эга.

Улуг шоир форс тилида яна бешта қасида ёзган. Бу қасидаларнинг номланишидаёқ улар ҳам дарвеш сулукни таърифига бағишидан дарак беради, чунончи: “Насим ул-хулд” (“Жаннат шаланганидан дарак беради”, чунончи), “Рух ул-қудс” (“Мұқаддас рух”), “Айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмоли”), “Минҳож ун-нажот” (“Нажот йўлбошчиси”), “Кут ул-кулуб” (“Қалбларнинг озиги”). Масалан, “Кут ул-кулуб” қасидасининг матласи:

Жаҳон, ки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,
Дар ў масоз иқомат, ки раҳи шоҳу гадост.

(Жаҳон фано шоҳроҳига олиб борадиган тор манзилдир, шунинг учун унда кўп тўхтама, бу йўл шоҳу гадога бир).

Навоийнинг “Фаройиб ус-сиғар” девонига киритган мухаммасларидан (Хусайн Бойқаро ғазалига тахмис) олинган мана бу банд ҳам мавзуимиз нуқтаи назаридан жуда мухим:

Шаҳлик этгандин не ҳосил факт сиррин билмайин,
Хеч ким мулки бақо султони бўлганму экин,
Фонийи маҳз ўлмайин Султон Абулғози бикин,
Эй Навоий, давлати боқий тиларсен васлидин,
Они касб этмак фано бўлмай не имкон оқибат.

Сатрлар ўзбекча бўлса-да, лекин соддалаб тушунтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Яъни: факр – дарвешликнинг моҳияти, сирини билмасдан шоҳлик қилиш бефойда. Султон Ҳусайн Бойқародай батамом фоний бўлмасдан ҳеч ким бақо мулкининг сultonи бўлганми экан? Эй Навоий, Илоҳ висолига етиб, давлати боқий тиласанг, фано бўлмасдан бунга мұяссар бўлиш мумкин эмас, ахир. Ҳа, боқий давлат – бу Илоҳ дийдори, қолгани ўткинчи, бебақо нарсалар. Бунда Навоий ва Ҳусайнний – Ҳусайн Бойқаро ҳамфикр бўлиб майдонга чиққанини кўрамиз.

Шундай қилиб, шоҳ учун баҳодирлик, лашкарбошилик қобилияти, Ақлу заковат, доно вазирлар маслаҳати қанчалик зарур бўлса, дарвешлик хислати ҳам шунчалик керак. Чунки бу барча фаолиятга тўғри йўл кўрсатувчи машъъал. Шоҳ дарвеш бўлмасдан туриб, адолатпарвар бўлиши қийин – Алишер Навоийнинг тушунчasi шу. У умрининг охирида яратган “Маҳбуб ул-кулуб” асарида одил шоҳга “Ҳақдин халойиққа раҳматдир ва мамоликка мужиби амният”, дея хулосавий ҳикмат билан таъриф берар экан, мисол қилиб яна Ҳусайн Бойқаронинг номини тилга олади:

Улус подшоҳи-ю дарвешваш,
Анга шоҳлиқдин келиб факр хуш.

Навоий умрининг охирларида ёзган асарларидан яна бири “Тарихи мулуки Ажам”дир. Унда Эрон подшоларининг тарихлари ҳикоя қилинади, китоб Султон Ҳусайнга бағишлиланган маснавий билан якунланадиким, унда яна ўқиймиз:

Демай айни инсонки, инсони айн –
Ҳам инсон-у, ҳам айн Султон Ҳусайн.
Шоҳо, келди шахлик, мусаллам санга,
На шахлиғки дарвешлик, ҳам санга,

Бўлуб салтанат таҳтида фарқжўй,
Шах ўлса, vale бўлса дарвешхўй...

Демак, шоир султонга бўлган ишончидан қайтмаган, ундаги дарвешлик событ хусусият эканига иқор бўлиб, бу хислат унинг

характерини белгилашдан ташқари, мамлакат аҳволига таъсир этиб, анчагина хайрли яхши ишларнинг амалга ошишига кўмак берганини кўрган. Жомий ва Навоий ўйтларига қулоқ солиб, зонум амирларни жазолаши, заиф ва бечора кишиларнинг арз-додими ўшитиши (гарчи мунтазам бўлмаса-да), ободончилик йўлидаги шиллари, балки шунинг натижасидир.

Алқисса, Алишер Навоий тасаввуф таълимотини ҳаётга татбиқ этиш, уни яхши, намунали ахлоқ низомиясига айлантириб, инсон тарбиясида қўллаш тарафдори ва ташаббускори бўлиб майдонга чиққани аёнлашди. Бу мавзу улуг адабнинг “Ҳамса”сида, хусусан, қомусий мазмунли муazzзам достони “Садди Искандарий”да янада кенг ўрин олган, хилма-хил ривоятлар орқали бадиий-фалсафий йўсинда талқин этилган. Шоҳ ва дарвеш муносабати бу асарда драматик тўқнашувлар, руҳий кечинмаларнинг можароли изтироблари, фожиалар замирида очилади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Ҳар гадоким, бўрёйи факр эрур кисват анга...”

Ҳар гадоким, бўрёйи факр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хильъат анга.

Ким фано туфроғига ётиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас музахҳаб муттако ҳожат анга.

Шах юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар;
Ҳам ўзунг инсоғ бергилким, бу не нисбат анга

Ҳар не, шаҳ мақсадидур, дарвешнинг мардудидур!
Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга.

Факр кўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир,
Мулк кўрким, тенг эмас туфроғ ила қиймат анга.

Шаҳ сипаҳ чекса, фақир аҳволиға етмас футур,
Бу вале чеккач нафас, барбод ўлур ҳашмат анга.

Шаҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.

Шаҳфа сидқ аҳли дамидин машъали давлат ёрур,
Мехрдекким, субҳ анфоси очар талъат анга.

Шоҳфа шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлгай мудом,
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур нийят анга.

Мумкин эрмас шаҳлар ичра буйла ниятиғ, магар
Шоҳи Ғозийким, мұяссар бўлди бу давлат анга.

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, бор
Шоҳлиғ суврат анга, дарвешлик сийрат анга.

То шаҳу дарвеш бўлгай айлагил, ё раб, аён,
Шоҳдин хидмат мунга, дарвешдин ҳиммат анга.

Гар Навоий сўз узатти фақрдин эрмас деманг,
Бўлмағунча ҳукм шаҳдин қайда бу журъат анга?!

- V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Бўрё – бўйра, бордон

Фақр – камбағаллик, йўқсиллик; дунёдан кечиш

Кисват – кийим, уст-бош

Зарбафт – зарбоф тўн, зарчопон

Хилъат – устки кийим

Музахҳаб – зарҳал қилинган, тилла суви юритилган

Муттако – суюнчик, таянч

Мардуд – рад қилинган

Футур – путур, завол

Мехр – қуёш

Анфос – дам, нафаслар

Талъат – порлок, чехра

Мусаллам – эътиrozиз қабул қилинган; топширилган

Насрий баён

1. Фақирлик бўриёсини, яъни жандасини ўзига кийим қилиб олган гадонинг зардан тикилган шоҳона салтанат либосига эҳтиёжи йўқ.

2. Фано (йўқлик) тупроғи уза ётиб, тошни ёстиқ қилиб олган одамга олтин суви юргизилган таҳтда ўтириш керак эмас.

3. Шоҳ, қўшини билан юриш қилиб, оламни эгалласа, дарвеш оламдан қочади, яъни дунё молидан безор бўлиб, узлатга чекинади. Энди ўзинг инсоғ юзасидан айт: уларни бир-бирига қиёслаш мумкини?

4. Нимаики шоҳнинг мақсади бўлса, у дарвешнинг нафратини келтиради; дарвешнинг ҳимматини кўргину шоҳнинг аҳволига боқ!

5. Фақир одам дарвешлик кўчасининг тупроғини шоҳ ҳазинасига алиштирмайди; ахир кўряпсанку уларнинг мулки тенг эмас – шоҳнинг бутун бойлиги дарвеш назарида тупроқ билан баробар.

6. Агар шоҳ лашкар тортса, гадонинг аҳволига путур етмайди, лекин гадо ох урса шоҳнинг тахту тожи, ҳашаматли саройи барбод бўлади.

7. Шоҳ дўзах азоби ваҳимасидан бир нафас осойишта яшолмайди; аммо дарвешга офарин, чунки у жаннату дўзах ғамидан фориғ!

8. Шоҳлар давлатининг чироги ростгўй дарвешлар нафасидан ёнади, бу нафас гўё тонг юзини очган қуёш кабидир.

9. Агар шоҳда ҳар вақт шоҳликдан воз кечиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга муносиб ва барқарордир.

10. Бундай ният шоҳларда мавжуд эмас, фақат шоҳи Ғозий – Ҳусайн Бойқаро бу олий давлатга мушарраф бўлган.

11. У шоҳларнинг дарвеши-ю дарвешларнинг шоҳидир, чунки ташки кўриниши шоҳ бўлгани билан, ички оламига кўра дарвешидир.

12. Эй Тангри, токи шоҳу дарвеш бор экан, шоҳдан дарвешга хизмат ва дарвешдан шоҳга ҳимматни аён айлагин.

13. Агар Навоий фақр ҳақида бемалол сўзлаган бўлса, бу шоҳнинг (Хусайн Бойқаронинг) ҳукмидандир, бўлмаса унда бундай журъат қаерда эди?!

Шарҳ ва изоҳлар

Ўн уч байтдан иборат бу ғазалда тасаввуфнинг энг муҳим масалаларидан бири – дарвешликнинг моҳияти подшоҳлик маслагига қиёслаш асносида очиб берилган. Дарвешнинг лутавий маъноси – тиланчилик билан кун кечирувчи мискин ва фақир кишига нисбатан қўлланилади. Истилоҳда эса, бутун оламнинг ҳақиқий эгаси бўлган Аллоҳ ҳузурида ўзининг ожиз, нотавон ва фақир эканлигини жондан ҳис қилган ҳамда ўз ҳожатини фақат Худодан сўрашга одатланган огоҳдил инсон демакдир. Ушбу ҳақиқатни англаб, оғишмай амал қиласидан инсон бу ўткинчи дунёда ҳеч нарса, ҳаттоқи салтанатнинг зарчопонига ҳам муҳтоҷлик сезмайди:

Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хильъат анга.

Дунё инсон учун керак – одам унинг асл моҳиятини тушуниб олиш учун яратилган. Моҳият эътибори ила дунё ва ундаги барча нарсалар – фано ва заволга юз тутгувчи, бебақо ва бевафо бир матоҳдир. Буни англаган дарвеш таҳтнинг олтин суви юритилган суюнчиғига суюниб ўтиргандан кўра, ҳақиқий Суяңч ва Тајаңч – Аллоҳ таоло ризосини тилаган ҳолда фано тупроғига ётмоқни афзал билади:

Ким фано туфроғига ётиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас музахҳаб муттако ҳожат анга.

Подшоҳнинг нияти – жаҳонгирилик ва фотихлик ниқоби ости-
да ўна мамлакатларга юриш қилиб, мамлакатининг чегаралари-
ни кептайтириш, орзуси – етти иклимда ягона ҳукмдор бўлишдан
иборат. Дарвеш эса имкони борича дунё ва унинг ҳою ҳавасдан қо-
нио, ташвиш келтирувчи барча нарсалардан қутулган ҳолда эркин
ва озод яшашга мойил. Бунинг сири нимада?

“Дунё ва ундаги барча нарсалар лаънатлангандир, илло Аллоҳ
тилонинг зикри ва итоати бундан мустасно”, дейилади ҳадиси
шарифда. Аллоҳ таоло ҳузурида пашшанинг қанотичалик қадри
бўлмаган дунё учун подшоҳлар бор куч ва имкониятларини сарф-
ласалар, дарвеш ўзининг ҳимматини Аллоҳ таоло ризосига муво-
фиксиги этиб, ундан қочади. Шу сабабли, подшоҳ истаган, қўлга кири-
тишига интилган нарсалар ҳамиша дарвешлар томонидан инкор
қилинган:

Ҳар не, шаҳ мақсадидур, дарвешнинг мардуидур –
Қўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга.

Ғаззолий фақр тушунчасининг умумий ва хос маънолари ҳақи-
да ёзади:

“Билгилки, фақир, деб ўзининг ихтиёрида ва қўлида бўлмаган
нарсага муҳтоҷ бўлган кишига нисбатан айтилади. Инсоннинг энг
аввало, ўзининг мавжудлигига, сўнг ҳаётига, ундан кейин емак-ич-
мак, кийим-кечак ва шунга ўхшаш нарсаларга эҳтиёжи борким,
буларнинг барчасига ўз ихтиёри билан тасарруф эта олмас. Фаний,
деб бирор нарсага ўзидан бошқа вужудга эҳтиёж сезмайдиган зот-
га нисбатан айтиладиким, бутун оламда Ҳақ таоло жалла жало-
лаҳудан ўзга ҳеч ким бу құдрат ва сифатга соҳиб эмас. Вужуд ола-
мида инсу жиндан тортиб, фаришталар, парий ва жинлар олами
– барчанинг боқийлиги ва мавжудлиги Ҳақ таолога боғлиқдир ва
барча мавжудот Ҳақ таолога муҳтоҷдирлар. Демак, ҳақиқат юза-
сидан барча мавжудот фақирдирлар”.

Ўзини шу сифат билан таниган ва фақирлик сифати унга ғо-
либ бўлган дарвешлар Иброҳим Адҳам каби подшоҳликдан воз
кеча оладилар. Қолаверса, агар мабодо уларга кимдир инъом этса,
инъомни ҳам рад этиб, фақр кўйининг тупроғини шоҳлиқдан аф-
зал биладилар:

Фақр күйи туфроғин шаҳ мулкига бермас факир,
Мулк күрким, тенг эмас туфроғ ила қиймат анга.

Дарвешлик ва фақирликни бундай баланд пардаларда тараңнум этган Алишер Навоий ҳам, унинг маънавий маслакдошлари бўлган бошқа мутафаккирлар ҳам ҳеч қаҷон шоҳлик ва шоҳларга қарши бўлмаганлар. Балки ана шундай дарвеш табиатли ҳукмдор олам аҳли аро барқарорлик ва осойишталик,adolat ва муруватини таъминлай олади, деб ҳисоблаганлар.

“Мен Аллоҳга валийларни яратгани учун шукrona келтираман. Айнан улар сабабли бу дунёда қиёмат соати кечикмоқда. Мен Аллоҳга одил подшоҳларни яратгани учун шукrona келтираман. Айнан одил подшоҳлар туфайли оламдаadolat ва инсоф барқарор. Мен Аллоҳга аҳмоқларни яратгани учун шукrona айтаман. Айнан улар туфайли асли бир чақага ҳам арзимас бу дунё ободдир”, деган экан Ҳасан Басрий.

Оlamни қандай қилиб асраш, уруш ва қирғинбаротлардан, зулм ва зўравонликлар, жаҳолат ва кулфатдан ҳимоялаш тўғрисида бош қотиришдан аввал маънавий маънода инсон қандай инсон бўлиб қолажагини, фақат ақл-идрокли мавжудот шаклида эмас, балки нияти ва эътиқоди тўғри бўлган, виждонли ва диёнатли инсон қандай бўлиши кераклигини билмоқ керак.

Одил подшоҳларда эса дарвешлик сифати ғолиб келади. Навоий ақидасига кўра, бундай подшоҳ қайсиdir бир мавҳум образ эмас, балки Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзиdir. Унинг мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, илм ва ирфон аҳлиниг маъмурлиги йўлида қилган хизматлари, қолаверса, Жомий ва Навоийдек дарвештабиатли инсонлар билан деярли ҳамма вақт ҳамфир ва маслакдош бўлганлиги Навоийнинг шундай фикрлаши учун асос бўлган. Қолаверса, бу концепция – шоҳлик учун шижаот ва саҳоват, ақл ва заковат қанчалик зарур бўлса, дарвешлик хислати шунчалик муҳимлигини асослаб бериш ғояси айнан “шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳи” – Султон Ҳусайн Бойқародан чиқсан:

Гар Навоий сўз узатти фақрдин эрмас деманг,
Бўлмағунча ҳукм шаҳдин қайда бу журъат анга!?

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга...”

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга.

Ўқларингдин дамбадам таскин топар кўнглум ўти,
Бордур-ур бир қатра сув, гўёки ҳар пайкон анга.

Бир диловардур кўнгулким, ғам сипоҳи қалбида
Охи новак тоза доғедур қизил қалқон анга.

Новакининг парру пайконида рангин тус эрур,
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтди, йўқмиш қон анга.

Номайи шавқум не навъ ул ойға еткой, чунки мен
Эл отин ўқур ҳасаддин ёзмадим унвон анга.

Хизрий хаттингнинг ажаб йўқ сабзу хуррам бўлмоғи,
Лаб-балаб чунки сув берур чашмайи ҳайвон анга.

Эй хушо, муғ кўйиким, рифъат била зийнатда бор,
Мехр анга бир шамсав-у кўк тоқидур айвон анга.

Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин
Бағри қотмиш ғунчанинг, баским эрур хандон анга.

Қилмамиш жонин фидо жононға етмас дер эмиш,
Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Париваш – парига ўхшаш, пари каби гўзал, тасаввуфий маънида парда ичидаги хаёлий маҳбуб

Саргардон – йўлини йўқотган, ҳайрон, боши айланган

Пайкон – камон ўқининг металлдан қилинган ўткир учи

Диловар – жасур, қаҳрамон, ботир

Сипоҳ – кўшин

Қалб – кўшиннинг ўртаси

Новак – ўқ, камон ўқи, киприк

Паррон – учеб бораётган, учайдган

Ҳасад – бу ерда: рашқ, қизғаниш

Унвон – манзил, нишон маъносида

Чашмайи ҳайвон – тириклик суви булоғи. Тасаввуфий маънида илоҳий файз манбаи ва комил инсон қалби

Хизр – ҳамиша тириқ, тириклик суви – оби ҳаётни ичган пайғамбар, валий зот, тасаввуфий маънода илоҳий мужданинг сўфий кўнглига нозил бўлиши, хушхабар

Сабзу ҳуррам – яшил, яшнаб турган майсалар

Лаб-балаб – лиммо-лим, лаб-балаб, лиқ тұла

Муғ кўйи – оташпаратлар кўчаси, тасаввуфий маънода пир ҳузури, ошиқ дарвешлар талпинадиган висол мақоми

Шамса – иморатлар пештоқидаги нақш, қубба

Кўк тоқи – осмон гумбази

Рифъат – кўтарилиш, баланд мартаба, юксаклик

Зийнат – безанган, зеб берилган

Яшил ҳат – маъшуқа юзидағи туклар, тасаввуфий маънода барзах – моддий ва рухоний олам ўртаси, бақо чегарасини айтганлар. Ҳақ юзининг аёнлашуви, мутлақ жамолнинг пайдо бўлишини ҳам англатади

Ўқ – киприк. Тасаввуфий маънода Илоҳнинг инояти, Маҳбуба азалий назарининг ошиқ қалбига нур бўлиб тушишини айтганлар

Насрий баён

Ул парисифат соҳибжамол мени шундай мафтун ва беҳуд қилибди-
ни, унинг ишқида сарсонлигимга қараб, олам аҳли менга ҳайрон, мен
ки ул гўзалнинг жамолига ҳайрону девонаман.

Ёки: парда ичидаги ул рухоний (хаёлий) гўзал ишқида шундай
овораманки, олам бу ахволимга ҳайрону мен эса, Унга ҳайронман.

Эй гўзал пари, киприкларинг ўқидан (ёки ул илоҳий назарнинг
қилибимга тушишидан) кўнгллим ўти пасайди, чунки ўқинг учидаги
темир тиф гўё қатра сувдай бу оловни ўчиради.

Кўнгил шундай бир баҳодирки, ғам лашкари ўртасига ҳужум
қилганда, унинг охи ўқдай бўлса, янги яраси – доғи қизил рангли
қалқон кабидир.

Ёр ўқи (киприги)нинг патлари ва темирдан қилинган учи ранг-
ли тус олган, балки бу ўқ юрагимни тешиб учеб ўтганда оққан қон
унга юқмишdir?

Ишқ шавқида ёзган мактубим ул гўзал парига қандай қилиб ет-
синки, мен одамлар ул пари исмими ўқиб, хабардор бўлмасин де-
ган фикр билан мактуб устига нишони – отини ёзмадим.

Сенинг Хизрдай абадий ҳаёт нишонаси бўлган тукларингнинг
яшнаб туриши ажаб эмас, чунки ҳаёт булоғи уни тириклик суви би-
лан сугориб турибди.

Муғлар кўчаси (пири комил ҳузури) қандай яхши, унинг мар-
таба ва ҳашамати шундай баландки, гўё Қўёш унинг пештоқидаги
чиройли қубба, осмон гумбази эса бир айвондай гап.

Булбул гулдан вафо – бокийлик истагани қизиқ ёки жала ёғаве-
риб, ғунчанинг бағри қотиб қолганидан, булбулга бу хандон гулдай
куриниб, абадийлик нишонасидай туюлгандир?

Жонини фидо қилмаган одам жононга етмайди, деганлар, шу
боис, эй Навоий, ушбу сўзнинг маъносидан келиб чиқиб, юз жоним
бўлса ҳам бари Ёрга фидо бўлсин дейман.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал Алишер Навоийнинг ошиқона ғазаллари сираси-
га киради. Аммо бу ерда ошиқоналик билан орифоналик муайян

маънода қоришиб кетган. Зеро, “ошиқона” дегани ишқ-муҳаббат завқи ва изтироблари, ёр жамоли васфи ва бу жамолга етишининг интилувчи кўнгил кечинмалари ҳиссияти, ҳаяжон ва талпининиширини тасвирловчи лирик асаддир. Муҳаббат бир вақтнинг ўзида ҳам олам ва одам гўзалиги, ҳам илоҳий Ёр жамолига қаратилган бўлиши мумкин. Гарчи орифона фалсафада моддий оламни маҷоз, Мутлақ руҳни ҳақиқат (ҳақиқий мавжудлик) деб ажратилган бўлса-да, аммо бу икки тушунча батамом бир-бирига зид, деб қаралмаган. Аксинча, мақзойи олам тасвиридан мақсад ҳақиқатни чуқурроқ англаш, уни инсонга яқинроқ қилиб тасаввур этиш кўзда тутилган. Ҳазрат Навоий тили билан айтганда, “айни ҳақиқатдир маҷоз”. Бундай қарааш ваҳдат ул-вужуд таълимоти моҳиятидан келиб чиқади. Негаки бу таълимотга кўра, Мутлақ рух (Парвардигор) ҳамма ерда мавжуд. Олам гўзалиги, ҳаётнинг нашъу намоси, жумладан, инсоннинг зоҳирий ва ботиний гўзалиги, камолоти ҳам шу Мутлақ рух туфайли ва унинг ҳикмати, файзу таровати натижасидир. Шу боис гўзал инсонга (у чиройли аёл, навқирон йигит, қалби дониш ва кароматга лиммо-лим мўйсафид бўлиши мумкин) муҳаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади. Буни бошқа ғазаллар шархида ҳам кўриш мумкин.

Келтирилган ғазалда ҳам мана шундай тасвир усули қўлланилган (Навоийнинг кўпчилик ғазалларида буни мушоҳада этиши мумкин). Яъни ошиқ соҳибжамол инсонни кўриб, унинг ҳусну жамолига мафтун бўлганидан девонадай бўлиб қолади, одамлар ошиқнинг бу аҳволига ҳайрон. Албатта, бу тасвирда анъанавийлий ўқ эмас, бироқ тоза ва завқу шавқ қўзғатадиган ташбеҳлар уни жонлантиради. Ошиқнинг бехуду шайдолигига сабаб ёр кипригидир (нозли қараши, қарашма). Киприк камон ўқига ўхшатилган, бу ўқ тўғри ошиқ юрагига бориб тегади, демак, маъшуқа ошиқка эътибор қилган, унга назар ташлаган. Ана шу назар бир томондан, ошиқни хурсанд этган бўлса, иккинчи томондан изтироб ва азоб ўтига гирифтор этган. Ошиқ шунинг учун ҳам маъшуқа жамолига ҳайрон бўлиб, қалбida ишқ олови ёнса-да, аммо унинг киприклири қалбига тегиб, бу ўтни ўчиради, чунки ўқнинг учи темирдан, то мири эса сувга ўхшайди, дейди шоир. Шундан кейин бу ўққа бардои берган кўнгилнинг яралари, бу яралардан оққан қизил қонлар тасвирланган. Ғазалда ёр юзининг туклари Хизр кийими ранги (Хизр

доим яшил либос билан тасаввур қилинади, чунки у абадий рамзи) ва майсазорга ўхшатилган.

Бу ошиққа ҳаёт бағишлайдиган баҳорий ранг ва илоҳий булоқ биодир. Бу ўринда рамзийлик ва реаллик, илоҳийлик ва моддийлик бир-бирини тўлдириб, бири иккинчисини изоҳлаб, ажойиб ошиқ тасвирини вужудга келтирган. Ушбу байтдан кейин келадиган байт ҳам олдинги байт мазмунини давом эттириб, пири комил туридаги маънавий мулоқот таърифига бағишлиланган ва булбулга шаб зоҳирий – ўткинчи гўзаликка эмас, балки ҳақиқий Моҳият-ошиқ бўлиш, бу Моҳиятни англаш, идрок этишга даъват этароқ, Навоий бунинг мушкуллитини ҳам ғазал мақтасида қайд этади: онни фидо этмагунча Жононага этиш мумкин эмас.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Синса кўнглумда ўқунг суртиб исиг қондин анга...”

Синса кўнглумда ўқунг суртиб исиг қондин анга,
Пай масаллик чирмагаймен риштай жондин анга.

Бодай лавлинг мизожи руҳпарвардур базе,
Гуне мамзуж этибсен оби ҳайвондин анга.

Чон кўнглим шўъласин гаҳ сокин этти, гоҳи тез,
Гаҳ ўтун бўлди, гаҳе су урди пайкондин анга.

Барду гам бўстонининг товусидур кўнглим қуши,
Гул бўлиб жиссимидан кескан наъл ҳар ёндин анга.

Но санутар ета олур ул қуёшқа, не насим,
Но кун ул, ҳолингни эълом айла афондин анга.

Кўзга то кирмиш хаёлинг совуғ оҳим ваҳмидин,
Боғламишмен қўрё⁶ ҳар сори мужгондин анга.

Эй Навоий, йигламоқ оҳимға таскин бермади,
Вах, бу не ўтдурки, йўқ таъсир тўфондин анга.

— V — — V — — V — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Мизож – табиат, хулқ, атвор; ҳолат, аҳвол
Мамзуж – аралаш, аралаштирилган, маҳлут

Наъл – тақа; этик товонига қоқиладиган темир нағал; ковуш, сандалия; тақа шаклидаги тамға

Эълом – эълон қилиш, билдириш, маълум қилиш
Қўрё – чодир, капа; харобахона; вайронা

Насрий баён

Матлаъ: Кўнглимга отган ўқинг (чиройли кипригинг орзуси, назаринг ёки бирор оғиз сўзинг) унга қадалиб синиб қолди. Мен кўнглимнинг ўқ теккан еридан оққан қонни унга сурттим ва суякни ўраб турган пай каби уни жоним иплари билан ўраб ташладим.

Лабларинг шарбати ёки ширин сўзларингнинг табиати киши руҳини кўтарувчи.

Оғзингдан чиқсан шарбатни тайёрлашда (маъноли сўзлар айтишда) тириклик сувидан фойдаланганга ўхшайсан.

Кўнглимга тушган ўқ баъзан унга сокинлик бахш этти, баъзан эса шундай ҳам ёниб турган кўнглим оловини янада алангалатти.

⁶ Бу сўз матнда “кўре” шаклида берилган бўлиб, маъно англатмайди. Байтнинг мазмунан тўғри матни “Алишер Навоий асрлари тили изоҳли лугати”, 1У- т., 67-бетда (Тошкент: “ФАН”, 1985) берилган. Аввалги матнда вазнда ҳам сакталик юз берган бўлиб, АНАТИЛ матнida вазн мукаммал намоён бўлган.

Бу ҳолдан кўнглим баъзан ўтин бўлиб ёниб тугади, баъзан унга киприқдаги кўз ёшлари билан сув сепилди.

Менинг кўнглимнинг қуши дарду гам бўстонида товус каби хиром этади.

Жисмимда нағал шаклидек ўйилган гуллар бўлиб, бу шу товус патларидағи гулларга ўхшайди.

Қуёш каби юксакликдаги маъшуқага на кабутар учеб ета олади, иш бир шамол.

Эй кўнгул, энди фифон чекки, фақат сенинг кучли фифонинг иқвонингни унга етказа олади.

Совуқ “оҳ”лар урганимдан кўркиб, Хаёлинг кўзларим ичига кириб олди.

Мен эса дарҳол киприкларимдан бир чодир ясаб, уни иҳоталаб қўйдим.

Эй наво қилгувчи, ҳар қанча йиғлаганинг билан оҳинг ўти пасаймади.

Бу қандай ўт эканки, тўфон (тўфондек кучли кўз ёшлари) ҳам уни ўчиrolmasa?!

Ғазалнинг умумий мазмуни

Бу ғазал матлаъдан мақтаъга қадар ошиқ қалбидаги ҳижрон гамининг турли ҳолат, қуриниш, маъно ва мазмундаги поэтик ифодасидан иборат. Матлаъда шоир ташбех санъати воситаси билан қизиқ бир бадиий лавҳа тасвирини беради. Тасаввур қиласиз: ошиқ кўнгли маъшуқа хаёли билан банд, унинг қаршисида ҳозиру нозир. Аммо маъшуқа жафокор – бир назари билан киприк ўқини ошиқ кўнглини мўлжаллаб отади. Ўқ мўлжалга қадалиб, синиб қолади. Энди ошиқнинг ҳоли не кечади? Шоирнинг мақсади ҳам бечора ошиқнинг ана шу аҳволини шарҳлаб, тасвиrlаб бериш ва шу муносабат билан “уз дардини ҳам айтиб йиғлаш”.

Бечора ошиқ “тилла топган мажнундек” маъшуқаси томондан келган ўқ синигини (камон ўқи, деб тасаввур қиласиз) кўнгли заҳми (ўқ қадалган жойдаги яра)дан оққан иссиқ қон билан бўяйди. Шундан сўнг жонининг иплари билан уни чирмаб-ўрайди. Тасвирида Навоий инсоният ва ҳайвонот танасида суяқ атрофи пай билан

Үралганлигига ишора этмоқда. Аммо бу поэтик деталь Навоий даври тарихнависларидан етиб келган бир ҳодисани ҳам эсга солади. Ўша давр зодагонлари учун тансиқ таом тайёрланганда жонлик илигини пайга ўраб, шўрвага солиб пиширишар экан. Бу - Ҳазрат Навоийнинг ҳам севимли таомларидан бири бўлган экан. Балки ошиқ кўнглига кириб қолган ўқ синигининг ноёб, тансиқ, зодагонларгагина хос бир нарса эканлигини таъкидлаш учун шоир шундай ташбеҳ танлагандир?

Маъшуқа лаълининг бодаси, яъни лаълдек қимматбаҳо оғзидан чиқкан мааст этувчи сўзлар табиати инсон руҳини кўтариб юборувчи хислатта эга. Ошиқ назарида маъшуқанинг жонбахш этувчи нутқи унинг мизожи яратилишида – тўрт унсур мутаносиблиги юзага келтирилиши жараённада моддага тириклик сувидан ҳам қўшиб, аралаштириб юборилганлиги боисидандир. Шу дақиқада “кўнгилга қадалган ўқдек назар”, “руҳпарвар жонбахш нутқ” ташбеҳлари ўқувчини шоир бир пири маърифат ҳақида сўз юритма-яптиимикин, деган фикрга олиб келади.

Кейинги байт мазмуни юқоридаги фикрларимизни янада мустаҳкамлаш учун хизмат қиласди. Кўнгилга қадалган ўқ – пир назари ёки унинг руҳпарвар қаломи ошиқ кўнглидаги муҳаббат шавқига гоҳ таскин беради(бу муриди зохири ва ботинини аниқ кўриб турувчи пирнинг тадбири, тарбия услуги), гоҳ муҳаббат шавқини алангалаатади. Ўқ – жисми жиҳатидан кўнгил ичиди гоҳ ўтин бўлади, асли, яъни киприқдан бўлганлиги жиҳатидан кўз ёшларини сепиб кўнгилдаги шавқ ўтига таскин беради.

Кўнгилга қадалган ўқ тасвири тугагач, лирик қаҳрамон ўз кўнгли тасвирини чизади. Бу кўнгил ниҳоятда гўзал бир қиёфа ва мазмунга эга. Унинг қиёфасининг гўзаллиги товус кабидир, жисмидаги гул шаклида босилган тамғалар товус қанотларида шакллар кабидир. Ошиқ кўнгил қушининг гўзал мазмуни – унинг энг такчил, топилмас бир бўстон – дарду ғам бўстонида товус каби хиром этаётганидир.

Эндиғи байтда шоир яна кўнгил муроди, мақсади баёнини бошлиди. Маъшуқа шу қадар юксакки, унгача хабарчи қуш кабутар ҳам, шамол ҳам ета олмайди. Фақат ошиқ кўнгли фифон чекиб ўз ҳолини баён этсагина, маъшуқа парво қилиши мумкин. Мутафак-

кир шоирнинг бу ташбеҳи ҳам “кўнгил фифони” воситасида фақат хос ошиқлар ҳоли баён этилади, деган мушоҳадага олиб келади.

Навбатдаги байтда шоир яна фавқулодда гўзал манзара, бадиий лавҳа яратмоқда. Унда аввалги байтдаги фикрнинг изчил давоми сифатида ошиқнинг “фифонлар чекиб, совуқ оҳлар тортганлиги” муболага билан тасвирланади. Бу кўнгил фифони шу қадар кучли, вахимали эди-ки, кўнгилда муқим турган маъшуқа хаёли ундан қочиб чиқади ва энди ошиқ кўзларини маскан тутади. Ошиқ ҳам “вактни ғанимат билиб” маъшуқа хаёли яширган кўзлари атрофига ўзининг киприкларидан бир чодир боғлаб қўяди.

Мақтаъда ўқувчи кўз ўнгидаги яна донишманд Навоий намоно бўлади. У кўз ёшларини тўфонга ташбеҳ бермоқда. Юракдан чиқкан “оҳ”и эса кучли аланга, зўр бир ўтдир. Аммо бу ўт тўфонга “буй бермайди”, тўфонга таслим бўлмайди. Шоир ўқувчиси тасаввурида ошиқ қалбидаги абадий ўчмас бир ўт ҳақида тушунча ҳосил қилас экан, бундай “ўт” бевосита маърифат йўлчисигагина тааллукли булиши мумкинлигига ҳам ишора этади. Бинобарин, улуғ шоирнинг зукко ўқувчиси ушбу ғазалнинг ҳар бир байтида илми маърифатга тегишли рамз ва ишораларни топиб олаверади ва бу топилмалар фақат унинг ўзигагина тегишли бўлиб қолади.

Дилором САЛОХИЙ

“Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиғ қондин анга...”

Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиғ қондин анга,
Пай масаллик чирмагаймен риштайи жондин анга.

Бодайи лаълинг мизожи руҳпарвардур басе,
Гўйиё мамзуж этибсен оби ҳайвондин анга.

Үқи күнглум шуъласин гаҳ сокин этти, гоҳ тез,
Гаҳ ўтун бўлди, гаҳе су урду пайкондин анга.

Дарду ғам бўстонининг товусидур күнглум қуши,
Гул бўлуб жисмимда кескан наъл ҳар ёндин анга.

Не кабутар ета олур ул қуёшқа, не насим,
Эй кўнгул, ҳолингни эълом айла афғондин анга.

Кўзга то кирмиш хаёлинг совуғ оҳим ваҳмидин,
Боғламиш мен қўре ҳар сори мужгондин анга.

Эй Навоий, йиғламоқ оҳимга таскин бермади,
Ваҳ, бу не ўтдурки, йўқ таъсир тӯфондин анга.

- V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Пай - томир

Ришга - ип

Мамзуж - аралаш, аралаштирилган

Оби ҳайвон - тириклик суви

Пайкон - қамиш ўқнинг металл учи

Наъл - тақа; тақа шаклидаги тамға; ковуш, оёқ кийим

Эълом - эълон қилиш, билдириш, маълум қилиш

Қуре - чодир, капа; харобахона, вайронা

Насрий баён

Кипрингнинг (ўқи) кўнглимга (кириб), синса, уни томир каби жон или билан чирмаб, (мустаҳкамлаб) қўяман.

Лаъл(дек лабинг)нинг мижози руҳпарварлигининг сабаби, уни тириклик суви билан аралаштирибсан (яъни мангу боқийлик сувини ичисан), шекилли.

(Кўнглимга кирган кипрингнинг) ўқи кўнглим ўтини гоҳ сенилатиб, гоҳ тезлаштиришининг сабаби, кипрингнинг учидаги инисифат пайкон унга сув урди, кипрингнинг ўзи эса ўтин каби таъсир этди.

Кўнглим қушининг дарду ғам бўстонининг товуси бўлганлигининг сабаби жисмимга келган ҳар тақа шаклидаги тамға гул бўлибди.

У қуёш(сифат маъшуқам)га (хат тутган) кабутар ҳам, (хабарчи) шабада ҳам ета олмайди. Шундай экан, эй кўнгил, ўз ҳолингни ноғифон билан маълум қиласер.

(Хусну-жамолингнинг) хаёли кўзимга кирганидан кейин менинг совуғ оҳимдан заарарланмасин деб кўркиб,(кўксимни яралаган) кипрингнингдан кўр (машъяла) сифатида фойдаландим.

Эй Навоий, йиғлаш ҳам оҳимга таскин бермаяпти, воҳ, бу қандай (кучли) олов эканки, тӯфон ҳам унга таъсир қилмаса-я?!

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳдил қиласиган ғазал мазмунан ошиқона, шаклан мусалсал бўлиб, анъанавий етти байти, "анга" радифи ҳисобланади. Ғазал маъшуққа меҳр ва садоқат изҳорларини образли тарзда ўзига жамлаган. Матаъдаёқ шоир ўтли муҳаббат изҳорини образли тарзда жонлантиради:

Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиф қондин анга,
Пай масаллик чирмагаймен риштайи жондин анга.

Кипрингнинг (ўқи) кўнглимга (кириб), синса, уни томир каби жон или билан чирмаб, (мустаҳкамлаб) қўяман.

Ўқ мумтоз адабиётда маъшуқанинг киприги рамзи бўлиб, ошиқлар ундан кўкси, юраги ярадор бўлганлигидан нолишган. Бироқ Навоийнинг лирик қаҳармони шу даражада садоқатли ошиқки, ўз кўксини яралаган маъшуқанинг кипригини ҳам иссиқ қонга суртиб, жон или билан чирмаб, асраб қолмоқчи. Навбатдаги байтларда бу садоқат маъшуқанинг лаблари таърифига уйғуланишиб кетган.

Байтда ўқунг сўзи ва риштаи жон бирималари орқали истиора санъати ҳосил қилинган. Бундан ташқари байтнинг ўзи ҳам истиора санъати асосида қурилган.

Бодайи лаълинг мизожи руҳпарвардур басе,
Гўйиё мамзуж этибсен оби ҳайвондин анга.

Лаъл(дек лабинг)нинг мижози руҳпарварлигининг сабаби, уни тириклик суви билан аралаштирибсан (яъни мангубоқийлик сувини ичибсан), шекилли.

Маъшуқанинг лаби мумтоз адабиётда лаълга, ғунчага қиёслади ва ўликини тирилтирувчи Исо пайғамбар нафасига ўхшатида. Навоий ушбу байтда мана шу жон бағищловчиликнинг сабабини топганлигини айтади. Яъни, маъшуқа ҳаёт сувини топган ва уни ичган. Шунинг учун ўзи ҳам ҳамиша навқирон ва ошиқларни ўтга ёкувчи хусн-мaloҳат эгаси. Бундан ташқари лаби ҳам жон бағищловчилик хусусиятига шунинг учун эритшган.

Байтда лаълинг сўзи ва оби ҳайвон бирималари ёрдамида истиора ва муболаганинг ғулув даражасига санъатига мурожаат этилган.

Ўқи кўнглум шуъласин гаҳ сокин этти, гоҳ тез,
Гаҳ ўтун бўлди, гаҳе су урду пайкондин анга.

(Кўнглимга кирган кипригининг) ўқи кўнглим ўтини гоҳ секинлатиб, гоҳ тезлаштиришининг сабаби, кипригининг учидаги нишиифат пайкон унга сув урди, кипригиннинг ўзи эса ўтин каби таъсир этди.

Ушбу байтдан сўз энди маъшуқа таърифидан ошиқнинг азри ҳолига улунади. Инсон қалбида муҳаббат бир зайлда турмай, занжирсифат ҳаракат қиласи. Чунки у ўз ўрнида жонли бир жараён бўлганлиги, ривожланиш ва такомиллашиш хусусиятга эгадир. Мана шу ҳолатнинг сабабини Навоий “кўксимга киргани сенинг ўқинг (кипргинг) ва унинг пайкони сабаблидир, деб гўзал шоирона изоҳ билан шарҳлади.

Байтда истиора, ташбех санъатиларига мурожаат этилган.

Дарду ғам бўстонининг товусидур кўнглум қуши,
Гул бўлуб жисмимда кескан наъл ҳар ёндин анга.

Кўнглим қушининг дарду ғам бўстонининг товуси бўлганлигининг сабаби жисмимга келган ҳар тақа шаклидаги тамға гул бўлибди.

Навбатдаги байтда ҳам ошиқ арзи ҳолининг изҳори давом этиди. Менга ҳамма маломат тошини отади, ўз ҳолимга кўйишмайди, ҳаммадан кўнглим зада бўлди, деган сўзнинг нақадар гўзал изҳори бу! Умуман, мана шу байтнинг бир ўзини олиб, Навоий эстетикаси хақида мулоҳаза юритса бўлади.

Товус бўстон эркаси. У гўзаллиги билан бўстонга ҳусн қўшади. Бўстон ҳам унга ярашади. Лекин дарду ғам бўстонининг товуси бўлиш ҳамма кўнгилга ҳам муносиб эмас. Мана шу дарду ғам менга аталган, мен ҳам унга муносибман, деган кўнгил учундир. Жисмга теккан ҳар тамғани гул деб қабул қилиш учун ҳам улкан ва гўзал қалб эгаси бўлиш керак.

Байтда, яна одатдагидай, истиора ва ташбех санъатридан фойдаланилган.

Не кабутар ета олур ул қуёшқа, не насим,
Эй кўнгул, ҳолингни эълом айла афғондин анга.

У қуёш(сифат маъшуқам)га (хат тутган) кабутар ҳам, (хабарчи) шабада ҳам ета олмайди. Шундай экан, эй кўнгил, ўз ҳолингни но-ла-фифон билан маълум қиласи.

Навбатдаги байтни бегона байт дейиш ҳам мумкин. Чунки у айни пайтда қўшмаъноли саналиб, шоир фалсафий фикрларини ҳам ифодаламоқда. Яъни “У қуёшсифат маъшуқам мендан шунчалар узоқ ва олисадаки, унга мактуб тутган кабутар ҳам, хабарчи шабада ҳам ета олмайди, фақат кўнгил изҳори етиши мумкин, чунки кўнгил учун замон ва макон аҳамиятсиз. Шунинг учун, эй кўнглим, ўзингга ишон, кўнглинг билан ўша гўзалга мурожаат эт!”

Байтнинг иккинчи маъноси бевосита Илоҳий маъшуққа қаратилган бўлиши мумкин. Яъни “У Илоҳий маъшуқ шу даражада узокдаки, унга восита билан етиб бўлмайди. Фақат кўнгил, унинг охи зори, дуюю илтижолар орқали етиш мумкин. Шунинг учун, эй кўнглим, нолаю фифон, дуюю илтижо билан ўша илоҳий маъшуқ даргоҳига мурожаат эт!”

Байтда ул қүёш бирикмаси орқали истиора, эй күнгүл бирикмаси орқали эса илтифот санъатлари ҳосил қилинган.

Күзга то кирмиш хаёлинг, совуғ охим ваҳмидин,
Боғламиш мен кўре ҳар сори мужгондин анга.

(Хусну-жамолингнинг) хаёли қўзимга кирганидан кейин менинг совуғ охимдан зарарланмасин деб кўрқиб, (кўксими яралаган) кипригингдан қўр (машғала) сифатида фойдаландим.

Ошиқ маъшуқани кўрди ва унинг хаёли ошиқнинг қўзи орқали унинг қалбига етиб борди. Лекин қалбда жойлашган совуқ оҳлардан бу хаёлнинг зарамаслигини хоҳлаган ошиқ унинг кўксини яралаган кипригини ўтин қилиб, юрагинга ўт ёқди. Бундан гўзал таъриф аслида сенинг кўриб, юрагим ёнди, қайтадан қалбим ўт олди, деган фикрнинг гўзал шоирона, фақат Навоийга хос бўлган оригинал ифодасидир.

Байт истиора санъати асосига қурилган.

Эй Навоий, йиғламоқ охимга таскин бермади,
Ваҳ, бу не ўтдурки, йўқ таъсир тӯфондин анга.

Эй Навоий, йиғлаш ҳам охимга таскин бермаяпти, воҳ, бу қандай (кучли) олов эканки, тӯфон ҳам унга таъсир қилмаса-я?!

Ёрнинг хаёли ошиқ қалбидан узоқлашгандан сўнг у соғинчдан оҳ тортиб, йиғлашга тушади. Бироқ унинг бу фифони юрагини бушатмайди. Тортган оҳларига таъсир қилмайди. Шунинг учун бу қандай кучли “оҳ” оловики, унга қўз ёшларим “тӯфони” ҳам таъсир қилмайди, деб ошиқ ўз ҳолига ўзи ҳайрон.

Ха, ишқ шундай ҳайронлик, ҳайрат, ўзини англай олмаслик ва мана шу англамаслик интиҳосида ўз-ўзини кашф этишнинг машақатли йўлидир. Бу ғазални мана шу йўлдаги бир манзилнинг Навоийона талқини дейиш мумкин.

Байтда йиғламоқ тӯfonга, оҳ эса ўтга бевосита ўхшатилмаяпти, балки қиёс қилинайпти. Шунинг учун унда муқояса санъатидан фойдаланилган.

Анвалти уч байтида маъшуқа мадҳи билан бошланган ғазал
байтлик ошиқ арзи ҳоли изҳори билан якунланган. З+4 фор-
мулалик бу газал етти байтлик мукаммал уйғунликка айланган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ваҳки ишқинг зоҳир этсам, ваҳм эрур ўлмак манга...”

Ваҳки ишқинг зоҳир этсам, ваҳм эрур ўлмак манга,
Гар ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга.

Келган эрмиш ул Масиҳ ўлганларин тиргузгали,
Мен тириг, ваҳ, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.

Жузв-жузвумни, фифонким, мунфак этти тийғи ҳажр
Бир-биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга.

Кўнглум ўтидин йиғоч куллур, башоқ бир қатра су,
Ногаҳ ул шўхи жафокеш отса бир новак манга.

Олтун эзиниб-эриб куйган саю холис бўлур,
Не ажаб сарғарса юз, еткан саю эмгак манга.

Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўқ,
Ким хадангин отса ҳойил бўлмагай кўнглак манга.

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Айлагил май шишасидин синдуруб айнак манга,

Сарсари ҳижрон, вужудум хирманин андоқ совур
Ким, фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтак манга.

Эй Навоий, гар манга кўпрак эмас уммиди васл,
Бас нағу ушшоқидин жаври эрур кўпрак манга.

- V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Ваҳм – ваҳима, кўркув
Бешак – шак-шубҳасиз
Мунфак – бўлиб ташланган
Жузви лоянфак – бўлинмас зарра; атом
Жафокеш – жафо етказишга одатланган, жафокор.
Новак – кичик ўқ
Саю – сари
Эмгак – азоб, машаққат
Хаданг – катта ўқ
Хойил – тўсиқ, парда
Сарсар – кучли ва совуқ шамол; изғирин
Ҳамтак – teng югурувчи
Нағу – қандай қилиб; нега

Насрий баён

1. Агар ишқингни ошкор этсам, ўлиб қоламан, деб кўрқаман; мабодо агар пинҳон тутишга давом эттирсам, ҳалок бўлишимга шубҳа йўқ.
2. Ул Исонафас ўлганларни тирилтириш учун келган эмиш; мен ҳалиям тирик юрибман, бу кунимдан кўра ўлганим яхшироқ.
3. Фифонким, ҳижрон қиличи бутун вужудимни бўлак-бўлак қилиб ташлади. Лекин менга улар бўлинмас зарра (атом)дек майдаланиб кетиб, қайта тикланмайдигандек кўриняпти.
4. Жафокорликка ўрганган ул шўх агар менга бир ўқ отгудек бўлса, кўнглимдаги ўт таъсиридан бу ўқнинг уни – бошоги сувдек эриб, ёғочи ёниб кул бўлади.

5. Агар ишқ машаққатидан юзларим борган сари саргайиб кетсан, ақабмас, чунки олтин ҳам оловда эзиб, эритган сари ғашлардан топаланиб, холисроқ бўлади.

6. Ул қоши камонни кўрган заҳоти ёқамни йиртиб ташлайман, токи ўқига менинг кўйлагим тўсиқ бўлмасин.

7. Эй дайр пири, шароб йўқлигидан кўзларим оқариб кетди, ҳиди май шишасини синдириб, менга айнак ясад бер.

8. Эй ҳижроннинг совуқ изғирини, менинг вужудим хирманини фано даштига шундай совурким, ҳатто изғирин бу хирмон гардини излаб тополмасин.

9. Эй Навоий, агар васл умиди бошқалардан кўра менда кўп бўлмаса, не учун бошқа ошиқларидан кўра менга кўпроқ жафо қиласди?!

Шарҳ ва изоҳлар

Мажозий ишқ талқинидаги рисолаларга кўра, муҳаббат дастлаб кучли майл шакли ўлароқ вужудга келиб, иккинчи босқичда ошиқ бу туйғуни инкор этишга киришади. Аммо шамолнинг эсиши кучсиз учқунларни сўндириб, кучли оловларни батар алангалатганидек, ҳақиқий муҳаббат инкор этилгани сайин янада қувват олиб, кўнгилдаги изтироб ва бекарорлик, талпиниш ва иштиёқ оташи ҳаловат уйини барбод қиласди. Ошиқ шундай бир ҳолатга тушадики, ишқнинг изҳори ҳам, пинҳон тутиш ҳам унга жон эвазига амалга ошиши мумкинлиги кўзига яққол намоён бўлади:

Ваҳки ишқинг зоҳир этсам, ваҳм эрур ўлмак манга,
Гар ниҳон тутсам даги жон хавфидур бешак манга.

Дунёдаги энг буюк сир – Ишқ асрорини дилдан тилга келтириш мушкулотига рўбарў келган ошиқ муаммонинг ечимини топгандай: исонафас маҳбуба қурбон бўлган ўликларни тирилтириш ниятида ишқ кўйига йўл олади. Ҳалигача муҳаббатини изҳор этолмасдан, тириклар сафида юрган ошиқ уят ва хижолатдан энди минг ўлимга рози:

Келган эрмиш ул Масих ўлганларин тиргузгали,
Мен тириг, ваҳ, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.

“Мен тирик”, дея хижолатда қолган ошиқнинг аҳволи аслида ўликлардан баттар: ҳижрон тифи жисмини бўлинмас зарра (атом) ларга бўлиб, майдалаб ташлаган. Гулувв даражасидаги бу муболағали тасвир ҳижроннинг азоби ошиқнинг жон-жонидан ўтиб, бутун вужудини қамраб олгани, бу дард энди вужуднинг бўлинмас қисмига айланганини ифодалашга хизмат қилган:

Жузв-жузвумни, фифонким, мунфак этти тийғи ҳажр
Бир-биридин лек ўзикур жузви лоянфак манга.

Бундай муболағали тасвир кейинги байтда ҳам қўлланилади: ҳижрон тифининг зарбидан энг майда заррасигача дардга йўғрилган, бутун вужуди дардга айланган ошиқнинг кўнглида ишқ оташи шунчалик шиддат олганким, агар мабодо маҳбуба унга қаратади ўқ отгудек бўлса, бу ўқнинг чупи кулга, темирли учи эриб, бир томчи сувга айланади. Қалбдаги ишқ ўти асилни қалбакидан, мисни олтиндан ажратувчи синов оташидир. Шу сабабли, мажнуншева ошиқнинг муҳаббат кўйида етган турли машаққатлар асоратидан юзининг сарғайгани ҳам оловда тобланиб, турли чиқинди ва ғашлардан тозалангандан олтинга менгзайди. Ишқ дарди ва балоларига одатланган ошиқ энди агар мабодо ўз қошикамонини кўриб қолгудек бўлса, ёқасини чок этади. Бу ёқавайронлик фақат ишқ жунунининг ғалаёнидан нишона эмас, балки муҳаббатнинг навбатдаги ўқи кўнгилни нишонга олганда дунё матоҳи – кўйлак орада тўсиқ бўлмаслиги керак. Навоий бу чиройли ўхшатма орқали ҳақиқий муҳаббат йўлида дунёнинг энгарзимаган матоҳи ҳам каттағов бўлиши, ишқ дарди руҳоният оламига дахлдор туйғу эканлигини ифодалаб берган:

Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўқ,
Ким ҳадангин отса ҳойил бўлмагай кўнглак манга.

Олдинги байтларда ҳижрон тифи ва ёрнинг “ўқ”и ҳақида сўз юритилган бўлса, еттинчи байтда навбатдаги анъанавий тимсоллар

“пири дайр” ва “бода” тимсоллари қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Бу сифир ҳам шоир анъана замирида янгилик яратиш масаласида бенинг эканлигини исботлаган. Байтдаги тасвирга кўра, шоир шаробини куташериб, кўзлари оқариб кетганлиги сабаб, дайр пиридан май шинасини синдириб, унга кўзойнак ясад беришни илтимос қиласди. Май шишиаси рангиз бўлиб, ичидаги шаробнинг рангига қараб товининишига ишора қилган ҳолда Навоий дайр пири ясад берган кўзойнак туфайли оламдаги нарсаларни қандай бўлса, ўз ҳолича кўриш шинтиёқида эканлигини билдиради. Бундан англашиладики, Навоий инстаеттан бода – олам ва одамнинг асл моҳиятини англашга ёрдам берадиган маърифат бодаси бўлиб, бу бода (маърифат)нинг ранги ва юлоси қандай бўлса, шундай кўра оладиган “айнак” – басират кўзини очувчи мадад лозим:

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Айлагил май шишиасидин синдуруб айнак манга,

Басират кўзи очилган ошиқ ўзининг ҳақиқий аҳволидан огоҳ бўлиб, фано манзилига юз буради. Аммо бу йўлда унга ягона қамроҳ – ҳижрон шамоли. Мухаббат йўлида фано бўлиш иштиғи лирик қаҳрамонда шунчалик баландки, ҳали фано шамоли ёсмасдан, ҳижроннинг шамоли ёрдамида борлиқдан хабар берувчи шукуднинг хирмони ҳали фанонинг шамоли ёсмасдан барбод бўлишини истайди. Бу ўхшатма орифлар наздида машхур бўлган “мутуқабла ан тамуту” (“Ўлмасдан бурун ўлингиз”) ҳадисининг маъносига далолат қиласди:

Сарсари ҳижрон, вужудум хирманин андоқ совур
Ким, фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтак манга.

Фано бўлиш, вужуднинг йўқлик саҳросида губорга айланаб кетиши – худкушлик ёки пессимилик кайфиятнинг тасвири эмас. Фано бўлишлик замирида ҳақиқий боқийликка етишмоқ, ўткинчи нарсалар, қолаверса, ўзлиқдан воз кечиши орқали ўзликни англаш, алалоқибат Яратганинг Ўзини таниш ҳақиқати ётади. Ҳақ йўли – гуллар тўшалган текис ва равон йўл эмас. Бу йўл ҳамиша тузоқ ва тўсиқлар, боши берк кўчалар, адаштирувчи кучлар, сабр косава

сини синдирадиган тошлоқлар, товонга ботган тикондек мадорни сүрадиган хатокорликларга тұла. Аммо қанча шу йұлда машаққат күпайса, асл манзилга яқын қолғанлигига башоратдир. “Балонинг эң улуғи пайғамбарларга, ундан сүңг у зотларга яқын бұлған кишиларға, ундан кейин бошқа одамларға юборилади”, дейилади ҳадиси шарифда. Демак, инсон бошига қанчалик катта бало синов тариқасида юборылса, демак унинг мақоми ва мартабаси Ҳақ таол олдида улуғ экан. Шундан рухланиб, Навоий үз бошига тушган синовларни рухбаландылған билан кутиб олиб, ризо ва шукроналик өхангида ғазалға нұқта құяды:

Эй Навоий, гар манга күпрак эмас уммиди васл,
Бас нағу ушшоқидин жаври әрүр күпрак манга.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Ваҳки ишқинг зоҳир этсам ваҳм әрүр ўлмак манга...”

Ваҳки ишқинг зоҳир этсам ваҳм әрүр ўлмак манга,
Гар ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга.

Келган әрмиш ул Масих ўлғанларин тиргузгали,
Мен тириг, вах, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.

Жузв-жузвумни, фиғонким, мунфак этти тийғи ҳажр
Бир-биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга.

Күнглум ўтидин йиғоч кулдур, бошоқ бир қатра су.
Ногаҳ ул шўхи жафокеш отса бир новак манга.

Олтун эзиниб-эриб куйған “сою” холис бўлур,
Не ажаб сарғарса юз, еткан сою эмгак манга.

Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўқ,
Ким хадангин отса ҳойил бўлмағай кўнглак манга.

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Лайлагил май шишасидин синдуруб айнак манга,

Сарсари хижрон, вужудум хирманин андоқ совур
Ким, фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтак манга.

Эй Навоий, гар манга күпрак эмас уммиди васл,
Бас нағу ушшоқидин жаври әрүр күпрак манга.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Жузв – бўлак, бошқа, ўзга; майда, оз, бирон нарсанинг бир донаси, бир қисми; аъзо, бадан аъзолари

Мунфак – айрим-айрим қилинган, ажратилган

Лоянфак – ажралмас, айрилмас, ажралмайдиган даражада жипсласиб кетган

Новак – кипприк

Сою – идиш, буғдой ўлчайдиган идиш

Эмгак – меҳнат, машаққат, қийинчилик

Хаданг – найза, ўқ, камон ўқи, мажозан кипприк

Айнак – ойнак, кўзойнак

Сарсари – кучли ва совуқ шамол, даҳшатли бўрон, довул; тўплан, тинчсизлик

Ҳамтак – бирга юрувчи, баравар югургувчи

Ҳойил – тўсик, тўсувчи, монелик қилувчи

Наг – қандай, нима учун, нимага, нечун

Насрий баён

Бу қандай ҳолатки, ишқингни юзага чиқарсам – маълум қилсам, ўлмоқлик ваҳимаси келади, уни пинҳон асрасам ҳам жоннинг чиқиш хавфи қийнайди.

У (Исо нафасали маъшуқам) ўликларни тирилтиргани келган пайтда, менинг тирик эканлигим ғалати. Э-воҳ, бундан кўра ўлганим яхши эди-ку (шунда маъшуқамнинг илтифотига сазовор бўлардим).

Ҳар бир аъзоимни ҳижрон тиги бўлак-бўлак қилиб ташлади, лекин ҳижроннинг ўзи ҳар бир аъзом билан ажралмас бўлиб олди, (яъни, ҳижрон азоби жон-жонимга сингиб кетди.)

Менга у жафокаш шўх (ёrim) бир кипритини отар бўлса, кўнглимдаги ишқ ўти(нинг ҳарорати)дан киприги(нинг ўзи, яъни) “ёғоч” и кул, бошоги, (яъни учидаги “ниш”и) эса бир қатра сувга айланади.

У қоши ёй(дай гўзал маҳбубам)ни кўрган лаҳзадаёқ, ёкамни чок қиласман, (бунинг сабаби) унинг ўқ(дай киприк)ларини отилган пайт кўйлагим тўсиқ бўлмасин, деган ниятдир.

Бода соғинчидан кўзларим оқарди, эй майхона соҳиби, менга май шишасини синдириб, ундан кўзойннак ясад бер.

Эй ҳижроннинг кучли ва совуқ шамоли, бир хирмон мисол бўлган вужудимни шунчалик совуриб юборки, натижада, шамол ҳам мен билан фано йўлида бирга юриш умидида бўлмасин.

Эй Навоий, менда висол умиди кўп эмас, лекинг ҳижрон азоби ва (бошқа) ошиқлар – яъни рақибларнинг (кўрсатган) жабри кўпроқдир.

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий тўққиз байтли шаклан мусалсал, мазмунан ошиқона ушбу ғазал ишқ аброр этган ошиқнинг арзи ҳолига бағишлиган. Арзи ҳол матлаъдаёқ фоже воқелик – ночорлик тасвири билан бошланади.

Ваҳки ишқинг зоҳир этсан ваҳм эрур ўлмак манга,
Гар ниҳон тутсан дағи жон хавфидур бешак манга.

Бу қандай ҳолатки, ишқингни юзага чиқарсам – маълум қилсам, ўлмоқлик ваҳимаси келади, уни пинҳон асрасам ҳам жоннинг чиқиш хавфи қийнайди.

Ошиқ ўз ишқини ошкор қилолмайди. Бунга номус йўл қўймайди. Бундай иложсизлик эса унинг жонини ҳалокатга олиб келади. Агаройи жонни сақлаб қолиш умидида ишқни ошкор қилмоқчи бўлади. Лекин бунда ҳам маъшуқамнинг таърифини сўзлаш жараёнида жоннинг чиқиш хавфи кучаяди. Бу ночорлик – аросат ошиқ қалони мангуда исканжада сақлади. Бу исканжани фақат кўнгил дардининг шеър орқали изҳор қилиш билан енгиллаштириш мумкин.

Байтда зоҳир этсан ва ниҳон тутсан бирикмалари орқали маънаний тазод ва муболага санъатлари ҳосил қилинган.

Байтда акс этган ноилождик руҳи кейинги байтларда кучайиб тикомиллашиб боради.

Келган эрмиш ул Масиҳ ўлганларин тиргузали,
Мен тириг, вах, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.

У (Исо нафасли маъшуқам) ўликларни тирилтиргани келган пайтда, менинг тирик эканлигим ғалати. Э-воҳ, бундан кўра ўлганим яхши эди-ку (шунда маъшуқамнинг илтифотига сазовор бўлардим).

Навбатдаги байтда ҳам сўз ўлим ва тириклик борасида. Бир нафаси билан ўликларни тирилтирувчи Исонафасли маъшуқа ошиқларимнинг ҳолидан хабар олай – ҳижроним азобида ўлган бўлса, тирилтирай, деб қадам ранжида қилди. Лекин унинг Навоийнинг лирик қаҳармони бўлган ошиғининг жони ҳамон иккимолам ўртасида муаллақ турибди. Бу билан у аросатда қийналётгани ҳам майликуя, маъшуқа илтифотидан ҳам бенасиб қолди. Шунинг учун “яхшироқ бу умрдин ўлмак манга” деб нола қилмоқда.

Байтда ўлган ва тиргуз, тириг ва ўлмак сўzlари орқали иккимуринда тазод, Масиҳга мурожаат этиш орқали талмех, тиргуз ва тириг, ўлган ва ўлмак сўzlари орқали эса иштиқоқ санъатларига ва муболаганинг ғулув даражасига мурожаат этилмоқда.

Жузв-жузвумни, фифонким, мунфак этти тийғи ҳажр
Бир-биридин лек ўзиidor жузви лоянфак манга.

Ҳар бир аъзомини ҳижрон тиги бўлак-бўлак қилиб ташлади, лекин ҳижроннинг ўзи ҳар бир аъзом билан ажралмас бўлиб олди, (яъни, ҳижрон азоби жон-жонимга сингиб кетди.)

Навбатдаги байтда ошиқни ўлимга яқинлаштирган сабаблардан бири – ҳижрон хусусида сўз кетади. У ошиқ вужудидаги аъзоларни тилка-пора қилиб, фаолиятдан тўхтатди. Бу ҳам камлик қилгандай, ҳар бир аъзо билан бирикиб – бечора ошиқнинг жон-жонига сингиб кетди. Бундай аҳволдан ошиқ фифон тортишгагина зўрга мадор топди.

Байтда жузв-жузвим ва бир-биридин сўzlари орқали мукаррир, мунфак ва лоянфак сўzlари орқали эса маънавий тазод, тиги ҳажр бирикмаси орқали эса истиора санъатлари қўлланилган.

Кўнглум ўтидин йиғоч кулдур, бошоқ бир қатра су.
Ногаҳ ул шўхи жафокеш отса бир новак манга.

Менга у жафокаш шўх (ёrim) бир кипригини отар бўлса, кўнглимдаги ишқ ўти(нинг ҳарорати)дан киприги(нинг ўзи, яъни) “ёғоч” и кул, бошоги, (яъни учидаги “ниш”и) эса бир қатра сувга айланади.

Навбатдаги байт маъшуқанинг бир нигоҳи ошиқни қай аҳволга солганилигининг образли тасвиридир. Навоий бу нигоҳни бир новак – киприк тарзида образлаштирган. Зеро, маъшуқа нигоҳ ташлагани сабабли гўё унинг кипригидан бир дона отилиб, ошиқнинг кўксига санчилгандай бўлади. Кўнглимдаги ишқ ўтининг таъсирида, дейди Навоий юқоридаги фикрин давом эттириб, киприк ўқининг ўтин каби бошоги куйиб, кулга айланди, унинг учидаги “пайкон”и эса эриб сув бўлди.

Байтда кўнглум ўти бирикмаси, йиғоч, бошоқ сўzlари орқали истиора ва муболаганинг, одатдагидай, ғулув даражаси ҳосил қилинган.

Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўқ,
Ким хадангин отса ҳойил бўлмагай кўнглак манга.

У қоши ёй(дай гўзал маҳбубам)ни кўрган лаҳзадаёқ, ёқамни чок қиламан, (бунинг сабаби) унинг ўқ(дай киприк)ларини отилган пайт кўйлагим тўсиқ бўлмасин, деган ниятдир.

Навбатдаги байт ошиқнинг маъшуқа дийдорини кўргандан кейинги ўзини йўқотиб қўйиш ҳолатининг образли тасвиридир. Маъшуқамга кўзим тушгач, ёқамнинг чок қилишимнинг сабаби бор, дейди шоир мана шундай ҳайронлик ҳолатига изоҳ бериб. Унинг киприги ўқи кўксимга осон ва қулай етиб келиши учун, кўйлагим ҳам унга ҳалал бермаслиги сабабли қиласман бу ишни.

Тасвиридаги оригиналлик, бу ўринда, байтнинг таъсири кучини ортириш учун ҳам хизмат қилган.

Байтда ё(й), хаданг (ўқ) сўzlари орқали таносиб ва одатдагидек муболага санъатига мурожаат этилмоқда.

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Айлагил май шишасидин синдуруб айнак манга.

Бода соғинчидан кўзларим оқарди, эй майхона соҳиби, менга май шишасини синдириб, ундан кўзойнак ясаб бер.

Навбатдаги байт орифона мазмунли бегона байт ҳисобланади. Ишқ, ҳижрон ва висолдан сўз юритган ошиқ ўз фикрини, энди ирфоний мавзуга қаратади. Бода – май истелоҳини илоҳий ишқ ёки маърифат, пири дайр – майхона соҳиби истелоҳини эса пири комил маъносида талқин этадиган бўлсак, байтнинг маъноси қуидагича шарҳланади. Яъни: илоҳий ишқ ва маърифатдан бирибир қалбим қонмаяпти шунинг учун, эй комил устоз, бу маърифат ва ишқ асосини қалбимга сингдир. Натижада мен шу туйғуларга асосланиб оламга қараб, унинг мушкулотларини мушоҳида этай.

Байтда пири дайрга мурожаат этиш орқали илтифот санъати ҳосил қилинмоқда.

Сарсари ҳижрон, вужудум хирманин андоқ совур
Ким, фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтак манга.

Эй ҳижроннинг кучли ва совуқ шамоли, бир хирмон мисол бўлган вужудимни шунчалик совуриб юборки, натижада, шамол ҳам мен билан фано йўлида бирга юриш умидида бўлмасин.

Навбатдаги байт ҳижронга мурожаат этилаётганлиги учун яна ошиқона мавзуда десак бўлади. Лекин байтнинг иккинчи мисрасидаги фано йўли истелоҳи орқали байтда орифона руҳ ҳам мавжуд десак бўлади. Байтнинг мазмуни: Эй, мени дунё саҳросидаги

бошлаб келиб, илоҳий ўзлиқдан маҳрум қилган ҳижрон шамоли, энди ўзинг ёрдам бериб, бу илоҳиятдан айрилиқдан зада бўлган вужудимни бир хирмондек совуриб юбор. Натижада мендан асар ҳам қолмасин ва йўқлик йўлига қараб, жадаллаб кетай. Бу ишни шу даражада тезлиқда амалга оширгинки, ҳатто тезкор шамол ҳам менга ета олмасин.

Фано йўли, фонийлик орқали баҳога эришиб, илоҳий висолга этишиш Навоийнинг асосий бадиий концепцияларидан саналади.

Байтда ҳижронни жонлантириш орқали ташхис, унга мурожаат этиш орқали илтифот, вужудим хирмани, фано йўли бирикмалари орқали истиора ва муболағанинг ғулув даражасига мурожаат этилган.

Эй Навоий, гар манга кўпрак эмас уммиди васл,
Бас нағу ушшоқидин жаври эрур кўпрак манга.

Эй Навоий, менда висол умиди кўп эмас, лекинг ҳижрон азоби ва (бошқа) ошиклар – яъни рақибларнинг (кўрсатган) жабри кўпроқдир.

Мақтаъда шоир яна ишқий мавзуга қайтмоқда ва висолга бўлган умиднинг озлигидан, рақиблар ва ҳижрон азобининг эса кўплигидан шикоят қилмоқда.

Байтда кўпрак сўзининг такоридан такрир санъатининг радд ул-ҳашв илал ажуз туридан фойдаланилган.

Умуман олганда, ғазалда гўзал санъаткорлик, оригинал ифода, эски туйғунинг янгича ва оҳорлди изҳори устунлик қиласи.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга...”

Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга,
Ғам эмас васлингга уммид агар бор манга.

Бир бузуғ узра жунун қушлари кўнған кибидур,
Тонким, ёғдуур ул шўхи ситамгор манга.

Зоҳид учмоғни этар васфу мен ул ой кўйин,
Гулшани хулд анга, ул гули руҳсор манга.

Гелба андоғки парий жилвасидин олдарағай,
Ўт солур ҳар тараф ул турфа намудор манга.

Баски қонимни яларлар, адади кўп ярадин,
Итларин қилди мулоийиб тани ағфор манга.

Кўнглум истар яна мақсад жамоли аксин,
Соқиё, тут қадаҳи ойинакирдор манга.

Субҳа торини йиғ, эй шайхки, бир лаҳза бурун
Тақтилар мугбачалар риштайи зуннор манга.

Солғил, эй ишқ, вужудумға фано ўтиниким,
Ёпти мақсад юзин пардайи пиндор манга.

Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур, не ажаб,
Ҳар замон қиласа жафо ул бути айёр манга.

Фаразим бир неча кун шоҳиду майдур, йўқ эса,
Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга?

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Учмоғ – жаннат

Гулшани хулд – жаннат боғи

Олдарамоқ – безовта бўлмоқ

Турфа – ажайиб, бетакрор
Намудор – күриниш
Мулойиб – ўйин майдони
Афгор – мажрух,
Ойинакирдор – күзгу каби
Субҳа – тасбих
Зуннор – ғайридинлар белига боғлайдиган иш
Пиндор – гумон, шубҳа
Шоҳид – гузал махбуба

Насрий баён

Хижронингдан менга юзлаб ғам ва озор етса ҳамки, бунга ғам чекмайман, чунки менда висолингта етишмоқ үмиди бор.

Ситамгар шүх дилбарим бошимга ёдиргган тошлар бузук бир вайронада түпланиб турган жунун қушларға үштайды.

Зохид – жаннатни, мен эса ул ойнинг кўини васф этаман. Жаннат боғи унга бўлсин, гулюзли ёр менга насиб айласин.

Парийнинг жилвасини куриб, безовта булган телбадек, ул ёр жилvasи ҳар томондан куриниб, жонимга ўт туташди.

Жиссимдаги яралар күплигидан қонимни яловчи итлар маж-
рух танам устида үйинқароқлик қыммоқдалар.

Мақсудим жамолининг аксини кўришна кўнглим истамоқда. Эй соқий, менинг қўлимга кўзгудек жилоли қадаҳ тут.

Эй шайх, тасбихинг торини йиғиштириң, негаки бир лаҳза бурун мұғбачалар менга зұннор ипини боғлаб қўйдилар.

Эй ишқ, вужудимни фано оловида ёқиб юбор, чунки мақсудим чехрасини гумон пардаси ёпиб турибди.

Ул айёр санам агар менга жафо қилиб туришига ажабланмайман, чунки олам ахли зотида вафо қилиш хислати йўқ.

Эй Навоий, бир неча кунлик умр кечиришдан ғараз – май ва гўзал юзли маҳбубадир, йўқса, бу фоний дунёда менга нима бор?!

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида ишқ водийси таърифига алоҳида боб ажратиб, уни бало ва оғатлар, ғаму озорларга тӯла бир маскан сифатида тасвиirlайди. Бу водийга қадам кўйган киши ҳижрон туфайли турли-туман озор ва гүссалар ҳужумига бардош беришга маҳкум. Фақат висол умиди азоби ўлимдан қаттиқ бўлган ишқ дардини енгиллатиш, ишқ туфайли етажак қайту ва гүссалар дардсизлик дардидан фориғ қилишга имкон яратади. Шу сабабли таҳлил қилинаётганимиз ғазал матлаъида висол умиди муҳаббат озорларига қарши қўйилади:

Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга,
Ғам эмас васлингга уммид агар бор манга.

Ишқ дардига йўлиқкан кишининг ҳаёт йўли бало даштига дўнади. Бу йўлда ошиқ маҳбубанинг турли жабру жафоларини тортишга тайёр туриши керак. Маҳбубасининг жафоларини тасвирлаш учун шоир иккинчи байтда қизиқ бир ҳаётий лавҳа чизади: Ишқقا мубтало бўлганларга нисбатан энг кўп қўлланиладиган тавсифлардан бири – бу, жунун сўзидир. Аммо бу байтда жунун сўзини ошиқча эмас, балки кушларга нисбатан қўллайди. Золим ёримнинг вайронага айланган жисму жоним узра ёғдирган бало тошлари касал теккан товуқлар ё бошқа турдаги кушлар бир-бирининг устига чиқиб олиб, катта хирмон ҳосил қилганига ўхшайди, дейди шоир. Бало тошларига нишон бўлган бошни вайронага, ёғилган тошларини жунун касали теккан қушларнинг сукут қилиб, бир-бирининг устига чиқиб олишларига ўхшатиш орқали янги ўхшатма ҳосил килинган:

Бир бузук узра жунун қүшлари құнған кибидур,
Тошким, ёғдурур ул шүхи ситамгор манга.

Учинчи байтда анъанавий образлар – “зоҳид” ва “учмоғ” сўзларининг қўлланилиши ғазалда васф этилаётган мажозий муҳаббат ҳақиқий ишққа кўпприк эканлигидан нишон беради. Дунё ва унда-ги хою ҳавасни тарқ этган зуҳд аҳли жаннат боғларига қандай тал-

пинсалар, ошиқ учун Ёрнинг кўйи – унга етишиш йўли шунчалик роҳатбахш ва беназир ҳисобланади. Натижада, ҳар ким ўз тилаганини олади – зоҳидга жаннат гулшани насиб этадиган бўлса, ошиқ ёрнинг гул рухсорасининг муборак дийдорига етишади. Аммо бу дийдор ошиқнинг жунун ва изтиробини янада оширади. Парининг ҳар лаҳзада турли қиёфада намоён бўлиб, телбаларни ақлу ҳушидан бегона қилгани каби, ёрнинг жамолининг турфа жилвалари ошиқнинг муҳаббат оловини янада кучайиради:

Телба андоғки парий жилвасидин олдарагай,
Ўт солур ҳар тараф ул турфа намудор манга.

Кейинги байтда шоир “яларлар” ва “яралар” сўзларини келтириб, ажойиб сўз ўйини қилишдан ташқари, иғроқнинг янги намунасини яратган. Ошиқнинг баданида ишқ ўқларидан захмлари кўплигидан, ёр кўйидаги итларнинг ўйингоҳига айланибди. Ёр кўйининг муҳофизлари бўлмиш итларнинг ғизоси вафо йўлида сабит бўлган ошиқ қонидан бўлиши табиий:

Баски қонимни яларлар, адади кўп ярадин,
Итларин қилди мулойиб тани афгор манга.

Таҳдил қилинаётган кейинги уч байтда тасаввуф шеъриятидаги қадаҳ, кўзгу, соқий, субҳа (тасбих), муғбача, зуннор, фано, пиндор (гумон, шубҳа) тушунча ва тимсоллар қўлланилган. Байтларнинг мазмуни эса, Шайх Санъон қиссасини ёдга солади: Шайх Санъон ҳам тарсо қизининг иши йўлида шароб ичиб, шайхлик либосини мажуслар кийимига алмаштиради; дайр хизматкорлари – муғбачалар унинг белига зуннор тақиб, насроний динини қабул қилдиришади. Тарсо қизининг қўлидан ичган шаробдан сармаст Шайх Санъон бутга сажда қиласди:

Ҳам бўлуб жоми дамодам бирла маст,
Ҳам қилиб мастона ўзни бутпараст.

Шу ҳолда бир муддат дайр аҳлига масхара бўлган Шайх Санъон бир саҳар тарсо қизига фифон чекиб, айтилган шартларни ортиги

билан бажаргани, энди у ҳам аҳдига вафо қилишини сўрайди. Тарго кизи бажарилган шартлар Ишқ неъматининг шукронаси эвазига бажарилгани, энди шу неъматнинг берилганига шукр қилмасдан, оҳу нолалар қилгани учун журмона (тўлов) сифатида бир йил дайр ютанинг ўзи мукаддас оловни ёқишини буюради.

Ишқ туфайли ошиқнинг вужудида фано ўти аланга олиб, ҳақиқий мақсад дийдорига тўсиқ бўлаётган шубҳа ва гумон парасини орадан кўтаради. Мақсадга етишишнинг асосий шарти – иккиланишлардан холи бўлиш, сидқ ва сафонинг мустаҳкамлиги ҳисобланади:

Солғил, эй ишқ, вужудумга фано ўтиниким,
Ёпти мақсад юзин пардайи пиндор манга.

Зотан, вафосизлик иллати замона аҳлининг барчасида бор, дея ҳукм чиқаради Навоий. Бу – шунчаки замондошларининг бевафолиги ва субутсизлигидан бўй тортган шикоят эмас. Одам боласи табиатан ўз аҳдига вафо қила олишга имкони йўқ. Вафоли бўлиш боқийликни талаб қиласди. Оладиган бир нафаси ўз ихтиёрида бўлмаган банда қандай қилиб вафодан дам урсин?! Мана шу ҳақиқатни эсдан чиқариб қўймаслик учун ҳар замон “ул бути айёр” (Худо) бошимга турли жафоларни ёғдиришидан ажабланмаслик керак экан. Шу билан бирга, мазкур байт ҳам тарсо қиз жафоларини чеккан Шайх Санъоннинг фигонларига ҳамоҳанг:

Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур, не ажаб,
Ҳар замон қиласа жафо ул бути айёр манга.

Мақтаъда эса, бу фоний дунёда келиб-кетишдан асл мақсад – берилган саноқли умрда шоҳид ва майдан баҳраманд бўлиш, деган хуносас берилади. Мажоз тилида шоҳид – Ҳақ таоло, май – илоҳий маърифат эканлигини биламиз. Демак, бу ўткинчи дунёда яшашдан асл мақсад – илоҳий маърифатни эгаллашдир. Маърифатсиз яшашдан маъно йўқ, дейди Навоий:

Фаразим бир неча кун шоҳиду майдур, йўқ эса,
Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга?

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга...”

Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга,
Ғам эмас васлингта уммид агар бор манга.

Бир бузүр узра жунун қушлари қүнған кебидур,
Тошким, ёғдуур үл шүхи ситамгор манга.

Зоҳид учмоғни этар васфу мен үл ой кўйин,
Гулшани хулд анга, үл гули рухсор манга.

Телба андоғки парий жилвасидин олдарагай,
Ўт солур ҳар тараф үл турфа намудор манга.

Баски қонимни яларлар, адади кўп ярадин,
Итларин қилди мулоим тани афгор манга.

Кўнглум истар яна мақсуд жамоли аксин,
Соқиё, тут қадаҳи ойинакирдор манга.

Субҳа торини йиг, эй шайхки, бир лаҳза бурун
Тақтилар мұғбачалар риштайи зүннор манга.

Солғил, эй ишқ, вужудумға фано ўтиниким,
Ёпти мақсуд юзин пардайи пиндор манга.

Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур, не ажаб,
Ҳар замон қилса жафо үл бути айёр манга.

Ғаразим бир неча кун шоҳиду майдур, йўқ эса,
Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга?

- V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Учмоғ – жаннат

Гулшани хулд – мангужаннат, абадий жаннат

Олдара – довдираган, шошиб қолган

Намудор – кўринишили, намоён, зоҳир; намуна, мисол

Афгор – яраланган, жароҳатланган, мажруҳ; эзилган, ўртанган; ноҷор, ғамли, андуҳли

Субҳа – тасбех

Мұғбача – май ташувчи бола, мажозан, пирнинг каломини мұрилдарга етказувчи воситачи

Зүннор – мусулмон мамлакатларида ғайридин кишилар мажбуран белига боғлаб юрадиган қора рангли чилвир, мажозан ишқ ва ошиқлик белгиси

Пиндор – мағрурлик, ўзини баланд тутиш, такаббурлик; фикр, хаёл

Бути айёр – айёр санам, маккора маҳбуба

Шоҳид – мазҳар, илоҳий гўзалликни акслантирувчи инсон

Фано дайри – йўқлик майхонаси, мажозан тасаввуф йўли

Насрий баён

Гарчи ҳижронингдан юз ғам ва озор бўлса ҳам, агар васлингдан умидим бўлса, булар менга ғам бўлолмайди.

У шўхи ситамкор (ёрим) менга (тинмай (тош) ёғдирияпти, гўё бу бузук (бино) устига жунун қушлари қўнгани кабидир.

Зоҳид жаннатни мақтаса, мен у ой(дай гўзал маъшуқам)нинг кўчасини улуғлайман, (шундай экан) абадий жаннат унга бўлсин, менга эса гул юзли (ёрим бўлса бас).

Телба парий жилвасининг – кўринар кўринмас шарпасини англагандан шошиб қолгани каби у қачон пайдо бўлса, мен(инг қалбим)га ўт солади.

(Ярамдан оқсан) қонимни ялаган итлари танимдаги ярамдан ҳам күп (бу ҳол қандай яхшики), бу яраланган, жароҳатланган ва эзилган, ўртангтан таним итларини менга мулойим қилиб кўрсатди.

Кўнглим мақсад жамолининг аксини изламоқда, (шундай экан) эй соқий менга ойнадан ясалган қадаҳ (ёки май) тут!

(Эй шайх), тасбехинг ипаларини йиғиштириб ол, бир лаҳза олдин, менга май ташувчи болалар ғайридинлар чилвирини тақиб улгuriшган эди.

Эй ишқ, вужудимга фано ўтини ташлаки, кибр пардаси менга мақсад юзини ёпди.

Замон аҳлида ўзи вафо йўқ, шундай экан, менга у айёр санамнинг жафо қилиши ажабланарли эмас.

Мақсадим илоҳий гўзалликни акслантирувчи инсон ва илоҳий ишқ бўлmas экан, эй Навоий, бу йўқлик майхонасида – тасаввуф йўлида менга нима бор?!

Шарҳ ва изоҳлар

Навоий ижодида кам учрайдиган ўн байтлик шаклан паронда ушбу газал ўз мазмунида ошиқона ва орифона туйғуларни мужассамлаштиргани билан ажralиб туради. Матлада хижрондан аламзада ошиқнинг висолга бўлган умиди ҳақида сўз юритилади.

Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга,
Ғам эмас васлингта уммид агар бор манга.

Гарчи хижронингдан юз ғам ва озор бўлса ҳам, агар васлингдан умидим бўлса, булар менга ғам бўлолмайди.

Ишқ дарди борки, унда, албатта, хижрон, ғам-андух ва изтироб каби туйғулар бўлади. Лекинг висол умиди ошиқни келажакка умид билан қарашга, ғам-аламни ҳам енгиб ўтишга даъват этади. Аксинча умидсиз муҳаббат бир хижронни мингга, бир ғамни туманга етказади.

Байтда ҳажринг ва васлинг сўzlари ёрдамида тазод, ғам сўзининг такоридан такрир санъатининг радд ул ҳашв илал-ибтидо

түри, ғам ва озор сўzlари билан эса таносиб санъатлари ҳосил тилган.

Бир бузуғ узра жунун қушлари қўнған кебидур,
Тошким, ёғдуур ул шўхи ситамгор манга.

У шўхи ситамкор (ёrim) менга (тинмай (тош) ёғдираяпти, гўё бу булуқ (бино) устига жунун қушлари қўнгани кабидир.

Иккинчи байтда шоир ёрнинг эътиборсизлигидан шикоят қилимоқда. Яъни, ўзи кўнглим ва жисмим ишқ ўти таъсирида бир вайронага айланганди. У ситамкорнинг эътиборсизлигидан отган тошлари эса бу вайронага бир учиб, бир қўнувчи телбavor қушларга ўхшамоқда.

Байтда ташбех, истиора санъатларига мурожаат этилган.

Зоҳид учмогни этар васфу мен ул ой кўйин,
Гулшани хулд анга, ул гули руҳсор манга.

Зоҳид жаннатни мақтаса, мен у ой(дай гўзал маъшуқам)нинг кўчасини улуғлайман, (шундай экан) абадий жаннат унга бўлсин, менга эса гул юзли (ёrim бўлса бас).

Навбатдаги байтда, мумтоз адабиётда, хусусан Навоий ижодида иккюзламачи сифатида мазаммат қилинадиган зоҳид образи интирок этади. Навоийнинг лирик қаҳрамонига унинг жаннатни васф этишини ёқмайди. Сабаби, унинг бу дунё нозу-неъматларидан воз кечиши, муттасил тоат-ибодат билан шуғулланишининг ҳаммаси жаннат умиди билан. Бу эса Навоийнинг инсонни ва ҳётни севувчи лирик қаҳрамони дунёқарашига зид. Шунинг учун жаннат унгаю, ёrimнинг кўчаси менга бўлса бас, дейди.

Агар ул ой истелоҳида илоҳий маъшуқа аксланётган деб шарҳласак, байтнинг яна бир – орифона маъноси юзага чиқади. Зоҳид жаннатни мақтаса, мен у илоҳий маъшуқим даргоҳини васф этаман. Ҳар кимнинг ниятига яраша – менга илоҳиёт дийдори, зоҳидга эса адабий жаннат насиб эта қолсин.

Навоийнинг ушбу байти унинг машҳур рубоийсини ёдга солади:

Зоҳид сенга, ҳур, манга жонона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.

Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

Байтда учмоғ сўзи ва гулшани хулд бирикмаси ёрдамида таношиб, ой сўзи ва гули рухсор бирикмалари ёрдамида истиора, зоҳид ва мен образлари орасида эса маънавий тазод ҳосил қилинмоқда.

Телба андоғки парий жилвасидин олдарагай,
Ўт солур ҳар тараф ул турфа намудор манга.

Телба парий жилвасининг – кўринар кўринмас шарпасини англагандан шошиб қолгани каби у қачон пайдо бўлса, мен(инг қалбим)га ўт солади.

Мен телбасифатнинг у парисифат маъшуқамни кўрганимда ўзимни йўқотиб қўйишими кўриб, ажабланманг, дейди Навоийнинг ишқпараст лирик қаҳрамони. Бунинг сабаби, у кўринар-кўринмас менинг тўрт томонимга ўт солади. Бу тасвир билан Навоий висолнинг ҳар ошиқ қалбига кучли ҳаяжон солиши, ёрнинг ҳаёси босган ошиқ ҳолатини таърифламоқда.

Байтда телба ва парий сўzlари орқали маънавий тазод, тамсил ва истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Баски қонимни яларлар, адади кўп ярадин,
Итларин қилди мулоийим тани афгор манга.

(Ярамдан оққан) қонимни ялаган итлари танимдаги ярамдан ҳам кўп (бу ҳол қандай яхшики), бу яраланган, жароҳатланган ва эзилган, ўртанган таним итларини менга мулоийим қилиб кўрсатди.

Ошиқ маъшуқа кўчасининг итлари билан дўстликни ҳам ўзига шараф деб биланди. Бу унинг азбаройи камтарлиги ва ишқдаги садоқатининг далилидир. Навбатдаги байтда ошиқ ёр кўчасининг итлари билан яқин бўлиб олганидан шодлик изҳор этади. Бунинг учун эса ишқ дардидан танида пайдо яралар яласалар ҳам, майли.

Байтда муболаганинг ғулув даражасига мурожаат этилмоқда.

Қўнгум истар яна мақсад жамоли аксин,
Соқиё, тут қадаҳи ойнакирдор манга.

Кўнгум истар яна мақсад жамолининг аксини изламоқда, (шундай экан)
и соқий менга ойнадан ясалган қадаҳ (ёки май) тут!

Газалнинг шу ўрнидан ошиқона туйғулар изҳори орифона руҳ билан ўрин алмашади. Ойна, кўзгу, миръот образлари Навоий ижодида фаол қўлланилган бўлиб, Яратган гўзаллигини акслантирган бу олам, инсон, инсон қалби каби маъноларни ифодалайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсанк, байтнинг ботиний маъноси қўйидагича жилваланади:

Кўнглим мақсад жамолининг аксини изламоқда. Мақсад жамоли эса илоҳий дийдордир. Илоҳий дийдорни акслантирувчи май эса Илоҳга, Унинг жами яратиқларига, шу жумладан, инсонга, гўзаликка нисбатан муҳаббатдир. Унинг ойнакирдор – шаффоф бўлиши ёса, холис, самимий эканлиги эса изоҳланади. Зоро, тоза, шаффоф майдаги соқий жамолининг акси кўрингани каби соғ қалбдаги тоза – холис ишқда илоҳий мақсад жамоли намоён бўлади.

Байтда кўнгилни жонлаштириш орқали ташхис, мақсад жамоли бирикмаси билан истиора, соқийга мурожаат этиш орқали эса илтифот санъатлари ҳосил қилинган.

Субҳа торини йиғ, эй шайхки, бир лаҳза бурун
Тақтилар муғбачалар риштайи зуннор манга.

(Эй шайх), тасбехинг ипаларини йиғишишириб ол, бир лаҳза олдин, менга май ташувчи болалар гайридинлар чилвирини тақиб угуршишган эди.

Шайх, унинг субҳа – тасбехи бу байтда маъносиз сурат, риёкорлик маъноларини акс эттирган. Зоро, эл олдида тасбехни кўлдан қўймай, кўздан нарида турфа риёкорликлар қилган сохта шайхлар, ҳамиша, Навоийнинг ҳажв тифига дучор бўлишган. Муғбача истелоҳи эса пирнинг каломини муридларга етказувчи воситачи, зуннор – илоҳий хизматга белни маҳкам боғлиш ҳақидаги ошиқ берган сўз сифатида аксланган. Демак, байтнинг биз англаган ботиний маъноси қўйидагича:

Менга таклиф қилаётган риёкорларча тақводорликни йиғишитирки, илоҳий хизматга белни маҳкам боғлиш ҳақида устозларга вайда бергандим.

Байтда субҳа тори ва риштаи зуннор бирикмалари орқали маънавий тазод юзага келтирилмоқда. Бундан ташқари шайхга мурожаат этиш орқали илтифот, субҳа тори бирикмаси ва шайх сўзи, риштаи зуннор бирикмаси ва муғбача сўзи орқали эса таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Солғил, эй ишқ, вужудумға фано ўтиниким,
Ёпти мақсад юзин пардайи пиндор манга.

Эй ишқ, вужудимга фано ўтини ташлаки, кибр пардаси менга мақсад юзини ёпди.

Ушбу байтда орифона рух очиқдан-очиқ намоён бўлмоқда. Яъни Навоий ишққа мурожаат этиб, фано ўтини вужудимга солгин, демоқда. Маълумки, ишқ худди қимё каби ошиқ қалбини чиркинликлардан тозалаб, мисни олтинга айлантирувчи воситадир. Фано – йўқлик эса инсоннинг ўзлигини маҳв этиш орқали уни адабийлик – баҳога, адабий висол – Яратганинг жамолига восил қилувчи кучдир. Мана шундай восита, яъни ишқ орқали камолотга етишни ният қилган инсоннинг мақсади юзига кибр пардаси тўсиқ бўлмоқда. Зеро, кибр фариштани ҳам шайтонга айлантирган, ҳамма, айниқса ошиқ учун, илоҳиёт жамолига етишишни ният қилган йўловчи учун ниҳоятда хавфли душман саналади. Навоийнинг лирик қаҳрамони кибр пардасини йўқотишини ишқдан фонийлик мартабасидан сўрамоқда.

Байтда фано ўти, мақсад юзи, пардайи пиндор бирикмалари орқали бир йўла уч ўринда истиора, ишққа мурожаат этиш орқали илтифот ва ташхис санъатларидан фойдаланилган.

Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур, не ажаб,
Ҳар замон қилса жафо ул бути айёр манга.

Замон аҳлида ўзи вафо йўқ, шундай экан, менга у айёр санамнинг жафо қилиши ажабланарли эмас.

Навбатдаги байтда яна ошиқона туйғулар борасида сўз кетади. Маъшукамнинг жаво қилишига нега ҳам ажабланайки, замондошларимиз зоти – ўзлигидан бу туйғу бегона бўлган, ахир.

Байтда бути айёр бирикмаси ёрдамида истиора, замон сўзи-нинг такроридан такрир санъатининг радд ул ҳашв илал ҳашв тури солғил қилинган.

Гаразим бир неча кун шоҳиду майдур, йўқ эса,
Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга?

Мақсадим илоҳий гўзалликни акслантирувчи инсон ва илоҳий ишқ бўлмас экан, эй Навоий, бу йўқлик майхонасида – тасаввуф Пулида менга нима бор??

Мақтая ҳам орифона рухни акслантирган. Йўқлик майхонаси, ёки бу дунёга келишдан мақсад илоҳий дийдор гўзаллигини акслантирувчи саркаш, айёр, ситамгар, аммо гўзаллиқда бекиёс бўлган мальшуқа ва унинг воситасида Аллоҳга, ҳақиқий моҳиятга, ишқ ва гўзалликни Яратгувчисига бўлган муҳаббатдир. Бўлмаса, бу йўқлик майхонаси – бевафо дунёга инсоннинг келишидан мазмун йўқ.

Байтда шоҳид, май, дайр сўzlари орқали таносиб, фано дайри бирикмаси орқали эса истиора, йўқ ва бор сўzlари орқали эса тазод санъатларига мурожаат этилган.

Хулоса қиласиган бўлсанк, ушбу ғазал Навоий қалбидағи пўртанааларнинг – фикр ва туйғулар түғёнининг кичик бир заррасини акслеттириш учун хизмат қилган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга...”

Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга
Уйладурким, жондин айру юз яролиғ тан манга.

Мехр ила маҳ партавидин кўзни равшан қилмадим,
Бўлғали меҳри руҳунг моҳийяти равшан манга.

Бўлди равзан-равзан ул қотил ҳадангидин кўнгул,
Жон қуши чиқмоқда бир йўл англа ҳар равзан манга.

Мен ўлармен ғамдину, йиғлаб куюб бошимда шамъ
Дудидин чирмаб қора ҳар тун тутар шеван манга.

Рахм этиб ҳолимға душман дўст бўлмоқ, вах, не суд,
Дўст чун раҳм айламай бўлмиштуур душман манга.

Ғам туни зулмида хандон бўлмади ҳолимға субҳ,
Субҳдек не тонгки, бўлғай чок пироҳан манга.

Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,
Элга гар бу иш ҳунар бўлса, бўлуптур фан манга.

— V — — V — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Ганж – хазина
Мехр – қуёш
Маҳ – ой
Рух – юз, чехра
Партав – ёғду
Равзан – туйнук
Ҳаданг – ўқ
Шеван – оҳ-нола, фифон
Не суд – не фойда

Лугат

Насрий баён

1. Малоҳат хазинаси бўлган ёримдан айри қолганимда вайронава масканим мен учун юзлаб жароҳатлар билан жони чиқсан жасад мисолидир.

2. Сенинг қуёшдек порлоқ чехрангнинг моҳияти менга ошкор бўйич, кўзимни ою қуёш нури билан ёрутмадим.

3. Кўнглим ул қотилнинг ўқлари захмидан илма-тешик бўлиб бўтди. Бу тешикларнинг ҳар бири жоним қуши чиқиб кетиши учун бир туйнук вазифасини бажаради.

4. Мен ёр ғамидан ўлим ҳолатидаман. Шамъ эса тутундан бошига мотам салласини чирмаб, ҳар кеча мени ҳолимға йиғлаб чиқади.

5. Менинг ҳолимға шафқат қилиб, душман ҳам дўст бўлмоқда, аммо бундан не наф, чунки дўст менинг ҳолимға раҳм этмасдан, душманлик қиляпти.

6. а) Ғам кечалари поёнида тонг хандон отиб чехра очмади. Балки менинг ҳолимға йиғлаб, кўйлагини пора-пора қилди; б) менинг кўйлагим унинг ғамида пора-пора

7. Эй Навоий, ишқ мушкил деб, тарк этолмайман. Элга ишқ қайғусини чекиш агар ҳунар бўлса, бу менинг фанимга айланган.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий деярли ҳар бир ғазалда маҳбубанинг тавсифида янги-янги ташбех ва истиорани қўллаш, турфа ўҳшатишлар ва мажозларни қўллашга ҳаракат қиласди. Мазкур ғазалда ёрга “малоҳат ганжи” деб таъриф беради. Малоҳат сўзи араб тилида “тотли, гузли” маъноларини ифода этиб, ўзбекчада “истарали” сифатига уйқаш келади. “Қисас ул-анбиё”да келтирилишича, бир куни Оиша онамиз Расулуллоҳ (с.а.в.)дан Юсуф алайхиссалом чиройлироқми, ё сизми, деб сўрабдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) дебдиларким, бирорада рим Юсуф (а) мендан чиройлироқ эди, аммо унинг ҳусни оламга фитна солувчи эди. Мен эса ундан малоҳатлироқман.

Мазкур ҳадисдан маълум бўладики, Ҳақ таолони ёдга солувчи ҳусн соҳибларига “малоҳат” нисбатини қўллаш ўринли бўларкан. Навоий васф этган маҳбуба Ҳақ таолонинг кудратини эста солувчи ана шундай малоҳатнинг кони, хазинаси. Бу хазина сақланадиган маскан ҳижрон айёмида жонсиз жасадга ўҳшайди. Жисмнинг қуввати ва тириклиги жон туфайли бўлганидек, ёр яшайдиган маконнинг нуру файзи ҳам ёрнинг ўзи билан. Ёрсиз қолган кошоналар вайронадан баттар, балки юзлаб жароҳатлар сабабли бежон қолган жасаддир.

Иккинчи байт алоҳида диққатни талаб қиласди. Ёрнинг қуен-дек порлоқ чехрасининг моҳиятини англагандан кейин қуёш на ойга боқмай қўйиш ҳолати Иброҳим Халилуллоҳ (а.) қиссасини ёдга солади. Қуръони каримда келтирилишича, Иброҳим Халилуллоҳ бутпарастликдан юз ўғириб, дастлаб Ой ва Қуёшга сажда қилимокчи бўлади. Аммо Ой ва Қуёшнинг ботишини кўрганидан кейин Иброҳим алайхиссалом “ботувчи нарсаларни севиб бўлмас”лиги-га икрор бўлиб, осмонлар ва ернинг Нури бўлмиш Аллоҳ таолоға сифина бошлидиди. Худди шу каби, ёрнинг кундан-кунга гўзаллашиб бораётган чехраси ой ва қуёшнинг гардиши туфайли эмас, балки Мутлақ жамолнинг тажаллийси эканлигини билган ошиқ Қуёш ва Ойга қиё боқмай қолади:

Меҳр ила маҳ партавидин кўзни равshan қилмадим,
Бўлғали меҳри руҳунг моҳийяти равshan манга.

Биринчи байтда ошиқнинг жисми “юз яролиғ” эканлиги ҳақида сўз юритилган бўлса, учинчи байтда ошиқларнинг қатлидан хузурланадиган маҳбубанинг ўқларидан илма-тешик бўлган кўнгил ҳолати тасвирга тортилади. Илма-тешик бўлиш ҳолатини ифодалаш учун Навоий “равзан-равзан” сўз бирикмасини ишлатади. Равзан – туйнукдан ёруғлик киришини ҳисобга оладиган бўлсак, равзан-равзан бўлган кўнгил ҳам ишқнинг нуридан мунаvvар бўлиши, жон қуши ҳам бу равзан – туйнуклардан нур манбаи томон талпинишини тасаввур қилиш қийин эмас. Висол иштиёқининг шу тариқа ифодаланиши Мавлоно Жалолиддин Румийнинг қуийдаги байтларини ҳам эслатади:

Бишнав аз най, чун ҳикоят мекунад,
Аз жудоихо шикоят мекунад,

К-аз найистон то маро бубридаанд,
Аз нафирам марду зан нолидаанд.

Сийна хоҳам шарҳа-шарҳа аз фироқ,
То бигўям шарҳи дарди иштиёқ.

(Таржимаси:

Тингла, бул най не шикоят айлагай,
Айрилиқлардин ҳикоят айлагай:

То қамишзордан танимни кесдилар,
Зорларим эркак-аёл бағрин тилар.

Истаюман айрилиқдан чок бағир,
Токи шавқим дардин айтай бирма-бир.)

Тўртинчи байтда хижрон туфайли ошиқнинг ҳаёт шами сўниб бораётганини кўриб, кечаси билан шамъ ҳам бошига тутундан момтам салласини чирмаб, кўз ёши тўқилиши тасвирланган. Одатда, шеъриятда шамъ образи маҳбубанинг тимсоли ўлароқ талқин қилинади. Бу байтда эса, шамъ ишқ дардидан боҳабар дилсўз дустнинг сиймосини яратган. Қолаверса, хижрон кечасида ўлим тӯшагида ётган ошиқни бошида лишиллаб ёниб турган шамдан ўзга сўрагувчи ҳеч кимса йўқ. Бундан ошиқ хафа ҳам эмас, чунки дуст ундан юз буриб, ўз ҳолига ташлаб қўйган чоғида ҳатто душманлар дўстга айланса ҳам, кўнгил таскин топмайди. Ҳақиқий толиб учун Дўстнинг ризосидан ўзга нарса ҳаловат бермайди. Бундай тушкун ҳолатдаги ошиқ назарида поёнсиз гуссалар ибтидоси бўлмиш хижрон кечасининг зулумоти тонг ёришганда ҳам кўнгилга равшанлик келтирмайди. Тонг ҳам ошиққа ҳамдард бўлиб, унинг ғамидан ёқасини чок этганидан ёруғлик кўринади. Кун чиқиши янги қайғува андуҳларнинг нишонаси ўлароқ намоён бўлади:

Ғам туни зулмида хандон бўлмади ҳолимға субҳ,
Субҳдек не тонгки, бўлғай чок пироҳан манга.

Ҳар бир байтда ишқ дардининг турли исканжаларини ифодалаган шоир мақтаъда бу дардга мубтало бўлиш ажаб саодат эканлиги, бошида осон кўриниб, сўнгра мушкуллар тушадиган ишқ йўлидаги машаққат ва ҳаловатларидан баҳраманд бўлиш бошқалар учун ҳунар бўлса, Навоий учун фанга айлангани, яъни ишқсиз бирлаҳзасини ҳам тасаввур этолмайдиган даражага етганини қаноатмандлик билан қайд қилиб, ғазалга якун ясади:

Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,
Элга гар бу иш ҳунар бўлса, бўлуптур фан манга.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга...”

Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга,
Уйладурким, жондин айру юз яралығ тан манга.

Мехр ила маҳ партавидин күзни равшан қилмадим,
Бұлғали меҳри руҳунг мохийяты равшан манга.

Бұлди равзан-равзан ул қотил хадангидин күнгүл,
Жон қуши чиқмоққа бир йүл англа ҳар равзан манга.

Мен ўлармен ғамдину, ийғлаб куюб бошимда шамъ
Дудидин чирмаб қора ҳар тун тутар шеван манга.

Рахм этиб ҳолимға душман дүст бұлмоқ, вах, не суд.
Дүст чун раҳм айламай бұлмиштуур душман манга.

Ғам туни зулміда хандон бұлмади ҳолимға субх,
Субхдек не тонгки, бұлғай чок пироҳан манга.

Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,
Әлга гар бу иш ҳұнар бұлса, бұлуптур фан манга.

– V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуғ

Лугат

Малоҳат ганжи – гүзәллик хазинаси, маъжозан маъшуқа
Партав – ёғду, шуъла, нур
Равзан-равзан – илма-тешик

Рұх – юз
Хаданғ – ўқ, найза ўқи; найза
Шеван – нола, фарёд
Пироҳан – күйлак

Насрий баён

У гүзәллик хазинаси (бұлған ёрим)сиз менга вайронға маскан бўлди, бу гүё юз марта яраланған жонсиз жисм билан қолишдай эди.

Қуёшдай юзингнинг моҳиятини англаш қасдида қуёш ва ойнинг ёғдуси билан кўзимни равшан қилмадим.

У қотил(сифат маъшуқам)нинг (отган кипригининг) ўқларидан кўнглим илма-тешик бўлиб кетди, бу тешиклар жоним куши чиқишига очиб қўйилганга үхшайди, гүё.

Мен (ишқ ва соғинч) ғамидан үлишга етдим, ҳар туни бошимда (фақатгина ёлғиз дўстим бўлған) шам ийғлаб, куйиб тутунидан (бошига) қора чирмаб, (менинг ҳолимга) нола-фарёд қилади.

Душман ҳолимға раҳм қилиб, дўст бўлғандан нима фойда-ки, дўстим (менинг ҳолимни тушунмай ва тушунмаганлиги учун) раҳм қилмай душман бўл(иш даражасига етиб)ди.

Ғам тунининг зулміда ҳолимға раҳм қилиб, тонг отмаганидан кейин кўйлагимни худди тонгдай (алам, изтироб ва айрилиқ азобидан) чок қилишим – йиртиб ташлашим ажабланарли эмас.

Эй Навоий, ишқ-муҳаббатни қийин деб тарқ этишими мумкинми ахир, у бошқаларга ҳұнар – тириклик воситаси бўлса, мен учун фан, (яъни илм – такомиллашув воситаси)-ку!

Шарҳ ва изоҳлар

Шаклан мусалсал ва мазмунан ошиқона бўлған “манга” радифи бу газал анъанавий етти байтли бўлиб, ошиқнинг арзи ҳоли, қалбидаги кечгандарига бағишлиланған. Матлаъдаёқ бунинг сабаби аёнлашган: ҳижрон туфайли ошиқнинг ҳоли хароб.

Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга,
Уйладурким, жондин айру юз яралығ тан манга.

У гўзаллик хазинаси (бўлган ёрим)сиз менга вайронга маскан бўлди, бу гўё юз марта яраланган жонсиз жисм билан қолищдай эди.

Ошиқ маъшуқага шунчалик шайдоки, унинг гўзалигини бир гулга, ёки қуёш ё ойга ўхшатишга қаноат қилмай, уни “мaloҳat ганжи” деб атайди. Байтда яна бир чиройли сўз ўйини бор. Одатда ганж – хазина вайроналарда бўлади, деган ақида мавжуд. Мана шу ақидага асосланган Навоий ўша гўзални, яъни малоҳат ганжини вайронадан излаб ҳам топмадим, бунинг аламидан маконим мудом вайрон бўлди, дейди. Байтнинг иккинчи сатрида маъно янада кучайтирилган – маъшуқа унга жон қадар азиз ва яқин бўлганидан ошиқ усиз ўзини жонсиз жисмга ўхшатмоқда. Юз яролиғ эканлиги эса хижрон, соғинч, алам ва изтироблардан, яна аллақанча мало-матлардан юзига келгандир.

Байтда малоҳат ганжи барикмаси ёрдамида истиора, ташбех, ганж ва буғуз, жон ва тан сўzlари иштирокида таносиб ҳамда муболага санъатларига мурожаат этилган.

Меҳр ила маҳ партавидин кўзни равshan қilmадim,
Бўлғали меҳри руҳунг моҳийяти равshan манга.

Куёшдай юзингнинг моҳиятини англаш қасдида қуёш ва ой-
нинг ёғдуси билан кўзимни равshan қilmадim.

Ошиқ шу даражада садоқатлики, ҳатто ой ва қуёшга ҳам назар солмайди. Уларнинг нури билан кўзни, кўнгилни ҳам мунаvvар қilmайди. Фақат эртаю кеч ёрнинг жамолини мушоҳида қилади. Унинг куёшсифат жамолининг моҳиятини билишга интилади.

Ушбу байт ғазалдаги ягона ёрга мурожаат этадиган байт бўлиб, қолган байтларда ёр – у, яъни учинчи шахс сифатида келади.

Байтда меҳр, моҳ, партав сўzlари орқали таносиб, меҳр сўзининг икки марта такоридан тажнис, моҳ ва моҳият сўzlари ёрда-
мида иштиқоқ, амр ва нахй санъатларидан мурожаат этилган.

Бўлди равzan-равzan ул қотил хадангидин кўнгул,
Жон қуши чиқмоқка бир йўл англа ҳар равzan манга.

У қотил(сифат маъшуқам)нинг (отган кипригининг) ўқлари-
дан кўнглим илма-тешик бўлиб кетди, бу тешиклар жоним қуши
чиқишига очиб қўйилганга ўхшайди, гўё.

Маъшуқа ҳар қанча эътиборсиз бўлмасин, баъзида ошиққа ишар ташлаб қўяр экан. Бу назар ҳам бечора ошиқнинг кўксига ўқ қилаб, кўнглини илма-тешик қилиб ташлабди. Ошиқ маъшуқа хиж-
ронида шу даражага етибдики, энди бу тешиклардан жоннинг күш
каби учиб чиқиши қолибди, холос.

Мумтоз адабиётда, хусусан Навоий ижодида кўнгил ва жон-
нинг күшга ўхшатилиши кўп кузатилган анъанавий ташбеҳлардан
ҳисобланади. Бундан ташқари байтда равзан-равзан сўзларидан
мукаррар ва такрир, қотил ва хаданг сўзлари ҳамда жон қуши би-
рикмалари орқали истиора, муболаганинг гулув даражасидан ҳам
фойдаланилган. Байт истиора асосига курилган.

Мен ўлармен ғамдину, йиғлаб куюб бошимда шамъ¹
Дудидин чирмаб қора ҳар тун тутар шеван манга.

Мен (ишқ ва соғинч) ғамидан ўлишга етдим, ҳар туни бошимда
(фақатгина ёлғиз дўстим бўлган) шам йиғлаб, куйиб тутунидан
(бошига) қора чирмаб, (менинг ҳолимга) нола-фарёд қилади.

Ошиқ “ғам уйи”дек кулбасида ёлғиз ва хижрон, ғам, алам-
лардан баҳтсиз ҳолга тушган. Унинг дўсту биродарлари ошиққа
“ишқни манъ этиш ҳақида” тинмай насиҳат қилишган, уларнинг
кор қилмаётганини кўргач эса ошиқдан умид узиб, бечорани ёлғиз
ташлаб кетишган. Унинг ягона ҳамдарди кечалар кўз ёши тўкиб, бо-
шига қора тутундан қора чирмаб, ошиққа садоқат изҳор қилаётган
шам холос. Фақат угина ошиқнинг жисми сўлиб, ўлимга юз тутаёт-
ганлигига гувоҳ. Фақат угина бу ғамли ҳолатга мотам тутаяпти.

Байт ёлғизлиқ, бечоралик тасвирининг оригинал чизгисидир.
Унда шамнинг йиғлаши, куиши, бошига қора чирмashi ва мотам
тутиши орқали бир йўла тўрт ўринда ташхис санъатидан фойдала-
нилган.

Раҳм этиб ҳолимға душман дўст бўлмоқ, вах, не суд.
Дўст чун раҳм айламай бўлмиштурур душман манга.

Душман ҳолимга раҳм қилиб, дўст бўлгандан нима фойда-
ки, дўстим (менинг ҳолимни тушунмай ва тушунмаганлиги учун)
раҳм қилмай душман бўл(иш даражасига етиб)ди.

Ошиқ ишқ, ҳижрон ва соғинчдан шу ҳолга етганки, унинг ўлар даражага етганини кўриб, душмани ҳам раҳм этиб, дўстлик қиласяпти. Бироқ аччиқ гапираган дўст ошиқнинг қалбидаги ишқи ҳақиқийни тушунмай, унга “ўзингни қийнама, бўлмайдиган ишдан воз кеч. Ўша бевафони унугт”, деб насиҳат қилади. Бу эса ошиқ учун айни душманликнинг ўзиdir. Шундан экан, бундан дўстлигу, душманликдан нима фойда?!

Байтда душман ва дўст сўзларидан тазод ва тарду акс санъатлари ҳосил қилинган.

Фам туни зулмида хандон бўлмади ҳолимға субҳ,
Субҳдек не тонгки, бўлғай чок пироҳан манга.

Фам тунининг зулмида ҳолимга раҳм қилиб, тонг отмаганидан кейин кўйлагимни худди тонгдай (алам, изтироб ва айрилиқ азобидан) чок қилишим – йиртиб ташлашим ажабланарли эмас.

Маълумки, мумтоз адабиётда тун – фам ва ҳижрон, тонг ва кундуз эса висол ва ҳурсандчилик рамзи сифатида қўлланилади. Фам туни шунчалик узун эканки, унинг зулмида қолган тонг ошиқقا раҳм қила олмабди – ёришмабди. Тонгнинг отмагани – васлдан дарак бермаганидан озорланган ошиқ эса ўз кўйлагининг ёқасини чок-чок этиб, йиртиб юборибди.

Байтда фам туни бирикмаси ёрдамида истиора, субҳ – тонгни жонлантириш орқали ташхис, субҳ ва тонг сўзлари иштирокида эса таносиб санъатларига мурожаат этилган.

Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,
Элга гар бу иш ҳунар бўлса, бўлуптур фан манга.

Эй Навоий, ишқ-муҳаббатни қийин деб тарқ этишими мумкинми ахир, у бошқаларга ҳунар – тириклик воситаси бўлса, мен учун фан, (яъни илм – такомиллашув воситаси)-ку!

Ишқ – тириклик воситаси. Унинг орқасидан инсон ҳаётга қараб интилади, ўзининг ўрнини эгалловчи ворис қолдиради. Бироқ ишқни илоҳий асрор деб билувчи Навоий учун у эса нафақат тириклик, балки, камолот ва такомиллашув воситасидир. Шунинг учун ишқнинг ўти, ҳижрон ва азоби, маъшуқа зулми ва эътибор-

сизлиги, вафосизлик ва жабри қанчалик кучли бўлмасин, у ишқни тарқ этмайди. Шундай экан, арзи ҳол шаклидаги бу ғазал асли фахрия ва шукроналик изҳоридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондур манга...”

Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондур манга,
Бир гули раъно ғамидин боф зиндондур манга.

Базми ишрат ичра сиз май нўш этинг, эй дўстлар,
Ким, насиб ул лаъли лаб ҳижронидин қондур манга.

Циқти ақлу фаҳм ила сабру кўнгул тан мулкидин,
Циқмайин ҳар лаҳза заҳмат бергучи жондур манга.

Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга заҳм,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.

Уйла расвоменки, кўю кўчада ҳолим кўруб,
Баъзи эл гирёну баъзи халқ хандондур манга.

Ҳажридин бағрим судур, ул су аро болиғ киби,
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкондур манга.

Ҳур мижгонин агар суртай деса қилман қабул
Ким, аёғда орзу хори муғийлондур манга.

Май ичиб тоатни фавт этманги ул ўт тобидин,
Неча боқсам баҳра ҳоло доғи ҳирмондур манга.

Эй Навоий, халқ дер: жон бер ва ё кеч ишқидин,
Гарчи бу душвор эрур, лекин ул осондур манга.

- V - - - V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Фурқат – айрилиқ, жудолик

Байт ул-аҳзон – ғамхона

Болиғ – балиқ

Пайкон – ўқ

Мижгон – киприк

Фавт этмоқ – қўлдан чиқармоқ

Холо – айни пайтда

Ҳирмон – маҳрумлик

Насрий баён

Бир ойдан жудо қолганимдан шаҳар мен учун ғамхонага айланабди. Раъно гулидек гўзал ёримнинг ғамидан боғ мен учун зиндандир.

Дўстлар, айшу ишрат қилиб, шароб ичиш сизларга ярашади. Мен учун ёрнинг лаълдек қизил лабининг ҳижронидан қон ичиш насиб этмиш.

Жасадим мулкини ақл, эс-хуш, сабр ва қўнгил тарқ этибди, фақат жоним чиқмасдан ҳар лаҳзада менга азият етказяпти.

Танамга шунча ўқлари ёғилганки, тешилгулик жойи қолмаган. Олдин ёғилган ўқлар энди қалқон вазифасини бажаряпти.

Эл орасида шунчалар расво бўлганманки, кўча-кўйда кўрганларнинг айримлари менинг ҳолимни кўриб, йиғласалар, айримлари устимдан кулишади.

Фироқидан бағрим сувдек эриб кетди. Бу сув ичида бир неча ўқлари балиқдек сузуб юришибди.

Жаннат хури киприги билан оёғимни суртмоқчи бўлгудек бўлса ҳам, рози бўлмайман. Орзу қилиш оёғимдаги муғийлон тиконидек манзилга етмоқ учун тўсиқ бўляпти.

Май ичиб, тоатни қўлдан бой берманг, негаки менга бу ўтдан фақат маҳрумлик доғи насиб бўлди, холос.

Эй Навоий, халқ сенга ё жондан кеч, ё ишқдан воз кеч, деб айтаяпти. Ишқдан кечмоқ қийин бўлса ҳам, жондан кечиш менга осон ишдир.

Шарҳ ва изоҳлар

Навоийнинг навбатдаги фироқномаси ойдек гўзал ёрдан бир ойдан бери айри қолган ошиқнинг ҳолоти қатламларининг тавсифи билан бошланади. “Ҳайрат ул-аббор” достонида Ер юзининг юраги, деб таърифланган фирдавсмонанд Ҳирот шахри ёрнинг фурқатида Яъқуб алайҳиссаломнинг ғамхонасилик, бу шаҳарнинг кўрки бўлган Боги Жаҳоноролар гулюзли меҳрибони йўклигидан зиндан янглиғ бўлиб қолган. Бу айрилиқнинг шиддатини Навоийдан дўстлари ҳис этолмаяпти, чунки уларга Ишқ Дарди аталмиш неъмат насиб этмаган. Шу сабабли, уларга айш-ишрат қилиш ярашади. Кўришганда гина рух ором топадиган азиз инсондан узокда қолган кимсаннинг насиби шароб ўрнига қон ютишдир. Тальяти Юсуфдек дилрабо, сўзлари жон бағишлиовчи бу ёрнинг қайси жинсдалиги, ёши нечадалиги, реал шахс, ё хаёлий маҳбуба, ёхуд увайсий пир бўлиши-бўлмаслигининг аҳамияти йўқ. Энг асосийси – бу айрилиқ синови руҳий боғланган икки инсоннинг ўртасидаги муҳаббат меваси. Нафсоний истаклар асосида қурилган муносабатлар ҳеч қачон жондан азиз бўлмайди. Нафс ўз истакларини амалга оширишга жуда кўп нарсаларни қурбон қилишга ундаиди, аммо ўзидан кечиш ҳолати келганда ортга чекинади. Навоий тасвирлаган ҳолатга кўра бутун вужуди ишқ пайконлари дастидан темир пайкарга айланиб, олдин танага қадалган ўқлар қалқонга айланиб, узлуксиз отилаётган янги ўқларни қайтаряпти. Бу мубоблағали тасвир орқали ошиқ киши қанча ишқ балосига гирифтор бўлса, шунчалик чиникиб, пўлатдек тобланиб бориши алоҳида таъкидланган:

Үқи баским тандадур, тегмас танимға үзга захм,
Улки ўқ деб нола қилдим, әмди қалқондур манга.

Ишқ лашкарининг шиддатли ҳужумидан ақлу ҳуш, сабру қўнгилдан мосуво бўлган ошиқ девоналик кўйига тушиб, кўча-кўйда турли-туман муносабатларга сабаб бўлган. Ишқ жунунига гирифтор бўлганнинг ҳолини кўрганларнинг айримлари йиғласа, айримлари кулади. Лирик қаҳрамоннинг бу ҳолати Мажнун қисматини эслатади. Лайли ишқида ақлдан озган Қайдни кўрганда Зайд, Навфал, Лайлининг дояси каби ишқ дардидан насибадор бўлганлар ҳолига раҳм қилиб, йиғлай-йиғлай унга кўмак беришга ҳаракат қилган бўлсалар, бедаво бу дарддан бенаво бўлганлар Қайднинг устидан кулиб, “Мажнун” (девона) деб масхара қилишган. Устига устак, ҳижрон ўтидан юрак-бағри эриб, жароҳатдан оқаёттан қонга қўшилиб, муҳаббат дарёсидеқ оқиб турганида дард ва қийинчилклар ўқлари бу сув ичида балиқдек сузмоқда. Ошиқнинг қисмати – дард ва ҳижрон ўқларига нишон бўлиш бўлса, ишқ дарди ва ҳижрон ўқларига ҳам нишон ва ҳақиқий ошиқнинг вужуди бўла олади. Ишқ дардидан бехабарлар вужудига ҳижрон ўқлари таъсир ҳам қилмайди, сувсиз қолган балиқдек ҳалокатта етади:

Ҳажридин бағрим судур, ул су аро болиг киби,
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкондур манга.

Кейинги байт ўз моҳиятига кўра ғазалдаги фикрларнинг авж нуқтаси ўлароқ намоён бўлгани сабабли, ҳар томонлама тадаббур қилишга ундейди. Лирик қаҳрамоннинг азму ихтиёри шунчалик кучлики, ҳатто жаннатдаги ҳурлар қадамидаги ғуборни киприги билан суртмоқчи бўлганда ҳам рад қиласди. Ҳурлар висолига етишиш ва жаннат аҳлидан бўлиш – зуҳд ахлининг мақсади, нияти. Жаннатга Ҳақ таолони ҳушнуд этганлар ва раҳматига сазовор бўлганларгина дохил бўлишади. Гўзалликда тенгсиз бўлган ҳурлар бундай зотларнинг қадамларини тавоф қилишади. Аммо Навоий васф этган ишқ ахлининг химмати бундан-да юксакроқ мартаба ва даражани кўзлаб яшайди. Огоҳдил ошиқлар талаб йўлида ҳаттоки ҳурларнинг илтифоти билан қаноатланмасдан, Ҳақиқий Дилдорнинг Дийдорига етишмоққа талпинадилар.

Бу дийдорга етишмоқнинг асосий шарти – иродани буткул Илоҳий Иродага бўйсундириб, орзу қилишдан воз кечишидир. Манбаларда тариқат босқичларини “Тарки дунё, тарки уқбо, тарки мавло, тарки тарк”, яъни 1) дунё ва унга боғлиқ бўлган чалғитувчи нарсаларни тарк қилиш; 2) охират ва унга боғлиқ орзу-истаклардан воз кечиши; 3) пирнинг ион-ихтиёри билан иш тутишни тарк этиб, маънавий камолотга мустақил шуғулланиш; 4) тарк этишни тарк қилиш (бъзи манбаларга кўра, тарк (бош)ни фидо қилиш ва фано мартабасига етишиш) деб ҳам таърифлашган. Мазкур таърифни байтга татбиқ этадиган бўлсан, Навоий иккинчи босқич (тарки уқбо)да ҳосил бўладиган ҳол ва мақом кайфиятидан сўзлагани маълум бўлади.

Албатта, бундан тасаввуф аҳли муайян бир мақомга эришгандан кейин охират корига ярайдиган тоат-ибодатдан воз кечиши керак ёхуд тариқатдаги киши муайян мақомга эришгандан кейин намоз рўза каби ибодатларни бажармай кўйиши жоиз, деган янглиш фикр келиб чиқмаслиги керак. Чунки, ҳақиқий авлиёлар руҳий тарбия ва нафс тазкияси туфайли юксакроқ мақомга эришгандари сари тоат-ибодатни янада кўпроқ қилишга интилганлар. “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, “Аналҳақ” даъвосини қилган Мансур Ҳаллож беш маҳал фарз қилинган намозлардан ташқари ҳар куни камида минг ракаат нафл намозини ўқиркан: “Ва аларга қатл бўлғон куннинг кечаси беш юз ракъат аддо қилиб эрдилар”. Тасаввуф тарихида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ишқ, ихлос ва ибодат бирлашган жойдагина тўғри йўл оидилашади. Шу сабабли, кейинги байтда муҳаббатга гирифтор бўлган одам тоатни қўлдан бой бермасликни, бу хатога йўл қўйган киши фақат маҳрумлик ва надоматга йўлиқиши мумкинлигини таъкидлаб, ёзади:

Май ичиб тоатни фавт этмангки ул ўт тобидин,
Неча боқсам баҳра ҳоло доғи ҳирмондур манга.

“Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз”, деган шиор билан яшаган Навоий бу ғазал мақтаъида ҳам фидокорлиги, муҳаббат йў-

лида жоннисорлиги, жонни фидо қилиш ишқдан кечищдан осон эканлигини баён этиб, фикрига якун ясайди.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондур манга...”

-14-

Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондур манга,
Бир гули раъно ғамидин боғ зиндондур манга.

Базми ишрат ичра сиз май нўш этинг, эй дўстлар
Ким, насиб ул лаъли лаб ҳижронидин қондур манга.

Чиқти ақлу фаҳм ила сабру кўнгул тан мулкидин,
Чиқмайн ҳар лаҳза заҳмат бергучи жондур манга.

Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга захм,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.

Уйла расвоменки, кўю кўчада ҳолим кўруб,
Баъзи эл гирёну баъзи халқ хандондур манга.

Ҳажридин бағрим судур, ул су аро болиг' кеби,
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкондур манга.

Хур мужгонин агар суртай деса қилман қабул
Ким, аёғда орзу хори муғийлондур манга.

Май ичиб тоатни фавт этмангки ул ўт тобидин,
Неча боқсам баҳра ҳоло даги ҳирмондур манга.

Эй Навоий, халқ дер: жон беру ё кеч ишқидин,
Гарчи бу душвор эрур, лекин ул осондур манга.

- V - - - V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун
рамали мусаммани маҳзуф

Лутат

Байт ул-аҳзон – ғам уйи
Заҳмат – қийинчилик, ғам, ташвиш
Хори муғийлон – тиканли дараҳт, акация
Фавт – қўлдан бериш, ўтказиб юбориш; ўқотиш, йўқолиш
Тоб – ҳарорат, иссиқлик; нур, товланиш, порлоқлик; ёруғлик
Душвор – қийин, оғир, мушкул

Насрий баён

Шаҳар бир ой(юзли гўзal) айрилиғида ғам уйига айланган бўлса,
боғ ҳам бир раъно гули(та ўҳшаш нигор)нинг ғамидан зиндонга
айланган.

Эй дўстлар, сиз хурсандчилик базмida май ичаверинг, у лаъл(-
дек) лабли гўзалнинг ишқида мен (бечора)нинг насибам (эса) қон-
дир (холос).

(Бу ишқнинг кучи ва оғирлигидан) ақл, фаҳм (фаросат), сабр ва
кўнгил танамдан чиқдилар, фақат ундан чиқмай заҳмат берадиган
жон қолди, холос.

Кипригининг ўқи теккандан кейин танимга бошқа бир зи-
ён-захмат етмайдиган бўлди, бекорга нола-фарёд қилибман, у ўқ
эмас, мен учун бир қалқон экан, аслида.

Шу даражада расвоманки, кўча кўйда кўрган баъзи халқ аҳво-
лимни кўриб кулса, баъзилари ийғлаш даражасига етди.

Ҳижрони(нинг азобидан) бағрим сув бўлиб оқди, дард ва ма-
шакқат ўқларининг пайконлари эса шу сув ичида балиқдай сузib
юрибди.

Жаннатдаги бокира қизлар – ҳурлар кипригин суртай деса ҳам қабул қилмайман. Оёгимга кирган (хижрон саҳросида ўсадиган) тиканли дараҳтнинг тиканин орзу қиласан.

Ишқ ўтининг ҳарорати таъсирида май ичиб, тоат-ибодатдан воз кечганимнинг сабаби, (у гўзалнинг юзига) ҳар қанча боқсан – қарасам ҳамон хирмон-хирмон баҳра оламан.

Эй Навоий, ҳалқ менга ё жон бер, ёки бу ишқдан кеч, дейишади, (ростини айтсам) бу, яъни ишқдан воз кечиш осон бўлса ҳам, у (яъни ишқдан кечиш) қийинлик қиласди.

Шаҳр ва изоҳлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлган тўққиз байтили бу ғазал ҳам маъшуқадан айрилган ошиқнинг руҳий ҳолати тасвири ҳисобланади. Умуман, Навоий ижодида шўху шан висол онлари тасвиридан ғам-андухли, хижрон тасвири устунлик қиласди. Матлаъда маъшуқсиз ошиқнинг ҳоли тасвири билан бошланди:

Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳzonдур манга,
Бир гули раъно ғамидин боф зиндондур манга.

Шаҳар бир ой(юзли гўзал) айрилиғида ғам уйига айланган бўлса, боф ҳам бир раъно гули(га ўхшаш нигор)нинг ғамидан зиндонга айланган.

Ойдай гўзал маъшуқанинг йўқлиги ошиқни кўзига дунёни зимиston қилган. Гўзал шаҳар ғам уйига, гулзору мевазор боф зиндонга айланган.

Байтда шаҳр сўзи ва байт ул-аҳzon бирикмаси, боф ва зиндон сўзлари орқали маънавий тазодни, ой сўзи ва гули раъно бирикмалари воситасида истиора, гули раъно бирикмаси ва боф сўзлари ёрдамида эса таносиб ва муболага санъатлари ҳосил қилинган. Навбатдаги байтда ошиқнинг руҳий ҳолати тасвири давом этади:

Базми ишрат ичра сиз май нўш этинг, эй дўстлар
Ким, насиб ул лаъли лаб ҳижронидин қондур манга.

Эй дўстлар, сиз хурсандчилик базмида май ичаверинг, у лаъл(-дек) лабли гўзалнинг ишқида мен (бечора)нинг насибам (эса) қондир (холос).

Май ичиш, хурсандчилик қилиш кўнгли хотиржам кишига ярапади. Ошиқнинг эса кўзига дунё қоронғи бўлиб кўринган пайтлар бундай ишлар ёқмаслиги табиий. У фақат ўзи лаъли лаб деб атаган маъшуқасини соғиниб, қон ютишга маҳкум.

Байтда лаъли лаб бирикмаси ва қон, базми ишрат бирикмаси ва май сўзи ёрдамида таносиб, лаъли лаб бирикмаси ёрдамида истиора, эй дўстлар ундалмаси ёрдамида илтифот санъатларига мурожаат этилган. Байтда муболага ва унинг биринчи ва иккинчи сатрлари орасида маънавий тазод ҳосил бўлмоқда.

Чиқти аклу фаҳм ила сабру кўнгул тан мулкидин,
Чиқмайин ҳар лаҳза заҳмат бергучи жондур манга.

(Бу ишқнинг кучи ва оғирлигидан) акл, фаҳм (фаросат), сабр ва кўнгил танамдан чиқдилар, фақат ундан чиқмай заҳмат берадиган жон қолди, холос.

Ишқ кучайиб, ошиқни исканжага олиб бормоқда. Ҳижрон ўз кучини кўрсатишида давом этаяпти. Висолдан эса дарак йўқ. Бу ҳолатда ошиқ бору йўғидан жудо бўлишгача етишашапти. Ҳатто танасидаги жон ҳам ортиқчалик қилаётгандай. Жон чиқиб кетса, бу азобларни ҳам бирга олиб кетиб, бечора ошиққа роҳат баҳш этадигандай. Шунинг учун у ҳамма нарсадан жуда бўлдим, фақат жон чиқмай мени қийнамоқда, деяпти.

Байтда акл, фаҳм, сабр ва кўнгул сўзлари воситасида таъдид, тан ва жон сўзлари ёрдамида эса таносиб ва муболага санъатлари юзага келтирилган.

Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга заҳм,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.

Кипригининг ўқи теккандан кейин танимга бошқа бир зиён-захмат етмайдиган бўлди, бекорга нола-фарёд қилибман, у ўқ эмас, мен учун бир қалқон экан, аслида.

Маъшуқа бир пайтлар ошиққа бир бора назар қилғанда, унинг нигоҳидан ошиқ қалби яраланганди. У ўша ҳолатни эсга олиб, нола қиласарди. Энди билса, ўша кунлар нақадар яхши – висол онлари бўлган экан. Ўша бир нигоҳ сабаб, ошиқ бошқа гўзалларга назар ташлай олмаяпти. Ўша “ўқ” сабаб кўнгил бошқа “захмат”ларни қабул қилмаяпти. Шунинг учун у ўқ эмас, мен учун қалқон экан, аслида, демоқчи ошиқ.

Байтда ўқ, заҳм, қалқон сўзлари воситасида таносиб, айни пайтда ўқ ва қалқон сўзлари ёрдамида маънавий тазод, ўқ сўзининг такоридан такрир санъатининг рафд ус-садр илал ҳашв тури, тан сўзининг такоридан такрир ўқ сўзи ўз маъносида ишлатилмаганилиги сабабли эса истиора санъатлари ҳосил бўлган.

Уйла расвоменки, кўю кўчада ҳолим кўруб,
Баъзи эл гирёну баъзи халқ хандондур манга.

Шу даражада расвоманки, кўча кўйда кўрган баъзи халқ аҳволимни кўриб кулса, баъзилари ийғлаш даражасига етди.

Ошиқ ҳижрон ва ишқ изтиробларидан кўча-кўйда ўзини билмай юриш даражасига етган. Унинг бу аҳволини кўриб, ишқни бошидан ўтказганлар, раҳм қилиб, кўзларини ёшласалар, ишқ ва ошиқликни тан олмайдиган “дунё аҳли” ошиқнинг устидан кулиш даражасига етдилар. Ошиқ ўзининг бу ҳолатини расволик, деб баҳолайди.

Байтда гирён ва хандон сўзлари орқали тазод, кўю кўча сўзлари орқали таносиб, баъзи сўзининг такоридан такрир, эл ва халқ сўзларидан таносиб ва муболага санъатлари яратилган.

Ҳажридин бағрим судур, ул су аро болиг кеби,
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкондур манга.

Ҳижрони(нинг азобидан) бағрим сув бўлиб оқди, дард ва ма-шаққат ўқларининг пайконлари эса шу сув ичидаги балиқларга сузид юрибди.

Ҳижрондан зада бўлган ошиқ ўз бағрини бу азобдан сув бўлиб оқкан, деб фараз қилмоқда. Шунда ҳам унга дард ва меҳнат (ма-шаққат) ўқлари тегищдан бир лаҳза тўхтамайди. Ошиқ бу меҳнату

машиққатлар ўқларини ўша сув бўлган бағир ичидаги балиқларга ўшитмоқда.

Байтда сув ва болиг, ўқ ва пайкон, дард ва меҳнат сўзлари ёрдамида бир йўла уч ўринда таносиб, су сўзининг такоридан такрир, мўқояса санъатларига ва муболаганинг ғулув даражасига мурожаат этилган.

Хур мужгонин агар суртай деса қилман қабул
Ким, аёғда орзу хори мугийлондур манга.

Жаннатдаги бокира қизлар – хурлар кипригин суртай деса ҳам қабул қилмайман. Оёғимга кирган (ҳижрон саҳросида ўсадиган) тиканли дараҳтнинг тиканин орзу қиласман.

Шунча азобу изтироблар билан ҳам ошиқ бу ишқдан ҳурсанд ва мамнун. Бу ишқнинг ўрнига хурлар – жаннатдаги бокира қизлар ўз ёнида чорласа ҳам, уларни қабул қилмайди. Уларнинг кипригидан кўра ишқ саҳросида ўсган тиканли дараҳт – мугilonнинг тиканларини афзал кўради.

Байтда мужгон ва хори мугilon сўзлари ёрдамида маънавий тазод ва муболага санъатларидан фойдаланган.

Май ичиб тоатни фавт этмангки ул ўт тобидин,
Неча боқсан баҳра ҳоло дағи ҳирмондур манга.

Ишқ ўтининг ҳарорати таъсирида май ичиб, тоат-ибодатдан воз кечганимнинг сабаби, (у гўзлнинг юзига) ҳар қанча боқсан – қарасам ҳам ҳамон ҳирмон-ҳирмон баҳра оламан.

Мазкур байт маърифий маънони ўзида мужассам этган бегона байт ҳисобланади. Ундаги май истелоҳи ишқ маъносини ифодалайди. Демак, байтнинг маъноси қуидагича шарҳлаш мумкин:

Тоат-ибодатдан воз кечиб, ишқни танлаганимнинг сабаби, илоҳиёт гўзллигини ўзида акс эттирган сиймонга ҳар сафар қараганимда ундан олам-олам баҳра оламан.

Байтда май ва тоат сўзлари ёрдамида маънавий тазод, ўт сўзи ёрдамида эса истиора санъатларига мурожаат этилган.

Эй Навоий, халқ дер: жон беру ё кеч ишқидин,
Гарчи бу душвор эрур, лекин ул осондур манга.

Эй Навоий, халқ менга ё жон бер, ёки бу ишқдан кеч, дейишиди, (ростини айтсам) бу, яъни ишқдан воз кечиш осон бўлса ҳам, у (яъни ишқдан кечиш) қийинлик қиласди.

Мақтаъда шоир шунча азоб берган ишққа бўлган муносабатини билдириб, ўз фикр-мулоҳазаларини хулосалайди. Яъни, менинг бу қадар азобимни кўрганлар ё ишқдан воз кеч, бўлмаса жон беришинг аник, дейишиди. Мен шунда ҳам ишқдан воз кечмадим, чунки ундан кўра жон бермоғим осон ва кулайроқдир мен учун.

Байтда жон бермоқ ва (ишқдан) воз кечмоқ ўртасида маънавий тазод ҳосил қилинган. Бундан ташқари душвор ва осон сўзлари ёрдамида тазод ҳамда муқояса санъатларига мурожаат этилган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Менмудурменким сенинг васлинг муюссардур манга...”

Менмудурменким сенинг васлинг муюссардур манга?!
Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга?!

Ҳақ тануқдурким, тириклиқдин манга сенсен мурод,
Йўқса оламнинг йўқу бори баробардур манга.

Эй кўнгул, ғаввоси баҳри васл ӯлубмен, не ажаб
Гар насиб эмди ўшул покиза гавҳардур манга.

Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,
Кўзию оғзи бугун бодому шаккардур манга.

Ойу хуршидингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам
Ҳамдам ул ой чехралиғ хуршидпайкардур манга.

Сарвни ўртаб, суманин елга бер, эй боғбон,
Ким бугун ҳамсұхбат ул сарви суманбардур манга.

Қўрқарам ҳирмон саҳобин ёпмағай фаҳм этса чарх,
Ким шабистон меҳр шамидин мунавардур манга.

Эй Навоий, ҳеч билмонким топибмен васлини,
Ё магарким жумлайи олам мусаххардур манга?

- V - - - V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лутат

Васл – боғланиш, етишиш, қўшилиш, учрашув
Гумраҳ – йўлини йўқотган, овора, адашган

Бовар – ишониш

Тануқ – гувоҳ

Ғаввос – денгиз тубига шўнғиб, гавҳар изловчи, сувга шўнғий-
диган одам

Гавҳар – денгиз тубида садаф ичиди пайдо бўладиган қим-
матбаҳо минерал тош

Хуршид – офтоб, қуёш

Хуршидпайкар – кўриниши, қадду қомати қуёшдай нурли гўзал

Сарв – қишин-ёзин яшнаб турадиган, тик ўсадиган, игна барг-
ли чиройли дараҳт

Суман – ёсуман, оқ рангли, хушбўй гул

Ҳирмон – маҳрумлик, ноумидлик, бенасиб қолиш

Саҳоб – булат

Шабистон – ишратхона, ҳарам, тунги базм хонаси

Меҳр – офтоб, қуёш

Мусаххар – тасарруфга олинган, мағлуб этилган, эгалланган

Насрий баён

Сен билан учрашиш, сенга етишиш менга муюссар бўларми-
ни, бу афсонанинг ҳақиқатга айланишига кўзим етмайди, чунки
бахтим қора, йўлдан адашганман.

Тириклигимдан мақсад-муродим сен эканига Ҳақ таоло гувох, шу умид бұлмаса, менга оламнинг йүғу бори баробардир.

Эй күнгүл, васл уммонининг ғаввоси бўлибман, ажаб эмаски ўша покиза ғавҳар – ёрим дийдори менга насиб этса.

Висол базми ичиди хурсандчилик бодасини нега ичмайинки, бугун ёрнинг кўзи бодом каби, оғзи эса шакардай бўлиб, лаззат бағишламоқда.

Эй осмон, ой билан офтобингни йифиштириб ол, негаки бу дам менга ул юз ойдай, қомати қуёшдай гўзалим йўлдошдир.

Эй боғон, боғингдаги чиройли сарв дараҳти-ю хушбўй ёсуман гулини совуриб ташла. Чунки ул сарв қоматли, суманбар соҳибжамол ёрим ҳамсуҳбатимдир.

Қоронги тун ул гўзал чехраси шамидин нурафшондир, фалак мабодо маҳрумлик булутини юбориб, шамимни беркитмаса, деб қўрқаман.

Эй Навоий, ёр васлини топғанманни йўқми, ҳеч билолмадим ёки бутун олам тасарруфимга кирганмикин (ва шу боис васлини сезмаяпманни)?

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазалида муайян кечинма, ошиқ нинг бирор ҳолати тасвирга олинади. Шунга яраша ташбех, тамсил танланади. Олдинги ғазалда ёр назаридан ҳосил бўладиган кечинмалар куйлангани учун киприк ва карашмали қараш тимсоли – камон ўқи марказий тамсил бўлган бўлса, бу ғазалда ёр дийдорига етишиш умиди тасвиrlангани боис васл, висол сўзлари марказий образ – тамсил қилиб олинган.

Матлада васлга етишиш илинжи, ёр эътиборига тушиш армони қаламга олинади, ошиқ маъшуқага “мен шунга лойиқманми, кошики лойиқ бўлсайдим” деган ўқинчли оҳ чекади. Иккинчи байтда ёрга садоқат, ишқнинг кучи тилга олинниб, ошиқнинг бутун дунёси, ҳаётдан, яшашдан мақсади ёр висолига етишиш экани айтилади, бу бир аҳду паймондай жаранглайди, зеро, ошиқ: бу ниятимга Аллоҳнинг ўзи гувоҳ дея қасам ичгандай ишонтиради бизни. Шун-

дан кейин васл ғавҳарини топиш йўлидаги талпиниш ва қувончлар тасвирга олинади.

Шоир ўз лирик қаҳрамонининг идеаллари, орзулатини, янги-янги ташбеҳлар билан жонлантириб боради: у васлдан сархуш, осмондаги ойу қуёш унга писанд эмас, чунки ёнида тенгсиз соҳибжамол три бор, ердаги сарву суман ҳам бу гўзал олдида хира ва бекадр. Ана шундай висол базмининг давом этишини истайди шоир, аммо ғазал мақтасида буларнинг бари ҳомхаёл экани, ёр васлини топибдими – йўқми – ноаниқ экани, дунёни эгалласа ҳам бу васл муюссар бўлиши даргумон эканини бир армон билан қайд этиб кетади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Менмудурменким сенинг васлинг муюссардур манга...”

Менмудурменким сенинг васлинг муюссардур манга,
Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга?!

Ҳақ тануқтурким, тириклиқдин манга сенсен мурод,
Йўқса оламнинг йўқи-бори баробардур манга.

Эй кўнгүл, ғаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб,
Гар насиб эмди ўшул покизагавҳардур манга.

Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,
Кўчию оғзи бугун бодому шаккардур манга.

Ою хуршидингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам
Ҳамдам ул ойчеҳралик хуршидпайкардур манга.

Сарини ўртаб, суманин елга бер, эй боғон,
Ким, бугун ҳамсуҳбат ул сарви суманбардур манга.

Құрқарам ҳирмон саҳобин ёпмагай фаҳм этса чарх
Ким, шабистон меҳри шамъидин мунаввардур манга.

Эй Навоий, ҳеч билмонким топибмен васлини,
Ё магарким жумлайи олам мусаххардур манга.

- V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Гумраҳ – гумроҳ, йўлдан озган

Тануқ – гувоҳ, шоҳид

Фаввос – денгиз тубидан гавҳар топувчи

Хуршидпайкар – жисми күёшдек нур таратувчи

Суман – барглари бурама шаклдаги хушбуй гиёҳ

Ҳирмон – маҳрумлик

Саҳоб – булат

Мусаххар – бўйсунган

Насрий баён

Сенинг висолингта эришган кимса наҳотки мен бўлсан?! Гумроҳ баҳтимдан бу қиссага қандай ишонайин?!

Худо шоҳид, мен учун яшашдан асосий мурод-мақсадим Сенсан, йўқса, бу оламнинг бору йўқлиги менга умуман аҳамиятсизdir.

Эй кўнгил, висол уммонининг ғаввоси бўлибман магарким, бу гун ўшал асли пок бўлган ноёб гавҳарнинг дийдорига етишибман.

Висол базмида бу кечада қандай қилиб бода ичмайким, унинг бодом кўзи ва шакардек лабидан менга нуқлу газак ҳосил бўлмиш.

Эй фалак, Ой ва Куёшингни йигиштири, чунки чехраси ойдан ойдин, вужудидан қўёшдек нур порловчи ёрим менинг ҳамдамим бўлмиш.

Эй боғбон, боғдаги сарвинги ёқиб, суманни шамолга сонур. Сочи сумандек хушбуй бир сарвиқомат менинг сұхбатдошимдири.

Фалак менинг шодлигимни билиб қолиб, айрилиқ булутидан тун кияди, деб қўрқаман. Негаки айни дамда туним ёр меҳрининг памъидан мунаввардир.

Эй Навоий, ёрнинг васлига етганманни ёки бутун олам менинг памимдами, хурсандлигимдан билолмай ўтирибман.

Шарҳ ва изоҳлар

Висолнинг баҳтли онлари, ҳижрон мاشаққатларидан кейин дийдор саодатига эришган ошиқнинг ҳолоти тасвирланган ўшбу газалда. Навоий ғазалларида висолдан кўра ҳижрон, шодликдан кўра ғусса, дармондан кўра дард оҳанглари кўпроқ. Одам Ато тупроги устига ўттиз тўққиз кун ғам ёмғири, факат бир кун шодлик ёмғири ёғилганидан сўнг тупроқдан яралган бу хилқатнинг ҳаёт йўли ҳам қувонч ва ташвишлар қоришмасидан иборат бўлиб колиши табиий. Шу билан бирга висол онлари ҳаёт йўлини мунавар этувчи умид чироғининг сўнмаслиги, ирова синмаслиги учун мунарраф бўлган ошиқ тўсатдан баҳтли бўлган кимсадек саросимиғи тушиб, ишонқирамай қолганини шоир чиройли лутф билан шундай ифода этган:

Менимудурменким сенинг васлинг мұяссардур манга,
Баҳти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга?!

Дийдор ва висолдан ошиқнинг бунчалик ҳаяжонга тушиши сабабсиз эмас. Чунки у ҳижрон айёмида “Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун” ақидаси шунчаки қўруқ гап эмас, балки ҳаётий маслак эканини ўз шахсида исботланган ва бунга иқкор келтирган эди:

Ҳақ тануқтурким, тириклиқдин манга сенсен мурод,
Иўқса оламнинг йўқи-бори баробардур манга.

Ҳир бир ошиқнинг энг улуғ орзуси висолга етишмоқ йўлида оқсан машаққатлари натижасида бутун оламнинг бор ё йўқлиги

аҳамиятсиз бўлиб қолгани, яшашдан ягона муддао Ёри азиз дийдори эканлигига Худонинг ўзи шоҳидлиги Ишқ йўлидаги катта риёзат ва синовлар эвазигагина дийдорга етишмоқ мумкинлигини англатади. Учинчи байтдаги кўнгилга қилинган мурожаатдан ҳам шу маъно янада ёрқинроқ англашилади: ошиқ ҳар замонда турли мавж ва тўлқинларни вужудга келтириб, ўша заҳоти йўқлик гирдобига ташлайдиган ҳаёт денгизининг тубидан ғаввослик қилиб, висол гавҳарини излагани бесамар кетмабди. Денгизнинг моҳияти унинг қаъридаги дурдоналар, тоғнинг моҳияти унинг бағридаги жавохирлар экан, инсон умр аталмиш бепоён уммонга рӯбарӯ келган чоғида юзадаги кўпиклар учун эмас, балки тубидаги гавҳарларни кўлга киритишга ҳаракат қилиши керак. Ўшанду у ҳақиқий саодат онларини кўриш баҳтига мусассар бўлади:

Эй кўнгул, ғаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб,
Гар насиб эмди ўшул покизагавҳардур манга.

Висол базми шаробсиз бўлмас. Бу шароб базмида нуқл (газак) бўлиб, ёрнинг бодом кўзлари ва шакардек ширин лабидан умидвор. Ибн Синонинг “Ал қонун фит тиб” асарида келтирилишича, қизил шаробга бодом ва шакар қўшиб истеъмол қилиш юракка кувват беради ҳамда хумор (бош оғриғи)ни бартараф қиласди. Тиббий тавсиядан шеър яратиш маҳоратини қуидаги байтда кўриб, ҳайрат ва тасандондан бошқа чорамиз қолмайди:

Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,
Қўзию оғзи бугун бодому шаккардур манга.

Висол базмида хуморсиз бода ичган ошиққа энди осмондаги ою қуёш ҳам, боғдаги сарву суман ҳам керак эмас. Айрилиқ давронида қуёш ва ой ёрнинг чехрасини, сарву суман тик қомати ва бурама сочини эслатган бўлса, висол чоғида буларга ҳожат ҳам қолмайди. Ошиқ ёрнинг чехрасида азиз умрини, борлиғида жаннат боғининг роҳатини топади:

Ою хуршидингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам
Ҳамдам ул ойчехралиқ хуршидпайкардур манга.

Сарвни ўртаб, суманни елга бер, эй боғбон,
Ким, бугун ҳамсұхбат ул сарви суманбардур манга.

Кейинги байтда Навоий маҳбубага нисбатан “шабистон меҳри” (нечанинг қүёши) иборасини қўллади. Шабистон сўзи тун маъносидан ташқари гўзал аёл(лар) хилватхонаси, ҳарам маъносини ҳам биндиради. Мазкур ибора “Лисон ут тайр” достонидаги бир хикояни ёдга солади: ривоят қилинишича, бир подшоҳнинг гўзал қизи бўлади. Қиз бир куни тушида чиройли бир йигитни кўриб, ғойибона унга ошиқ бўлади. Қуналарнинг бирида шоҳнинг ходимлари ошида тушида кўрган ўша барно йигитни кўриб, бекарорлиги ошида ва висолига етмак учун мутриба канизларига маслаҳат солади. Канизлари йигитни уйларига чақиртириб, шоҳ қизини унга таништирмасдан учраштирадилар. Бир кечалик висолдан сўнг яна май ичириб, йигитни ўз манзилига элтиб ташлайдилар. Ҳушига келган йигит ўз ҳолидан ҳайрону саргардон, дардини кимга айтишини билолмай сарсон бўлади... Фазалнинг мазкур байти ҳам ҳигитдаги ошиқ йигитнинг аҳволига мос келади, деган фикрдамиз:

Қўрқарам ҳирмон саҳобин ёпмағай фаҳм этса чарх
Ким, шабистон меҳри шамъидин мунаvvardур манга.

Иқтибос келтирганимиз ушбу ҳикоят ҳайрат водийсининг залиди келтирилган. Навоий ҳайрат водийсига таъриф бераркан, бу мақомдаги солик тили лол, аклу ҳушдан бегона бўлиб, замон ва маконни англамай, аслида кимга ва нега ошиқ бўлганини билолмай, ҳайрон ва саргардон бўлишини айтиб ўтади:

Ҳайрат айлар тилни гунгу лол ҳам,
Лаку зойил, ҳушни помол ҳам.
Кечаву кундузга боқса ҳар неча,
Онгламас кундузмудур ёхуд кеча.
Боқса ҳарён ҳайратин афзун топар,
Ўни ҳайрат ичра дигаргун топар.

Мақтаъда Навоий ана шундай ҳайрат ва таажжуб оҳангидан билан якун ясаркан, унга ёрнинг висоли мусассар бўлганми ёки

олам унинг изми ихтиёрига ўтганми билолмай қолганини айтади. Зотан, оламдан муддао бўлган ёр ва тирикликнинг муродига айланган дийдор муюссар бўлгандан сўнг олам муродига етган кишини бўлур:

Эй Навоий, ҳеч билмонким топибмен васлини,
Ёмагарким жумлайи олам мусаххардур манга.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга...”

16-

Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиг кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим: вафо қилғил, манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манга, бўлдум санга.

Қай пари пайкарға дерсен: телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манга, бўлдум санга.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бўлдум санга.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

- V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Мубтало – боғланган, гирифттор, шайдо, ғамга ботган

Пайкар – сурат, ҳайкал, жусса, жисм

Жоми Жам – Жамшид жоми. Биринчи ғазалдаги изоҳига қаранг

Хизр суйи – тўйқизинчи ғазал изоҳига қаранг

Жоҳ – мансаб

Ғусса – ғам, ғусса чанг – ғам чолғуси, ғам-алам куйини тарат-
ган чанг

Наво – а) куй; бойлик, бутунлик, гармония

Бенаво – номукаммал, қашшоқ, ғариб

Ушшоқ – ошиқлар

Насрий баён

Хуснингни кўрай деб сенга зору асир бўлиб қолдим. Сенга ошно
бўлган куним қандай балоли кун экан?

Сендин кўнгил узай деб ҳар қанча уринмайин, лекин кун-кун-
дан баттарроқ сенга боғланиб қолдим.

Мен қачон сенга: менга вафо қил, деб айтсам, менга устма-уст
зулм қиласан, сен қачон менга фидо бўлғил дедингки, сенга фидо
бўлмадим?

Қайси пари қоматли гўзалга бу хилда ошиқи девона бўлдинг,
деб сўрайсан. Эй пари қоматлигим, манга не жабр-у жафо қилсанг
ҳам розиман, чунки сени севиб, девонанг бўлиб қолдим.

Эй кўнгил, улуғлар, донолар насиҳатига мен қулоқ солмадим,
энди сен ҳам овора бўладиган бўлдинг, бошимдаги юз бало етма-
гандек, сен ҳам бир бало бўлдинг (ёки мен сенга бир бало бўлдим).

Жамшид жомидаги май – васл сархушлиги ва абадий ҳаёт рам-
зи Хизр суйи насибам бўлсин десанг, мансабдан кечиб, дарвеш бўл.

Навоийдек сен маҳбубага асиру бенаво бўлмагунча ошиқлар
орасида ишқ алами куйини эшитмадим.

Шарҳ ва изоҳлар

Навоийнинг ушбу газали анча машҳур, хонандаларимиз уни кўшиқ қилиб куйладилар. Газал муҳаббат мавзусида бўлиб, ошиқ ва маъшуқа орасидаги айтишув (диалог)га асосланган: маъшуқа ноз-фироқ кўргизади, ошиқни қийнайди. Ошиқ эса буни писанд қилмай, ҳамма балолар, жабр-зулмга чидайди ва ишқида содик эканини исботлаб бораверади.

Газал матлаидан бошлаб ошиқликнинг азоб экани, муҳаббат дилни оҳанграбодай тортиб, тинч қўймаслиги, маъшуқа қанча ўзини олиб қочса, ошиқ шунча телбаларча унга интилиши тасвирланади. Шунга яраша мубтало, жафо, вафо, бало, фидо, телба сўзлари иштирокидаги байтларда икки хил характер, яъни нозу кашшали маъшуқа ва қийноқлар гирдобида қолган умидвор ошиқ образлари яратилган.

Олтинчи байт ғазалда мазмунан алоҳида ажralиб туради. Албатта, бу байт ҳам аввалги байтлар билан боғланган. Аммо бунда шоир муҳаббат мавзусидаги ушбу ғазал ҳам орифона маънога эга эканини таъкидлаб ўтгандай бўлади. Чунончи, Жамшид жоми ва Хизр суюи (оби ҳаёт) – бу пири комил қалби, бу қалб Аллоҳ нури билан мунаввар.

Навоий дейдики, агар мансабу давлатни тарқ этиб, дарвеш бўлсам, ана шу абадий илохий файз насибам бўлади. Соқий деганда ҳам пири комил, ҳам ёри азиз, маъшуқа назарда тутилади. Яъни, соқий – пирга етишиб, ишқ нурига ғарқ бўлиш учун дарвеш бўлиш керак. Охирги байт ҳам шунга боғлаб юборилган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга...”

Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санга.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим: вафо қилғил, манго зулм айладинг,
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манга, бўлдум санга.

Қай пари пайкарға дерсен: телба бўлдунг бу сифат?
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санга.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Жоми Жам бирла Хизр суюи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун
рамали мусаммани маҳзуф

Лутат

Мубтало – боғланган, гирифтор, шайдо, ғамга боғланган
Пайкар – сурат, ҳайкал, жусса, жисм
Жоми Жам – Жамшид жоми

Хизр сүйи – ҳаёт суви
Жоҳ – мансаб, амал
Гусса чанги – ғам чолғуси, ғам-алам күйи, ноласини тараттан чанг
Наво – а) күй; бойлик, бутунлик, гармония
Бенаво – номукаммал, қашшоқ, ғарип
Ушшоқ – ошиқлар

Насрий баён

- Хуснингни кўрай деб сенга зору асир бўлиб қолдим. Сенга ошно бўлган куним қандай балолик кун экан?
- Сендин кўнгил узай деб ҳар қанча уринмайин, лекин кундан-кун баттарроқ сенга боғланиб қолдим.
- Мен қачон сенга: менга вафо кил, деб айтсан, менга устма-уст зулм қилмоқдасан; сен қачон менга фидо бўлгил десанг, сенга ҳамиша жонимни фидо қилиб келмоқдаман.
- Қайси пари қоматли гўзалга ошиқи девона бўлдинг, деб сўрайсан. Эй пари қоматлигим, фақат сени севиб, фақат сенинг ишқингда девона бўлдим, манга не жабру жафо қилсанг ҳам розиман.
- Эй кўнгул, улуғлар, донолар насиҳатига қулоқ солмадим, сен ҳам ишқ даштида овора бўладиган бўлдинг. Бошимдаги юз бало камлик қилгандек, сен ҳам бир бало бўлдинг (ёки мен ҳам сенга бир бало бўлдим).
- Жамшид жомидаги май – вasl сархушлиги ва абадий ҳаёт рамзи Хизр сүйи, яъни мангулик оби ҳаётдан баҳраманд бўлай десанг, мансабдан кечиб, дарвеш бўлгин.
- Навоийдек сен маҳбубага асиру бенаво бўлмагунча ошиқлар орасида ишқ алами куйини эшитмадим.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ҳам Навоийнинг машҳур ғазалларидан бўлиб, хонандала-римиз қўшиқ қилиб куйлайдилар. Мұҳаббат мавзуидаги бу ғазал ошиқ ва маъшуқа орасидаги айтишув (диалог)га асосланган: маъшуқа ноз-фироқ кўргузади, ошиқни қийнайди. Ошиқ эса буни пи-

санд қилмай, ҳамма балолар, жабру зулмга чидайди ва ишқида со-дик эканини исботлаб бораверади. Матладан бошлаб бутун ғазал-да ошиқликнинг азоб экани, мұҳаббат дилни оҳанрабодай тортиб, тинч қўймаслиги, маъшуқа қанча ўзини олиб қочса, ошиқ шунча телбаларча унга интилиши тасвиранади.

Мубтало, жафо, вафо, бало, фидо, телба сўzlари воситасидаги байтларда икки хил характер, яъни нозу карашмали маъшуқа ва қийноқлар гирдобида қолган умидвор ошиқ образлари яратилган. Олтингчи байт ғазалда мазмунан алоҳида ажралиб туради. Албатта, бу байт ҳам аввалги байтлар билан боғланган. Аммо бунда шоир мұҳаббат мавзуидаги ушбу ғазал ҳам орифона маънога эга эканинга ургу беради. Чунончи, Жамшид жоми ва Хизр сүйи (оби ҳаёт) – бу пири комил қалби, бу қалб Аллоҳ нури билан мунаввар. Навоий дейдики, агар мансабу давлатни тарқ этиб, дарвеш бўлсан, ана шу абадий илоҳий файз насибам бўлади. Соқий дегандা ҳам пири комил, ҳам ёри азиз, маъшуқа назарда тутилади. Яъни соқийга – пирга етишиб, ишқ нурига гарқ бўлиш учун дарвеш бўлиш керак. Охирги байт бу фикрни яна ҳам кучайтиради.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга...”

Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиг кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Ман қачон дедим, вафо қилғил манга, зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манга, бўлдум санга.

Қай пари пайкарға дерсан телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил, санга бўлдум, санга.
Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибамдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

- V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Мубтало – боғланган, гирифтор, шайдо, ғамга ботган.
Пайкар – сурат, ҳайкал, жусса, жисм

Жоми Жам – Жамшид жоми. Биринчи ғазалдаги изоҳга қаранг
Хизр суйи – ҳаёт суви
Жоҳ – мансаб, амал, мартаба; буюклиқ, эътибор

Ғусса – ғам, ғусса чанги – ғам чолғуси, ғам-алам куйини тарат-
ган чанг

Наво – а) куй; куй номи; бойлик, бутунлик, гармония

Бенаво – номукаммал, қашшоқ, гарип

Ушшоқ – ошиқлар

Насрий баён

1-байт. Сенинг гўзаллигингни кўриш иштиёқида жуда қийнал-
дим, (изтироб чекдим, яъни соғинидим), Мен сени бир ёмон (бахт-
сиз) кунда учратган эканман (яхши кўриш – севиш ҳам шунаقا
бўладими?!)

2-байт. Ўзимча кўп марта сендан кўнглимни узиш ҳақида ўйла-
дим, Афсуски, сенга бўлган интилиш, иштиёқ кундан-кунга янада
кучайиб бораверди.

3-байт. Мен сенга қачон: менга вафо қилгин, десам, сен (унинг
ўрнига) зулм қилдинг, (аммо) сен қачон менга жонингни фидо
қилгин десанг, мен бу ишни амалга оширдим.

4-байт. Қайси бир паридан бу қадар ақлдан оздинг деб сўрайсан
(яъни менга ўхшаган бошқа бирорта ошиқ оламда йўқ!), Эй қомати
парига ўхшаган гўзал, сен мен учун нима қилсанг қилавер, (мен бу-
ларнинг барчасига тайёрман, чунки) мен фақат сени дейман, сени.

5-байт. Эй кўнгил, мен (бошқалар айтадиган ёки айтган) на-
сиҳатларни эшитадиган аҳволда эмасман, сен ҳам (менга ўғит бе-
риш учун) овора бўлиб ўтирма, бошимдаги юзлаб балолар етмага-
нидек, энди мен ҳам сенга бир бало бўлдим (ташвиш келтирдим)
(ёки сен ҳам менга кўшимча ташвиш, изтироб келтирдинг).

6-байт. Эй соқий, мен барча моддий бойликлардан воз кечиб,
сени кўришга зор (гадо, яъни ошиқ) бўлганимдан бўён Жамшид-
нинг жоми (ичи)даги Хизр суви (абадий тириклик берадиган сув)
менинг (доимий) насибам (улушим) бўлди.

7-байт. Охирги байт ҳам икки хил маъно беради:

1) Худди Навоийга ўхшаб, мен ҳам сенга асир (oshiq) ва баҳт-
сиз ошиқ бўлганимдан бери, қайғунинг чанглари (мусиқа асбоблари)
тарқатган (ёйган) “Наво”, “Ушшоқ” деб аталағидиган куйлардан ҳеч
бир хузур (завқ) топмадим. Ғамларнинг тўзонида ошиқлар ичида
бирор натижка (баҳт) топмадим.

2) Худди Навоийга ўхшаб, мен ҳам сенга асир (oshiq) ва баҳтсиз
ошиқ бўлганимдан бери, қайғунинг чанглари (мусиқа асбоблари)
тарқатган (ёйган) “Наво”, “Ушшоқ” деб аталағидиган куйлардан ҳеч
бир хузур (завқ) топмадим. Ғамларнинг тўзонида ошиқлар ичида
бирор натижка (баҳт) топмадим.

Шарҳ ва изоҳлар

Навоийнинг мазкур ғазали лирик кайфиятнинг ўзига хос ифо-
даси сифатида алоҳида эътиборга моликдир. Ифодали ўқишдан
сўнг унинг байтма-байт таҳлилига ўтиш мумкин.

Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Професор Нажмиддин Комилов тўғри кўрсатганидай: “Ғазал матлаидан бошлаб ошиқликнинг азоб экани, муҳаббат дилни оҳанграбодай тортиб, тинч қўймаслиги, маъшуқа қанча ўзини олиб қочса, ошиқ шунча телбаларча унга интилиши тасвирланади. Шунга яраша мубтало, жафо, вафо, бало, фидо, телба сўзлари иштирокидаги байтларда икки хил характер, яъни нозу карашмали маъшуқа ва қийноқлар гирдобида қолган умидвор ошиқ образлари яратилган”⁷.

Матлаънинг биринчи мисрасида ошиқ кўнгилнинг соғинчли иштиёклари, ёрга бўлган дил талпинишлари ўз ифодасини топган бўлса, кейинги мисрада мазкур ишқдан, ошиқликдан пушаймонлик акс этган. Бу оҳанг ёрни илк марта кўрган кунга берилаётган баҳода (“не балолиғ кун эдиким”) мужассамлашган. Қофияга “мубтало” ва “ошно” сўзларининг сурилиш мазкур мотивни бўрттириб тасвирлашга хизмат қиласди. Мисралар охирида такрорланаётган радиф – “бўлдум санго” мазкур кечинмаларнинг бевосита сўзловчи – лирик қаҳрамонга дахлдорлигини, шунингдек, бу туйғуларга сабаб бўлган йўналиш (сен)ни таъкидлаб туради. Аммо бу ердаги пушаймонликнинг оний лаҳзаларга оидлигини ҳам унумаслик керак. Кейинги бандларда ундан асар ҳам қолмайди. Аксинча, уларда лирик кайфиятнинг бошқа қирралари янада теранроқ очиб берилади.

Энди бевосита лирик қаҳрамоннинг умумий ҳолати тасвирига ўтилади:

Хар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Бу ерда ишқий кечинмаларнинг ўзига хос тасвири мавжуд. У инсон – лирик қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришларнинг тадрижини кўрсатиб бермоқда. Навбатдаги байтда ҳам шу руҳ давом этади. Энди лирик қаҳрамон ва унинг нутқи йўналтирилган шахс – маъшуқанинг ўз сўзлари орқали инкишоф этиш йўли танланади:

⁷ Navoiy g’azallari (nasriy bayon, sharh va izoflar)/ tuzuvchi va nashrha tayyorlovchilar: B.To’xliyev, D.To’xliyeva. – Toshkent, 2017, 47-bet.

Ман қачон дедим, вафо қилғил манга, зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манга, бўлдум санга.

Таҳлилда матлада бошланган мен ва сен зиддияти барча байтларда давом эттирилганига ургу бериш жоиз. Зоро, олдинги мисраларда бу зиддиятга кучли ургу тушмаган эди. В.В.Бородина қайд эттанидай “Кўпинча ғазалнинг ҳар бир байтида бадиий тасвир усули сифатида қўлланган антонимлар янги маъновий ва эмоционал бўёқ касб этади”⁸. Ушбу байтда эса айни шу ҳолатнинг бўрттириб тасвирланиши кузатилади. Бу бежиз эмас – навбатдаги байтдан бошлаб лирик “мен”га алоҳида эътибор жалб қилинади. Туйғулар ифодаси шу байтдан бошлаб янада қуюқлаштирилади.

Қай пари пайкарга дерсан телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил, санга бўлдум, санга.

Таҳлил жараёнида лирик қаҳрамон муддаосининг тўла ва таъсирчан ифодаланишига хизмат қилаётган унсурларни топиш кишига завқ ва хузур бағишлийди. Байтдаги лирик қаҳрамон мурожаати, унинг ёнидаги сўзлар тақорори, улар воситасидаги мантиқий қайтариқларнинг айни мана шу мақсадга йўналтирилгани сезилади. Буни илғаган ғазалхонда тасвир маромидан оладиган таъсир ва хузурнинг ортиши турган гап.

Кейинги байтда ҳам мурожаат қилиш усули қўлланган, аммо бу мурожаат кимга йўналтирилган? Табиийки, у энди ёрга эмас, балки лирик қаҳрамоннинг ўзига қаратилган. Ўз-ўзига мурожаат шакли сифатида кўнгил танланган, холос:

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Мазкур байтда ҳам мантиқий зиддият мавжуд. Бу зиддият “юз” ва “бир” сонлари воситасида юзага чиқади.

Бу ерда таҳлили учун яна битта қуляй ва жиддий муаммо бор. У “бало” сўзининг маъно қамровини аниқлаш билан алоқадор. Бунда:

⁸ Бородина В.В. Восприятие поэзии Востока. – Москва-Санкт-Петербург, “Диля”, 2001, с.82.

“Бало”нинг офат, кулфат маъноси ҳам унинг тақдирдаги кутилмаган бир ҳодисага ишора маъноси ҳам, айни пайтда муйяян пайтдаги номаълумлик, англаш қийин бўлган вазиятга ишора ҳам акс этган. Кейинги ҳолат кўпроқ кишининг ўзи ҳақидиги кинояси сифатида ҳам тушунилиши мумкин.

“Бир бало бўлмоқ” ўзбекнинг ибораси сифатида ақлни йўқотмоқ, қилар ишини билмай қолмоқ тарзидаги мано қирраларини ҳам ифодалай олади. Буларнинг бараси лирик қаҳрамоннинг шу ондаги, шу лаҳзадаги руҳий ҳолатини тасвирлаш учун жуда қўл келади.

Навбатдаги байт ҳам олдинги байтларда кўзга ташланган зиддиятларнинг мантиқий кучи яна бир пардага кўтарилиган ҳолда нағоён бўлади.

Одатда, *Жами Жамга* мушарраф бўлган киши ҳеч нарсага муҳтоҷлик сезмайди. Айниқса, унинг ёнида “Хизр суйи” ҳам мавжуд бўлса, бу энди ҳар нарсага имкон дегани билан баробардир.

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибамдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Жоми Жамшид Жамшиднинг жоми қадағи демакдир.– Жамшид Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда кенг тарқалган қадимий мифик қаҳрамонлардан бири. У кашф қилган жом – қадаҳ ва унинг ичидаги суюқлик сеҳрли кучга эга бўлиб, гўё жом оламдаги ҳодисаларни ўз эгасига башорат қилиб, олдиндан кўрсата олиш хусусиятига эга бўлган, унинг ичидаги май эса кишини баҳтиёликка, мангаликка мұяссыр қилган⁹.

Хизр пайғамбарлардан бири сифатида ҳам эътироф этилади. Афсоналарга кўра, у Искандар билан бирга зулумот (қоронғилик олами)дан мангу ҳаёт – тирқлик сувини бирга излаган. Искандар йўлда адашиб қолади ва бу сувни ичиш Хизргагина насиб қилади. Мумтоз Шарқ адабиётида ёрнинг лаби (яъни ёр айтган сўзлар)

⁹ Абдулманнони Насриддин. Фарҳагши мушкилоти адабиёт (номаи мухтасар) – // Куллиёти Осор (дар ҳафт мужаллад. Жилди чорум. – Хужанд, “Хурросон”, 2013 с.446-447; Муҳаммаджъഫари Ёҳаққи. Фарҳанги асотир ва достонвораҳо дар адабиёти форси. Тахия бо шарху тавзехот ва таълиқот Рустами Ваҳҳоб. – Душанбе, “Бухоро”, 2014, с.584-588).

мана шу тириклик сувига ўхшатилади. “Тасаввуфда у ишқ-муҳабат булоги, ҳақиқат нурининг манбаи”¹⁰ сифатида талқин этилади.

Лирик қаҳрамон – ошиқ соқий ҳузурида бир гадо, холос. Зеро, “соқий” сўзининг лугавий маънои май қуйиб берувчи дегани бўлса да, у тасаввуф адабиётида асосан рамзий маънода қўлланади: унинг асл мағиз-моҳияти маърифат манбаси эканлиги билан белгиланади. Шунда лирик қаҳрамон дунёнинг моддий неъматларидан юз ўтирган кишиларгина қаноат ва ифтихор туйғуларга эга.

Охирги байт – мақта шеърнинг ўзига хос якуни сифатида майдонга чиқади. Шунга кўра у барча байтлардаги фикр оқимини давом ҳам эттиради, айни пайтда уларнинг мантиқий поёнини ҳам кўрсатади.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Бу ерда “ғусса чангидин” ифодаси орқали яна бир сўз ўйини амалга оширилмоқда. Унинг маъносини тўла тасаввур қилиш фақат шу сўзининг ўзига эътибор бериш билан чегараланмайди. Энди “наво” ва “ушшоқ” сўзларига ҳам диққатни қаратиш зарур. Уларнинг ўзлари англатган лугавий маънодан ташқари куй номларини ҳам билдириши эсга олинса, “ғусса чангидин” истиорасининг икки маънояда қўлланганини тушуниш осон кечади.

Бокижон ТЎХЛИЕВ

¹⁰ Комилов Н. Жон ва жонон можароси. – // Алишер Навоий. Фазаллар, шархлар. Сурʼаба нашрла тайёрловчилар А.Шаропов, Б.Эшпӯлатов).– Т.; Камалак, 1991, тоғ бет. Бу ҳақда қаранг: Абдулманнони Насриддин. Фарҳаги мушкилоти адабиёт (номаи мухтасар) – // Куллиёти Осор (дар ҳафт мужаллад. Жилди чорум. – Хужанд, “Хурросон”, 2013 с. 435; Муҳаммаджъӣфари Ёҳаққи. Фарҳанги асотир ва достонвораҳо дар адабиёти форси. Тахия бо шарху тавзехот ва таълиқот Рустами Ваҳҳоб. – Душанбе, “Бухоро”, 2014, с.584-588).

“Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолаттур санга”

Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолаттур санга,
Лутфунг ўлса, юз менингдекдин фароғаттур санга.

Эй мени саргаштадин гаҳ фориғу гоҳи малул,
Қаҳринг ул, лутфунг бу, ёрабким, не одаттур санга?
Лутфунг ози жон олур, қаҳринг күпі ҳам ўлтуур,
Булъажаб ҳоледуур, оё не ҳолаттур санга.

Панд эшитмай севдинг они, эй күнгүл, чек дарду ранж,
Оздурур ҳар лаҳза гар юз мунча оғаттур санга.

Ваҳм эт оҳим ўтидин, эй гулки, даврон боғида
Кўз ёшимдин бу қадар лутфу тароваттур санга.

Эй қуёш, меҳр аҳлини куйдурма бу водийдаким,
Гармравлар оҳидин мунча ҳарораттур санга.

Эй Навоий, истама васл ул қуёшдин заррадек,
Чун неча ул қилса истиғно, ҳақораттур санга.

- V - - - V - - - V -
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Малолат – малол келиши, хафа бўлмоқ
Фориг – осойишта, эҳтиёжсиз
Малул – хафа, ранжиган

Булъажаб – ғалати, тушунарсиз

Панд – ўтит, насиҳат

Ранж – азоб, қийинчилик

Гармрав – бир ишга қаттиқ киришган, событ турувчи

Истиғно – ҳожатсизлик

Насрий баён

Қаҳринг келса, менинг барча ишларимдан хафа бўлиб ранжийсан. Мехрибон бўладиган пайтларинг мен кабиларнинг юзтасини ҳам эсингдан чиқарасан.

Мен бечорадан гоҳи ғазаблансанг, гоҳида эсингта ҳам келтирмайсан. Бунақа қаҳру ғазаб ва лутфу марҳамат кўрсатишга қаердан одат қилдинг?!

Қаҳрингнинг күпі ҳам, озгина лутфу марҳаматинг ҳам кишини ўлдирур. Бу ҳолатинг нақадар ажойиб!

Эй күнгил, насиҳатга қулоқ солмай, уни севдинг, энди дарду ранжига чида. Бунақа оғатлар ҳар лаҳзада юз чандон бўлса ҳам, сенга асли кам.

Эй гул, оҳимнинг ўтидан андиша қилки, даврон боғида сенинг гуллаб яшинашинг менинг тўккан кўз ёшларим туфайли эрур.

Эй қуёш, меҳр водийсида саргардон бўлганларни бу қадар куйдурма. Негаки, сенинг ҳароратингнинг манбаи аслида шуларнинг оҳи ўтидир.

Эй Навоий, заррадек бўлсанг да ул қуёш васлини истама. Унинг ҳожатсизлиги қанча аёналашса, сенинг ноchor ва ҳақирилигинг шунчалик яққол кўринур.

Шарҳ ва изоҳлар

Тасаввуф манбаларида келтирилишича, барҳақ авлиё Зуннун Мисрийнинг зиёратига келган бир вазир сухбат асносида шундай деган экан:

Мен подшоҳимни жуда яхши кўраман. Ҳазратимнинг кичик бир марҳамати кўнглим гулшанини яшнатиб юборади. Шунинг

баробарида шохимнинг ғазабидан жуда қўрқаман. Подшохимнинг ғазаби тифи остида жоним япроқдек қалтираб яшайман.

Зуннун бу гапни эшитгач, йиглаб айтиби:

Қанийди сен султонингдан қўрққанингчалик мен ҳам Оламлар
Подшоҳидан қўрқсам эди...

Тахлил қилмоқчи бўлганимиз ушбу ғазалнинг дастлабки уч
байтида ҳам ёрнинг меҳри ва қаҳри ҳақида сўз юритилади. Ёр
ғазабга келганда ошиқнинг барча қилмишларидан малоланса,
лутф ва марҳамат кўрсатадиган чоғларда балокашларини эсидан
чиқариб қўяди. Ёрнинг қаҳрига учраган ошиқнинг наздида бўстон
биёбонга айланса, лутвидан баҳраманд бўлган чоғда гулхан гул-
шанга эврилади. Муҳаббат синовларида кўп марта итоб ва иқобга
дуч келган, озгина лутфу марҳамат кўrsa, хурсандчиликдан кўта-
ролмай ҳалокатга етадиган ошиқ ўз ҳолидан кўра ёрнинг ҳолати-
ни билиши муҳимроқ. Бошқача қилиб айтганда, у ўз жонини ўй-
ламайди, балки бундай ғалати ҳолат, яъни қаҳрнинг кўпидан ва
лутфнинг озидан ҳалок бўладиган ошиқ ҳолати ёрнинг кайфияти-
ни бузмаслиги муҳимроқ:

Эй мени саргаштадин гаҳ фориғу гоҳи малул,
Қаҳринг ул, лутфунг бу, ёрабким, не одатдур санга?

Лутфунг ози жон олур, қаҳринг кўпи ҳам ўлтуур,
Бульяжаб ҳоледуур, оё не ҳолатдур санга.

Бундай “бульяжаб ҳол”га тушишга асосий сабабчи ақлнинг на-
сиҳатини эшитмай, севги дардига мубтало бўлган кўнтил. Энди удар-
ду ранж чекишга мажбур. Ҳар бир лаҳзада юз чандон дарду ранж етса
ҳам, унинг учун озлик қиласди. Шиблий Бағдодий айтганидек, бало
oshiқларнинг неъматидир. Парвардигор ҳикмати билан бандага ба-
ло-ю оғат етса, инояти туфайли шу балони бартараф этишга имон ва
куvvat ҳам берилади. Оғат висол ва қурбат ҳосил қилувчи синовдир:

Панд эшитмай севдинг они, эй кўнгул, чек дарду ранж,
Оздуур ҳар лаҳза гар юз мунча оғатдур санга.

Кейинги икки байтда “гул” ва “қуёш” сўzlари маҳбуба истиоралари
бўлиб хизмат қилган. Байтдаги талқинга кўра даврон боғида гуллар-
нинг ҳусну таровати ошиқларнинг кўз ёши туфайли, осмон қуёшининг
ҳарорати эса ҳижрон даштида қолганларнинг охининг тафтидандир. Оламнинг нуру рўшнолиги, замоннинг гуллаб яшнаши ҳусн ва ишқ
аҳли туфайли экан, ҳусн аҳли ҳам ишқ аҳлини бутқул эсдан чиқармай,
ҳар замон уларга илтифот кўрсатиб туришлари керак:

Ваҳм эт оҳим ўтидин, эй гулки, даврон боғида
Кўз ёшимдин бу қадар лутфу тароватдур санга.

Эй қуёш, меҳр аҳлини куйдурма бу водийдаким,
Гармравлар оҳидин мунча ҳароратдур санга.

Мактабда Навоий висолни талаб этмаслик кераклиги ҳақида
сўз юритади. Унинг талқинида зарра қуёшга интилиши қанчали
ноўрин бўлса, ошиқнинг ҳолига бепарво маҳбубадан висол таъма
қилиш шунчалик нотавонлик нишонасидир. Бу талқинга кўра, ви-
сол талаби муносиблик даъвоси ва ошиқлик иддаоси яширин. Ишқ
аҳли эса иддао ва даъводан йироқ зотлардир. Зотан, даъво йўқол-
ган кўнгилдагина муҳаббат макон тутади:

Эй Навоий, истама васл ул қуёшдин заррадек,
Чун неча ул қилса истиғно, ҳақоратдур санга.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга...”

Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга,
Лутфунг ўлса, юз менингдекдин фароғатдур санга.

Эй мени саргаштадин гаҳ фориғу гоҳи малул,
Қаҳринг ул, лутфунг бу, ёрабким, не одатдур санга?

Лутфунг ози жон олур, қаҳринг күпи ҳам ўлтуур,
Булъажаб ҳоледуур, оё не ҳолатдур санга.

Панд эшитмай севдинг ани, эй күнгүл, чек дарду ранж,
Оздуур ҳар лаҳза гар юз мунча офатдур санга.

Ваҳм эт охим ўтидин, эй гулки, даврон богида
Күз ёшимдин бу қадар лутфу тароватдур санга.

Эй қуёш, меҳр ахлини куйдурма бу водийдаким,
Гармравлар охидин мунча ҳароратдур санга.

Эй Навоий, истама васл ул қуёшдин заррадек,
Чун неча ул қилса истиғно, ҳақоратдур санга.

- V - - - V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Малолат – малолат, андух, ғам, ғусса, азият
Фарогат – осудалик

Саргашта – сарсон, оввора, саргардон, паришон
Фориг – тинчиган, бүшаган

Малул – ранжиган, хафа, ғамгин, жафо чеккан
Булъажаб – ғалати, ажойиб, қизиқ

Ранж – қийинчилик, меҳнат, машаққат
Лутф – меҳрибонлик, марҳамат, шафқат

Тароват – роҳат, салқин ҳавода роҳатланиш; сўлимлик, сал-
қинлик; яшнаш, сафоланиш

Гармрав – оташнафас, олов нафасли
Истиғно – эҳтиёжислик, ноз-истигно

Насрий баён

Қаҳринг келса, ҳамма ишимдан сенга азият етади (ёқтирмайсан), агар лутфингни бағишиласанг, мен каби юзлаб (ошиқдан) ҳам сенга (ҳеч қандай зиён йўқ, фақат) осудалик, ҳаловат етади, яъни барчамизга эътиборсизсан.

Эй мен оввора ва паришон ошиғингдан гоҳи фароғат, гоҳи ма-
лолат туйган маъшуқам, қаҳранг ундей, лутфинг бундай бўлса,
одатингни ҳам тушуниб бўлмай қолди, ўзи?!

Лутфинг оз бўлса, жоним олгудай изтиробда қоламан, қаҳ-
рингнинг кўплиги ҳам ўлдиргудай бўлади, (сенинг бу феълинг, ўз-
гариб турадиган кайфиятинг) қандай ғалати ҳол бўлди-я?!

(Доноларнинг севма ва азият чекма деган) панд-насиҳатлари-
ни эшитмасдан уни севган ўзинг бўлдинг, (бу саркашлигинг учун)
энди дард ва мاشаққатларни тортавер, агар ҳар лаҳзада (ишқ дас-
тидан) бундан юз марта кўп офат бўлса ҳам сенга оздир (аслида).

Бу замон богида тўккан кўз ёшларимдан осойишталик ва ва-
яшнашни туйсанг ҳамки, эй гул(дай яшнаб турган гўзал маъ-
шуқам), (ишқинг таъсирида мен чекаётган) оҳларимнинг ўтидан
ваҳимага туш.

Эй қуёш(дай ҳусну таровати барқарор гўзалим), ошиқларинг-
ни ишқ водийсида кўп (ҳажринг ва изтиробларинг ўтида) куй-
диравермаки, аслида юзингдаги иссиқлик ва ҳарорат оташнафас
ошиқларинг оҳидандир.

Эй Навоий, у қуёшдек куйдирувчи гўзалдан заррадай висол ис-
ташнинг ҳам фойдаси йўқ, (чунки унинг сенга нисбатан туйгани
фақат нозу истиғо бўлаяпти. Бу) эҳтиёжисликлар эса сенга ҳақо-
ратдир, билсанг.

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳлил қилаётган навбатдаги етти байтлик шаклан мусал-
сал, мазмунан ошиқона ғазал – бу маъшуқанинг озорларига ошиқ-
нинг муносабати ҳақидадир.

Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга,
Лутфунг ўлса, юз менингдекдин фароғатдур санга.

Қаҳринг келса, ҳамма ишімдан сенга азият етади (ёқтирмайсан), агар лутфингни бағишиласанг, мен каби юзлаб (ошиқдан) ҳам сенга (хеч қандай зиён йўқ, фақат) осудалик, ҳаловат етади, яни барчамизга эътиборсизсан.

Навоий ижодида маъшуқанинг ўзига хослиги – характеристи очиб берилган ғазаллар жуда кам учрайди. Борлари ҳам унинг ташки кўриниши билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Маъшуқанинг от сакратиши, чавгон ўйнаши, ошиқни кўйдириб ранг-барант либос кийиши кабилар шулар жумласидан. Ушбу ғазал шуниси билан ҳам аҳамиятлики, унда маъшуқанинг характеристи ошиқка бўлган муносабати тасвирида акс этган.

Маъшуқа нафақат гўзал, балки характеристи жиҳатидан ҳам мураккаб шахс. Унинг ошиқка бўлган муносабати тушунарсиз. Гоҳи унга илтифот қилса, гоҳи ҳар бир сўзи, хатти-харакати малол келганлигини очиқ билдиради. Ошиқнинг эса бундай турфахилликдан юраги зада бўлади. Маъшуқанинг ўзига бўлган ҳақиқий муносабатини билмай, кўнгли ўртанади. Э-воҳки, бундай ўртанишдан хижрон азоблари енгил ва маъқул кўринади. Ғазалда мана шу ҳолатнинг тадрижий ривожи қаламга олинади.

Байтда қаҳринг ва лутфунг, фарофат ва малолат сўzlари орқали тазод ҳамда мувозана санъатларига мурожаат этилган.

Эй мени саргаштадин гаҳ форигу гоҳи малул,
Қаҳринг ул, лутфунг бу, ёрабким, не одаттур санга?

Эй мен оввора ва паришон ошиғингдан гоҳи фарофат, гоҳи малолат туйган маъшуқам, қаҳранг ундей, лутфинг бундай бўлса, одатингни ҳам тушуниб бўлмай қолди, ўзи?!

Навбатдаги байтда маъшуқанинг турфа одаларидан ҳайратда қолган, кўнгли зада бўлган ошиқнинг чорасизларча берган саволи акс этган.

Байтда фориғ ва малул, қаҳринг ва лутфунг сўzlари орқали тазод, гоҳ, гоҳи сўzlари орқали такрир санъатига мурожаат этилмоқда. Байтда илтифот санъатидан ҳам фойдаланинган.

Лутфунг ози жон олур, қаҳринг кўпи ҳам ўлтурур,
Булъажаб ҳоледурур, оё не ҳолатдур санга.

Лутфинг оз бўлса, жоним олгудай изтиробда қоламан, қаҳрингнинг кўплиги ҳам ўлдиргудай бўлади, (сенинг бу феълинг, ўзгариб турадиган кайфиятинг) қандай ғалати ҳол бўлди-я?!

Лутфнинг озлиги яни, эътиборсизлик, ошиққа озор беради. Қаҳринг кўпи, яни малолланиш ҳам уни жон ўртовчи ҳолатга солади. Бу аросат аро ошиқ маъшуқанинг асл ниятини билмай ҳайрат ва изтироб алангасида ёнади. Умуман, муҳаббат инсон ҳаётида аномрал ҳолат бўлиб, нормал инсон учун ўта майда туюлган ҳодисалар ошиқ учун глобал муаммоларга айланиб кетиши табиий ҳол.

Байтда лутфунг ва қаҳринг, оз ва кўп сўzlари орқали тазод, жон олур бирикмаси ва ўлтурур сўзи орқали таносиб, ҳол ва ҳолат сўzlари орқали эса иштиқоқ ҳамда муболаға санъатларига мурожаат этилган.

Панд эшитмай севдингани, эй кўнгул, чек дарду ранж,
Оздурур ҳар лаҳза гар юз мунча офаттур санга.

(Доноларнинг севма ва азият чекма, деган) панд-насиҳатларини эшитмасдан уни севган ўзинг бўлдинг, (бу саркашлигинг учун) энди дард ва машаққатларни тортавер, агар ҳар лаҳзада (ишқ дастидан) бундан юз марта кўп офат бўлса ҳам сенга оздир (аслида).

Тўртингчи байтда шоир ўз кўнглига мурожаат этади. Байтда илтифот, дарду ранж сўzlари орқали таъдид, ишқ изтиробларини офат, деб таърифлаш орқали эса муболаға санъатларига мурожаат этилган.

Ваҳм эт оҳим ўтидин, эй гулки, даврон боғида
Кўз ёшимдин бу қадар лутфу тароватдур санга.

Бу замон боғида тўккан кўз ёшларимдан осойишталик ва ва яшнашни туйсанг ҳамки, эй гул(дай яшнаб турган гўзал маъшуқам), (ишқинг таъсирида мен чекаётган) оҳларимнинг ўтидан ваҳимага туш.

Навбатдаги байтда яна ошиқ маъшуқага мурожаат этмоқда. Кўз ёшимданку, осойишталик ва марҳамат топдинг, эй даврон боғида гулдай очилган севгилим, лекин мен чеккан оҳим ўтидан эҳтиёт бўл. Ахир ошиқнинг чеккан оҳи еру осмонни кўйдириб юбориши хеч гап эмас.

Байтда эй гул бирикмаси ёрдамида илтифот, гул сўзи во-
ситасида истиора, лутфу тароват сўzlари билан таъдид, оҳим ўти,
кўз ёшим бирикмалари орқали таносиб санъатлари ҳосил этил-
моқда.

Эй қуёш, меҳр аҳлини куйдурма бу водийдаким,
Гармравлар оҳидин мунча ҳароратдур санга.

Эй қуёш(дай ҳусну таровати барқарор гўзалим), ошиқларинг-
ни ишқ водийсида кўп (ҳажринг ва изтиробларинг ўтида) куй-
диравермаки, аслида юзингдаги иссиқлик ва ҳарорат оташнафас
ошиқларинг оҳидандир.

Меҳр аҳли – ошиқларни эътиборсизлигинг, саркашлигинг билан азоблаб куйдираверма, сендаги бу иссиқлик, кишини ўзига тортадиган ҳарорат оташнафас ошиқларинг оҳидан пайдо бўлган, ўзи. Шундай экан, уларга ҳам эътибор қил, одам ўрнида кўр, дея ёлворади бечора ошиқ.

Байтда гармрав, оҳ ва ҳарорат, қуёш ва меҳр сўzlари билан таносиб, эй қуёш бирикмаси воситасида истиора, муболага санъатларига мурожаат қилинган.

Мактабда Навоийнинг ишқпараст лирик қаҳрамони ёрининг нозу истиғносидан тўйиб, ишқдан тавба қилгандай бўлади.

Эй Навоий, истама васл ул қуёшдин заррадек,
Чун неча ул қилса истиғно, ҳақоратдур санга.

Эй Навоий, у қуёшдек куйдирувчи гўзалдан заррадай висол ис-
ташнинг ҳам фойдаси йўқ, (чунки унинг сенга нисбатан туйгани фақат нозу истиғно бўляпти. Бу) эҳтиёжсизликлар эса сенга ҳақоратдир, билсанг.

Байтдаги заррадек сўзини иккинчи маъносига эътибор қарат-
сак, кўз олдимизда байтнинг ҳам иккинчи маъноси зохир бўлади.

Яъни: Эй Навоий у қуёшдек нур сочувчи гўзал. Қуёшдек машхур ва севимли. Сен эса заррадай ожиз ва ночорсан. Шундай экан, ундан висол исташ тўғри эмас. У ҳар қанча истиғно – эҳтиёжсизлик намоён этса, сен учун бу ҳақорат бўлади.

Байтда қуёш ва зарра сўzlари орқали айни пайтда таносиб ва маънавий тазод, Навоийга мурожаат этиш орқали эса илтифот санъатлари ҳосил этилмоқда.

Кейинчалик бу йўналиш, яъни маъшуқанинг озорларига муносабат билдириш, ёрнинг характеридаги саркашликни тасвирилаш бошка ижодкорлар ғазалларида ҳам ўз аксини топди.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Эй алифдек қоматинг мийли бузулған жон аро...”

Эй алифдек қоматинг мийли бузулған жон аро,
Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.

Кулмагинг ичра малоҳат уйладурким, шўхлар
Ўйнамоқдин юз ёштурурлар гули хандон аро.

Гар каломингни Масих анфоси дедим, эй ҳабиб,
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар Куръон аро.

Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари
Су ичарда гўта топмиш чашмайи ҳайвон аро.

Хаста кўнглум оҳи кўнглунгта дедим қилгай асар,
Қайдা ўлтурсун вале бемор ўқи сандон аро.

Бошта гавҳар гўйининг фикридин ортар дардисар,
Кимки кечти бошидин, гўй урди бу майдон аро.

Уйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.

Лаълинг олған күнглум аҳволин мунажжим чун күрар,
Айтур ул овора бұлған ғойибингдур қон аро.

Эй Навоий, ишқ дарди күрган эл күнглини бузар,
Хар харошеким, унунг зохир қилур афғон аро.

— V — — V — — V — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лұғат

Ганж – хазина

Мийл – 1) Темир ё ёғочдан ясалған, мозорлар ёки забт этил-
ган қасрлар устига санчиладиган туғ. 2) Сурма тортадиган чұп.
3) Захимларни тикадиган жаррохлик игнаси.

Жавҳар – гавҳар; моҳият

Анфос – нафаслар

Пайкон – үқнинг темир учи

Сандон – темирчининг садоғи

Гүй – копток, соққа

Адно – тескари

Амин – омонлик, тинчлик

Сокин – яшовчи

Гүнбади гардон – айланма фалак

Харош – нола

Насрий баён

1. Эй қомати алифдек гүзәл, сенинг қоматинг жоним ўртасида жойлашган. Ҳуснинг хазинасининг моҳияти бузилган хотиридама асранныңда.

2. Сенинг малоҳатли кулиб табассум қилишларинг гүзәл шүхлар юзларини гуллар орасида яширганларига менгзайди.

3. Эй ҳабибим, агар каломингни Исо Масих нафасига үхшатган бўлсам, мени айб этма, чунки Қуръон үқигандан ҳам гоҳида ғалат тушади.

4. Сенинг ўқларинг мени тирилтиримоқда, пайконларига ишлов берилаётганда Хизр чашмасидан сув бергандек гүё.

5. Ишқингдан бемор күнглимдан чиққан оҳим сенинг күнлиниңга таъсир этади, деб хато қилган эканман. Ахир, синган үқ темирчининг садогини тешиб ўтолмайдык?

6. Бу синов майдонида мол дунё, дурру жавоҳир йигишга тушса, бош оғриқ орттиради. Кимки бошидан кечса, ушбу майдонда албатта голиб чиқади.

7. Чархи фалак остида бир дам омонлик бўлмаса, ажабланмаслик керак, чунки тескари айланадиган уйни маскан тутган киши бир лаҳза ҳам хотиржам ўтиrolмайди.

8. Мунажжим лаъли лабинг ишқида ғойиб бўлган күнглимни фол очса, айтурким, ғойиб бўлганинг қон ичра қолмиш.

9. Эй Навоий, фигон чеккан чоғингдада күнглингдан чиққан ҳар бир ноланг ишқ дардидан хабардор элнинг күнглини бузади.

Ғазалнинг умумий мазмун моҳияти

Матлаъда китобат санъати истиора, ташбех ва ийҳом санъатлари билан қоришиқ ҳолатда келтирилган. Ёрнинг алифдек қомати жоннинг ўртасида жойлашгани ҳақидаги үхшатиш Навоийнинг ўзида ҳам, салафлари ва халафлари ижодида ҳам кўп марта қўлланилган. Жумладан, мактаб дарсликлари орқали бизга таниш бўлган машҳур рубоийсини эслайлик:

Жонимдағи “жим” икки долингға фидо,
Андин сұнг “алиф” тоза ниҳолингға фидо,
“Нун” дағи анбарин ҳилолингға фидо,
Қолған ики нұқта икки холингға фидо.

Таҳлил қилаётганимиз ғазал матлаъида “мийл” сўзининг қўлланилиши тасвир ва тасаввур уфқларини янада кенгайтирган. Лұғатлар изоҳи ва насрий баён қисмидә берилганидек, ёрнинг алиф ҳарфидек расо қомати ишқ лашкари ҳужумининг музafferияти, муҳаббат ғалабасининг туғ – байроғи ўлароқ “бузулған жон аро” ўрнатилган. “Жим” ва “нун” ҳарфи эса бундай үхшатиш ту-

файли зеҳниятимизда бузилган ўлкалар манзарасини гавдалантиради. Агар “мийл” сўзини иккинчи – сурма тортадиган чўп маъносида қўлласак, ёрнинг алифдек қомати ошиқнинг басират кўзини очувчи Сулаймон сурмаси манбаси маъносини билдиради. Мийл сўзи учинчи маънода, яъни захмларни тикадиган жарроҳлик игнаси маъносида қўлланилганида олдинги талқинларни тўлдирувчи янги маъно ва моҳиятларга йўл очади. Шоир мазкур сўзни айнан қайси маънода қўллагани ҳақида ҳукм чиқаришга ожизмиз. Аммо биргина сўз билан турли ва турфа маъноларнинг ҳосил бўлиши – асил шеъриятнинг асосий белгиси яна бир карра ўз тасдигини топмоқда.

Иккинчи байтда ёрнинг малоҳатли табассуми гулшандагулчера гўзалларнинг бекинмачоқ ўйнашига ўхшатилади. “Кулмагинг ичра малоҳат” бирикмаси охирзамон пайғамбарининг “Ал ҳазлу фил қаломи камилҳин фит-таъоми” (сўзлашишда ҳазил-хузул қилиш таомга солинажак туз каби бўлсин) ҳадиси маъносига ишора қиласди. Малоҳат ҳам “милҳ” (туз) сўзи билан ўзакдош. Тузи расо бўлган таом лазиз бўлганидек, чиройли табассум ҳам жонга роҳат бағишлайди. Гулшандагулчера очилган гуллар минг чиройли бўлгани билан, кулиб турувчи гулчехралар бу гуллардан яққол ажралиб туришидек, маҳбубанинг малоҳатли кулгуси бошқаларнинг кулгусидан жонбахшлиги билан ажралиб туради:

Кулмагинг ичра малоҳат уйладурким, шўхлар
Ўйнамоқдин юз ёшуурурлар гули хандон аро.

Учинчи байтда ийҳом унсурлари қўлланилгани сабабли алоҳида изоҳни талаб қиласди. Акс ҳолда, ҳабибининг қаломи Исо Масихнинг нафасидек жонбахш эмас (?), Куръони каримнинг айрим оятларида хато бор (?) каби янглиш хulosалар чиқиши мумкин. Ҳабиб – Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг сифати эканлиги олдинги шарҳларда таъкидланганди. Бу байтда ҳабибининг қаломи Исо Масихнинг жон бағишловчи нафасига ўхшатилгани хатолиги айтилган. Негаки, Исо Масихнинг мўъжизаси у зотнинг вафоти билан тўхтатилган. Ҳабибимиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг мўъжизаси – Куръони карим эса қиёматгача бардавом туради. Исо Масихнинг қаломи ўлик баданларга жон бағишлаган бўлса, Муҳаммад Муста-

фонинг қаломи руҳларни тирилтириш хосиятига эга. Шу маънони Навоий “Сабъаи сайёр”да куйидагича баён этган:

Берур ул бир ўлукка жон сўзидин,
Тан аро киргузур равон сўзидин.
Муни дерлар: “Муҳаммади арабий”,
Ул бирининг “Масиҳ” эрур лақаби.

Фақиҳларнинг ҳукмига кўра, нияти тўғри ва иймони саломат, аммо тажвиддан бехабар одам Қуръон қироати чоғида йўл қўядиган ҳатолари кечирилади. Худди шу каби, ҳабибининг қиёматгача руҳларга жон бағишловчи қаломини адашиб Исо Масихнинг вақтингчалик ўликларга жон бағишаёт мўъжизасига ўхшатгани, бу хато авомнинг Қуръон ўқиши чоғида йўл қўйилган ҳатолари каби кечирилиши, муҳаббатнинг нияти тўғри бўлгани учун айбламаслиги сўралади:

Гар қаломингни Масиҳ анфоси дедим, эй ҳабиб,
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар Қуръон аро.

Кейинги байтда мангалик ва тирикликнинг бошқа бир тимсоли – Хизр алайҳиссаломга абадий умр бағишилаган “чашмайи ҳайвон”га мурожаат қилинади. Шоирнинг лутфига кўра, ёрнинг отган ўқлари ишлов берилаётган пайтида обиҳаёт сувига ботириб олгандек ошиққа жон бағишловчи хосиятга эга. Муҳаббат ўқидан жароҳат олган кўнгил Хизр чашмасидан сув ичгандек барҳаёт бўлади:

Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари
Су иcharда ғўта топмиш чашмайи ҳайвон аро.

Олтинчи ва еттинчи байтлар ахлоқий мавзуга бағишиланган. Жавоҳирлар ҳақиқати китобларга кўра лаъл ва гавҳарлар бош оғригини қолдирувчи хосиятга эга. Навоий талқинига кўра гавҳар, яъни мол – дунё тўплаш аслида ташвиши кўпайтирувчи ортиқча дардисар. Синов майдони бўлган бу дунёда бойлик кетидан

кувмасдан, тирикликтинг асл мақсади йўлида бошини фидо қилишдан ҳам қайтмайдиган инсонгина ғолиб чиқади. Мақсадни аникроқ ифодалаш учун Навоий чавгонбозлик ўйинини тамсил этади: Бир гуруҳ отлиқлар чавгонбозлик пайтида от чопиб, гўй – копток кетидан тинмай югуришади. Ўйин пайти ҳамма гўйни ўз ихтиёрида сақлаб туриш, эгалик қилишга ҳаракат қилади. Ўйин тугагач эса, бирор гўйга эътибор қилмасдан ташлаб кетади. Мол дунё ҳам ўз мохиятига кўра ўйиндан кейин қадрсиз бўлган коптоқдан заррача фарқи йўқ. Шунинг учун, зилзила пайти тескари айланадиган уйда хотиржам ўтириб бўлмагани каби, тинмай айланётган бу фалак остида абадий маскан тутиб бўлмаслигини англаган киши охират тадоригини кўриши керак:

Бошта гавҳар гўйининг фикридин ортар дардисар,
Кимки кечти бошидин, гўй урди бу майдон аро.
Ўйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.

Олтинчи байтда гавҳар йигишни ортиқча дардисар билган шоир саккизинчи байтда ёрнинг лаълдек қизил лаблари васфига ўтади. Манбаларга кўра лаъл маъданига ишлов бериш учун заргарлар олдин уни узоқ бир муддат қонга ботириб кўйишаркан. Қонга тўйинган лаълнинг жилоси ёрқинроқ бўлиб, ишлов бериш пайтида синиб қолмаскан. Навоий ушбу далилдан ишқнинг изтиробини, ушбу лаълни қўлга киритиш ҳақиқий саодат эканини ифода этиш йўлида маҳорат билан фойдаланган. Аммо бу саодатнинг мохиятини ишқ дардидан хабардор кишиларгина англай олади. Худди шунингдек, Навоийнинг ўтли сатрлари ҳам фақат ишқ оташида тобланган кўнгилларгагина таъсир этиб, унинг нолалари муҳаббат дардидан насибадор бўлган қавмни фифонга келтиради:

Лаълинг олған кўнглум аҳволин мунахжим чун кўрар,
Айтур ул овора бўлған ғойибингдур қон аро.

Эй Навоий, ишқ дарди кўрган эл кўнглини бузар,

Ҳар харошеким, унунг зоҳир қилур ағфон аро.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Эй алифдек қоматинг мийли бузулған жон аро...”

-18-

Эй алифдек қоматинг майли бузулған жон аро
Ганжи хуснунг жавхари бу хотири вайрон аро.

Кулмагинг ичра малоҳат уйладурким, шұхлар
Үйнамоқдин юз ёштурурлар гули хандон аро.

Гар каломингни Масих анфоси дедим, эй ҳабиб,
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар Қуръон аро.

Үқларингдин жон топармен, гүйиё пайконлари
Су иcharда ғұта топмиш чашмайи ҳайвон аро.

Хаста күнглум охи күнглунгта дедим қылғай асар,
Қайда ўлтурсун vale бемор ўқи сандон аро.

Бошта гавхар гүйининг фикридин ортар дардисар
Кимки, кечти бошидин гүй урди бу майдон аро.

Үйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.

Лаълинг олған күнглум аҳволин мунажжим чун кўрар,
Айтур ул аввора бўлған ғойибингдур қон аро.

Эй Навоий, ишқ дарди кўрган эл күнглин бузар,
Ҳар харошеким, унунг зоҳир қилур афғон аро.

- V - - - V - - - V -
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лұғат

- Майл – хоҳиш, истак; завқ, ҳавас
Жавхар – Гавхар, қимматбаҳо тош; асл модда; Асос; унсур;
моҳият; Нодир, ноёб; Ҳаёт
Калом – Сұз
Анфос – Нафаслар
Ҳабиб – Қадрдон, дўст; Маҳбуба, маъшуқа, севгили
Ғалат – Янглиш, нотұғри, хато, сахв, ёлғон
Пайкон – Үқнинг металл учи
Гұта – Шүнгіш, сувга шүнғиб чиқиши
Чашмай ҳайвон – Тириклик суви, тириклик булоғи
Гүй – Чонғон тұпі
Дардисар – Бон оғриғи, бошнинг балоси
Адно – Энг паст, қуйи, тубан; Озгина; Кичкина, арзимаган.
Соғын – Бир жойда турувчи, турғун яшовчи
Ами – Тинчлик, омонлиқ, осойишталык; Тинч; хилват; роҳат
Гунбади гардон – Осмон гумбази, мажозан тақдир
Ҳарон – Юриш, кезинш; Дард, алам, азоб; Таъсир, асар; Хириллаш
Ағрон – Фигонлар

Насрий баён

Эй, алифдай тик қоматинг хоҳиши ва ҳаваси бузилған жонга
түшган, бу хуснингнинг ноёб моҳияти ва гавхари вайрона хотирга
(үриашыб олтai гўзал ёрим)!

Кулишингдати малоҳат ёш ва шұх гўзалларнинг ўйнаб очилған
гуллар панасиға юз яширганларига ўхшайди.

Эй сенимли дўстим, сўзингни Масих нафасига тенглаштирсам,
айб қилмаки, хатто Қуръонда хато ёки янглишиш содир бўлған.

Сув ичган пайти гүё тириклик сувига шүнғиб чиққандек, ўқла-
ринг теккан пайт унинг пайконларидан жон топаман.

Хаста күнглимнинг чеккан охи күнглингта асар қиласидими, деб
ўйласам, беморнинг сандонга түшган ўқи қандай таъсир қилсин,
ахир?!

Бошимда гавҳардек (ўйнаётган) човгон тұпнинг фикридан бош оғриғим ортиб бораяпти. Бу майдонга тушишни(ва чавгон үйнашни) истаган ҳар киши бошидан кечириши керак.

Сокинлик, яъни жимлик пайтида ҳам уй секингина тебранар экан, албатта, хотир жам бўлмайди, шундай экан тақдирнинг чархпалагидан омонлик бўлмаслиги ажабланарли эмас.

Лаъл(дек (қизил ва ўтли лаб)инг олган кўнглим аҳволи ҳақида (фолбин) мунахжим фол кўриб, “оввора бўлган ул ғойибингни қон аро (кўрдим)” деди.

Эй Навоий, фигонимдан юзага келган хириллаш ёки дард ишқни кўрган ҳар кишининг кўнглини бузиб, вайрон қилишга қодир!

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳлил қилаётган навбатдаги тўққиз байти ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда бўлиб, маъшуқа мадҳи, ошиқ арзи ҳоли ва орифона фикру мулоҳазаларнинг ўзига хос үйғуналашмасидир.

Матлаъда маъшуқа гўзаллиги ва бу гўзалликнинг ошиққа таъсири тасвирланади:

Эй алифдек қоматинг майли бузулған жон аро
Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.

Ошиқ маъшуқани шунчалар соғинади, яхши кўрадики, натижада, унинг гўзалигини хаёли хотирасига маҳкам үрнашиб олган. Қоматининг хаёли эса жонини забт этган. Байтда яна бир чиройли сўз ўйини бор. Яъни ҳазина вайронада бўлади, деган тушунчага мурожаат этган улуғ шоир “сени эслайвериб, ўйлайвериб, хотирам ҳам вайрон бўлди. Бироқ мана шу вайрон хотирада сенинг ҳуснингнинг хаёли ҳам ҳазина каби пинҳондир”, демоқчи.

Байтда “бузулған жон”, “ганжи ҳуснунг жавҳари”, “хотири вайрон” бирикмалари воситасида истиора, тамсил ва “алифдек” сўзи орқали ташбех санъатларига мурожаат этилган.

Кулмагинг ичра малоҳат ўйладурким, шўхлар
Ўйнамоқдин юз ёштурурлар гули хандон аро.

Навбатдаги байтда маъшуқанинг кулгуси мадҳ этилмоқда. У шунчалик чиройли ва малоҳатли куладики, кулгуси гўзалларнинг туллар орасида юз яширишларига ўхшайди. Байтда маъшуқа кулгуси очилган гулга, ундаги малоҳат гўзаллар ишвасига ўхшатилиб, ҳусни таълил, гули хандон бирикмаси орқали эса истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Гар қаломингни Масиҳ анфоси дедим, эй ҳабиб,
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар Қуръон аро.

Байтни ўқиганимиздаёқ Навоийни Қуръондан хато қидирадиган исбикор ёки ўта хурфикс, деб ўйлашимиз мумкин. Бир оз шошмайлик Навоийнинг тътиқодига ва ўша замон мағкурасига қарайдиган бўлсақ, фикримиз нотўғрилиги аён бўлади. Унда юқоридаги байтнинг маъноси қандай бўлди? Байтда, бизнингча, сўз мансух, яъни бекор қилингани оятлар ҳақида кетмоқда. Маълумки, бирор бир шарнат ҳукмни ҳақида бир нечта турли хил оятлар нозил бўлган. Айтаник, зинокорта, аивал насиҳат қилиш ҳақидаги, сўнгра дарра ва тошибурон жазоси берилган оят, маст қилувчи ичимликлар ҳақида ҳам навбатма-навбат уч хил ҳукм нозил бўлган. Бунда олдинги ҳукмларни ўйлон қилган оят мансух бўлган, яъни бекор қилинган. Навоий мана шундай ғалатликлар ҳатто Қуръонда ҳам ҳанум, бас сенинг сўзингни Масиҳ нафасига ўхшатсан, айбга сабаби, дея маъшуқасидан узр сурамоқда.

Байтда эй ҳабиб сўзи орқали илтифот, Масиҳ сўзи орқали тал-мех санъатларига мурожаат этилган.

Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари
Су иcharда гўта топмиш чашмайи ҳайвон аро.

Навбатдаги байтда маъшуқанинг ўқдай заҳарли нигоҳлари таражинум этилади. Маъшуқа ошиғига заҳарли нигоҳларини қадагани сари унинг пайкондек киприкларидан жон каби ҳаёт нафасини топади. Буни эса сув ичаётган пайт унга шўнғиган ғаввос ҳолатига ўхшатади.

Байтда ўқларинг ва пайконлари сўзлари орқали истиора, иккинчи мисра воситасида тамсил ва муболаға санъатларига мурожаат этилмокда.

Хаста күнглум охи күнглунгта дедим қилғай асар,
Қайда ўлтурсун вале бемор ўки санлон аро

Навбатдаги байтда маъшуқаннинг bemexр ва тошюраклигидан шикоят қилинмоқда. Васлингни талаб қилиб, тортган “оҳ”ларим кўнглингта таъсир қилди, деб ўйласам, янгишган эканман. Ахир, хаста кишининг отган ўқлари сандонга тушса, унга қандай таъсир кўрсатсин.

Байтда ошиқ ўзини хаста кишига, тортган охларини ўққа, маъшуқа қалбини эса сандонга үхшатиб, ҳусни таълил санъатига мурожаат этмокла.

Бошта гавҳар гүйининг фикридин орттар дардисар
Кимки, кечти бошидин гүй урди бу майдон аро.

Навбатда байтда бераҳм маъшуқага хос бўлган яна бир хусуси-ят қаламга оланган. У от миниб, йигитлар билан човгон ўйнайди. Яна бой ва эҳтиёжизлиги туфайли гавҳардек қимматбаҳо тошдан гўй – човгонтўп ясатади. Унинг бу қадар саркашлигини кўрган ошиқ рашқдан азобланади. Лекин маъшуқага гапи ўтмаслиги учун бу ҳолатга эътиroz билдиrolмайди. Аксинча, унга яқинроқ булиш учун ёрнинг ўйнайдиган човгон тўпи ўрнида ўз бошини тутишга ҳам рози бўлади. Байтда, айни пайтда, бу йўлга, яъни ишқ йўлига тушган одам бошидан кечиши керак, деган умумий маъно ҳам ифодаланган

Байтда гавъҳар гўйи бирикмаси орқали истиора, гўй сўзининг тақоридан радд ул-ҳашв илал ҳашв санъатларидан фойдаланилган.

Уйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбали гардон аро

Навбатдаги байтда Навоий газал мавзусидан чекиниб, ижтимоий-орифона мавзуда фикрламоқда. Сокинлик вақтида ҳам тебранадиган, яъни омонат уйда, чайлада яшаган кишининг хотири жам бўлмаслиги табиий. Шундай экан, муттасил тебраниб турадиган такдирнинг чархпалагидан омонлик йўқлиги аник.

Лаълинг олған күнглум аҳволин мунажжим чун күрар,
Айтур ул аввора бўлған ғойибингдур қон аро.

Навбатдаги бегона байтда шоир яна ғазал мавзусига қайтиб маңшукәнинг лаълдай қизил лабларини мадҳ этмоқда ва айни пайтда, бу гўзалликнинг ўз кўнглига кўрсатган салбий таъсиридан арз қилмоқда. Яъни, лаълдай қизил лабларинг кўнглимни олганлигини кўрган мунахжим (фолбин фол куриб) ғойиб бўлган (йўқолган кўнглинг)ни қон ичиди кўрдим, демоқда. Байтда Навоий фолбин мунахжимларнинг бирор воқеани аниқ эмас, умумий тахлитда сўзлашларига ҳам ишора этмоқда.

Байтда аввора бүлгэн гойибинг бирикмаси, лаълинг сўзи орқали истиора, ташхис санъялларидан фойдаланиган.

Эй Навоий, ишқ дарди күрган эл күнглиң бузар,
Хар харошеким, унунг зохир қилур ағфон аро.

Мақтаъда Навоий ишқпараст ва ошиқ лирик қаҳрамоннинг умумий аҳволи ҳақида хулоса тарзида маълумот бермоқда. Яъни, әй Навоий, фарёд пайтида чиққан ҳар бир хириллашингдан чиқадаган топуш ишқ нималигини билган, ишқ кўрган кишиларнинг сунглини бузади. Ҳа, ошиқнинг ўтли охи, нолаю фарёди фақат ишқ кўрган, уни тушунганд одамга таъсир қиласади, ишқсизларга эмас!

Байтда харош, ун ва афғон сўзлари орқали таносиб санъатлари
хосил қилинган.

Умуман олганда, ғазал маъшуқа гузаллиги ва ошиқнинг бу гузалликка иисбатан таъсирланишининг санъаткорона ва донишмандона тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро...”

-19-

Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро,
Бир қора туфроғ дегайким тушти мушки ноб аро.

Қошинг ичра риштайи жонимға чирманған кўнгул,
Анкабутедурки, айлабдур ватан меҳроб аро.

Ул қуёшдин айру ашким ёмғурининг барқидур,
Ўт туташқан ришта янглиғ жисми печу тоб аро.

Ул лаби уннобгун кўнглумга эккан тухми меҳр,
Кўнглум ичра ўшурундури донадек унноб аро.

Ўйқу сайди қасдиға отқан тошингдиндур нишон,
Кўз қораси демагил бу дийдайи бехоб аро.

Чархи дойир баҳридин эл тутмасун соҳил умид,
Ким қутулмас ҳар кишиким, тушти бу гирдоб аро.

Гар Навоий ёдини қилмоқ ҳабиб имкон эмас,
Басдуур мазкур ҳам бўлса гаҳе аҳбоб аро.

— V — — V — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Сунбул – қора рангдаги хушбўй ўсимлик, бу ўринда соч
Сероб – мўл-кўл, етарли

Мушки ноб – ноёб мушк, қора рангли хушбўй модда
Анкабут – ўргимчак
Ашк – кўз ёши
Печу тоб – ўралиш, буралиш, қингир-қийшиқ, жингалак
Унноб – жийда, жилонжийда
Тухми меҳр – муҳаббат уруғи
Сайд – ов
Дийдай бехоб – уйқусиз кўз
Баҳр – денгиз
Гирдоб – гирдоб, қуюн
Мазкур – зикр этилган, айтилган, мана шу
Аҳбоб – дўстлар, қадрдонлар, севиклилар

Насрий баён

Ўша тўкин сунбул (яъни ёримнинг узун ва қалин соchlари) олдида ноёб мушкни кўрганлар, ноёб мушкининг олдида қора тупроқ кўргандай бўладилар.

Қошингнинг ичидаги жонимнинг (омонатгина, ингичка) ипига чирмашган кўнглимни кўрганлар, меҳроб ичига ўргамчак ин курган дейишиади.

Ўша қуёш (юзли ёрим)дан айрилганимдан кейин жисмим ўт туташган бир тола соч каби кўз ўшларим ёмғирининг чақини каби бўлди.

Жийдадек ширин лабли ёримнинг кўнглимга эккан муҳаббат уруғи кўнглим ичидаги жийда донасилик яшириндир.

(Уйқусизликдан қизарган) кўзимнинг қораси эмас, уйқуни овлаш учун отган тошингнинг нишонидир.

Доирасимон чархни денгиз билиб, унинг соҳилидан эл умид тутмасинки, бу гирдобга тушган ҳеч киши қутуломмайди.

Агар севикли дўстда Навоийни (ошкора) эслашга имкон бўлмаса, уни бошқа дўстлар қаторида (бўлса ҳам бир) эслаб қўйсин!

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги ғазал ҳам мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. У маъшуқа гўзаллиги ва унга ошиқнинг муносабати, гўзали

ликнинг жон олувчи таъсири хусусида бўлиб, олдинга ғазалнинг мантиқий давомидир. Чунки ушбу ғазалда маъшуқанинг олинги ғазалда мадҳ этилмаган гўзалликлари тасвирланади.

Матлаъда маъшуқанинг сунбулдай соchlари таърифланади:

Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро,
Бир қора туфроғ дегайким тушти мушки ноб аро.

Маъшуқанинг соchlари шу даражада сероб, яъни узун, қалин ва халқа-халқаки, уни қўрганлар ноёб қора рангли ҳушбўй модда бўлган мушкни бир қора тупроқ деб гумон қиласидар. Бунинг сабаби маъшуқа соchlарининг тим қора ва мушқдан ҳам ўткир ҳушбўйлигидир.

Байтда мушки ноб бирикмасининг такоридан такрир санъатининг радд ул ҳашв илал ҳашв тури ҳосил қилинган.

Қошинг ичра риштайи жонимға чирманған кўнгул,
Анкабутедурки, айлабдур ватан меҳроб аро.

Олдинги ғазалда ошиқ кўнгли маъшуқа лабларига сайд бўлиб, қон ичидаги қолган эди. Бу ғазалдаги байтда эса бечора кўнгил қошлиари орасига ишқ ўтидан ингичкалашиб, кичрайган омонатгина жони ипига боғланган. Бу ҳолатни қўрганлар эса ўргимчак меҳроб ичига жойлашиб олибди, дейишади. Байтда яна бир нозик муқояса бор. Кўнгил ўргимчакка, жон эса унинг нозик ва заиф ипига ўхшатилмоқда. Яъни кўнгил ва жон ўртасидаги нозик боғлиқлик Навоийга хос оригиналлик билан тасвирланмоқда.

Байтда ташбех санъатига мурожаат этилган.

Ул қуёшдин айру ашким ёмғурининг барқидур,
Ўт тулашкан ришта янглиғ жисми печу тоб аро.

Маъшуқа дунёни ёритадиган қуёшсифат гўзалдир. Шунинг учун ундан айрилган бечора ошиқ тинмай ёмғир каби кўз ёши тўқади. Кўз ёшлари орасида тортган ўтили “оҳ”лари эса ёмғир орасида чақнаган чақмоқ каби ишқ озорларидан эгилиб букилиб кетган жис-

мини олов тутишган ипдай бир пасда куйдириб, кул қиласиди. Байтда инсон қалбидаги түғёнлар табиат ҳодисасига ўхшатилмоқда.

Байтда истиора санъатига мурожаат этилган.

Ул лаби уннобгун кўнглумга эккан тухми меҳр,
Кўнглум ичра ёштурундури донадек унноб аро.

Олдинги ғазалда маъшуқанинг лабларини лаълдай қизиллигини тараннум этган улуғ шоир бу ғазалда унинг жийда мевасидек ширин эканлигига эътибор қаратилмоқда. Жийдадек ширин лабли ёр ошиқ қалбига муҳаббат уруғини яширин равища эккан. Бу уруғ улғайиб мева берса-да, ҳалиям ошиқ қалбидаги пинҳон сақланмоқда. Яъни ошиқнинг дарди ошкор бўлса-да, маъшуқанинг ким эканлиги доимо пинҳон. Бу байт Шарқона ахлоқ – ҳаё туфайли маъшуқа шахсининг ошкор қилинмаслиги сабабини ўзига хос поэтик далил ёрдамида изоҳламоқда.

Байтда унноб ва уннобгул сўзлари ёрдамида иштиқоқ, кўнглум сўзининг такоридан радд ул-ҳашв илал ибтидо, тухм ва дона сўзлари ёрдамида таносиб, лаби уннобгул бирикмаси ёрдамида ташбех ва тухми меҳр бирикмаси иштирокида истиора санъатларига мурожаат этилган.

Уйқу сайди қасдиға отқан тошингдиндур нишон,
Кўз қораси демагил бу дийдайи бехоб аро.

Навбатдаги байтда ошиқ шоир ўз ҳолидан арз қилмоқда. Яъни, уйқусизлигимнинг сабаби, демоқда ошиқ ўз маъшуқасига қаратади, сен кўзларимнинг қорасини нишон қилиб, отган тошингдир. Бу айни пайтда тунда сени ўйлаб, ухлай олмаяпман, уйқумни ўғирладинг, деган оддий ўпкалашнинг юксак поэтик талқинидир.

Байт истиора ва ташбех санъати асосига қурилган.

Чархи дойир баҳриддин эл тутмасун соҳил умид,
Ким қутулмас ҳар кишиким, тушти бу гирдоб аро.

Навбатдаги бегона байтда Навоий инсон, олам ва тақдир масаласига яна мурожаат этади. Яъни, чархи дойир, доирасимон чарх

образида бадиийлаштирган тақдирни гирдобли денгиз деб билиб, унга тушган одам соҳилдан умид қиласинки, барibir бу гирдоб уни ютиб юборади, демоқда. Хүш бу қисмат, бу чархи дойир нима ўзи? Ҳар куни бир ташвишни рўкач қилиб турадиган тирикчиликми? Ёки минг хил балога дучор қилиб, инсонни асосий вазифадан – Худога бандалиқдан тўсувчи, йўлдан урувчи нафсми? Ёки бир лаҳза тўхтамай инсонни ҳалакотга – ажалга бошловчи умр йўлими? Балки буларнинг барчасини мужассамлаштиргандир улуғ шоир шу биргина байтда.

Ушбу байт ҳам истиора санъати асосига қурилган.

Гар Навоий ёдини қилмоқ ҳабиб имкон эмас,
Басдурур мазкур ҳам бўлса гаҳе аҳбоб аро.

Мақтаъда Навоий маъшуқасига илтимос билан мурожаат этмоқда. Ёримга айтинглар, агар у мени ўзимни суриштиришга, эслашга ҳам уялса, бошка дўстлар қатори бўлса ҳам бир сўраб, эслаб турсин.

Юқорида маъшуқани осмонлар қадар улуғлаб, таърифлаган Навоий мақтаъда соф инсоний муҳаббатни тараннум этаётгани маълум бўлади.

Байтда ҳабиб ва аҳбоб сўzlари ёрдамида иштиқоқ санъати ҳосил этилмоқда.

Баъзан шоир туйғуси бир шеърга “сигмаган” лигидан бирданига иккита ижод намунаси бирваракайига яратилади. Бундай ижод маҳсулларини эгизак шеърлар дейиш мумкин. Биз ҳозир таҳлил қилган “Фаройиб ус-сигар”нинг 19-ва олдинги 18-ғазаллари улуғ Навоий даҳосидан пайдо бўлган мана шундай эгизак шеърларига ўхшаяпти. Ҳар икки ғазалдаги бир-бирига ўта яқин кайфият, образ ва тасвирлар уйғунлиги, шеърлардаги бир-бирини тўлдирувчи байтлар шундай хулоса чиқаришимизга сабаб бўлди.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайҳун аро...”



-20-

Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайҳун аро,
Ахтари саъде ҳилол ичра кезар гардун аро.

Англамон: Жайҳунда ул ой кема бирла сайр этар,
Ё ҳилолу меҳр аксин эл кўрап Жайҳун аро.

Кемадин ҳар дам чиқиб рангин су кўзум қонидек,
Анда ёр андоқки мардум дидайи пурхун аро.

Борғил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас
Жўнгким, Лайло аморийсин чекар ҳомун аро.

Олма хум гирдобидин бир лаҳза согар заврақин,
Баҳри ғамдин истасанг маҳлас бу даҳри дун аро.

Баҳр мавжидин мушавваш бўлмасун деб хотиринг,
Мавж урад юз баҳри ғам бу хотири маҳзун аро.

Дур бўлур баҳр ичра пинҳон, назмидин шаҳ мадҳида
Баҳр ёшурмиш, Навоий, ҳар дури макнун аро.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Заврақ – қайик
Жайҳун – Амударё

Ахтари саъд – бахт юлдузи
 Ҳилол – янги ой
 Гардун – чархи фалак, осмон
 Мехр – қүёш
 Мардум – одамлар, бу ерда кўз қорачиғи
 Пурхун – қонга тўла, қонли
 Жўнг – кема
 Амора – одам ташиш учун туяга ортиладиган кажава
 Ҳомун – сахро, чўл
 Соғар – шароб ичадиган коса, пиёла, қадаҳ
 Махлас – халослик, қутулиш
 Даҳри дун – пасткаш, ярамас дунё
 Мушавваш – паришон, ташвишли, беором
 Маҳзун – ғамли, ташвишли
 Макнун – яширин, дурри макнун – садаф ичидағи марварид

Насрий баён

Қуёшдай юзи порлок ул гўзал Амударёда қайик ичида сайр қилмоқда деманг, балки гўё янги ой ўртасида осмонни кезаётган бахт юлдузи, деб айтинг.

Амударёда ул ой кема ичида сайр этаяптими ёки одамлар янги ой билан қуёш аксини дарёда кўрмоқдаларми, билмай қолдим.

Кемадан ҳар дамда рангли суюқлик – қизил шароб менинг ҳижронда оқаётган қонли кўз ёшимдай оқаёттир. Кемадаги ёр (шу боис) қонли кўз ичидағи қорачиқа ўхшайди.

Эй Мажнун, нари бор, ахир кажавасига Лайли ўтирган түяning суръати ул отнинг кемаси (қайифи)дай тез эмас.

Бу пасткаш дунё ғами денгизидан кутулмоқчи бўлсанг, хумнинг гирдобидан бир лаҳза қайиқ мисоли май косасини олма.

Ушбу денгиз (ғам денгизи)дан сенинг хотиринг паришон бўлмасин деб, бу ҳазин ва ғамли дилимда юз денгиз ғами тўлқинланиди.

Дур денгиз тубида яширингандай, шоҳ мақтовидаги Навоий-нинг назмини денгиз ҳар бир яширин гавҳар ичига беркитмиш.

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли мазкур ғазални икки қисмга ажратиш мумкин: а) 1-4- ва б) 5-7-байтлар. Аввалги қисм байтларда маҳбубанинг Жайхун (Амударё)да кемада сайру саёҳати тасвиранган. Дарёдаги кема (қайик) ва унда ўтирган маҳбуба осмонда сайр этадиган ҳилол ва ёрқин бахт юлдузига ўхшатилган. Фоят чиройли ташбех! Бу Навоий хаёлоти, бадиий санъаткорлигининг мўжизаларидан биридир. Лайли мингтан түяning сахро кемасига ўхшатилиши ҳам жозибали. Зотан, түяни сахро кемаси дейиш ҳалқ орасида машхур. Лекин Навоийнинг маҳсади фақат түяни сахро кемасига ўхшатиш эмас, балки дарёда кемада сайр қилаётган ёрининг Лайлидан гўзалроқ экани, ҳатто кеманинг суръати карvonдан тезроқ эканини таъкидлаш бўлган.

Ғазалнинг иккинчи қисмida шоир завқли ташбеҳлар тасвиридан бирданига андуҳли оҳангга ўтади ва денгиз, тўлқин, қайик, гирдоб сўзларини ошиқнинг изтиробли кечинмаларини ифодалашда қўллайди. Афтидан, дарёда сайр этаётган ёрга этишиш дарди ошиқни қийнаб, умр, дунё, ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур этгандай бўлади ва май сақланадиган идиш – хумни денгизга, пиёлани эса қайиқقا ўхшатиб, дунё ғамидан ҳалос бўлишнинг бирдан-бир йўли шу майдан ичиб, ҳамма ғамни унтишга чорлайди. Албата, май, тажаллий, хум, соғар бу ерда тасаввуфий маънога эга, яъни: май – илоҳий ишқ, тажаллий – ёр нуридан баҳра олиб, ҳол мақомига эришиш, хум – илоҳий тажаллий манбаи, орифи комил кўнгли, соғар – шу нурдан баҳра олиш, мушоҳадага берилиш, илоҳий насиба.

Шоир қаҳрамони ана шу насибага интилиб, юз ғам денгизи дуч келса ҳам рози бўлишга тайёр.

Хўш, бу қисмлардаги ғоялар орасида қандай боғланиш бор? Боғланиш шуки, биринчи қисмда зоҳирий ҳаёт гўзаллиги шавқ-у завқи тасвиранган бўлса, иккинчи қисмда ботиний ҳаётга ташналий акс этган. Аслида ҳар икки жиҳат ҳам бир-бирига боғлик. Мажоз – ҳақиқат, ҳақиқат – мажоз бўлгач, зоҳирдан ботинга ва ботиндан зоҳирга қараб бориш ҳам мантиқий ҳолдир.

Нажмиддин КОМИЛОВ

Мундарижа

ШАРХЛАР АЛИШЕР НАВОЙЙ ФАЗАЛЛАРИНИ ТАРГИБ ЭТИШНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ	3
“Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо...”	13
“Зихи хуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо...”	19
Шарҳ ва изоҳлар	22
“Эй сафҳайи рухсоринг азал ҳаттидин иншо...”	23
“Эй, сафҳайи рухсоринг азал ҳаттидин иншо...”	26
“Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга...”	31
“Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга...”	36
“Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга...”	41
“Илоҳо, подшоҳо, кирдигоро...”	47
“Эй, нубувват хайлиға хотам баний Одам аро...”	63
“Эй, нубувват хайлиға хотам баний Одам аро...”	68
“Зихи жавлангаҳинг афлок уза майдони “ав адно...”	72
“Зихи жавлонгаҳинг афлок уза майдони “ав адно...”	76
“Зихи жавлонгаҳинг афлок уза майдони “ав адно...”	82
“Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга...”	89
“Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга...”	103
“Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга...”	109
“Синса кўнглумда ўқунг суртиб исиф қондин анга...”	113
“Синса кўнглумда ўқунг суртуб исиф қондин анга...”	117
“Ваҳки ишқинг зоҳир этсам, ваҳм эрур ўлмак манга...”	123
“Ваҳки ишқинг зоҳир этсам ваҳм эрур ўлмак манга...”	128

“Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга...”	134
“Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга...”	140
“Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга...”	147
“Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга...”	152
“Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондор манга...”	157
“Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондор манга...”	162
“Менмуదурменким сенинг васлинг муюссардур манга...”	168
“Менмуదурменким сенинг васлинг муюссардур манга...”	171
“Қўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга...”	176
“Қўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга...”	179
“Қўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга...”	181
“Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга”	188
“Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга...”	191
“Эй алифдек қоматинг мийли бузулған жон аро...”	197
“Эй алифдек қоматинг мийли бузулған жон аро...”	204
“Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро...”	210
“Запрақ ичра ул қўшил сайр айламас Жайхун аро...”	215

- 3378 -



Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

1 ЖИЛД

Монография

Муҳаррир С. Абдунабиева

Бадиий муҳаррир А. Набиев

Компьютерда саҳифаловчи У. Рахматов

Нашр. лиц. АА №0038.
“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти

Босишга рухсат 19.12.2020-йилда берилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ * Офсет усулида босилди.

“PT Serif” гарнитураси. Шартли б.т. 10,75. Нашр ҳисоб т. 10,35.

Адади 40 дона. 16-буортма.

“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти.
100000, Тошкент, Қўйлиқ даҳаси, 5.

ISBN 978-9943-6858-8-8

A standard one-dimensional barcode representing the ISBN number 978-9943-6858-8-8.

9 789943 685888